

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

М. Шарипов, Д. Файзихўжаева

МАНТИҚ

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни
қайта кўриб чиқуши ва янгиларини яратиш бўйича
Республика мувофиқлаштириши комиссияси томонидан
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

**Faфур Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2004**

Масъул мұхаррір: доцент А. Ўтамуродов

Тақризчи: Ўзбекистон ФА академиги, фалсафа фанлари доктори,
профессор **М.М. Хайрулаев**

Ш-Ф **1403000000 – 28**
M 352(04) – 2004 катый буюртма, 2004

ISBN 5-635-02233-2

© М.Шарипов, Д. Файзихұжаева.
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйн, «ЎАЖБНТ»
Маркази, 2004 й.

КИРИШ

Мантиқ, ўқувчи ва талабаларни тўғри фикрлашнинг қонун-коидалари ва мантиқий шакллари билан таништириш асосида «уларни мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш»¹, уларда янги турмуш ва тафаккур тарзини қарор топтиришга ва шу тариқа «уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият курилишининг фаол ва жўшкун иштирокчиларига айлантириш»²га хизмат қилади.

Шуни айтиш керакки, мантиқ бўйича яратиладиган ўқув кўлланмаси янги мафкуравий асосга эга бўлиши билан бир каторда ўзида мазкур илм соҳасида янги пайдо бўлган мавзу ва масалаларни акс эттириши, ўқитиш жараёнида тўпланган илфор тажрибаларни умумлаштириши, янги педагогик технология элементларини мужассамлаштирган бўлиши керак.

Ана шундан келиб чиқиб, муаллифлар мазкур ўқув кўлланмада, биринчи навбатда, формал мантиқнинг ҳозирги пайтдаги ўзига хослигини белгилаб берадиган формаллашган тилини нисбатан чукурроқ ёритишга, унинг ёрдамида мулоҳазалар мантиғи ва предикатлар мантиғи системалари тўғрисида бошлангич маълумотлар беришга ҳаракат қилдилар. Бу, муаллифлар фикрича, маълум бир даражада анъанавий ва замонавий (символик) мантиқ орасидаги кейинги пайтда пайдо бўла бошлаган узилишни бартараф этиш йўлида кўйилган дастлабки қадамлардан бири бўлади.

Шунингдек, тақдим этилаётган ўқув кўлланмада савол ва жавоб, норма (меъёрий қоида), муаммо каби мантиқка кейинги пайтда кўшилган масалаларнинг ёритилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Дедуктив хulosса чиқариш мавзуси янги маълумотлар ҳисобига тўлдирилди. Индуктив хulosса чиқариш ва илмий назария масалаларига янгича ёндашиш амалга оширилди. Талабалар машқлар

¹ И.Каримов. Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига жавоблар. – Т., «Ўзбекистон», 2000, 11-бет.

² Ўша ерда, 19-бет.

орқали эса миллат тафаккури ва мафкурасининг ҳамда умумбашарий маънавий қадриятларнинг илғор намуналарини акс эттиришга бўлган интилишни пайқаб олиши қийин эмас.

Ўкув қўлланма олий ўкув юртларининг нофалсафий мутахассисликлари бўйича таълим оладиган талабаларига мўлжалланган. Муаллифлар буни мантиқ бўйича янги ўкув адабиётини яратиш борасидаги дастлабки тажриба деб қисоблаб, уни мукаммаллаштиришга имкон берадиган танқидий фикр ва мулоҳазаларни мутахассислар ва талабалардан кутиб қолади.

МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ

ТАФАККУР МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ

Келиб чиқишига кўра арабча бўлган “мантиқ” (грекча логика—logos) атамаси «фикр», «сўз», «акл», «қонуният» каби маъноларга эга. Унинг кўпмаънолиги турли хил нарсаларни ифода қилишда ўз аксини топади. Хусусан, мантиқ сўзи, биринчидан, объектив олам қонуниятларини (масалан, «объектив мантиқ», «нарсалар мантифи» каби ибораларда), иккинчидан, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-коидалар йифиндисини (масалан, «субъектив мантиқ» иборасида) ва учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади.

Мантиқ илмининг ўрганиш объектини тафаккур ташкил этади. «Тафаккур» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилидаги «фиркалаш», «аклий билиш» сўзларининг синоними сифатида кўлланилади. Тафаккур билишнинг юқори босқичидир. Унинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун билиш жараёнида тутган ўрни, билишнинг бошқа шакллари билан бўлган муносабатини аниклаб олиш зарур.

Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараёнининг асосини ва охирги максадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган, унинг маълум бир эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган нарсаларни тушуниб этишга бўйсундирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширас экан, кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадни кўядилар. Улар ўрганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда ва шаклларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини ҳиссий билиш – инсоннинг сезги органлари

ёрдамида билиши ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташки хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташки томонида бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳакида маълумотлар олинади.

Ҳиссий билиш уч шаклда: сезги, идрок ва тасаввур шаклида амалга ошади. Сезги предметнинг бирорта ташки хусусиятини (масалан, рангини, шаклини, таъмини) акс эттирувчи яққол образдир. Идрок предметнинг яхлит яққол образи бўлиб, у мазкур предмет ҳакидаги турли хил сезгилаарни синтез қилиш натижасида ҳосил бўлади. Алоҳида олинган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок берилган предметни бошқа предметлардан (масалан, олмани беҳидан, нокдан ва шу кабилардан) фарқ қилиш имконини беради. Тасаввур эса аввал идрок этилган предметнинг образини маълум бир сигналлар (берилган предмет билан маълум бир умумийликка эга бўлган) таъсирида мияда қайта ҳосил қилишдан ёки шу ва бошқа образлар негизида янги образ яратишдан иборат ҳиссий билиш шаклидир. Масалан, танишингизга ўшаган кишини учратганда танишингизни эслайсиз ёки қурмоқчи бўлган иморатингизни мавжуд иморатлар образлари ёрдамида яққол ҳис қиласиз.

Ҳиссий билишнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлари қаторига қўйидагилар киради:

Биринчидан, ҳиссий билиш объектнинг (предметнинг ёки унинг бирорта хусусиятининг) субъектга (индивидга, тўғрироғи, унинг сезги органларига) бевосита таъсир этишини тақозо этади. Тасаввур ҳам бундан истисно эмас. Унда образи қайта ҳосил этилаётган (ёки яратилаётган) предмет эмас, у билан боғлиқ бўлган бошқа предмет-сигнал таъсир этади.

Иккинчидан, ҳиссий билиш шакллари предметнинг ташки хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.

Учинчидан, ҳиссий образ предметнинг яққол образидан иборат.

Тўртингчидан, ҳиссий билиш конкрет индивидлар томонидан амалга оширилганлиги учун ҳам ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет инсоннинг сезиши қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Бешинчидан, ҳиссий билиш билишнинг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади. Усиз билиш мавжуд бўла олмайди. Чунки инсон ташки олам билан ўзининг сезги органлари орқали боғланган. Билишнинг кейинги босқичи, бошқа барча шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Ҳусусан, назарий билимларнинг чинлиги охир-оқибатда эмпирик талқин қилиш йўли билан, яъни тажрибада бундай билимларнинг объектини қайд этиш орқали асосланади. Ўз навбатида, ҳиссий билиш, умуман олганда, акл томонидан бошқарилиб туради, билиш олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. Масалан, гувоҳларнинг берган кўрсатмалари асосида жиноятчининг портрети (масалан, компьютер ёрдамида фотороботи) яратилади, якъол ҳис килинади ва кидирилади.

Лекин, шунга қарамасдан, ҳиссий билиш ўз имкониятлари, чегарасига эга. У бизга алоҳида олинган предметлар (ёки предметлар тўплами), уларнинг ташқи белгилари ҳақида маълумот беради. Унда мавжуд предметлар ўртасидаги алоқадорлик (масалан, муз билан ҳавонинг ҳарорати ўртасидаги боғланиш) ўрганилмайди, предметларнинг умумий ва индивидуал, муҳим ва номухим, зарурый ва тасодифий хусусиятлари фарқ қилинмайди.

Бундан ташқари, баъзи ҳолларда ҳиссиётимиз бизни алдаб қўяди. Унинг асосий сабаблари инсон сезги аъзолари имкониятларининг чегараланганилиги ва шунингдек, предметнинг моҳиятини белгилайдиган муҳим хусусиятларнинг ҳаммавақт ҳам ташқаридан аник, равшан ифодалана бермаслигидан иборат. Масалан, узокдан сизга караб юриб келаётган кишини танишингизга ўхшатасиз, лекин яқинрок келганда унинг бошқа киши эканлиги маълум бўлади. Бошқа бир мисол. Энди танишган кишининг ҳақида дастлабки таассурот (бу асосан унинг ташқи томонидан кўринишига караб ҳосил килинади) баъзан у билан мулокотда бўлгандан кейин ўзгарида. Мана шу ўринда «Кийимиға караб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади» деган мақолнинг ҳиссий билиш билан акл ўртасидаги ўзаро муносабатни, фарқни яхши ифода қилишини таъкидлаш лозим. Юқорида қайд этиб ўтилган холатлар тафаккурга бўлган эҳтиёжни, унинг билишда туттган ўрнини чукур англашга ёрдам беради.

Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори-рационал (лотинча *ratio* – акл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аникланади, улар ўртасидаги ички, зарурый алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Тафаккур куйидаги асосий хусусиятларга эга:

1. Тафаккурда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда иньикос килинади. Ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, тафаккур бизга предметнинг номухим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа билан белгиланади) белгиларидан абстрактлашган (фикран четлашган, мавхумлашган) ҳолда, эътиборимизни унинг умумий, мухим, такрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради. Хусусан, турли кишиларга хос индивидуал белгиларни (хулқ-автор, темперамент, қизиқиш ва шу кабилар) эътибордан четда қолдирган ҳолда улар учун умумий, мухим белгиларни, масалан, мақсадга мувоғик ҳолда меҳнат килиш, онга эга бўлиш, ижтимоий муносабатларга киришиш каби хислатларни ажратиб олиб, «инсон» тушунчасини ҳосил килиш мумкин. Умумий белгиларни аниқлаш предметлар ўртасидаги муносабатларни, боғланиш усусларини ўрнагишини тақозо этади. Турли хил предметлар фикрлаш жараёнида ўхшаш ва мухим белгиларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тарика уларнинг моҳиятини тушуниш, уларни характерлайдиган конуниятларни билиш имконияти туғилади. Масалан, юқорида келтирилган «инсон» тушунчасида барча кишилар бигта мантиқий синфга бирлаштирилиб, улар ўртасидаги мухим боғланишлар (масалан, ижтимоий муносабатлар) билиб олинади.

2. Тафаккур борликни билвосита акс эттира олади. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожаат этмасдан, мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, боланинг хулқ-авторига қараб унинг қандай мухитда тарбия олганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Тафаккурнинг мазкур хусусияти, айниқса, хуносавий фикр ҳосил қилишда аниқ намоён бўлади.

3. Тафаккур инсоннинг ижодий фаолиятидан иборат. Унда билиш жараёни борликда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар – юқори даражада идеаллашган объектлар (масалан, абсолют қаттиқ жисм, идеал газ каби тушунчалар)ни яратиш, турли хил формал системаларни қуриш билан кечади. Улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, бащоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

4. Тафаккур тил билан узвий алоқада мавжуд. Фикр идеал ҳодисадир. У факат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизикларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, ҳис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

ТАФАККУР ШАКЛИ ВА ТАФАККУР ҚОНУНИ ТУШУНЧАЛАРИ

Тафаккур уч хил шаклда: тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш шаклида мавжуд.

Тафаккур шакли фикрнинг мазмунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структураси (тузилиши)дир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода килинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади. Тафаккур шаклининг табиатини конкрет мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

Маълумки, айрим предметлар, уларнинг синфи (тўплами) кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан, «давлат» тушунчасида ўзининг майдонига, аҳолисига, бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади. «Илмий назария» тушунчасида эса предметларнинг бирорта соҳасига оид бўлган ва улар ҳақида яхлит тасаввур берадиган, маълум бир метод ёрдамида қурилган тушунчалар системаси ифода этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу тушунчалар мантикий шаклига кўра бир ҳилдир: ҳар иккаласида предмет унинг муҳим белгилари орқали фикр қилинган «ўз майдонига эгалиги», «аҳолисининг мавжудлиги», «бошқарув воситаларига эгалиги», «сиёсий ташкилотдан иборатлиги» давлатнинг муҳим хусусиятлари хисобланади. Худди шунингдек, «предметларнинг бирорта соҳасига алоқадорлиги», «предмет ҳақида яхлит тасаввур хосил қилишга имконият бериши», «маълум бир метод ёрдамида қурилиши», «тушунчалар системаси шаклида бўлиши» илмий назариянинг муҳим белгилари хисобланади. Агар тушунча акс эттираётган предметни А билан, унда фикр қилинаётган муҳим белгиларни, яъни фикрлаш элементларини а, в, с,..., п билан белгиласак, тушунчанинг мантикий структурасини А (а, в, с,..., п) шаклида символик тарзда ифодалаш мумкин.

Ҳукмларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар, предметнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслик факти ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан, «Темир–металл» деган ҳукмда предмет (темир) билан унинг хоссаси (металл эканлиги) ўртасидаги муносабат қайд этилган. «Ахлоқ ҳуқуқ билан узвий алоқада» деган ҳукмда иккита предмет (ахлоқ ва ҳуқуқ) ўртасидаги муносабат қайд этилган. Мазмун жиҳатдан турли хил бўлган бу ҳукмлар тузилишига кўра бир ҳилдир: уларда предмет ҳақидаги тушунча (S) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча (P) ўртасидаги муносабат қайд

этилган, яъни Р нинг S га хослиги тасдиқланган. Умумий ҳолда ҳукмнинг мантикий структурасини (шаклини) S—P формуласи ёрдамида ифода этиш мумкин.

Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолларни кузатиш мумкин. Масалан,

“Дараҳт – ўсимлик”.
“Терак – дараҳт”.

Демак, “Терак – ўсимлик”.

ёки

“Хар бир кимёвий элемент ўз атом оғирлигига эга”.

“Мис – кимёвий элемент”.

Демак, “Мис ўз атом оғирлигига эга” кабилар.

Бу хулоса чиқариш ҳоллари мазмуни бўйича турлича бўлишига қарамасдан, бир хил мантикий структурага эга. Хар иккаласида хулосани ташкил этувчи тушунчалар хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат килаётган ҳукмларда учинчи бир тушунча (биринчи мисолда – «дараҳт», иккинчи мисолда – «кимёвий элемент» тушунчаси) орқали боғланган.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан тафаккур шаклининг фикрнинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлиши ва, демак, ўзига хос қонуниятларга эгалиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам мантиқда уни алоҳида ўрганиш предмети сифатида олиб қараш мумкин.

Тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал мантикий шакллари, унинг асосий структуравий элементлари хисобланади. Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида вужудга келадиган бошка мантикий структуралар (масалан, муаммо, гипотеза, назария, ғоя ва шу кабилар)да амалга ошади.

Муҳокама юритишда ишончли натижаларга эришишнинг зарурий шартлари қаторига фикрнинг чин бўлиши ва формал жиҳатдан тўғри курилиши киради. Чин фикр ўзи ифода килаётган предметга мувофик келувчи фикр хисобланади (масалан, «темир – металл»). Хато фикр предметга мос келмайдиган фикрdir (масалан, «темир – металл эмас»). Фикрнинг чин ёки хато бўлиши унинг мазмунига тегишли ҳусусиятларидир.

Фикрнинг чин бўлиши мантикий фикр юритишнинг зарурий шарти бўлса-да, ўз ҳолича етарли эмас. Фикр муҳокама юритиш жараённада формал жиҳатдан тўғри курилган ҳам бўлиши керак. Бу ҳусусият фикрнинг шаклига тааллукли бўлиб, тафаккурда ҳосил бўладиган турли хил мантикий структураларда содир бўладиган ҳар хил мантикий амалларда ўз аксини топади.

Фикрни тўғри куришга тафаккур қонунлари талабларига риоя қилгандагина эришиш мумкин. Тафаккур қонуни

муҳокама юритиши жараёнида фикрлар (фикрлаш элементлари) ўртасидаги мавжуд зарурый алоқалардан иборат. Тафаккур қонунлари мазмунидан келиб чиқадиган, муҳокамани тўғри қуриш учун зарур бўлган талаблар фикрнинг аник, изчил, етарли даражада асосланган бўлишидан иборат.

Муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ талаблар ҳақида гапиргандга, биринчи навбатда, уларнинг муайян принциплар, қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур принциплари сифатида амал қилишига эътибор бериш зарур. Мазкур қоидаларнинг бузилиши муҳокаманинг нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда, хусусан, чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (масалан, «Қонун – риоя қилиш зарур бўлган ҳукукий ҳужжат», «Бўйрук қонун эмас», демак, «Бўйрук риоя қилиш зарур бўлган ҳукукий ҳужжат эмас») ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши (масалан, «Барча моддий жисмлар – кимёвий элементлар», «Темир – моддий жисм», демак, «Темир – кимёвий элемент») мумкин.

Тафаккур кўп киррали жараён бўлиб, уни турли хил томондан, хусусан, мазмуни ва шакли (структураси) бўйича, тайёр ҳолида ёки келиб чиқиши ва тараққиётида олиб ўрганиш мумкин. Буларнинг барчаси мантиқ илмининг вазифасини ташкил этади, унинг турлича методлардан фойдаланишига, ҳар хил йўналишларга ажralишига сабаб бўлади.

ФОРМАЛ МАНТИҚНИНГ ПРЕДМЕТИ

Кенг маънода мантиқни **тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан**, деб аташ мумкин. Ҳозирги пайтда унинг формал мантиқ, диалектик мантиқ ва математик мантиқ каби йўналишлари фарқ қилинади. **Формал мантиқ** тафаккурнинг структурасини фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётидан четлашган ҳолда, нисбатан мустақил равишда олиб ўрганади. Унинг дикқат марказида муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ қоидалар ва мантиқий амаллар ётади.

Формал мантиқка тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан, деб таъриф бериш мумкин.

Диалектик мантиқ, формал мантиқдан фарқли ўлароқ, тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигида ҳамда тараққиётида олиб ўрганади. Математик мантиқ эса тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этади. У ҳозирги замон математикасининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб,

тафаккурни мантикий ҳисоблаш деб аталаидиган юқори даражада абстрактлашган ва формаллашган системада таҳлил қиласи.

Биз ўрганадиган фан формал мантиқ¹ бўлиб, у ҳозирги пайтда ўзининг маҳсус формаллашган тилига, тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган самарали мантикий методлари ва усусларига, концептуал воситаларига эга. У тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар, хусусан, фалсафа, психология, физиология билан ҳамкорлик қиласи ҳамда илмий билимлар системасида ўзининг муносабиб ўрнига эга. Айникса, унинг билиш методи сифатидаги аҳамияти катта.

МАНТИҚНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганиш, улардан онгли равишда фойдаланиш фикрлаш маданиятини ўстиради, хусусан, фикрни тўғри куриш малакасини ривожлантиради; баҳс юритишда ўзининг ва бошқаларнинг фикрига танқидий муносабатда бўлишига, сұхбатдошининг мулоҳазаларидаги хатоларни очиб ташлашга ёрдам беради.

Муҳокамани тўғри куришга, формал зиддиятлар, хатоларга йўл қўймасликка эришиш, айтиш мумкинки, ўзига хос санъат – мантиқ санъати ҳисобланади. Бу санъатнинг назарий асосларини чукур эгаллаган кишигина унинг имкониятларини амалий муҳокама юритишда намойиш қила олади. Шу ўринда буюк мутафаккир Форобийнинг мантиқ илмининг аҳамияти ҳақида билдирган қўйидаги фикрларининг алоҳида эътиборга лойик эканлигини таъкидлаш зарур. У шундай ёзади: «Бизнинг мақсадимиз аклни, хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда, тўғри тафаккурга етаклайдиган, унинг ёрдамида ҳар сафар хулоса чиқараётганда адашишга қарши эҳтиёт чораларини кўрсатадиган санъатни – мантиқ санъатини ўрганишидир. Унинг асосий қонун-коидаларининг аклга бўлган муносабати грамматика санъати коидаларининг тилга бўлган муносабатига ўхшаёт; кудди грамматика кишиларнинг тилини тўғрилаш эҳтиёжи сабабли яратилгани, унга хизмат килиши зарур бўлгани сингари, мантиқ ҳам тафаккур жараёнини яхши амалга ошириш мақсадида хатога йўл қўйиш мумкин бўлган барча ҳолларда аклни тўғирлаб туради»².

Унинг таълим соҳасидаги вазифалари ҳам жиддийдир. Ўқув жараёнининг самарадорлиги маълум бир даражада ишлатиладиган

¹ Формал мантиқ баъзан умумий ма-нтиқ деб ҳам юритилади. Классик ва ноклассик мантиклар унинг тараккиётининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

² Аль-Фараби. Вводный трактат в логику // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент, 1976, с.128.

тушунчаларнинг, терминларнинг аниқ бўлишига, муаммоларнинг мантикан тўғри кўйилиши ва ҳал қилинишига, мавжуд гипотезалар структурасини тўғри таҳлил кила олишга, аргументлаш коидаларидан тўғри фойдаланишга боғлик.

Фан учун формал мантиқ мураккаб муаммоларни ечиш воситасини беради. Бундай воситалар, одатда, илмий назариянинг структурасини ўрганишда, унда ишлатиладиган формализмнинг моҳиятини тушунтириб беришда, формал зиддиятлар бўлса, уларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Машқлар

1. Кўйидаги мулоҳазалар асосида тафаккурнинг муҳим хусусиятларини тушунтириб беринг:

1.1. Куч – билим ва тафаккурда (И. Каримов).

1.2. Бизнинг бутун кадр-кимматимиз тафаккурда жамланган (Б. Паскаль).

1.3. Тафаккур сезигидан қандайдир дастлабки турткини олмаса, ҳеч қандай тоялар, фикрлар, ақлий жараёнлар юзага келмайди (Ж. Эдвардс).

1.4. Ҳеч нима инсон тафаккуридек эркин бўлолмайди (Д. Юм).

1.5. Ақлни ўстирмоқ учун ҳадеб ўқийвермай, кўпроқ фикрлаш керак (Р. Декарт).

1.6. Цивилизациянинг буюк вазифаси – одамни фикрлашга ўргатишdir (Т. Эдисон).

1.7. Ақл ҳиссиётнинг кўзини очади (Р. Роллан).

1.8. Ақл мулоҳаза юритиши, англаш хусусиятига, яъни сабаб ва оқибатни узвий боғлаш, «нима учун» деган саволга жавоб бериш, тасодифларни аниқлаш, конуниятларни очиш, янги хусусиятларнинг янги шароитларга мослигини белгилаш, воқеалар занжирининг боши ва ниҳоясини топиш хусусиятига эга (Ж. Фабр).

2. Кўйидаги фикрларнинг қандай мантикий шаклга эга эканлигини аникланг:

2.1. Ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти, фоя, милитий истиклол мафкураси, мафкуравий бўшлиқ, сиёсат ва давлат курилиши.

2.2. Мафкура котиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас (И. Каримов).

2.3. Она тили – бу миллатнинг руҳидир (И. Каримов).

2.4. Инсонга фойда келтирмайдиган инсон – ўликдир (Юсуф Хос Ҳожиб).

2.5. Жуфт сонлар иккига қолдиқсиз бўлинади.

Саккиз – жуфт сон.

Демак, саккиз иккига қолдиқсиз бўлинади.

2.6. Ҳозирги пайтда рўй берадиган айрим салбий ҳолатлар, ножӯя ҳатти-харакатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда. Нега деганда, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-корани таниб улгурмаган ёшлар ҳар турли тъясирларга берилувчан бўлади (И. Каримов).

3. Кўйидаги фикрларнинг формал жиҳатдан тўғри ёки хато курилганини аникланг:

3.1.«Саройбон чиқиши билан Мирзо Абдуллатиф нам кипприкларини пирпиратиб Али Қушчига юзланди. Овози аллақандай ногирон титраб:

– Соҳиби қарам Мағлоно! – деди. – Мен сиздан зойича кўрмогингизни сўраган эдим. Кўрдингизму?..

– Кечиргайсиз, шахзода, – деди Али Қушчи охиста. – Камина тунов куни икror бўлган эдим: илми нужумдан бехабармен...

– Юлдузлар ҳолатини билган аллома илми нужумдан ҳам боҳабар бўлмоғи даркор...

– Надоматлар бўлғайким...

– Йўқ! Сиз биласиз! Маним пешанамга нелар ёзилган, салтанатнинг тақдири не бўлур – барини биласиз. Ва лекин айтмоқни истамайсиз (О.Ёкубов. Улугбек хазинаси. З-нашри. Т., 1989, 398 – 399-бетлар).

3.2.Ака-укалар бир-бирларини ҳурматлаши керак.

Н.ва М. бир-бирини ҳурматлайди.

Демак, Н. ва М. – ака-укалар.

3.3.Дин қадриятдир.

Зардустийлик – дин.

Демак, зардустийлик қадриятдир.

4. Куйидаги мулоҳазалар асосида мантиқ илмининг предметини тушунтириб беринг:

4.1. Мантиқ инсоннинг ақлида мавжуд бўлган тушунчалардан у ҳосил килмоқчи бўлган тушунчаларга ўтиш усусларини ўрганувчи фандир (Ибн Сино).

4.2. Мантиқнинг чегаралари унинг ҳар қандай тафаккурнинг факат формал коидаларини баён этувчи ва қатъий равишда исботловчи фан эканлиги билан аник белгиланади (И.Кант. Соч.в шести томах, т.3. М., 1964, с.83).

4.3. Мантиқни тафаккур ҳакидаги, унинг таърифлари ва қонунлари тўғрисидаги фан деб айтишимиз мумкин, факат бунда тафаккур энг умумий моҳият ёки стихия бўлиб, унда фоя мантиқий шаклда намоён бўлади. Фоя формал тафаккур эмас, балки ўз таърифлари ва қонунларини тайёр ҳолда топмайдиган, аксинча, уларни ўзи яратадиган ва уларнинг тараққиётидан ташкил топадиган яхлитлик кўринишидаги тафаккурдир (Гегель. Энциклопедия философских наук. Т.1. Наука логики. М., 1974, с.107).

4.4. Муҳкамаларимизни яхшилашнинг ягона воситаси уларни, худди математиклардаги сингари яккол ҳис килинадиган, ҳатоларимизни ўз кўзимиз билан топадиган ва одамлар ўртасида баҳс чиқиб қолса, «Келинг, ҳисоблаб чиқамиз», деб айта оладиган кўринишга келтиришдир; ана шунда ҳеч бир расмиятчиликсиз кимнинг ҳақ эканлигини кўриш мумкин бўлади (Г.В.Лейбниц. Цитата по: Стяжкин Н.И. Формирование математической логики. М., 1967, с. 217).

5. Куйидаги мулоҳазалар асосида мантиқ илмининг аҳамиятини тушунтириб беринг:

5.1. Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади (И.Каримов).

5.2. Мантиқ тафаккур кишиларининг тангриси (Л.Фейхтвангер).

5.3. Хато – бор-йўғи нотўғри муҳокама юритишнинг оқибати, холос (К.Боуви).

5.4. Бизнинг бутун фазилатимиз фикрлаш қобилиятишимиз борлигига. Шундай экан, тўғри фикрлашга интилайлик (Б.Паскаль).

5.5. Ҳакиқатнинг нима экани, не нарсанинг ҳакиқатга яқин эканлиги, ниманинг ёлғонлиги, ҳакиқат ва ёлғоннинг қандай хиллари борлиги мантиқ ёрдамида аникланади (Ибн Сино).

5.6. Ҳакиқатни танлаган зотлар:

Ўлим билмас, завол топмасдир («Авесто»дан).

5.7. Энг аянчли кишилар янглиш фикрловчи кишилар эмас, балки хеч бир тайинли, изчил фикри йўқ, муроҳазалари узук-юлук, бир-бирига болгланмаган тушунчаларга эга бўлган одамлардир (Н.Г.Чернишевский).

Takrorlash учун саволлар

1. Тафаккурнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тафакур шакли нима?
3. Тафакур конуни нима?
4. Формал мантиқ нимани ўрганади?
5. Формал мантиқ тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар билан қандай муносабатда?
6. Формал мантиқни ўрганиш қандай аҳамиятга эга?

МАНТИҚ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИННИГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

ҚАДИМГИ ДУНЁДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Хар бир фан каби мантиқ илми ҳам ўзининг шаклланиши ва ривожланиш тарихига эга. Мантиққа оид дастлабки анъаналар Қадимги Шарқ мамлакатларида, хусусан, Хиндистон, Хитойда вужудга келди. Уларнинг шаклланишига нотиклик санъати, математика илмининг ривожланиши ва шу кабилар катта таъсир кўрсатди. Шуни айтиш керакки, Қадимги дунёда Аристотелгача бўлган даврда мантиқ фалсафа таркибида мавжуд бўлган мустақил фан сифатида шаклланмаган.

Қадимги Хиндистонда мантиқ илмининг ривожланиши уч даврни ўз ичига олади: 1 – илк будда мантиғи (эр. ав. VI–V асрлар); 2 – нъяя, вайшешика мактабларининг мантиқий таълимоти (эр. III–V асрлари); 3 – будда мантиғининг ривожланган даври (эр. VI–VIII асрлари).

Хинд мантиқшунослари баҳс-мунозарада нима исботланяпти ва қандай исботланяпти, деган масалани ажратиб кўрсатишган. Улар исботлашнинг элементларини (тезис, асос, мисол, бир хиллик, ҳар хиллик, бевосита ҳиссий қабуллаш, хулоса, авторитет ва шу кабиларни) батафсил таҳлил этганлар. Нъяя мактабининг вакиллари хулоса чиқариш масаласини ўрганишга катта ҳисса кўшдилар. Шунингдек, улар беш қисмдан иборат силлогизм структурасини яратдилар:

- 1.Тезис (тепаликда олов бор).
- 2.Асос (тепаликдан тутун чиқяпти).
- 3.Мисол (қаерда тутун бўлса, шу ерда олов бор).
- 4.Шу ҳолатга нисбатан кўллаш (бу тепаликда тутун бор).
- 5.Хулоса (демак, бу тепаликда олов бор).

Қадимги хинд мантиқшунослари Дигнага, Джармакирти ва уларнинг шогирдлари томонидан тушунча, ҳукм, айниқса, хулоса чиқариш билан боғлиқ масалалар кенгрок, чукурроқ таҳлил қилинди. Дигнага хулоса чиқаришда мантиқий асосга хос бўлган уч хусусиятни кўрсатиб ўтади: мантиқий асос

хulosса чиқариш объекти билан боғлиқ бўлади, бир турдаги объектлар билан боғлиқ бўлади, ҳар турдаги объектлар билан боғлиқ бўлмайди. Бу хulosса чиқаришнинг асосий шартлари бўлиб, уларнинг бузилиши мантикий хатоларга олиб келади. Ҷхармакирти хulosса чиқаришнинг «ўзи учун» ва «бошқалар учун» турларини, шунингдек, муҳокамада учрайдиган мантикий хатоларни батафсил ўрганган.

Қадимги Хиндистондаги шаклланган мантиқ анъаналари Қадимги Гречияда мантиқ илмининг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган.

Қадимги грек фалсафасида мантиқ масалалари, дастлаб, Пармениднинг «Табиат тўғрисида» асарида, Элейлик Зеноннинг апорияларида, Гераклит таълимотида у ёки бу даражада кўриб чиқилган. Аристотелгача бўлган мантикий таълимотлар ичida Демокритнинг мантикий таълимоти, Сократнинг индуктив методи ва Платоннинг диалектикаси дикқатга сазовордир.

Демокрит (эр. ав. 460–370 й.й.) мантикий таълимотида фикрнинг чинлиги масаласи муҳим ўрин тутади. У кўпроқ индукция ва аналогияни ўрганишга эътибор беради, ҳакиқатни билиш учун якка буюмларни кузатиш, ҳис килиш оркали умумлаштириш зарур, деб таъкидлайди. Ҳукмни субъект ва предикатнинг ўзаро алоқасидан иборат, деб таърифлайди. У етарли асос конунини онтологик асосда тушунирали. Демокритнинг мантикий таълимоти кейинчалик Аристотель ва Ф.Бэкон таълимотларига сезиларли таъсир кўрсатган.

Сократ (эр. ав. 469–399 й.й.) таълимотига кўра буюмларнинг моҳиятини билиб бўлмайди. Инсон, аввало, ўз-ўзини билиши керак. Билим умумийлик тўғрисидаги тушунчадир. Ҳакиқатни аниқлаш учун ўзига хос усул даркор. Бу усул воситасида ўрганилаётган буюм ҳакида умумий тушунчча хосил килинади ва шу тушунчага асосланиб буюм ҳакида фикр юритилади. Ҳакиқатни аниқлаш учун мухолиф фикридаги зиддиятлар ўрганилади. Предмет ҳакидаги тушунчалар зиддиятли бўлса, демак, билим юзаки бўлади. Сократ ҳакиқатни аниқлашда индукция ва дефинициядан фойдаланишни тавсия этади.

Индукция – кундалик ҳаётдаги якка мисоллар асосида умумий тушунчаларни ҳосил қилиш усулидир. Дефиниция баҳс жараёнида тушунчаларни таърифлашдан иборат. Бу усулни Сократ «майевтика» деб атайди.

Платон (эр. ав. 427–347 й.й.) устози Сократнинг, умумий тушунчалар буюмларнинг моҳиятини ифодалайди, деган фикрини давом эттиради. У умумий тушунчаларни буюм-

лардан ва инсонлардан ажралган мутлақ ғоялар сифатида талқин қиласы, уларни бирламчи деб билади. У хукмни тафаккурнинг асосий элементи деб ҳисоблади. Хукм эга ва кесимнинг бирлигидан иборат бўлиб, тасдиқ ёки инкор маънони билдиради. Агар хукмда бирлашиши мумкин бўлмаган тушунчалар бирластирилса, у хато бўлади.

Платон хукмларни ташкил этувчи тушунчаларни пирамида шаклида тасвиirlайди. Пирамиданинг учига эзгулик тушунчасини қўяди. Борлик, ўзгариш, сукунат, айният, тафовут тушунчаларини энг универсал тушунчалар, деб таърифлайди. Чин билимга интуиция орқали эришилади. Платон дефиниция масаласига катта эътибор берган, яқин жинс ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш усулини, тушунчаларни дихотомик бўлишни билган.

Платон тўғри тафаккурнинг асосий қонунларини таърифлаб бермаган бўлса ҳам уларнинг моҳиятини тушунган. Масалан, контрадиктор тушунчалар, хукмлар, бир вақтда бир хил муносабатда бир буюмга нисбатан чин бўла олмаслигини таъкидлаган. «Евтидем» диалогидаги «Бир нарсанинг ҳам бўлиши, ҳам бўлмаслиги мумкин эмас», деган фикри унинг нозидлик қонунини билганлигидан далолат беради.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши **Аристотелнинг** номи билан боғлиқ. У биринчи бўлиб мантиқ илми ўрганадиган масалалар доирасини аниклаб берди. Аристотелнинг «Категориялар», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари бевосита мантиқ масалаларига бағишлиланган. Унинг «Риторика», «Поэтика» асарлари ҳам мантиқий таълимотининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. «Метафизика», «Рух ҳақида» асарларида эса мантиқ масалалари маълум даражада баён қилинган.

Аристотель мантиқни «маълум билимлардан номаълум билимларни аникловчи», «чин фикрни хато фикрдан ажратувчи» фан сифатида таърифлайди. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, ҳақиқатни аниклашдир, деб таъкидлайди.

Мутафаккир ҳақиқатнинг мавжудлигини, объектив характерини эътироф этган ҳолда, «билимларимизнинг воқеаликка мос келиши – ҳақиқатдир», деб кўрсатади. У ҳақиқатни аниклашда нозидлик ва учинчиси истисно қонунларига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Аристотель бу қонунларни ҳам онтологик, ҳам гносеологик нуқтаи назардан таърифлайди. Бир вақтда, бир хил муносабатда айнан бир

предметга нисбатан ўзаро бир-бирини истисно этувчи фикрларни билдириш мумкин эмаслигини, чунки бу фикрлардан бири чин, бошқаси хато бўлиши ёки ҳар иккиси ҳам хато бўлиши мумкинлигини асослаб беради; ўзаро икки зид фикрнинг бири чин, бошқаси хато бўлгандা, учинчи фикрга ўрин йўқ эканлигини таъкидлайди.

Аристотель асарларида тўғри тафаккурнинг айният ва етарли асос қонунлари маҳсус тарзда кўриб чиқилмаган. Лекин мутафаккир асарларининг таҳлили уларда бу қонунларга хос талабларнинг баён қилинганини кўрсатади.

Аристотелнинг мантикий таълимотида хулоса чиқариш етакчи ўринни эгаллайди. У тафаккур шакллари бўлган тушунча ва ҳукмни хулоса чиқаришнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қиласи. «Рух ҳақида» асарида мулоҳазаларни руҳий ҳодиса сифатида текширса, «Метафизика», «Талқин ҳақида» асарларида уни мантикий шакл сифатида анализ қиласи. Ҳукм – диайрезис – ақлий анализнинг натижасидир. У ҳукмни апофансис деб атайди. Ҳукм бирор нарсага ниманингdir тааллукли ёки тааллукли эмаслиги ҳақида баён қилинган фикр бўлиб, у чин ёки ёлғон бўлиши мумкин. Ҳар қандай гап ҳам ҳукм бўлмайди. Фақат қатъий фикрларгина ҳукм ҳисобланади. Мутафаккир ҳукмнинг структураси мантикий эга, мантикий кесим ва мантикий боғловчидан иборат бўлади, деб кўрсатади: S-P (S-P эмас). У ҳукмни қўйидагича турларга ажратади:

Ҳ	мазмуни	тасдиқ инкор
	ҳажми	умумий жузъий якка
	модаллиги	зарурий имконий ноимконий

Аристотель тушунчаларни ҳукмнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қиласи, умумий ва якка тушунчаларнинг муносабатига алоҳида эътибор беради.

Якка тушунчалар биринчи моҳият бўлиб, мазмунан бойдир.

Умумий тушунчалар иккинчи моҳиятни ифодалайди ва улар мазмунан бой эмас.

Умумийлик якка буюмларнинг асосини ташкил этади.

Аристотель категория (тушунча)ларни куйидагича туркумлайди: 1.Моҳият. 2.Микдор. 3.Сифат. 4.Муносабат. 5.Ўрин. 6.Вақт. 7.Холат. 8.Эгалик. 9.Ҳаракат. 10.Таъсирланиш.

Аристотелнинг таъкидлашича, субъектларнинг субъекти, яъни предикат бўлолмайдиган субъектлар – биринчи субстанциядир.

Предикатларнинг предикати, яъни охирги предикат – категориядир.

Аристотелда категория ҳам онтологик, ҳам грамматик, ҳам мантикий жиҳатларга эга. У: «Тушунча – бу бирор жинс ёки турга мансуб барча предметларга хос умумийлик бўлиб, предметнинг моҳиятини ифодалайди», – деб айтган.

Аристотель бевосита хulosса чиқаришни алоҳида кўриб чиқсан эмас. У силлогизм деганда мавжуд ҳукмлардан янги ҳукмларни келтириб чиқаришни тушунади.

Аристотель дедуктив, яъни силлогистик хulosса чиқаришнинг назарий асосларини ишлаб чиқсан. Силлогизмнинг аксиомаси, умумий ва хусусий коидалари, силлогизм фигуралири, модуслари, энтилема, эпихейрема, полисиллогизм, сорит каби масалаларни “Биринчи аналитика” асарида ба-тафсил баён этган. У I фигурани мукаммал деб билган.

Аристотель таълимотида хulosса чиқариш исботлаш шакли деб ҳисобланади. У исботлашнинг илмий (аподейктик), диалектик, риторик, софистик усусларини таҳлил қилган, эристика – муваффакиятли баҳс юритиш қонун-коидаларини ишлаб чиқсан, пейрастиканинг – мақсадсиз муҳокама юритишнинг заарли эканлигини таъкидлаган.

Индуктив исботни дедукцияга нисбатан кучсиз, деб ҳисоблаган. Аналогияни (парадейгма) жузъийликдан жузъийликка борувчи хulosса чиқариш, деб кўрсатган.

Аристотель «Софистик раддиялар ҳакида» номли асарида софистларнинг баҳс юритишдан мақсади ҳакиқатни аниқлаш эмас, балки ракибини мағлубиятга учратишdir, деб кўрсатади. У софистик хатоларнинг турларини аниқлаб берди. Булар:

- а) фикрнинг шакли билан боғлиқ бўлган хатолар;
- б) фикрнинг мазмуни билан боғлиқ бўлган хатолар.

Аристотелнинг мантикий таълимоти мантиқ илмининг кейинги ривожига катта таъсир этган.

Аристотелдан сүнг мантиқ илми асосан стоя мактаби вакиллари, Эпикур, скептиклар таълимотларида ривожлантирилган.

Стоя мактаби вакиллари биринчи бўлиб «логика» терминини тафаккур ҳақидаги маҳсус фанини ифодалаш учун кўллашган. Улар мантиқни фалсафанинг таркибий қисми, мантиқнинг мақсади инсон ақлини хатолардан асраш ва ҳақиқатга эришишдир, деб билишган. Стоиклар мантиғи икки қисмдан иборат бўлган: диалектика ва риторика; диалектика ўз навбатида грамматика ва билиш назариясига бўлинган. Стоиклар ҳам Аристотель каби нозидлик қонунини тўғри тафаккурнинг асосий принципи, деб билганлар. Ҳукм масаласида эса улар қатъий ҳукмларни эмас, кўпроқ шартли ҳукмларни таҳлил қилганлар. Улар шартли ҳукмни сабаб ва оқибат боғланишларини акс эттирувчи тафаккур шакли деб билиб, хulosса чиқаришнинг қўйидаги беш модусини кўрсатганлар:

1) $\frac{p \rightarrow q, p}{q}$	2) $\frac{p \rightarrow \bar{q}, \bar{q}}{p}$	3) $\frac{p \wedge \bar{q}, \bar{p}}{\bar{q}}$
4) $\frac{p \vee \bar{q}, p}{\bar{q}}$	5) $\frac{p \vee \bar{q}, \bar{q}}{p}$	

Айтиш мумкинки, стоиклар биринчи бўлиб мулоҳазалар мантиғига оид фикрларни баён қилганлар.

Эпикур (эр. ав. 341–270 й.й.) фалсафада биринчи ўринга билиш назарияси ва мантиқни қўйган, иккинчи ўринда физика, учинчи ўринда ахлоқ бўлган. У туғма ғоялар йўқ, билимларимизнинг манбаи – сезгилардир, сезгиларимиз ёлғон маълумот бермайди, фақат хulosса чиқаришдагина инсон хатога йўл қўйиши мумкин, деб таъкидлайди. Эпикур хulosса чиқаришда кўпроқ аналогия ва индукцияга аҳамият берган.

Скептицизм вакиллари билиш жараёнининг нисбий характеристини мутлақлаштирганлар, ҳақиқатни билиб бўлмайди, деганлар. Сезгилар ва тасаввур ўртасидаги тафовутни бўрттириб кўрсатганлар. Уларнинг инсонни ҳақиқатан адаштирувчи ҳолатлар ҳақидаги қарашлари эътиборга лойик.

Биз юқорида кўриб чиқкан таълимотлар Қадимги Грецияда мантиқ илмининг шаклланиши ва ривожланиши

бу илмнинг билимлар тизимидан мустақкам ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга бўлган, деб хулоса чиқариши мизга асос бўлади.

ЎРТА АСРЛАРДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Қадимги Грецияда шаклланган мантиқ илми Ўрта асрларда янги мазмун билан бойитилди. Бу, айниқса, мантиқнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда ривожланишида яққол кўринади.

VII–XIII асрларга келиб Яқин ва Ўрта Шарқда Араб халифалиги вужудга келди, унинг ҳукмрон дунёқараши бўлган ислом дини қарор топди. Тарихда «мусулмон маданияти» номи билан маълум бўлган маданият шаклланди. Бу янги маданиятнинг шаклланишига Ўрта Осиё ҳалқларининг истеъоддли вакиллари муҳим хисса қўшдилар. Бу даврда диний ва дунёвий илmlар катори мантиқ илми ҳам ривожланди.

IX–XI асрларда Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда фалсафий ва мантикий таълимотларнинг ривожланишига қадимги юонон, ҳинд мутафаккирлари асрлари нинг кўплаб таржима қилиниши ижобий таъсир кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, IX–XI асрлар Яқин ва Ўрта Шарқда мантикий таълимотларнинг ривожланишидаги энг самарали давр ҳисобланади. Бу даврда мантиқ илмини ўрганишга бўлган талабнинг ошиши, биринчидан, табиатшунослик фанларининг ривожланиши ва табиий-илмий билимларга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши билан; иккинчидан, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган масалаларни тўғри, адолатли ҳал қилишга интилишнинг ортиши билан ва учинчидан, энг муҳими, тўғри фикр юритишга бўлган талабнинг чин фикрларни хато фикрлардан ажратиш зарурияти билан изоҳланади.

Таржимонларнинг фаолияти натижасида IX асрга келиб грек мантиғи бутун мусулмон эпистемологияси (билиш назарияси)нинг асоси бўлиб қолди. Мантиқни улар баъзан «хунар» ёки «санъат» ва кўпроқ «илм» деб аташган. Мантиқ илм сифатида маълум билимларни яратиш, уларни асослаш ва таснифлаш системасини берган. У «ҳақиқат»ни билиш йўллари ҳакидаги илм сифатида тарихчиларнинг ва муҳаддисларнинг баҳсларига, мусулмон хукуқшунослигига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Шарқда биринчилардан бўлиб мантиқ илми билан шугулланган, араб-мусулмон дунёсида перипатетизмга йўл очиб берган мутафаккир Ал-Киндийдир.

Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ Ал-Кинди (тахм. 800 й., Басра – 870 й.и., Бағдод) – араб файласуфи ва олимий. У қадимги грек, ҳинд ва форсларнинг фалсафий-мантикий меросини яхши билган, араб тилида фалсафий атамаларни ишлаб чикишда фаол қатнашган ва ўз даврида биринчи бўлиб фанларни таснифлашга уринган.

Ал-Киндиининг дунёқарашида мантиқ илмига оид масалалар алоҳида ўрин эгаллади. У қадимги юонон мутафаккирлари асарларини таржима қилиб, уларга шархлар ёзган.

Ўрта асрларда ёзилган «Ал-Фихрист» номли библиографик асарда (муаллифи Ибн ан-Надим, 995 й. вафот этган) Ал-Киндиининг «Аристотелнинг ўнта категориялари ҳақида», «Категориялар»даги Аристотелнинг мақсади ҳақида» номли асарлари тўғрисида маълумот берилади. Ан-Надимнинг таъкидлашича, Ал-Кинди «Иккинчи аналитика»га оид икки трактат ёзган: «Мантикий исботлашга доир қисқача рисола» ва «Исботлаш ҳақида рисола». Шунингдек, Ал-Кинди «Софистларнинг адаштиришларига қарши огоҳлантириш» номли рисоласида Аристотелнинг «Софистика»сига бўлган муносабатини баён қилади. Ал-Киндиининг «Шеър санъати ҳақида» номли асари Аристотелнинг «Поэтика»сига комментария сифатида ёзилган.

У Аристотелнинг «Иккинчи аналитика»сини Евклид геометрияси билан солиштириш ғоясини илгари суради. Мантикий исботлашни тушуниш ва ундан фойдаланиш учун геометрияни ўрганиш зарур, деб ҳисоблайди. Унингча, факат шундагина Аристотелнинг яратган қоидаларини тушуниш мумкин. Ал-Кинди бирорта буюмни исботлашни унинг мавжудлигига, борлигига ишонмасдан туриб бошлиш мумкин эмас, дейди. Унинг фикрича, исботлашнинг мақсади буюмни ташкил этувчи шаклни ўрганишдан иборатдир.

Ал-Киндиининг фалсафий ва мантикий асарлари, унинг рационалистик йўналишдаги фикрлари Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Беруний ва бошқа прогрессив мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди. Унинг асарлари Ўрта асрлардаёт Фарбий Европада кенг шухрат қозонди.

IX–XI асрларда мантиқ масалалари билан астойдил шугулланган Ўрта Осиё мутафаккирларидан Форобий, Ибн Сино, Абу Абдулоҳ ал-Хоразмийларни кўрсатиш мумкин. Бу мутафаккирларнинг мантиққа бағишлиб ёзган асарлари асосан тўққиз номдан иборат эканлигини ва уларнинг номланиши, кетма-кетлиги бир хил эканлигини кўришимиз

мумкин. Бунга сабаб шуки, Аристотелнинг «Органон»ини ташкил этувчи олтига мантикий трактатларига («Категориялар», «Талкин ҳакида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддия») суряяликлар унинг «Риторика»си билан «Поэтика»сими қўшдилар. Бундан аввалроқ эса унга Порфирийнинг «Исогувчи» асари қўшилган эди. Шундай қилиб, «Органон» тўқиз трактатдан иборат бўлган яхлит таълимот сифатида араб файласуфлари томонидан қабул килинган. Шу асосга кўра Форобий, Ибн Сино, Ал-Хоразмийлар мантиққа оид таълимотларини айнан шу тартибда ишлаб чиқдилар.

Мантиқ масалаларини кенг ва изчил тадқиқ этган мутафаккир **Ал-Форобий** (873–950 й.й.)дир. У Сирдарё бўйидаги Ўтрор шаҳар-қалъасида, туркий ҳарбий оиласида дунёга келди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида билим олди. У қадимги грек, хинд фалсафасини чукур ўрганди, илмнинг турли соҳаларига оид 160дан ортиқ турли ҳажмдаги рисолалар ёзиб қолдирди, умрининг сўнгти йилларини Дамашқда ўтказди. Форобий асарларининг катта кисми фалсафа ва мантиқ илмига оиддир.

Форобийда мантиқий билимлар системаси «Исогувчи» (Кириш), «Макулот» (Категория), «Ибора» (Ҳукм), «Қиёс» (Силлогизм, Биринчи аналитика), «Бурхон» (Исботлаш, «Иккинчи аналитика»), «Жадал» (Диалектика), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поэтика) асарларини ўз ичига олади. Шунингдек, Форобий «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳакида», «Шартли ҳукмлар», «Силлогизм» каби асарларида мантиқ масалаларини ишлаб чиқди. «Илмлар таснифи» асарида ҳам мантиқ илмининг предмети, тузилиши, илмлар системасида тутган ўрни ва аҳамияти ҳакида фикр юритади.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, мантиқ санъати интеллектнинг мукаммаллашувига олиб келувчи ва инсонни ҳакиқат томон йўналтирувчи қонунларнинг мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларни билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан саклайди. Инсон бу қонунлар ёрдамида билимларини текшириб, уларнинг чин ёки ҳатолигини аниқлаш имконига эга бўлади.

Форобийнинг мантиқий таълимоти унинг гносеологик таълимоти билан узвий боғлиқдир. Унингча, фикрлар табиатдаги нарса ва ҳодисаларни сезгилар орқали билиш асосида вужудга келади. У билишда сезгиларнинг ролига

жуда катта ўрин беради. Фикр шакллари ўртасидаги алоқа, муносабатлар реал муносабатларни ифодалаш жараёнида вужудга келишини таъкидлайди.

Мутафаккир мантиқ илмининг тил, грамматика, фалсафа билан ўзаро алокадорлигини кўрсатиб ўтади. У «Фалсафани ўрганишдан аввал нималарни билиш керак» номли рисоласида фалсафий аргументлаш билан, яъни фалсафий масалаларни асослаш, исботлаш билан танишишдан аввал силлогизмларни, яъни мантикий хулоса чиқариш усулларини билиб олиш зарур, дейди. Форобий, айниқса, Аристотелнинг «Аналитикалар»ини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Бу китобларни ўрганиш чин исбот билан хато исботни бирбиридан фарқлашга, мутлақо хато бўлган фикр билан бироз хато бўлган фикрни ажратишга ёрдам беради.

Форобий фикрича, силлогизм ва исботлаш усули энг тўғри, ҳақиқатга олиб келувчи усул бўлиб, илм-фан, фалсафа шуларга асосланади. Форобий асосий мантикий шакллар бўлган тушунча, хукм ва уларнинг турлари, хулоса чиқариш, айниқса, силлогизм ва унинг фигуранлари, модусларини чукур таҳлил қилиб, улар тўғрисида изчил таълимот яратди.

У тўғри тафакурлашнинг асосий принциплари: айнанлик, ҳукмларнинг ўзаро зид бўлмаслиги, изчиллиги, ҳар қандай хуносанинг етарлича асосланганлиги каби муҳим мантикий масалаларни ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқди.

Форобийнинг мантикий таълимоти Яқин ва Ўрта Шаркда, Ўрта Осиёда мантиқ фанининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди.

Хусусан, IX–X асрларда Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий, Яхё ибн Али Абу Сулаймон, Абу Хайян кабилар Форобийнинг мантиқ соҳасидаги гояларини давом эттиридилар. Айниқса, Форобий фалсафаси ва мантиғи «Ихван ас-Сафо» – «Соф биродарлар»нинг таълимотига жуда катта таъсир кўрсатди. Улар ҳам Форобий каби, «Билим – бу билинаётган нарсанинг билувчининг жонидаги образидир», деб таъкидлашган. «Соф биродарлар»нинг «Мактублар»ида: «Жон билинаётган нарсаларнинг шаклини сезгилар воситасида, далиллар воситасида, фикрлаш ва кузатиш воситасида қабул қиласди», деб ёзилган. Айтиш мумкинки, улар билиш босқичлари ва улар ўртасидаги алокадорликни тўғри тушунишган.

Х асрга келиб мантиқ илми фалсафий билимларнинг энг муҳим қисмига айланиб қолди. **Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий** (Х аср)нинг «Мафотих-ал-улум» (Илмлар ка-

литлари) асаридаги фанлар классификациясида мантиқ илмига алоҳида ўрин берилиши фикримизнинг далилидир.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий илмларни «араб» ва «арабча бўлмаган»ларга ажратади. Арабча бўлмаган илмлар қаторига фалсафа, мантиқ, тиббиёт, арифметика, ҳандаса, илми нужум, мусиқа, механика, кимёлар киради. Хоразмий мантиқ илмига оид масалаларни тўққиз бобда баён қиласди. Бобларнинг номланиши Форобий ва Ибн Синоларники кабидир. У мантикий таълимот «Исоғувчи»ни баён этишдан, ўрганишдан бошланиши керак, «Исоғувчи» – бу кириш (юонон тилида эйсагоге), деб аталади, дея ёзади.

Хоразмий Аристотель гоясини давом эттириб, аниқ нарсаларнинг хоссаларини белгилаш учун «индивидуал» тушунчасини киритади. Хоразмий «Соф биродарлар»нинг мантиққа оид гояларини ривожлантириб ва уни Арасту фалсафаси руҳига яқинлаштириб, индивид масаласини биринчи ўринга олиб чиқади. «Шахс-индивид мантиқ аҳлида у Зайд, Амр, бу киши, у эшак, от каби (маънени англатади); уни, шунингдек, бирламчи тушунча дейиш ҳам мумкин», – деб ёзади Хоразмий. У бир томондан, араб фалсафасидаги акл билан тушуниладиган бирламчи, яъни кўпгина обьектив бир хил предметлар учун умумий бўлган тушунчаларни, иккинчи томондан, акл билан тушуниладиган бирламчиларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи тушунчаларни шарҳлайди. Хоразмийнинг бу масалага оид фикрлари мантиқ илмидаги жинс ва тур тушунчаларга, уларнинг нисбий характери ва ўзаро муносабатига оиддир.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ масалаларини кўриб чиқишини сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини таҳлил этишдан бошлайди. Шарқ мантиқшунослари сўзларнинг маъно англатишига кўра уч турини: сўз ўзининг тўлиқ мазмунини англатадиган, сўз ўз мазмунининг бир қисмини англатадиган, сўз ўз мазмунидан келиб чиқадиган нарсани англатадиган ҳолатларни фарқлаганлар. Хоразмий ҳам бу масалага муфассал тўхталиб, бу турларни ва уларнинг тушунчалардаги мантикий маъноларини кўриб ўтади. Бу билан олим Яқин ва Ўрта Шарқ мантиқшунослари илгари сурган тушунчаларнинг маъно англатиши ҳакидаги таълимотини давом эттиради.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий Аристотель ва Форобийнинг тафаккур ва тил, мантиқ ва грамматика орасидаги боғлиқлик гоясини янада ривожлантириди. У мулоҳаза (хукм) масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий хукмнинг модаллиги бўйича лозим бўлган, мумкин бўлган ва ҳакиқий каби уч турга бўлиннишига катта эътибор беради ва ўз таълимотида Аристотель гоясининг асосий моҳиятини тўлиқ акс эттиради.

Хоразмий хulosса чиқариш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. У силлогизмни хulosса чиқаришнинг энг муҳим кўриниши ва назарий билимларни эгаллашдаги асосий восита, деб билди. У исботлаш ва у билан боғлик бўлган масалаларни, диалектика асосларини, шунингдек, ўша даврда силлогизм турлари ҳисобланган софистика, риторика ва поэтика билан боғлик масалаларнинг ҳар бирини алоҳида бобларда талқин килди. Умуман олганда, Хоразмий қадимги грек-юнон илғор мантикий анъаналарини Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё фалсафаси материалларидаги ўзига хос, ажойиб гоялардан фойдаланиб бойитди ва ривожлантириди.

Форобийнинг мантиқ соҳасидаги ишларининг давомчиларидан яна бири турили илм соҳаларига оид қатор асарлар яратган, ўз даврининг дунёга машҳур қомусий олими **Абу Али ибн Синодир** (980–1037 й.й.). У Бухоро яқинидаги Афшона шаҳрида туғилди. Бухорода таҳсил олиб, шу ерда олим, табиб сифатида шуҳрат қозонди, маълум бир вақт Хоразмда яшади. Ибн Сино З1ёшида Хоразмни тарк этди, 1037 йили Исфаҳонда вафот этди.

Ибн Сино 400 дан ортиқ асарлар муаллифи. Бу асарлар илмнинг турили соҳаларига оид бўлиб, улардан 150 дан ортиғи фалсафа ва мантиқ масалаларига бағишлиланган. Булар орасида фалсафа ва мантиқ фанининг барча масалаларини изчил равища ўз ичига олган асари – «Китоб аш-шифо»дир. «Китоб аш-шифо»нинг мантиққа оид қисми 9 бўлакдан иборат бўлиб, уларнинг номланиши ва тартиби Форобийники кабидир. Мутафаккирнинг бу асари мантиқ соҳасидаги барча илмлар асосида вужудга келган бўлиб, унда мантиққа оид масалалар тўлиқ камраб олинган.

Ибн Синонинг «Ишорат ва танbihот», «Ан-Нажот», «Донишнома» асарларида ҳам фалсафа ва мантиққа оид масалалар баён этилади. Мутафаккир мантиқ илмини барча илмларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шарти сифатида талқин этади. Ибн Сино «Донишнома» асарида қабул қилинган тартибни бузган ҳолда, аввал мантиқ асосларини, иккинчи ўринда метафизикани, сўнг бошқа фанларни баён қилади.

У асосан Аристотель ва Форобийнинг мантиқий таълимотларини давом эттирган бўлса-да, кўп масалаларда мустақил йўл тутади. Ибн Сино мантиқ фанини маълум билимлар-

дан номаълум билимларни келтириб чиқариш, уларни бир-биридан фарқ қилиш, чин ва хато билимлар, уларнинг турларини ўрганувчи фан ёки назарий санъатдир, деб таърифлайди. Мантиқ илми объектив оламни билиш учун хизмат килади, билиш эса реал предметларни, аввало, сезгилар орқали акс эттириш, сўнг аклий, мавхум билишга асосланади.

Ибн Сино фалсафа, билиш назарияси ва мантиқ муаммоларини аралаштириб юбормайди, уларни алоҳида-алоҳида баён қиласди. Бу жиҳатдан Ибн Синонинг мантиқ фани ҳакидаги таълимоти Арасту яратган мантиқ фанига нисбатан жуда кўп янги маълумотларни беради. Мантиқий масалаларни ўрганишда турли белги (символ)лардан фойдаланиш ҳам мутафаккирнинг ютуғи хисобланади.

Ибн Синонинг мантиқ илмida тафаккур шакллари бўлган тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш, уларнинг тузилиши, турлари, шунингдек, исботлаш масалалари ҳенг ва ҳар томонлама таҳлил этилади.

У тушунчаларни якка ва умумийга бўлади. Мутафаккирнинг таъкидлашича, мантиқ фани умумий тушунчалар билан шуғулланади. У ҳам, Аристотель каби, мавжуд борликнинг энг умумий ҳолатларини ифодаловчи ўнта умумий категорияларни мантиқ фанининг ўрганиш доирасига киритади. Тушунчанинг асосий вазифаси ҳукм ва хулоса чиқаришни ташкил этиш, уларга асос бўлишдир, деб таъкидлайди. У тушунчаларни таърифлаш ва бўлиш каби мантиқий усулларга ҳам батафсил тўхтаб ўтади.

Ҳукм назарияси Ибн Синонинг мантиқ илмida энг катта ўринлардан бирини эгаллади. У ҳукмларнинг тузилиши, субъект-предикат муносабатларини ҳар томонлама таҳлил қиласди. Ибн Сино оддий ва мураккаб ҳукмларни, уларнинг тузилиши ва турларини батафсил баён қиласди.

Ибн Синонинг хулоса чиқариш назарияси ҳам тушунча ва ҳукм каби чукур ҳамда изчил ишлаб чиқилган. У дедуктив хулоса чиқаришга оид барча масалаларни: силлогизмнинг тузилиши, фигуранари, модуслари, мураккаб силлогизмлар ва уларнинг турлари, силлогизмларни белгилар воситасида ифодалашни батафсил таҳлил қиласди. У индуктив хулоса чиқариш устида ҳам фикр юритади.

Умуман олганда, Ибн Синонинг мантиқий таълимотини унинг мукаммаллиги, мавзусининг қенглиги, ҳажми, талқинининг батафсиллигига кўра, ўрта асрлардаги мантиқ илми ривожининг энг юқори даражаси деб баҳолаш мумкин.

Ибн Синонинг мантиқий таълимотида унгача бўлган Қадимги ва Ўрта аср мантиқшунослигининг муҳим ютуклари маълум даражада мужассамланган бўлиб, кейинги даврларда мантиқий таълимотларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Абу Райхон Беруний (973–1048 й.й.) мантиқка оид асарлар ёзмаган бўлса ҳам, унинг қонун-коидаларидан, исботлаш усуllibаридан илмий-амалий фаолиятида кенг фойдаланган. Берунийнинг буюк хизматларидан бири табиат ва жамиятни билишнинг илмий методининг ишлаб чиққанлигидадир. Беруний илмий методининг асосий принциплари «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида кўрсатиб ўтилган. Булар кўйидагилардан иборат:

- аклни бекорчи фикрлардан тозалаш;
- тажрибага асосланиш;
- билишни, аввало, предметни ташкил этувчи элементлардан бошлаш;
- ҳиссий билишга асосланган дедукциядан фойдаланиш;
- мантиқий фикрлаш: таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- кузатиш, таққослаш, қиёслаш орқали ҳақиқатни аниқлаш;
- маълум нарсадан номаълум бўлганига, яқиндагисидан узоддагисига қараб фикр юритиш;
- узок ўтмишни билиш учун предметнинг, ҳодисанинг тарихини ва у ҳақда бошқаларнинг берган маълумотларини ўрганиш.

Айтиш мумкинки, Беруний Р.Декарт ва Ф.Бэконлардан аввалроқ илмий билиш методининг зарурлигини таъкидлаган ва унинг асосий коидаларини, принципларини ишлаб чиқкан. Берунийнинг бу масалага оид фикрлари гарб файласуфлариникуга нисбатан кенг камровлилиги билан ажralиб туради.

Мантиқ илмининг кейинги даврлардаги ривожи Баҳманёр (1065 й.да туғилган), Ибн Рушд (1126–1198 й.й.), Насриддин Тусий, Фахриддин Розий, Қазвиний, Шамсиддин Самарқандий, Тафтазоний (1322–1390 й.й.), Миршариф Журжоний (1340–1413 й.й.) ва бошқаларнинг номи билан боғлиқ.

Миршариф Журжоний ҳам Ибн Сино каби мантиқни «билиш ҳакидаги фан» сифатида кўриб ўтади. Унинг таълимотига кўра, мантиқ фани билиш назарияси ҳисобланмайди. Билиш жараёнида биз тушунча ва мулоҳазалар орқали янги, ноаник нарса ҳақида фикрга эга бўламиз, деб таъкидлайди. У ҳар қандай фикр тузилишига кўра материя ва шаклдан иборат, шунинг учун тўғри ёки хато бўлиш фикрнинг мазмунига ва шаклига хосдир, деб ёзади. Журжоний фикрича, тушунча – бу

қандайдир индивидуал нарса ҳисобланади. У асосан тушунчаларнинг келиб чиқиши ва кўринишига эътиборни қаратади. Тушунчанинг пайдо бўлиши жуда кенг ва катта маънони олади, тушунчанинг кўриниши эса қиска бўлади. У тушунчани иккига: якка ва умумий тушунчаларга бўлади; якка тушунчанинг ўзидан «ҳакиқий якка»сини танлаб олади. У якка тушунчага таъриф бериб, «якка тушунча – якка предметдан ташкил топган бўлиб, унда фақат шу предметнинг ўзи ҳақидаги фикр баён килинади», деб таъкидлайди.

Журжоний таълимотига кўра, тушунча ва ҳукм ўртасида фарқ бор. Фикрда нимадир тасдиқланса ёки инкор этилса, бу ҳукм ҳисобланади. Ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин.

Фикр юритишнинг муҳим босқичларидан бири бу ҳулоса чиқариш ҳисобланади, дейди Журжоний. У ҳулоса чиқаришнинг уч турини: силлогизм, индукция, аналогияни ахратади. Силлогизм ҳулоса чиқаришнинг энг асосий кўриниши ҳисобланади. Индукция ва аналогия орқали ҳулоса чиқариш фаразга олиб келади, улар чин билимни бера олмайди. Журжоний силлогизмни Ибн Сино каби иккига бўлади: бирлаштирувчи ва ахратувчи. У мантикий исботлашга ҳам тўхталиб ўтади. Унингча, исботлаш уч хил бўлади: 1. Умумийдан яккага қараб исбот килиш – силлогизм. 2. Яккадан умумийликка қараб исбот килиш – индуктив исботлаш. 3. Аналогия – бунда яккадан келиб чиқиб, яккани исбот килиш.

Журжоний силлогизмнинг структурасини, қоидаларини, фигуранларини, модусларини батафсил таҳлил қиласди.

Шунингдек, мутафаккир мантиқ фанининг турли таълимотларни ўрганишдаги аҳамиятига юқори баҳо берган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўрта Осиё мутафаккирлари мантиқ илмининг масалаларини ишлаб чиқища мустақил ижодий йўл тутдилар. Уларнинг мантикий таълимотлари Аристотелницидан фарқли равища силлогизмнинг моҳияти ва шаклларини таҳлил қилишдан эмас, балки ҳукм ва силлогизмларнинг асосий элементи бўлган тушунчалар табиатини таҳлил қилишдан бошланади. Улар мантиқ илмининг ўрганиш доирасини фақат силлогизмлар билан чегаралаб кўймасдан, унга мавжуд билимлар асосида ҳақиқатга эришиш йўлларини ўрганувчи фан, деб таъриф бердилар. Уларнинг мураккаб ҳукмларга асосланган гипотетик ҳулоса чиқариш ҳақидаги таълимотлари мантиқ фанига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Тафаккур шакллари, айниқса, ҳулоса чиқариш билан аргументлаш ўртасидаги узвий боғлиқликни таъкидлашлари чукур маънога эгадир.

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВРДА МАНТИҚ ИЛМИ

Аристотелнинг мантикий таълимоти Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг мантиқка оид асарлари орқали, яъни Шарқ орқали Европага кириб келди. Ўрта аср Европасида мантиқ масалалари асосан умумий ва якка тушунчаларнинг ўзаро муносабати доирасида ўрганилган.

Янги даврда Европада фаннинг, айникса, табиатшуносликнинг ривожланиши илмий метод (услуб) масалаларига эътиборни кучайтирди. Бу даврнинг буюк мутафаккирлари Р. Декарт, Ф.Бэкон, Т. Гоббс, Лейбниц ва бошқалар мантиқ илмининг турли йўналишларининг яратилишига асос солдилар.

Френсис Бэкон (1561–1626 й.й.) машҳур инглиз файласуфи ва табиатшунос олимидир. У икки кисмдан иборат «Фанларнинг буюк уйғониши» номли асарини ёзган. Биринчи қисми «Фанларнинг афзалликлари», иккинчи қисми «Янги Органон» деб аталади. Мантиқка оид фикрлари «Янги Органон»да ўз ифодасини топган.

Бэкон янги мантиқ яратишни максад қилиб кўяди. У Аристотелнинг «Органон»ини танқид қилиб, «Янги органон» асарини ёзди. Шу билан ўз мантикий таълимотини Аристотель мантигига қарши қўймоқчи бўлди. Хусусан, Бэкон Аристотель силлогистикасига ўз индукциясини қарши қўйди, ўзининг илмий индукция назариясини яратди. Бэконнинг фикрича, силлогизм гаплардан, гаплар сўзлардан тузилади, сўзлар буюмларни билдиради. Сўзда ифодаланган тасаввур хато бўлса, силлогизм бузилади.

Бэкон индукцияни хulosа чиқаришнинг асосий шакли, деб билди. Факат оммабол индукцияни тан олмади, уни танқид килди. У индукциянинг асосий методларини чукур ўрганди. Булардан ташқари индукциянинг ёрдамчи усулларини – якка мисоллар, адашган мисоллар, кўрсатувчи ҳолатлар ва бошқаларни кашф этди.

Бэкон истисно қилишга асосланган индукция назариясини яратди. Индукциянинг мақсади максимал даражада кўпроқ фактик материалларни такъослаш ва ўрганилаётган воқеаларнинг номухим томонларини истисно қилиш ва шу асосда уларнинг муҳим томонларини аниқлашдир, деб ҳисоблади.

Бэкон индукция жараёнини қисқартириш ва шу билан бирга ишончлироқ хulosа олиш мумкин, деб таъкидлади. Лекин қисқартириш йўлини аниқ ишлаб чикмади.

Бэкон мантиқни илмий метод, услуб ҳакидаги фан деб билган. Илмий услубни қўллаш янги ҳақиқатларни очишга олиб келади. У Демокрит, Эпикурнинг индукция назариясини тиклади ва ривожлантирди, лекин тугалланган индуктив назария яратмади, унинг асосини курди, холос.

Томас Гоббс (1588–1679 й.й.)нинг асосий фалсафий асари «Фалсафа асослари» деб аталади. У уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмининг биринчи боби «Мантиқ» деб номаланади.

“Мантиқ”бобида Гоббс Бэкон йўлини давом эттириди. У тушунчаларни таърифлашга катта аҳамият берди. Гоббснинг фикрича, таърифлаш бир сўздан иборат бўлмаслиги керак; ном таърифлашда қайтарилмаслиги лозим.

Унинг фикрича, ҳукмлар номларнинг бирикувидан иборат. Ҳукм чин ёки хато бўлиши мумкин. У биринчи ўринга шартли ҳукмларни қўяди, чунки улар сабабий боғланишни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Гоббс тил ва тафаккур бирлигини тан олади. Номлар тушунчалар билан, гаплар ҳукмлар билан тенглаштирилади.

Гоббс силлогизмни куйидагича таърифлайди: силлогизм учта гапдан иборат бўлган, учинчи гап аввали иккитасидан келиб чиқадиган мулоҳазадир. У биринчи фигурани табиий фикр юритишга мос келадиган фигура деб кўрсатади, бошқа фигуralар биринчи фигуранинг турлича кўринишлариdir. Силлогизмлардаги хатолар асослар хато бўлганда ва ҳулоса чиқариш шаклидаги хатолар натижасида юз беради.

Гоббс тафаккур қонунларининг учтаси ҳақида фикр билдирган. Айният қонуни аниқлик шарти сифатида талқин қилинади. Сўз доим бир маънода ишлатилиши керак. Бу ҳақиқатга эришишнинг биринчи талабидир.

Гоббс зиддият ва учинчиси истисно қонунларини аксиома, деб билади.

Гоббснинг фикрича, исботлаш ҳулосалар занжири бўлиб, силлогизмлар унинг алоҳида ҳалқалариdir. Гоббс биринчи марта мантиқ фанига генетик таърифлашни кирилди. Унинг фикрича, предметнинг қисмларини санааш орқали ҳам таъриф бериш мумкин. Фақат таърифларгина фан принциплари ҳамда исботлаш асоси бўла олади.

Гоббс мантигига рационализм устун туради. Унда дедукция, индукция, таҳлил ва синтез бир хил ўрин тутади.

Мантиқ илмининг ривожланишида, илмий услуг билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда **P. Декарт** (1606–1650 й.й.)нинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга.

Декарт машхур файласуф, йирик математик ва мантиқшунос олимдир. Унинг фалсафий қарашлари «Фалсафа муқаддимаси» асарида ўз ифодасини топган. Мантиқий қарашлари эса, унинг «Услуб ҳақида мулоҳазалар» рисоласида баён этилган. Айниқса, «Услубнинг асосий қоидалари» деб аталувчи қисми мантиқ фани ривожи учун аҳамиятли бўлган. Унда билишнинг илмий услубини характерлайдиган асосий қоидалари ишлаб чиқилган.

Интуиция деганда Декарт хаёлий нарсаны эмас, балки соғлом аклда туғиладиган барқарор ва аниқ тасаввурни тушунгандык. Интуиция ёрдамида ҳар қандай киши ўзининг мавжуд эканлигини, нималарни ўйлаётганини, учбурчак уч томонга эга эканлигини ва бошқаларни аниклаши мумкин.

Декарт фикрича, интуиция билан бирга биз дедукциядан ҳам фойдаланамиз. Дедукция дейилганды аввал билинган нарсалар асосида билишни таъминладиган жараённи тушуниш керак. Дедукция ёрдамида фикрнинг мунтазам ҳаракати билан холоса ҳосил қилинади. Дедукцияда маълум ҳаракат ва муайян узлуксизлик мавжуд бўлиб, бу нарса интуицияда йўқдир. Нарсалар интуиция ва дедукция йўли билан билиниши мумкин.

Декарт фикрича, дедукциядан геометрияда ва алгебрада кўпроқ фойдаланилади. Декартнинг машхур афоризми («Мен фикр қилаяпман, демак, мен мавжудман») ни баъзи олимлар силлогизмнинг қисқарган кўриниши деб кўрсатадилар. Декарт эса унда холоса силлогистик йўл билан чиқарилмаган, деб айтади.

Дедукция ёрдамида бевосита билим ҳосил қилинади. Декарт фикрича, холоса чиқаришда асосий нарса билинган нарсадан билинмаган нарсага ўтиш, ноаниқ нарсани аниқ қилишдир. Услубнинг аҳамияти дедукцияни қандай қилиб куриш кераклигини кўрсатишдадир. Услуб қандай қилиб аклдан тўғри фойдаланишини кўрсатади, тадқик қилиш мумкин бўлган нарсаларни, билишда дедукцияни қандай қилиб куриш керак эканлигини аниклади.

Декарт таҳлил ва синтез жараёнлари ҳақида маҳсус таълимот яратади. Унинг қарашлари анъанавий мантиқ фанидаги қарашлардан фарқ қиласди. Декарт таҳлил ва синтез тушунчаларини фикрнинг мазмуни билан боғлайди. Масалан, агар фигурадан учбурчак тушунчасига, ундан тенг ёнли учбурчак тушунчасига фикран ўтилса, бу синтетик усул, яъни дедуктив усул бўлади. Агар тенг ёнли учбурчакнинг фигура бўлиш, учбурчакли бўлиш, тенг ёнли бўлиш хоссалари аникланса, анализ усули, яъни индуктив усул бўлади.

Индукцияни Декарт Бэконга қараганда бир оз бошқачароқ талкин билади. Унинг фикрича, индукция тажрибага асосланади, унда текширилаётган буюмларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилади. Санаш (энумерация) орқали муайян масала бўйича ҳамма ҳолатлар текширилади. Ҳар доим ҳам тўлиқ энумерация, яъни санаш лозим бўлавермайди. Баъзи вақтларда тўлиқсиз айрим олинган санаш ҳам етарли бўлади. Шундай қилиб, мугафакир фикрича, интуиция, дедукция ва индукция ҳақиқатни топиш йўлларидир.

Декарт мантиқнинг ҳамма соҳаларига оид маълум система яратмаган бўлса ҳам ўз рационализми билан мантиқ фани тараққиётига катта хисса қўшди.

1662 йилда Антуан Арно ва Пьер Никол томонидан «Мантиқ ёки фикр қилиш санъати» деб номланувчи китоб ёзилиб, нашр этилади. Кейинчалик бу асар «Пор-Рояль мантиғи» номи билан машҳур бўлди. Пор-Рояль мантиғи Декартнинг мантиқий қарашларига асосланади.

Пор-Рояль мантиғи ғояларни умумий, жузъий ва якка ғояларга ажратади. Бир буюмни ифодалаган ғоя якка, кўп буюмларни ифодалаган ғоя умумий ғоя – жинс бўлади.

Пор-Рояль мантиғи вакиллари дефиниция – таърифлашнинг икки турини кўрсатишади – номинал ва реал таърифлаш. Номинал таърифлаш исбот талаб қилмайди, реал таърифлашни исбот қилиш керак, деб таъкидлашади.

Уларнинг ҳукмлар ҳакидаги таълимоти Аристотель мантиғини танқид қилишга асосланади. Аристотель ҳукмларнинг ҳамма турларини кўрсатмаган; аслида унинг турлари кўпроқдир, деб таъкидланган ҳолда, ҳукмларнинг бошқа турларини, хусусан, ажратиб кўрсатувчи ва истисно қилувчи ҳукмлар ҳамда мураккаб ҳукмларнинг бир неча турларини кўрсатишади.

Пор-Рояль мантиғи вакиллари китобнинг учинчи қисмини хулоса чиқаришга бағишлайдилар. Хулоса чиқариш инсон учун зарурдир. Хулоса чиқаришда бирор ҳукмнинг чинлиги ёки хатолиги масаласи ҳал қилинади. Ҳукмнинг субъекти кичик термин, предикати катта термин, улар ўртасидаги тушунча ўрта термин бўлади. Хулоса чиқаришда икки асос ва хулоса иштирок этади. Хулоса чиқариш энтилема шаклида бўлиши мумкин – унда асослар аник ифодаланмайди. Хулоса чиқаришнинг учта ва ундан кўпроқ ҳукмлардан тузилган тури бўлиши мумкин, у сорит бўлади. Силлогизмлар оддий ва бирлаштирувчи бўлади. Оддий силлогизмда ўрта термин чекка терминларнинг биттаси билан боғланади. Бирлаштирувчи силлогизмда ўрта термин иккита чекка термин билан боғланади.

Пор-Рояль мантиғига хулоса чиқариш системаси кенгайтирилди, унинг вакиллари томонидан индукция дедукцияга қарама-карши қўйилди, уларнинг ўзаро алоқаси кўрсатилмади.

Г.В. Лейбниц (1646–1716 й.й.) – йирик немис олими. У XVII аср охири XVIII аср бошларида яшаб ижод қилган. Фалсафий қарашлари «Инсон акли ҳакидаги тажрибалар» асарида ўз ифодасини топган. «Монадология» асарида фалсафий ва мантиқий қарашларини қисқа шаклда баён этган.

Лейбниц тафаккур қонунлари ҳақидаги таълимотни қайтадан ишлаб чиқди. У биринчи ўринга айният қонунини кўяди. Бу қонунга онтологик таъриф беради: ҳар бир буюм шу буюмнинг ўзидаидир, яъни А-А дир, В-В дир ва ҳ.к. Зиддият қонунини кўйидагича таърифлайди: бир вактда буюм ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмас бўлмайди, А бўлса, нарса А эмас бўла олмайди. Буни қўйидагича ифодалаш мумкин: ҳар бир гап ё чин, ё хатодир. Бунда зиддият ва учинчиси истисно қонуни бирлаштирилади: 1.Бир гап ҳам чин, ҳам хато бўлмайди. 2.Ҳақиқат ва ёлғон ўргасида ҳеч нарса йўқ, яъни гап чин ҳам, хато ҳам бўлмаслиги мумкин эмас. Лейбниц фикрича, зиддият ва учинчиси истисно қонунлари хulosса чиқаришда асос бўлади. Етарли асос қонунини Лейбниц кўйидагича ифодалайди: ҳамма мавжуд нарсалар мавжуд бўлиши учун етарли асосга эга, етарли асоссиз бирорта воқеа чин, ҳақиқий бўлмайди. Мантикий қонунлар билиш жараёни учун аҳамиятлидир. Тафаккуримиз объектлари ё фақат фикрда мавжуд бўлади, ё реал мавжуд бўлади.

Лейбниц ҳозирда символик мантиқ номи билан юритиладиган мантиқка асос солди, тафаккурнинг турли жараёнларини, жумладан, тафаккур шакллари ва қонунларини ифодалашда математик усуллардан фойдаланиш йўлларини таклиф қилди. 1666 йилда Лейбниц «Комбинация килиш санъати ҳақида» номи билан асар ёзган бўлиб, символик мантиқнинг туғилиши шу йил ва шу асар билан бошланади.

Лейбниц мантиқ фанининг предмети ва вазифаси ҳақида тўхталиб, унинг вазифаси тафаккурнинг формал алоқаларини тасвирлаш, унинг предмети билиминг мазмунини ўрганишdir, дейди. У мантиқ илмининг амалий аҳамиятини юкори баҳолайди.

Лейбницнинг мантикий таълимоти қўйидаги принципларга асосланган: 1) ҳар бир гушунчани оддий қайд килинадиган, бошқа бўлинмайдиган тушунчаларга келтириш мумкин; 2) мураккаб тушунчалар оддий тушунчаларнинг хажмини кўпайтириш ва кесиштириш мантикий амали воситасида келтириб чиқарилади; 3) дастлабки оддий тушунчалар тўплами зиддиятсиз бўлиши шарт; 4) ҳар қандай чин мулоҳаза предикатив ҳисобланади, яъни у эквивалент тарзда бошқа шаклга ўтказилади ва предикатнинг субъектда мавжудлиги назарда тутилади; 5) ҳар қандай чин бўлган тасдиқловчи гап шу маънода аналитик ҳисобланадики, унинг предикати субъектда мавжуд бўлади.

Лейбниц мантикий модалликлар тизимини ишлаб чиқади:

мүмкін	=	зиддиятсиз
зарурый	=	инкори зиддиятлы
тасодиғий	=	инкори зиддиятсиз
мүмкін бұлмаган	=	зиддиятлы

Лейбниц математик мантиқнинг қуйидаги қонунларини таърифлаб беради:

Рефлексивлик қонуни: $x = x$

Симметрия қонуни: $x = y, y = x$

Транзитивлик қонуни: $[(x = y) \wedge (y = z) \rightarrow (x = z)]$

Лейбницнинг мантиқ илмиға оид қарашлари Х.Вольф томонидан ривожлантирилган.

Христиан Вольф (1676–1754 й.й.) немис файласуфи, математиги ва мантиқшунос олимидир. Вольфнинг мантикий таълимотида акл масаласи энг асосий ҳисобланади. Ақлий билиш хulosса чиқаришга асосланади. Унинг фикрича, билим априор ёки апостериор йўл билан ҳосил килинади. Апостериор билим – тажрибага асосланган билимдир. Аввалдан билиб олинган таърифлар ва ҳолатлар априор билим бўлиб, улар хulosса асосларини ташкил этади. Вольфнинг таъкидлашича, мантиқ ҳақиқатни билиш ва хатоларга йўл қўймаслик учун билиш қобиляйтларини кўллашга ўргатувчи фандир. У мантиқни назарий ва амалий қисмга ажратади. Назарий мантиқ тушунча, ҳукм ва хulosса чиқаришни ўрганади. Амалий мантиқ баҳс, мунозара жараёнида, мутолаа қылганда, фикрни баён этганда, умуман, амалий ҳаётда ҳақиқатни аниқлашга ўргатади. У ҳақиқатга қуйидагича таъриф беради: фикрнинг объект билан ёки тасаввур килинган буюм билан ўзаро мослиги ҳақиқатдир.

Унинг таъкидлашича, билиш уч босқичда амалга ошади: тушунча, ҳукм ва хulosса чиқариш. Ҳукм икки тушунчадан таркиб топади. Хulosса берилган ҳукмлардан янги ҳукмни ҳосил килишдир.

Вольф математик ва мантикий исботларга катта эътибор беради. Исботловчи асослар сифатида тушунчаларнинг таърифини, тажриба натижаларини, аксиомалар, постулатлар ва аввалроқ исботланган тезисларни тан олади. У тафаккур қонунларини онтологик характерга эга, деб таъкидлайди. Зиддият қонунини энг олий принцип сифатида қуйидагича таърифлайди: «Бир буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бўлиши, ҳам бўлмаслиги мүмкін эмас». Етарли асос қонунига эса «ҳамма мавжуд нарсалар ўзининг етарли асосига эга, шунинг учун улар мавжуд эмаслиқдан кўра мавжуддир», деб онтологик таъриф беради.

Х.Вольфнинг қарашлари Германияда мантиқка оид илмларнинг кейинги ривожи учун катта аҳамиятга эга бўлди. Баумейстер (1709–1785 й.й.), Мейер (1718–1777 й.й.) ва

Л.Эйлер (1707–1783 й.й.) каби мантиқшуносларга унинг тоялари сезиларли таъсир кўрсатган.

Янги давр рус мантиқшунослари ҳам мантиқ илмининг ривожланишига ўзларининг муносабиҳ хиссаларини кўшганлар.

XVII асрнинг иккинчи ярмида биринчи марта мантиқдан дарслик чиқарилган. Шу вақтдан бошлаб Россияда мантиқ илмининг ривожланишини кузатиш мумкин. Мантиқ билан жиддий шуғулланган биринчи рус олими **М.В. Ломоносов** (1711–1765 й.й.) бўлган. У билимларнинг манбай объектив воқеликдир, билимнинг ягона воситаси эса тажриба (эксперимент), деб билган. Формал мантиқнинг тўрт асосий қонунини муваффакиятли, ишончли мухокама юритишининг элементар принциплари деб атаган.

У мантиқ илмига қўйидаги янги фикрларни киритган:

1.Хукмларни умумий ва якка турларга ажратган. Жузъий ҳукмни инкор этган.

2. Силлогизмнинг Dагарти (AAI), Felapton (ЕАО), Bramalip (AAI) ва Fesapo (ЕАО) модусларини инкор этган. (Математик мантиқда ҳам силлогизмнинг бу модуслари инкор этилади.)

У холоса чиқаришни силлогистик ва силлогистик бўлмаган турларга ажратишга қарши бўлган ва холоса чиқаришнинг қўйидаги классификациясини таклиф этган:

- 1) бўлакдан бутунга қараб холоса чиқариш;
- 2) номидан холоса чиқариш;
- 3) таъсирдан холоса чиқариш;
- 4) вақт, ўрин ва шароитдан холоса чиқариш;
- 5) келиб чиқишидан холоса чиқариш;
- 6) сабабдан холоса чиқариш;
- 7) аввалгиларидан ва кейингиларидан холоса чиқариш;
- 8) тенгламадан холоса чиқариш;
- 9) ўхшаши буюмлардан холоса чиқариш;
- 10) қарама-қарши ва ўхшаши бўлмаган буюмлардан холоса чиқариш.

Ломоносовнинг «Нотикликдан қисқача қўлланма» (1748) номли асари Россияда узоқ вақт давомида мантиқдан дарслик бўлиб хизмат қилган.

М.И. Каринский (1840–1917 й.й.) ва унинг шогирди **Л.В. Рутковский** (1859–1920 й.й.) йирик рус мантиқшунослари бўлган ва кўпроқ холоса чиқариш масалалари билан шугуланишган.

Каринский аксиоматик-дедуктив мантиқ тизимини тузиши харакат қилган. Бунда у тенглик муносабати орқали дедуктив ва индуктив холоса чиқаришни ифодаламоқчи бўлган. Каринский талқинида холоса чиқариш қўйидагича тузилишга эга:

$$\begin{array}{ccc} a & R & b \\ b & = & c \\ \hline a & R & c \end{array}$$

Масалан:

Москва Париждан шарқда жойлашган.

Париж Франциянинг пойтахти.

Москва Франция пойтахтидан шарқроқда жойлашган.

Каринский хulosаларни 2 гурухга бўлади:

1) «субъектларни солиштириш»га асосланган;

2) «предикатларни солиштириш»га асосланган.

(Унда S ва P тушунчалари анъанавий мантиқка тўғри келмайди.)

Хulosса «S» ёки «P» ўртасидаги айнанлик (тафовут) асосида чиқарилади.

Каринский фикрича, бу икки гурух хulosса чиқаришнинг ҳамма турларини ва гипотезани ўз ичига олади. Каринский ўз классификациясида хulosса чиқаришнинг ҳамма турларини қамраб олмокчи бўлган, лекин бунинг уддасидан чикмаган.

Л.В.Рутковский «Хulosса чиқаришнинг асосий турлари» (1889) асарида хulosса чиқаришни интенсив (мазмунига асосланиб) ва экстенсив (ҳажмига асосланиб) турларга бўлади. Унинг хulosса чиқариш классификацияси кўйидаги:

1-гурух — ҳажмига кўра хulosса чиқариш (мантикий эгадан хulosса чиқариш):

а) традукция (ўхшиашлиқ, айнанлик, шартли боғлиқлик);

б) индукция (тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган);

в) дедукция (гипотетик ва гипотетик бўлмаган).

2-гурух — мазмунига кўра хulosса чиқариш (кесимдан хulosса чиқариш):

а) продукция (айиравчи силлогизм);

б) субдукция (классификациялаш ва предметни тартибга келтиришдаги хulosалар).

Продукциянинг аксиомаси: «Предмет В белгисига эга эканлигидан, шу предмет С белги эга, деб хulosса чиқарилади, чунки В белги доимо С белги билан биргаликда мавжуд бўлади».

Каринский ва Рутковскийларнинг таълимотлари XIX асрда анъанавий мантиқнинг ривожланишига муайян даржада таъсир кўрсатди.

Николай Алексеевич Васильев (1880–1940 й.й.) «Жузий хукмлар тўғрисида, қарама-қаршиликларнинг учбurchаги ҳақида ва 4-си – истисно қонуни ҳақида» (1910), «Ҳаёлий мантиқ» (1912), «Логика ва металогика» асарларининг муал-

лифидир. У ўз таълимотида формал аналогияни Л.Лобачевскийнинг ноевклид геометрияси билан бирлаштирган. Унинг бу таълимоти чексиз кўпликлар учун учинчиси истисно қонунининг қўлланилмаслиги ҳакида дастлабки фикрлардан бўлган.

Рус математиги ва мантиқшуноси **Платон Сергеевич Порецкий** (1846–1907 й.й.) математик мантиқнинг ривожланишига муҳим ҳисса кўшган.

Порецкийнинг мантиқий тизимида асосларнинг берилган тизимидан холосани келтириб чиқариш ва холоса сифатида олиниши мумкин бўлмаган асосларни топиш масалалари ишлаб чиқилган.

Джон Фредерик Вильям Гершел (1792–1871 й.й.) инглиз математиги ва мантиқшуноси бўлган. У «Табиатшуносликни ўрганишга кириш» (1832) асарида Джон Стюарт Миллдан 11 йил аввал илмий индуктив методларнинг асосий мазмунини ёритиб берган. Гершел фикрича, ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқадорликни аниқлаш барча фанларнинг асосий вазифасидир. У сабабий алоқадорликни аниқлашнинг кўйидаги қоидаларини ишлаб чиқди:

- 1) сабаб ва оқибат алоқадорлигининг ўзгармаслиги;
- 2) сабаб бўлмаса, оқибатнинг ҳам бўлмаслиги доимий, ўзгармасдир;
- 3) сабаб чинлигининг ортиши ёки камайиши билан оқибатнинг ҳам чинлигининг ортиши ёки камайиши;
- 4) оқибатнинг сабабга пропорционаллиги;
- 5) сабабнинг йўқолиши билан оқибатнинг ҳам йўқолиши.

Гершелнинг бу қоидалари илмий индукция методлари-нинг яратилишида муҳим роль ўйнаган.

Джон Стюарт Милль (1806–1873 й.й.) инглиз файласуфи ва мантиқшуноси.«Силлогистик ва индуктив мантиқ системаси» (1843) асарининг муаллифи.

У ҳам Беркли, Юм ва Кант каби ҳодисаларнинг чин моҳиятини билиш мумкинлигини инкор этган. Инсон фақат сезгилар воситаси орқали ҳодисаларни билади, холос, сезгилардан ташқарида ҳеч қандай буюм мавжуд бўлмайди, деб ҳисоблаган.

Милль фикрича, ҳукм ҳодисалар ўртасидаги муносабатларнинг ифодасидир. Шу фикрга асосланган ҳолда у ҳукмларни 5 турга ажратади:

- 1) мавжудлик ҳукмлари;
- 2) давомийлик, кетма-кетлик ҳукмлари;
- 3) ўзаро мавжудлик ҳукмлари;
- 4) сабабий боғлиқлик ҳукмлари;
- 5) ўхшаш муносабатларни ифодаловчи ҳукмлар.

Милль Ф.Бэкон, Р.Уэтли, Ю.Юэл ва Гершел асарларига таяниб, психологик йўналишдаги мантикий тизим тузди. Мантиқ ҳакиқатни излаш методларини ўрганувчи фан ҳисобланиб, хулоса чиқариш қоидалари ва исботлаш усусларини ўз ичига олади.

Милль асоссиз ҳолда дедуктив йўналишни танқид қилиб, индуктив йўналишга ортиқча баҳо беради. Унинг таъкидлашича, силлогизм ҳеч қандай янги билим бермайди. Умумий ҳукм ҳусусий ҳолатни исботлай олмайди, чунки умумий ҳукмнинг ўзини исботлаш талаб қилинади, дейди.

Лекин Милль яратган илмий индуктив хулоса чиқаришнинг методлари катта аҳамиятга эга бўлган. Булар:

- 1) қолдиқлар методи;
- 2) тафовут методи;
- 3) ўҳшашилик ва тафовут қўшима методи;
- 4) йўлдоши ўзгарувчилар методи;
- 5) ягона ўҳшашилик методи.

У ҳар бир методнинг ифодаланиш усулини (формуласини) ойдинлаштириди ва уларнинг тадқиқотчилар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини мисоллар билан тушунтириб берди.

Шунинг учун бу методлар мантиқ тарихида Милль методлари деб аталади.

Милль таълим-тарбия соҳасида мантиқ илмининг ўрнига юкори баҳо берган. У ўз автобиографиясида: «Янгича тарбиялашда, фикрловчи инсонларни шакллантиришда мантиқ илмидан яхшироқ восита бўлмаслигига ишончим комил», деб ёзган.

XVIII–XIX асрлар фалсафий фикрида немис фалсафаси, ҳусусан, унинг ёрқин вакиллари бўлган **И. Кант** (1724–1804 й.й.) ва **В.Ф. Гегель** (1770–1831 й.й.) яратган мантикий тизимлар муҳим ўрин тутади.

Кантнинг мантикий қарашлари унинг «Соф акл танқиди», «Пролегоменлар», «Мулоҳаза юритиш қобилияти танқиди», «Мантиқ» (шогирдининг Кант фикрларини йигиб тузган тўплами) каби асарларида баён этилган.

Кант мантиқ фанининг мавжуд анъаналарини ҳисобга олган, Аристотелнинг мантикий таълимотига суюнган, шунингдек, янги даврда бошланган мантиқ илмини ислоҳ қилиш, давр руҳига мос бўлган янги мантикий тизимни яратиш йўлидаги бўлган уринишларни кўллаб-кувватлаган ҳамда ўзининг дунёқарашининг, методологиясининг бош принципларидан келиб чиқсан ҳолда мантикий таълимотини яратди.

Кантнинг таъкидлашича, мантиқ илмини ўрганиш обьектини ақл, тафаккур ташкил этади. Унинг негизини, асосий

шаклини **apriori** инсон тажрибасигача мавжуд тарзда (яъни субъект тажрибасига қадар) мавжуд бўлган тушунчалар, категориялар хосил килади. Улар умумий ва зарурый характерга эга. Ана шунинг учун ҳам ўрганилаётган объекtlар ҳакида чин билимлар хосил қилишга имкон беради. Ақл билан билиш категориал синтез тарзида, яъни хиссий қабул қилиш натижаларини **apriori** категориялар ёрдамида таҳлил этиш шаклида мавжуд.

Кант фикрича, Аристотель асос солған умумий мантиқ (формал мантиқни Кант ана шундай ном билан атайди) ақлни, тафаккурни ўрганувчи фан сифатида сакланиб қолиши керак. Лекин у Аристотель мантиқий таълимотига хос бўлган айрим камчиликлардан, ҳусусан, тафаккур шаклларини, охир-оқибатда эмпирик мазмунга эга тафаккур конунларини (принципларини) бир вақтнинг ўзида борлиқ принциплари, деб билишдан воз кечиши керак.

Умумий мантиқ, мутафаккир фикрига мувофиқ, тафаккур шаклини тоза ҳолда, яъни унинг «материя»сини ташкил этувчи объекtlарни фарқ қилмаган ҳолда ўрганиши, ақлнинг, тўғри муҳокама юритишнинг зарурый конунларини ишлаб чиқиши зарур. Бу конун-коидалар ақлий фаолиятнинг формал принциплари бўлиб, уларсиз тафаккур мавжуд бўла олмайди.

Муҳокама юритишнинг формал коидалари ва умуман, формал мантиқ мутафаккир назаридаги билимларга баҳо бериш, уларнинг мантикий қийматини (чин-хатолигини) аниклашга ёрдам бериш учун мўлжалланган коидалар йиғинидиси, яъни канон бўлиши керак.

Кант тафаккур шакллари ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилишга алоҳида аҳамият беради. Ҳусусан, ҳукмни (мулоҳазани) тушунчалардан ташкил тоғган мантиқий шакл сифатида олиб қараб, уни онг тасаввурлари бирлигини ҳис қилишга имкон берувчи восита, деб ҳисоблади. Ўз навбатида ақлнинг негизини ташкил этувчи категорияларнинг 12 тасини («реаллик», «инкор», «чегара», «тўплам», «яхлитлик», «сабабият», «ўзаро таъсир», «имконият», «воқелик», «зарурият» ва бошқалар) шу даврда кўпчилик тан олган ҳукмнинг 4 та гурухга (микдори бўйича, сифати бўйича, муносабати бўйича, модаллиги бўйича) ажратилишидан иборат таснифдан келиб чиқиб белгилаган.

Кант хulosса чиқаришни тушунча ва ҳукмлардан ташкил топадиган мантикий шакл сифатида тасаввур қилиб, унинг 2 та турини: бевосита ва билвосита хulosса чиқариш турларини фарқ килади.

Шуни айтиш керакки, Кантнинг юкорида биз қайд этиб ўтган фикрлари ва бошқа илгари сурган ғоялари умумий мантиқ (формал мантиқ)нинг ўрганиш соҳасини, предметини наслбатан аникроқ тасаввур қилишга имкон

берди. Унинг мантиқ илми таракқиёти йўлида қилган буюк хизматларидан бири айнан ана шу билан боғлик.

Мантиқ тараккиётидаги бошқа бир хизмати Кантнинг умумий мантиқдан ташқари янги – трансцендентал мантиқни яратиши билан белгиланади.

Трансцендентал мантиқ аклни, умумий мантиқдан фарқли ўлароқ, факат шакли жиҳатидангина эмас, балки мазмуни томонидан ҳам олиб ўрганиши керак. Трансцендентал билим *a priori* билимларнинг алоҳида шакли бўлиб, у тасаввурларимизнинг (яққол тасаввурлар ёки тушунчаларимизнинг) факат априори мавжуд бўлишини, қўлланилишини, уларнинг қандай амалга ошишини тушунишимизга ёрдам беради. Бунда тафаккурнинг мазмуни деганда фикрнинг эмпирик мазмуни эмас (Кант эмгиризмга бутунлай карши), балки акл томонидан ҳосил қилинган мазмуни тушунилади; унинг тажрибага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу мазмун тоза *a priori* тушунчаларда ифода қилинган бўлиб, айнан ана шуларни ўрганиш трансцендентал мантиқнинг асосий вазифасини ташкил этади.

Биз учун ниҳоятда мавхум бўлиб туолган Кантнинг бу мулоҳазасида муҳим рационал маъно бор. Уни тафаккурнинг шакли ва мазмуни бирлигида олиб ўрганувчи мантиқни яратиш зарурлиги ҳақидаги гоя ташкил этади.

Бу гоя немис фалсафасининг бошқа вакили Гегель томонидан ривожлантирилди.

Гегелнинг мантикий қарашлари унинг «Мантиқ фани», «Фалсафий фанлар энциклопедияси» китобларида баён қилинган.

Гегель фикрича, фалсафа мантиқ шаклида мавжуд бўлиб, унинг ўрганиш обьектини тафаккур (борлик билан айнан бир бўлган) ташкил этади. Ана шунинг учун ҳам мантиқ илми умумий мантиқ (формал мантиқ) доирасидан четта чиқади, бутун борлиқни ўзида гавдалантирадиган тафаккурнинг энг умумий, зарурий хислатларини ўрганувчи таълимотга айланади.

Албатта, бу билан мутафаккир умумий мантиқни инкор қилмайди, балки аксинча, уни фалсафий билимнинг муҳим бир қисмини, тадқиқот йўналишини ташкил этади, билишнинг муҳим методларидан бири билан куроллантиради, деб ҳисоблайди.

Гегелнинг буюк хизматларидан бирини айнан ана шу умумий мантиқнинг диалектикага (фалсафага) бўлган муносабати масаласини қўйиши ва ҳал этишга уринишида, деб билиш зарур.

Гегель Аристотель мантигининг бир қатор муҳим билиш вазифаларини, хусусан, тафаккур таракқиётини таҳдил этишга ожизлик қилишини таъкидлаб ўтди. У Кантнинг, умумий

мантиқ тафаккур шаклларини «тоза» мантиқий шакллар сифатида олиб ўрганиши керак, деган фикрига аниклик киригатди. Унингча, ўзига ҳар қандай мазмунни қабул қила оладиган соғ мантиқий шаклнинг бўлиши мумкин эмас; ҳар қандай шакл ўз маъносига, мазмунига эга. Умумий мантиқ тафаккур шаклларини ўрганишда ана шундан келиб чиқиши керак. У тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган формал қоидаларни ўрганувчи фан сифатида фалсафий билишнинг куйи босқичини, бўйсунувчи моментни ташкил этади. Гегель унинг асосий принципларини, таҳлил этадиган универсал шаклларини, уларнинг муҳокамани тўғри қуриш ва чин фикрлар ҳосил қилишдаги аҳамиятини чукур тадқиқ қилган.

Айниқса, унинг тафаккурнинг универсал шакллари: тушунча, хукм, хулоса чиқариш ўртасидаги алоқадорликни ўрганишга диалектик тарзда ёндашиши ўтиборга лойикдир. Диалектика (диалектик мантиқ, фалсафа) фалсафий билишнинг асосий усули бўлиб, у формал мантиқдан¹ фарқли ўларок, тафаккурни, биринчидан, унинг мазмуни ва шакли бирлигига, иккинчидан, тараққиётида олиб ўрганади. Бунда тафаккур ўз-ўзидан ривожланадиган моҳият сифатида олиб қаралади.

Гегель диалектик мантиқнинг формал мантиқ ўрганувчи универсал тафаккур шаклларидан ташқари яна бир қанча муҳим шаклларини: категориялар, ғоялар, қонунларни ва шу кабиларни ўрганишини таъкидлайди. Унинг муҳим принциплари сифатида зиддият, абстрактлиликтан аниклик (конкретлик)ка қараб бориш, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги кабиларни асослайди.

Гегель фикрича, диалектик мантиқнинг асосий вазифаси ҳақиқатни аниклаш, унга эришиш йўлларини ўрганишдир. Муҳокамани тўғри қуриш унинг ёрдамчи воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мутафаккир ҳақиқатни жараён сифатида олиб қарайди, уни диалектик метод принциплари асосида тушунтиришга ҳаракат қилади.

Диалектик мантиқ асосларининг яратилиши, унинг айрим камчилликларига қарамасдан (масалан, тугал, бошқа ривожланмайдиган тизим сифатида курилиши), Гегелнинг мантиқий изланишларининг натижаси, унинг мантиқ илми ривожига қўшган буюк ҳиссасидир.

XIX асрнинг ўрталарига келиб мантиқ илмида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. У Аристотель мантиқий тизимиға асосланган анъанавий формал мантиқдан тубдан фарқ

¹ «Формал мантиқ» термини фалсафага Гегель томонидан киритилган.

қиласидиган, математик методлардан кенг фойдаланадиган символик мантиқ (ёки математик мантиқ)нинг шаклланиши билан боғлик. Унинг негизида Лейбниц илгари сурган муҳокамаларга ҳисоблаш тусини беришнинг мумкинлиги ва унинг самарадорлиги ҳакидаги foя ётади. XIX асрнинг ўрталари – XX асрнинг бошларида Ж.Бул, А.М.Де-Морган, Ч.Пирс, Г.Фреге ва бошқа таникли олимлар бу foяни амалга оширишда ўз хиссаларини қўшдилар.

XX асрнинг бошига келиб символик мантиқ мантиққа оид илмлар доирасида мустакил фан сифатида шаклланди. Символик мантиқ бўйича дастлабки уч жилдлик фундаментал асар – «*Principia mathematika*» Б.Рассел ва А.Уайтхедлар томонидан яратилди ва у 1910–1913 йилларда нашр этилди. Бу асада анъанавий мантиқнинг баззи муаммолари ҳамда унинг доирасида кўйиб бўлмайдиган масалалар янгида ёндашиш асосида, символик мантиқ воситалари ёрдамида таҳлил этилган.

Шунингдек, XX асрда ноанъанавий мантиқнинг турли хил йўналишлари, хусусан, кўп қийматли мантиқий тизимлар (Лукасевич, Гейтинг, Рейхенбаҳтларнинг уч қийматли мантиқий тизимлари, Постнинг п-қийматли мантиқий тизими ва шу кабилар), конструктив мантиклар (А.Н.Колмогоров, А.А.Марков варианлари) ва бошқа мантиқий назариялар вужудга келди ва ривожланди.

XX асрда мантиқ илмининг маълум йўналишлари ривожига Витгенштейн, К.Поппер, Е.К.Войишвило, В.А.Смирнов, Хинтикки кабилар ҳам ўзларининг муносиб хиссаларини қўшдилар.

Хозирги пайтда мантиқ ўзининг турли хил соҳалари ва йўналишларида тараққий этиб бормоқда.

Машқлар

1. Буюк мутафаккирларнинг кўидаги муроҳазалари асосида мантиқ илми эволюциясини тушунтириб беринг:

1.1. Мантиқ исботлаш тўғрисидаги илмидир. Исботлаш деб мен янги билим берадиган силлогизмни атайман (Аристотель).

1.2. Мантиқ билимлар тарозусидир (Ибн Сино).

1.3. Хозирда фойдаланилаётган мантиқ – Аристотель мантиғи ҳакикатни кидириб топишга караганда барча тан олган, қабул қилган тушунчаларда ўз негизига эга бўлган хатоларнинг мустаҳкамланиши ва сакланиб колишига хизмат қиласиди (Ф.Бэкон. Новый Органон. М., 1935, с.110).

1.4. Мантиқнинг вазифаси нарсаларни тушунишда ёки билимларни бошқа кишиларга етказиб беришда ақл фойдаланадиган белгилар табиатини ўрганишдан иборат (Т.Гоббс. Избр.произв.в двух томах. Т.2. М., 1964, с.75).

1.5. Тўғри фикрлаш принциплари: чинлиги ўз-ўзидан равshan бўлмаган фикрни чин деб қабул килмаслик; мулоҳазаларимизга аклимизга аник ва равshan бўлиб туюлган, шубҳаларга ўрин қолдирмайдиган фикрларнигина киритиш... (Декарт. Избр.произ.М.,1950, с.301).

1.6. Мантиқ коронғу ва адашган тафаккурнинг буюк тъкибчисидир (Д.С.Милль).

1.7. Мантиқда биз фикрни тафаккурнинг таркибиға кирадиган, унинг ўзи томонидан яратилган мазмундан бошқа мазмунга эга эмас нарса деб тушунамиз (Гегель. Наука логики. М., 1972. Т. 1, с.52).

2. Хозирги замон мантиғининг илмий билиш методологияси сифатидаги хусусиятларини куйидаги фикрлардан фойдаланиб тушунтириб беришга харакат килинг:

2.1. Мантиқ табиатда нималар содир бўлаётганига қизиқиш натижасида эмас, сабабий алоқаларни тушуниб етиш эҳтиёжидан ҳам эмас, балки тажрибада берилган барча нарсаларнинг моҳияти ёки асосини тушунишга интилиш негизида пайдо бўлади (Л.Витгенштейн).

2.2. Тоза математика тоза мантикий асослардан келиб чиқади ва факат мантикий терминларда таърифланадиган тушунчалардангина фойдаланади (Б.Рассел).

2.3. Илмий ва ноилмий билимларни чегаралаш (демаркациялаш)нинг бош мезони фальсификациялаш принципи бўлиб, у ҳар қандай илмий назарияпинг рад этилиши мумкинлигини назарда тутади (К.Поппер).

Такрорлаш учун саволлар

1. Қадимги Шарқ мамлакатларида мантикий таълимотлар қандай шароитларда вужудга келган? Уларнинг асосий хусусиятлари нимада?

2. Қадимги Грецияда мантиқ илмининг шаклланиши ва ривожланиши қандай хусусиятларга эга?

3. Аристотель нима учун мантиқ илмининг асосчиси деб ҳисобланади?

4. Ўрта асрларда мантиқ илми қандай ривожланган? Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Журжоний ва бошқа Шарқ мутафаккирлари мантиқ илми тараккиётiga қандай ҳисса кўшганлар?

5. Янги даврда мантиқни ислоҳ килишга бўлган уринишлар қандай натижалар билан тугади?

6. Символик мантиқ қандай шаклланди?

ТИЛ – АХБОРОТ БЕЛГИЛАРИ ТИЗИМИ

Тил тафаккур билан узвий боғланган, фикримизнинг бевосита мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва кишилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган ахборот белгилари тизимидан иборат. Тилни ўрганиш мантиқ фанининг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади. Маълумки, тафаккур оламни мавҳумлаштириб ва умумлаштириб акс эттирадиган идеал ҳодисадир. Мавҳум нарсаларни, умумийликни факат тил ёрдамидагина қайд қилиш мумкин.

Тил ва тафаккурнинг бирлиги нуткда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни хиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб колади.

Тил кишиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти негизида вужудга келган ва ривожлана борган. Ана шунинг учун ҳам у чуқур ижтимоий мазмунга эга ҳамда маданиятимиз ва тарихимизнинг муҳим бир қисмини ташкил этади.

Тил ёрдамида билимлар ҳосил қилинади, тўпланади ва бир авлоддан бошқа авлодга етказиб берилади. Шу тариқа у таълим ва тарбия ишларини амалга оширишга, маданиятимизни тараққий эттиришга ёрдам беради.

Белги билиш жараёнида бошқа бир предметнинг вакили вазифасини бажарувчи ҳамда у ҳақда маълум бир хабарлар бериш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга имконият яратувчи моддий предметдир. Ҳар қандай белги ҳам тил белгиси бўла олмайди. Тилга алоқаси бўлмаган белгилар қаторига нусха-белгилар (масалан, фотография карточкаси, бармоқ изи ва шу кабилар), индекс-белгилар ёки кўрсатувчи белгилар (масалан, бадан ҳароратининг кўтарилиши – касаллик белгиси, тутун – оловнинг белгиси ва шу кабилар) киради.

Тил белгиси символ-рамзлар шаклида мавжуд бўлиб, ўзи ифода қиладиган предметлар билан тузилишига кўра ҳеч қандай ўхшашибликка эга эмас. Мантиқ ўз эътиборини ана шундай тил белгиларини ўрганишга қаратади.

Тил белгилари ўз маъносига ва мазмунига эга. Тил белгисининг мазмунини у ифода қилаётган, кўрсатаётган обьект

ташкил этади. Масалан, «аудитория» сўзи реал мавжуд объекти – аудиторияни акс эттирувчи фикр мазмунини ифода этади. Тил белгисининг маъносини эса у ифода килаётган объективнинг характеристикиси (тавсифи) ташкил этади. Масалан, «Аудитория» сўзининг маъносини «Машгулот ўtkазиш учун мўлжалланган хона», «Махсус жихозланган хона» ва шу каби эканлиги ҳақидаги ахборотлар ташкил этади.

Белгиларнинг билишдаги вазифасини ўрганишга Аристотель, Лейбниц каби мутафаккирлар катта эътибор берганлар. Белгилар ҳақидаги таълимотни тараққий эттириш XIX асрда актуал масалага айланган. Мана шу даврда американлик файласуф Чарльз Пирс (1839–1914 й.й.) белгилар ҳақидаги фан – семиотикага асос солган. Бу фан тил белгисини уч хил йўналиш бўйича таҳлил қиласди. Биринчисини **семантика** ташкил қилиб, у белги билан у ифода килаётган объект ўртасидаги муносабатни ўрганади. Иккинчиси **прагматика** бўлиб, у кишиларнинг белгиларга муносабатини ҳамда белгилар ёрдамида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни ўрганади. Учинчиси, **синтаксис** дейлиб, у белгилар ўртасидаги муносабатларни (тилни куриш қоидаларини) ўрганади. Мантиқ фанини кўпроқ тил белгиларининг семантикаси қизиқтиради.

ТАБИИЙ ВА СУНЬИЙ ТИЛЛАР

Тилнинг иккита тури мавжуд. Улар табиий ва сунъий тиллардир. **Табиий ёки миллий тиллар** тарихан шаклланган товушлар (нутк) ва графика (ёзув)нинг ахборот белгилари тизимидан иборат. Табиий тилнинг алоҳида олинган ҳар кандай белгиси ўз ҳолича ҳеч нарсани ифода килмайди. Бу белгилар инсон амалий фаолияти ва тафаккури тараққиётининг негизида вужудга келган тил системасига киргандагина маълум бир маъно ва мазмун касб этувчи белгиларга айланади.

Табиий тил объектив оламнинг ва билишнинг турли хил соҳаларига тегишли бўлган предметлар, ҳодисалар ҳамда уларнинг хоссалари ва муносабатларини қамраб олиш ва ифода килишдек катта имкониятга эга. У семантик жиҳатдан ёпик тизим ҳисобланади. Бошқача айтганда, табиий тил бошқа тилларга мурожаат қилмаган ҳолда мустақил равишда ўзини куриши ва ифода килиши мумкин.

Шунинг билан бир каторда, табиий тилдан фойдаланиш билиш жараёнида айрим кийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Улар куйидагилар билан боғлик: 1) табиий тилда-

ги сўзларнинг маъноси вақт ўтиши билан ўзгариб туради; 2) табиий тилда бир сўз бир қанча тушунчани ифода қилиши (омонимлар) ёки бир тушунча бир қанча сўзларда ифода қилиниши (синонимлар) мумкин; 3) табиий тилдаги бальзи сўзлар ёрдамида ифода қилинган фикр аник маънога эга бўлмай қолади (масалан, «Карим чет тилини яхши билмайди» деган фикрда Каримнинг кимга нисбатан ёки қандай вазифани бажаришга нисбатан чет тилини яхши билмаслиги кўрсатилмаган). Табиий тилдаги мана шу каби ҳодисалардан холи бўлиш учун илмий билишда атамалардан (терминлардан) фойдаланилади. Атама ўзининг қатъий ва аник маъносига эга сўз бўлиб, бу маъно дефиниция (таъриф) ёрдамида кўрсатилади. Шунингдек, табиий тилда аниқликка сунъий тилдан фойдаланиш йўли билан ҳам эришилади.

Сунъий тил табиий тил негизида яратилган ёрдамчи ахборот белгилари тизимидан иборат бўлиб, у мавжуд хабарларни аник ҳамда тежамли баён қилиш ва узатиш учун хизмат қиласиди. Сунъий тилда сунъий йўл билан яратилган маҳсус белгилар, яъни символлар – рамзлар ишлатилади. Табиий тилдаги конкрет мазмунга эга бўлган фикрлар илмий билишда ана шундай символлар билан алмаштирилади. Демак, сунъий тил фикримизнинг конкрет мазмунидан четлашган ҳолда фақат символлар билан иш олиб боришини таъминлайди.

Сунъий тиллар ҳозирги замон фани ва техникасида кенг кўлланилади. Уларнинг, айниқса, математика, физика, кимё, кибернетика, ҳисоблаш техникаси ва шу каби соҳалар ривожланишида ҳиссаси катта. Сунъий тилларнинг ишлатилишига мисол қилиб математикадаги тўғри бурчакли учбуручак томонларини ифода қилувчи $\text{Cos}^2\alpha + \text{Sin}^2\alpha = 1$ формуласини, кимёдаги сувни ифода қилувчи H_2O формулани, механикадаги тезликни ифода қилувчи $\vartheta = \frac{s}{t}$ формуласини ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузишда эса маҳсус алгоритмик тиллар ишлатилади. Улар «Алгол – 60», «Алгол – 65», «Фортран», «Кобол», «ПЛ – 1», «Ассемблер», «Бейсик» ва бошқалардан иборат. Сунъий тилдан мантиқ фани ҳам фикримиз тузилишини назарий жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланади.

Демак, илмий билишда табиий тилдан ҳам, сунъий тилдан ҳам фойдаланилади. **Илмий тил** эса табиий тил, сунъий тил ва маҳсус атамалардан ташкил топган бўлади.

МАНТИҚНИНГ ФОРМАЛЛАШГАН ТИЛИ

Умумий мантиқ ўзининг илмий формаллашган маҳсус тилига эга. У инсон тафаккурининг тузилишини аниқ ва равшан ҳолда ифода қилиш мақсадида яратилган. Бунинг моҳиятини тушуниш учун формаллаштиришнинг ўзи нима эканлигини аниклаб олиш зарур.

Формаллаштириш конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш, яъни пропозиционал функция ҳосил қилиш, формуласалар киритиш, мантиқий коидаларни яратиш орқали тафаккурининг (фикрининг) тузилмасини ифода қилиш демакдир. Тафаккурининг тузилмаси билан мантиқнинг тилда ифода қилиниши тузилмаси ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд, яъни ҳар бир конкрет фикр тузилмасига маълум бир тил тузилмаси мувофиқ келади. Буни пропозиционал функция ҳосил қилиш мисолида кўришимиз мумкин. «Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти» деган фикрдаги «Тошкент» тушунчасини – S, «Ўзбекистоннинг пойтахти» тушунчасини – P билан алмаштирасак, S-P кўринишига эга бўлган пропозиционал функция ҳосил бўлади. **Пропозиционал функция** ўзгарувчи қийматга эга ифода бўлиб, бу қиймат аргумент билан алмаштирилганда конкрет мазмунли фикр ҳосил бўлади.

Формаллашган тил қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Асосий белгилар аниқ ифода килинган бўлиши керак. Бу белгичар асосий тушунчалар, атамаларни ифодалайди.
2. Таърифлашнинг барча коидалари кўрсатилган бўлиши керак. Бу коидаларга асосланган ҳолда мавжуд белгилар ёрдамида янги, қисқароқ белгилар ҳосил қилинади.
3. Формулаларни тузишнинг барча коидалари берилган бўлиши керак. Бунга мисол қилиб тушунчалардан гап ҳосил қилиш коидаларини кўрсатиш мумкин.
4. Хулоса чиқариш коидаларининг барчаси кўрсатилган бўлиши керак. Бу қўлланиладиган белгиларнинг (сўз, гап, символлар) график усул билан ифодаланишига тегишилдири.
5. Қўлланиладиган белгиларнинг маъносини талқин қилиш коидалари кўрсатилган бўлиши керак.

Формаллашган тилга эга бўлган мантиқ чин фикрни ифода килувчи бир формула ёрдамида худди шундай чин фикрни ифода килувчи бошқа формулани келтириб чиқара олади. Бунда берилган фикрининг конкрет мазмуни эътиборга олинмайди.

Формаллашган тилнинг устунлиги шундаки, унда мантикий хулоса чикаришда кўзда тутилмаган асосларнинг қатнашиб қолиши мумкин эмас. Математика ва мантиқнинг кўп масалалари факат мана шу йўл билан ечилиши мумкин.

Нихоят, формаллашган тилнинг яна бир қимматли томони шундаки, унда бир соҳада яратилган формаллашган тилдан бошқа бир соҳага оид масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Масалан, мантиқда синфлар билан бўладиган амалларда математика тилидан (кўшиш, кўпайтириш, тўлдириш каби атамалардан ҳамда уларни ифода қилувчи белгилардан) фикр тузилишини ифода қилиш учун фойдаланиш мумкин. Бунда, албатта, фойдаланилаётган белгиларга маҳсус маъно берилади.

Формаллашган тилнинг камчилиги эса шундаки, у табиий тилга қараганда обьектни юзаки ҳолда ифода қиласи. Ҳозирги даврда мавжуд формаллашган тиллар борлиқнинг ва билишнинг жуда кам соҳаларини қамраб олган. Билишнинг қайси соҳаларида формаллашган тилни яратиш мумкинлигини олдиндан айтиш қийин.

Шунингдек, формаллашган тил эмпирик тадқиқотларнинг ўрнини боса олмайди. Ана шунинг учун ҳам илмий тил формаллашган тилдан фойдаланиш билан чегараланиб қолиши мумкин эмас.

Шунга қарамасдан формаллашган тил ҳозирги пайтда илмий билишда ва амалий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга. У, айниқса, фикрнинг тузилишини ўрганишга, унинг мантикий қийматини, яъни чин ёки хатолигини аниқлашга тўлиқ қулай шароит яратади. Шунинг учун мантиқнинг формаллашган тилини яратишга ва уни чуқурроқ ўрганишга кизиқиш катта.

Тафаккурнинг мантикий шаклини ўрганишда семантик категориялар муҳим аҳамиятга эга. **Семантик категориялар** тил ифодаларининг синфларидан иборат бўлиб, улар бир-бирларидан қандай обьектларни акс эттириши билан фарқ қиласидилар. Асосий семантик категориялар қаторига гап ва унинг таркибида нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган қисмлари – дескриптив ва мантикий атамалар киради.

Гап ҳукмни, саволни ва нормани ифода қилиши мумкин. Ҳукмни ифода қилувчи гап предметга бирорта белгининг (хосса ёки муносабатнинг) хослигини тасдиқлайди ва инкор қиласи. У дарак гапдан иборат.

Гапда предметларни, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар дескриптив атамалар дейи-

лади. Дескриптив атамалар предметлар номлари ёки термалар (предметларни, предметлар тўпламини акс эттирувчи ифодалар) ва предикаторлар (предметларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар)га бўлинади.

Предметларнинг номлари айрим сўзлар ва сўз биримлари бўлиб, улар моддий (планета, электр токи) ва идеал (сезги, тафаккур) предметларни ифодалайди. Предмет номи белгидан иборат бўлганлиги учун ўз мазмуни ва маъносига эга. Номнинг мазмуни предметни ифода қиласи ва мантиқда **депонат** деб аталади. Номнинг маъноси эса предметнинг муҳим, умумий белгиларини ифода қиласи ва **концепт** деб аталади. Масалан, «Аристотель», «Мантиқ фанининг асосчиси», «Топика асарининг муаллифи» каби ифодаларнинг мазмуни бир хил, яъни битта предметни ифодалайди, маъноси эса турли хил, яъни фикр қилаётган объектнинг ҳар хил белгиларини қайд қиласи.

Шунингдек, номлар якка («Тошкент шаҳри») ёки умумий («шаҳар») бўлиши мумкин. Бунда якка ном битта предметни, умумий ном эса предметлар синфини акс эттиради.

Предикаторлар гапда кесим ўринида келиб, ўзи таалукли бўлган номнинг микдорига бўёлик ҳолда бир ўринли ёки кўп ўринли бўлиши мумкин. Бунда предметнинг хоссасини ифода қилувчи предикаторлар бир ўринли, улар ўргасидаги муносабатларни ифода қилувчи предикаторлар кўп ўринли предикаторлар ҳисобланади. Масалан, «Ўзбекистон мустақил республикадир» деган мулоҳазада предикатор бир ўринли, «Ўзбекистон Туркия билан иқтисодий шартнома тузди» деган фикрда «иктисодий шартнома тузди» предикатори икки ўринли, «Ўзбекистон Сирдарё ва Амударё оралиғида жойлашган» деган фикрда «оралиғида жойлашган» предикатори уч ўринлидир.

Мантикий атамалар (мантикий константалар) доимий мантикий қийматга эга бўлиб, гапда дескриптив атамаларни боғлашда ишлатилади. Улар ўзбек тилида «ва», «ҳам», «ҳамда», «ёки», «ёхуд», «барча», «ҳеч бир», «баъзи», «эмас» каби сўзлар орқали ифодаланади ва гурули хил (оддий ва мураккаб) ҳукмлар, мулоҳазаларни ҳосил қилувчи элементлар ҳисобланади. Масалан, «Ҳеч бир товар қийматсиз эмас» деган фикрда «ҳеч бир», «эмас» мантикий атамалар бўлиб, уларсиз дескриптив атамаларни – «товар», «қиймат» сўзларини боғлаб бўлмайди.

Мантиқнинг формаллашган тилини яратишда семантик категориялар аник таърифланиши ва тавсифланиши керак. Бунга семантик категорияларни конкрет символларда акс эттириш орқали эришиш мумкин.

Ана шу символлар мантиқнинг формаллашган тилининг алифбосини ташкил этади. Мантиқда иккита тил – предикатлар мантиғи тили ва мулоҳазалар мантиғи тили мавжуд.

Мулоҳазалар мантиғи хукмларининг ички тузилишини ўрганишдан четлашиб, уларнинг ўзаро мантиқий алоқасини ҳисобга олган ҳолда муҳокама этиш жараёнини таҳлил киласидиган формаллашган мантиқий тизимдир. Мулоҳазалар мантиғи тили алифбоси ифодалар таърифларини ва уларнинг талқин қилинишини ўз ичига олади. Ҳусусан, бу тил алифбоси кўйидагилардан ташкил топган:

1.р, q, г – пропозиционал ўзгарувчилар, яъни хукмлар учун символлар.

2.ʌ – конъюнкция белгиси; у ўзбек тилидаги «ва», «ҳам», «ҳамда» каби боғловчиларга тўғри келади. Масалан, «Маъруза тугади (р) ва унинг муҳокамаси бошланди (q)», деган хукмни рʌq шаклида ифода қилиш мумкин.

3.ү – дизюнкция белгиси; у ўзбек тилида «ё», «ёки», «ёҳуд» каби сўзларга тўғри келади. Масалан, «Электр токи ё ўзгарувчан (р), ё ўзгармас бўлади (q)», деган хукм р∨q шаклида ёзилади.

4.→ – импликация белгиси; унга ўзбек тилида «Агар... бўлса, ... бўлади», деган ифода тўғри келади. Масалан, «Агар талаба мустакил ишласа (р), ўкув материалларини яхши ўзлаштиради (q)» деган хукм р→q шаклида ёзилади.

5.↔ – эквивалентлик белгиси; унга ўзбек тилида «Фақат ва фақат шундаки...» деган ибора тўғри келади. Масалан, «Фақат жуфт сонларгина (р) иккига колдиксиз бўлинади (q)», деган хукм р↔q тарзида ёзилади.

6.⤔ – инкор қилиш белгиси. Масалан, «Аҳмедов Анвар талабадир» (р) деган хукм инкор қилинганда «Аҳмедов Анвар талаба эмас» р⤔хукмига айланади, яъни р⤔ ўзининг инкори бўлган ⤔р га ўзгаради.

Предикатлар мантиғи – муҳокама жараёнини хукмларининг ички тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўрганувчи формаллашган мантиқий тизимдир. Предикатлар мантиғи алифбоси мулоҳазалар мантиғи алифбосига янги символлар кўшиш орқали ҳосил қилинади.¹ Улар кўйидагилар:

1.а, в, с,..., – предмет номларини ифодаловчи символлар, улар константлар деб аталади.

2.ҳ, у, з,..., – предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар.

¹ Бу ерда кўрсатилмаган символлар ишлатилганда уларнинг қиймати тушунтирилади.

3.P¹, Q¹, R¹... , Pⁿ, Qⁿ, Rⁿ – предикаторлар учун символлар; бунда 1– бир ўринли предикаторни, n-п ўринли предикаторни билдиради.

4.Хукмнинг микдорини билдирувчи символлар: – умумийлик квантори; унга ўзбек тилида «барча», «ҳар бир», «ҳеч бир» каби сўзлар тўғри келади. Масалан, «Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонлик тиламайди», деган хукм $\forall(x)P(x)$ кўринишида ёзилади.

Э – мавжудлик квантори; унга ўзбек тилида «баъзи», «айрим» каби сўзлар тўғри келади. Масалан, «Баъзи кишилар якка тартибда ишлайди» деган хукм $\exists(x)P(x)$ кўринишида ёзилади.

Мулоҳазалар мантифи ва предикатлар мантифи натурал хулоса чиқариш тизими (ёки аксиоматик) тизим сифатида курилиши мумкин.

Машқлар

1.Кўйидаги мулоҳазаларга асосланиб тилнинг фикрлаш жараёнида тутган ўрнини изохлаб беринг:

1.1.Одам тили билан ҳайвондан устун, аммо тилдан ножоиз фойдаланса, ҳайвондан батттар (Саъдий).

1.2.Кўнгул маҳзасининг қулфи тип

Ва ул маҳзанинг калидин сўз бил (А.Навоий).

1.3.Сўзни кўнгилда пиширмагуича тилга келтурма,

Ҳар неким кўнгулда бор-тилга сурма (А.Навоий).

1.4.Тип бойлиги тафаккур бойлигидир (Н.М.Карамзин).

1.5.Тип гоя, туйғу, тафаккурнинг жонли мужассамидир (А.Н.Толстой).

1.6.Фикр ифода этилаётган сўзлар туфайли ўзгаради (Б.Паскаль).

1.7.Равшанлик – тилнинг асосий фазилати (Аристотель).

2.Кўйидаги гаплардаги дескриптив ва мантикий атамаларни ажратинг.

2.1.Сахийлик тъяналар тоши йўлини беркитадир (Аҳмад Юғнакий).

2.2. Она юртинг омон бўлса,

Ранги-рўйинг сомон бўлмас (Халқ мақоли).

2.3. Ёрга еткур сабо. ким макр килмишдир манга,

Килди эрса кимга макрин, қайтадир бир кун анга. (Амир Темур.)

2.4.Агар кишиларнинг билимлари бетартиб ҳолда бўлса, қанчалик у кўпроқ билимга эга бўлган сайин, фикрлари шу кадар парокандалашшиб боради (Г.Спенсер).

2.5.Фикр ҳам – озик. Фикрлаш эса озикланиш демак (В.Юго).

3.Кўйидаги номларнинг (тил белгиларининг) маъно ва мазмунини топинг.

3.1.Фикр.

3.2.Иктисадиёт.

3.3.Миллий гоя.

3.4.Ватан.

3.5.Истиклол.

4.Кўйидаги мулоҳазаларнинг қайсилари бир хил мантикий шаклга эга?

4.1. Тарихни билмай туриб мафкуранинг фалсафий негизларини аниклаб бўлмайди (И.Каримов).

4.2. Фоядан бегоналашган ҳар қандай одам оқибат-натижада яланғоч туйгулари билангина колаверади (И.Гёте).

4.3. Тилга ихтиёrsиз – элга эътиборсиз (А.Навоий).

4.4. Ким равшан фикрласа, у равшан баён этади (Н.Буало).

4.5. Истамай мутолаа килаётган талаба – канотсиз куш (Сальдий).

4.6. Эрталаб кўп шудринг тушса, ҳаво яхши бўлади.

4.7. Ватанинг тинч – сен тинч.

5. Куйидаги фикрларни формаллаштиринг:

5.1. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал киласди (И.Каримов).

5.2. Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадрияларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади (И.Каримов).

5.3. Товуклар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, ёмғир тез орада тинади.

5.4. Ҳамал йиғлок – савр курғок.

5.5. Эрта баҳорда бўрон ёки қаттиқ шамол бўлса, йил ёмон келади.

6. Куйидаги ифодаларни конкрет мазмунга эга фикрларга ўзгартиринг:

6.1. X-Ўзбекистон Қаҳрамони.

6.2. Ҳукукий X.

6.3. pVq.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тил нима?

2. Тил ва тафаккур ўзаро қандай алоқада?

3. Сунъий тил нима учун керак ва у қандай яратилади?

4. Фикрни формаллаштиришнинг моҳияти нимада? Унинг тафаккур шаклларини ўрганиш учун қандай аҳамияти бор?

5. Тилнинг семантик категориялари нималар?

ФОРМАЛ МАНТИҚНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ (ПРИНЦИПЛАРИ)

Оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракати ўзига хос ички қонунлар негизида юзага келади. Бұу ҳаракатнинг инсон онгидаги инъикоси, яъни тафаккур жараёни ҳам ўзига хос объектив қонуниятлар асосида амалга ошади.

Фалсафада қонун түшүнчеси нарса ва ҳодисаларнинг мухим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабаттарини ифодалайди. Формал мантиқ илміда қонун түшүнчеси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, мухим, зарурий алоқадорликни ифодалайди.

Мантикий тафаккур икки турдаги қонунларға бүйсунади. Улар диалектика қонунлари ва формал мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб, диалектик мантиқ илмининг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формал мантиқ қонунлари эса фақат тафаккурдагина амал килади. Диалектика қонунлари мантикий тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигida олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса, фикрнинг тўғри тузилишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини ўтиборга олган ҳолда ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганда фикрлашга хос мухим, зарурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вакт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган.

Бу қонунлар фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган түшунчалар, мулоҳазалар (хукмлар) ҳамда хulosа чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқаларини ифодалайди.

Тафаккур қонунлари юзаки қараганды субъектив қонунлардек бўлиб туюлса ҳам, аслини олганда, объектив мазмунга эгадир. Бу қонунлар ҳамма кишиларнинг фикр юритишида бир хил амал қилювчи умуминсоний қонулардир. Уларни бузиш, алмаштириш, ўзgartириш, янгилаш мумкин эмас.

Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишига имкон беради. Аниқлик, изчиллик, зиддиятлардан ҳоли бўлиш ва исботлилик (асосланганлик) тўғри тафаккурлашнинг

асосий белгиларидир. Булар мантикий қонунларнинг асосини ташкил этувчи белгилар бўлганлиги учун уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Инсон тафаккурига хос бўлган муҳим хислатлардан бири фикрнинг аниқ бўлишидир. Маълумки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ҳодиса ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг ўзига хос томонларини аниклашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, буюм ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этишини, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ, равшан ифодаланишини таъминлади. Фикрнинг ноаниклиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашувига, мантиқсизликка олиб келади. Масалан, объектив ва субъектив сабаб тушунчаларининг моҳиятини аниклаб олмасдан бирорта ҳодисанинг келиб чиқиши сабаблари тўғрисида аниқ фикр юритиб бўлмайди. Шу сабабдан фикрдаги аниклик тўғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидан бири хисобланади.

Объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисаларнинг жойлашиши, ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ҳодисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида ўз ифодасини топган. Тафаккурга хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қиласди. Фикрдаги изчилликнинг бузилиши фикр маъносининг ўзгаришига олиб келади ва бундай фикрни тушуниб олиш кийинлашади. Масалан, бирорта файласуф – мутафаккирнинг умумфалсафий қарашларини ўрганмасдан туриб, унинг ижтимоий ёки ахлоқий таълимотининг моҳиятини тўлиқ тушуниб бўлмайди.

Тафаккурга хос бўлган белгилардан яна бири фикрлаш жараёнининг зиддиятсизлик хусусиятига эга бўлишилтидир. Бу белги ҳам объектив асосга эга. Маълумки, объектив воқеликда ҳар бир буюм ёки ҳодиса бир вақтнинг ўзида бирор сифатига кўра икки зид белгига эга бўлмайди. Масалан, бирор буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўла олмайди ёки инсон ҳам эътиқодли, ҳам эътиқодсиз бўла олмайди. Фикрда мантикий зиддиятларнинг мавжуд бўлиши унинг ноаниқ, чалкаш, тушунарсиз бўлишига олиб келади.

Буюм ва ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар тафаккурга хос бўлган асослилик белгисининг объектив негизидир. Инсон фикр юритиш жараёнида иложи борича чинлиги асосланган мулоҳазаларни баён қилишга интилади.

Юқорида баён қилинган белгилар тафаккур қонунларининг мазмунини ташкил этади.

АЙНИЯТ ҚОНУНИ

Бирор буюм ёки ҳодиса ҳакида фикр юритилганда уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатларда тақорланишига қарамасдан доимий, ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниклик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳакида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни бир вактда ўз-ўзига тенгдир. Бу қонун формал мантиқ илмида «A–A» формуласи билан ифодаланади.

Айният қонуни символик мантиқ илмида, яъни **мулоҳазалар мантиғи ва предикатлар мантиғида ўзига хос кўринишда ифодаланади**.

Мулоҳазалар мантиғида $a \rightarrow a$ ва $a \leftrightarrow a$. (Бунда, \rightarrow – ҳар қандай фикрни ифодаловчи белги, \rightarrow – импликация белгиси, \leftrightarrow – эквивалентлик белгиси.)

Предикатлар мантиғида ($x(P(x) \rightarrow P(x))$). Бу ифода куйидагича ўқиласи: ҳар қандай X учун, агар X P белгига эга бўлса, X шу белгига эга, деган фикр тўғри бўлади.

Айният қонунининг асосий талаби куйидагича: фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни билиб ёки билмасдан бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, «диалектика қонунлари» ва «табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлса ҳам мазмунан айнандир.

Тиљда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларнинг кўлланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан: фалсафий нуқтаи назардан «сифат» тушунчаси ўзига хос мазмунга эга бўлса, бирор ҳунарманд томонидан бу тушунча бошқа мазмунда (ярокли, фойдали) кўлланилади.

Шунингдек, у, бир тушунчага касб-ҳунари, хаётий тажрибаси ва дунёқараши турли хил бўлган шахслар томонидан турли мазмун юклатилишида ҳам намоён бўлади.

Баҳс-мунозара жараёнида қандай килиб бўлса ҳам рагибни алдаш ва ютиб чиқиш мақсадида айният қонунининг талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади. Уларнинг таълимоти эса софистика дейилади.

Баъзан турли маънодаги бир хил сўзларни моҳирлик билан ишлатиш орқали ажойиб шеърий мисралар яратилиди. Шарқ адабиётида «туюқ» номи билан маълум бўлган бу шеърий мисралар гўзаллиги, инсонга ўзига хос завқ берини билан ажралиб туради. Бунга Фозил Йўлдош ўғлининг қўйидаги мисралари мисол бўла олади:

Кўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от,
Насихатим ёд қилиб ол, фарзандим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

Юкоридаги тўртликда «от» тушунчасининг турли маъноларда қўлланилиши айният конуни талабининг бузилишини эмас, балки унга риоя қилинганигини ифодалайди.

Шунингдек, ўзбек ҳалқига хос бўлган асқия санъатида айният конунлари атайлаб бузилишини, тушунчаларнинг ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланилишини кузатиш мумкин. Бу ўзига хос сўз ўйини бўлиб, унда қўлланиладиган нозик қочиримлар асқия айтувчининг маҳоратини кўрсатади ва тингловчиларнинг кулгусига сабаб бўлади.

Демак, хаётда, амалиётда тушунчанинг турли маъноларда қўлланилишидан гаразли ёки беғараз, яхши ёки ёмон мақсадлар учун фойдаланиш мумкинлигини кўрамиз.

Айният конуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этган ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу конун фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо қиласди.

Айният конуни тафаккурга, унинг барча элементлари, шаклларига хос бўлган умумий мантикий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган конкрет қоидаларда аник ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза (хукм), хуроса чиқариш шакллари, улар ўргасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

НОЗИДЛИК ҚОНУНИ

Инсон тафаккури аник, равшан бўлибгина қолмасдан, зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда, бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши,

ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, бир вақтнинг ўзида, бир хил шароитда инсон ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли, ё ахлоқсиз бўлади.

Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусиятнинг таалуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб килади ва тафаккурнинг зиддиятсиз ҳамда изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (ўзаро бир-бирини истисно қилувчи) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, ҳеч бўлмаганда улардан бири, албатта, хато бўлишини **ифодалайди**. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади. Мулоҳазалар мантифида бу қонун қўйидаги формула орқали ёзилади $A (x(p)r(x))$, яъни ҳар қандай $P(x)$ мулоҳаза учун $r(x)$ ва унинг илгари биргаликда чин бўлмаслиги тўғридир.

Нозидлик қонуни қарама-карши ва зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-карши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин; ўзаро зид мулоҳазалар эса бир вақтда хато бўлмайди, улардан бири хато бўлса, иккинчиси албатта чин бўлади. Қарама-карши мулоҳазаларда эса бундай бўлмайди, яъни улардан бирининг хатолигидан иккинчisinинг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: “Аристотель — мантиқ фанининг асосчиси” ва “Аристотель — мантиқ фанининг асосчиси эмас” — бу ўзаро зид мулоҳазалардир. Бу зид мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи бир вақтда хато бўлмайди. Улардан биринчиси чин бўлганлиги учун иккинчиси хато бўлади. Ўзаро қарама-карши бўлган “Бу дори ширин” ва “Бу дори аччик” мулоҳазаларининг эса иккаласи бир вақтда, бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Учинчиси — истисно қонуни тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса, икки зид белгидан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учинчиси истисно қонунига амал қилмайди.

Масалан:

Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди.

Талаба имтиҳонда «икки» баҳо олди.

Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қиласи. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши ва талаба имтиҳонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо олиши мумкин.

Агар, «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди» ва «Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олмади» муроҳазаларини таҳлил кылсак, унда бу муроҳазалардан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки «яхши», «ўрта» ва «иккиси» баҳолар – «аъло» баҳо эмас.

Учинчиси истисно қонуни қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вакт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда. Масалан:

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу муроҳазалар биргаликда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири чин, иккинчиси хато, учинчи муроҳазага ўрин йўқ. Учинчиси – истисно қонуни ўзаро зид умумий муроҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий муроҳазаларда буюмлар синфида ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар нотикдир.

Ҳеч бир файласуф нотик эмас.

Бу муроҳазалардан бирининг хатолигидан иккинчиси – чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотикдир» деган учинчи бир муроҳаза чин ҳисобланади.

Сон ва сифатига кўра ўзаро зид муроҳазалар баён қилинганда, буюм ва ходисаларнинг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган муроҳаза билан шу синф буюм ва ҳодисаларнинг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган муроҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди.

Масалан:

Ҳамма файласуфлар табиатшуносдир.

Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас.

Бу икки муроҳаза бир вактда чин ҳам, хато ҳам бўла олмайди. Улардан бири (Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи муроҳазага ўрин йўқ.

Демак, учинчиси – истисно қонуни:

1. Икки зид якка муроҳазаларга нисбатан.

2. Умумий тасдиқ ва жузъий инкор муроҳазаларга нисбатан.

3. Умумий инкор ва жузъий тасдиқ муроҳазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси – истисно қонунининг амал қилиши учун олинганд зид муносабатларни ифодаловчи муроҳазалардан бири тасдик, иккинчиси инкор бўлиши ёки тушунчалардан бири ижобий ва бошқаси салбий бўлиши шарт эмас. Олингган икки тушунча ёки муроҳазанинг бир-бирини ҳажм жиҳатдан тўлиқ инкор этиши кифоя. Масалан, эркак ва аёл тушунчаларининг ҳар иккиси ижобий бўлиб, инсон тушунчасининг тўлиқ мазмунини қамраб олувчи зид белтиларни ифодалайди.

Учинчиси – истисно қонунида ҳам нозидлик қонуни даги каби вакт, муносабат, объект айнанлигига риоя этиш шарт, акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади, фикрнинг изчиллигига заар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади.

Учинчиси – истисно қонуни бошқа мантикий қонунлар сингари зиддиятли муроҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниклаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланган ҳолда ўзаро зид муроҳазалардан қайси бири чин ёки хато эканлигини аниклади. Бу қонун ўзаро зид муроҳазалар бир вактда чин бўлмаслигини тасдиклайди.

Учинчиси – истисно қонунини билиш муҳокама юритишида тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб, ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилик, ишончлилиkdir. Фикрлаш жараённада буюм ва ҳодисалар ҳакида чин муҳокама юритибгина қолмасдан, бу муҳокаманинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги учун уни исботлашга, асослашга ҳаракат қилинади. Бунда чинлиги аввалдан маълум бўлган ва ўзаро мантикий бояланган муроҳазаларга асосланилади, яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган, чинлиги тасдиқланган бошқа бир фикр, муроҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи марта немис файласуфи ва математиги Г.Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. **Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг реал асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-муроҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак.** Етарли асос қонунининг бу талаби қўйидаги формула орқали ифодаланади: «Агар В мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида түғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрларнинг изчилилк билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодалана-ди. Бу қонун аввалги кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлик ҳолда амал қиласи. Фикрлаш жараёнида берилган муроҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин муроҳазалар мантикий асос деб, берилган муроҳазанинг ўзи эса мантикий натижада деб юритилади.

Мантикий асос билан объектив, ҳақиқий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижадаги мантикий боғликликни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор», деган муроҳазани «У шифохонада даволанипти», деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки муроҳазанинг сабаби эмас, балки оқибатидир. Кўриниб турибдик, мантикий асос ҳаммавақт ҳам ходисанинг сабаби билан мос келмайди. Фикрларнинг етарли асосга эга бўлишилгининг объектив манбаи фақат сабаб-оқибат муносабатинигина эмас, шунингдек, фикрнинг изчилиги, асосланганлигини, исботланган бўлиш хусусиятларини ҳам, яъни объектив мазмуни сабаб-оқибат муносабатларидан ташқарида бўлган бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Фикр-муроҳазаларни асослаш мураккаб мантикий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар тизимидан фойдаланилади. Кенг маънода бирор муроҳазани асослаш деганда, шу муроҳазанинг чинлигини тасдиқловчи ишончли ва етарли далилларнинг мавжудлигини аниқлаш тушунилади. Бу ишончли ва етарли далилларни шартли равишда икки гурухга: эмпирик ва назарий асосларга бўлиш мумкин. Булардан биринчиси асосан ҳиссий билиш, тажрибага асосланса, иккинчиси аклий билиш, тафаккурга таянади. Эмпирик ва назарий билимларнинг чегараси нисбий бўлгани каби, эмпирик ва назарий асослар ўртасидаги фарқ ҳам нисбийдир.

Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегаралangan бўлиб, сезилари берган маълумот эса ҳаммавақт ҳам түғри бўлмайди. Шунга қарамасдан, муроҳазаларни эмпирик асослашнинг аҳамияти катта, чунки билиш жонли ҳиссий муроҳададан, бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташки олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг устқурмаси ҳисобланади.

Назарий асослашда кенг фойдаланиладиган усул-дедуктив хулоса чиқариш усули, яъни умумий чин муроҳазаларга таяниб фикр юритишдир. Берилган муроҳазани

мантикий усул орқали бошқа чин мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин бўлса, унда берилган мулоҳаза чин, яъни асосланган бўлади. Бунда фикрлар ўргасидаги боғланиш умумийлик, хусусийлик ва яккалик ўргасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди. Масалан, тўғри тафаккур конунларининг объектив характерга эга эканлигини барча илмий конунларнинг объектив характерга эга эканлиги ҳақидаги умумий-чин мулоҳаза ёрдамида асослаш мумкин.

Умумий-чин мулоҳазалар сифатида фанларнинг қонун-коидаларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек, аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуслари бўлиб, улар умуммиллий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, асослашнинг субъектив характерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга тааллукли бўлмаган усуслари мавжуд. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-одатларга асосланиш шундай усуслар жумласига киради. Бу усуслардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилади.

Интуиция ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз тўғридан-тўғри ҳақиқатга эришиш кобилиятини ифодалайди. Интуиция – лотинча *intuitio* сўзидан олинган бўлиб, «дикқат билан тикилиб карайман», деган маънони билдиради. Интуиция билиш жараёнида сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, ҳиссий ва аклий билишдан ўзгача бир кўриниши ташкил этмайди; ўзига хос фикр юритиш, тафаккур қилиш усулини ифодалайди. Интуиция орқали инсон мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини, унинг турли қисмларига эътибор бермаган ҳолда, фикран яхлит қамраб, тушуниб олади. Бунда тафаккур жараёнининг алоҳида қисмлари у ёки бу даражада англанмайди ва асосан фикр юритиш натижаси – ҳақиқатни англанган ҳолда аник, равшан қайд этилади. Интуиция ҳақиқатни аниқлашда етарли асос ҳисобланса-да, лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли ҳисобланмайди.

Эътиқод – кишининг ишончини қозонган ва шунинг учун ҳам унинг фаолиятида хатти-харакатларини белгилаб берадиган, унинг дастури бўлиб хизмат қиладиган қарашларнинг мажмуасидан иборат. Эътиқод чинлиги исботланган мулоҳазаларга ёки танқидий таҳлил қилиб кўрилмаган, чинлиги номаълум бошланғич билимларга асосланган бўлиши мумкин. Интуиция каби эътиқод ҳам субъектив характерда бўлиб, давр ўтиши билан ўзгариб туради. «Англаш учун эътиқод қиласман», деган эди Авлиё Августин ва Ансельм Кентерберийскийлар (1033–1109 й.й.).

Француз файласуфи ва теологи Пьер Абеляр (1079–1142 й.й.) эса ақл ва эътиқоднинг ўзаро нисбатини ҳаққоний кўрсатган ҳолда «Эътиқод қилиш учун тушунаман», дейди. Албатта, эътиқод ҳақида фикр юритганда кўр-кўронга эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни фарқлаш зарур. Факат илмий билимга асосланган эътиқодгина фикр ва мулоҳазаларнинг чинлигини аниклашда етарли асос бўлади. Шунинг учун ҳам улар инсон қалбида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Президентимиз И.А.Каримов: «Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир»¹, деганда айнан шуни назарда тутган эди.

Авторитет (*autoritas* – ҳокимият, таъсир) – кенг маънода ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида бирор шахснинг ёки ташкилотнинг кўпчилик томонидан тан олинган норасмий таъсиридир. Етарли асос қонуни билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда авторитет тушунчаси обрўли, эътиборли, нуфузли манба маъносида кўлланилади. Авторитетларга асосланиш деганда эса, бирор фикр, мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда обрўли, эътиборли, нуфузли манбаларга мурожаат қилиш тушунилади. Нуфузли манба сифатида алоҳида шахсларнинг фикр ва мулоҳазалари, мукаддас диний китобларда ёзилган сурга ва оятлар, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларидан фойдаланилади.

Авторитетларнинг амал қилиш доиради ва давомийлиги турли хил бўлади. Тор доирада амал қиласиган, қисқа муддатли авторитетлардан фикр-мулоҳазаларни асослашда ҳаммавакт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Чунки вақт ўтиши ёки амал қилиш доирасининг ўзгариши бу авторитетларнинг мавқеини тушириб юбориши мумкин.

Кенг доирада амал қиласиган ва доимий, мунтазам бўлган авторитетларгина фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини аниклаш учун етарли асос бўлади. Бундай авторитетлар тарихий шароитнинг, сиёсий ўзгаришларнинг таъсирида ўз қадр-кимматларини йўқотмайдилар, вақт синовига бардошли бўладилар. Умуминсоний маънавий маданият ҳазинасидан жой олган буюқ мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари, умуминсоний-ахлоқий қадрияtlар, халкларнинг ижтимоий-тарихий тажрибасини акс эттирган мақоллар фикр-мулоҳазаларнинг

¹ И.А. Каримов. Миллий истиклол мафкураси – қалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir: «FIDOKOR» газетаси мухбери саволларига жавоблар. - Т.:«Ўзбекистон», 2000. 30-6.

чинлигини асослашда етарли далил ҳисобланади. Масалан, «Илм олиш учун тинимсиз изланиш зарур» эканлиги ҳақидаги фикрни ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» сўзлари билан, шунингдек, ҳадисларда келтирилган «Бешикдан то қабргача илм изла» каби фикр-мулоҳазалар ёрдамида асослаш мумкин.

Авторитетларга асосланиш билан авторитар тафаккурни ўзаро фарқлаш зарур. Авторитарлик – асосланганликнинг ўзгарган, бузилган кўриниши бўлиб, унда мулоҳаза юритиш ва унинг чинлигини аниқлаш вазифаси авторитетлар зиммасига юкланди.

Авторитар тафаккур бирор муаммони ўрганишдан аввал ўзини «асосий мулоҳазалар йиғиндиси» билан чеклаб қўяди. Бу мулоҳазалар йиғиндиси тадқиқотнинг асосий йўналишини белгилаб беради ва кўпинча аввалдан маълум бўлган натижани келтириб чиқаради. Дастребки асос бўлган фикрлар системаси намуна сифатида қабул қилинади ва бошқа фикрлар унга бўйсундирилади. Агар асосий мулоҳазаларнинг деярли барчаси авторитетлар томонидан айтилган бўлса, унинг давомчиларига бу фикрларни тушунтириш ва изоҳлаш колади, холос. Бу янгиликлардан ва ижодийликдан маҳрум бўлган фикр юритиш усули бўлиб, диалектик тафаккурга зиддир. Авторитетлар нуфузли манбалар, жамият аъзолари, хусусан, ёшларда миллий мағкура ва миллий гояни шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу ўринда матбуотнинг, айниқса, радио ва телевидениенинг у ёки бу манбанинг авторитет деб тан олинишидаги роли эътиборлидир. Бу ҳакда Президентимиз И.Каримов: «Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлагандага бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл кўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим»¹, деб тъкидлаган.

Авторитетлар масаласи мураккаб ва кўп қирралидир. Шу сабабдан фикр-мулоҳазаларнинг чинлигини асослашда авторитет ҳисобланган фикрлардан конкрет шароитга мос равишида, меъёрга амал қилган ҳолда фойдаланиш зарур.

Урф-одат авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган ва муайян жамият ёки ижтимоий гурӯх томонидан қабул қилин-

¹ И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулокот», 1998, 5-сон, 15-б.

ган бир хил шаклдаги хатти-ҳаракат, ҳулқ-атвор усули бўлиб, кишиларнинг турмуш тарзи ва фикр юритишига маълум даражада таъсир кўрсатади. Урф-одатларга асосланган ҳолда фикр юритиш ва ҳаракат қилиш кўпинча кишиларнинг турмуши, ахлоқий меъёrlар ва ҳалқ маросимлари доирасида намоён бўлади. Миллий ғоя ва миллий мафкура урф-одатлар орқали ҳам жамият аъзоларининг онгига сингиб боради. Жамият ёки ижтимоий гурух томонидан бирор шахс ёки воқеа-ҳодисага нисбатан бўлган муносабат муайян урф-одатлар билан асосланади. Бунда бирор хатти-ҳаракатни асослаш учун «урф-одатларимизга кўра...», деб фикр юритилади.

Фикр-мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантикий жараён бўлиб, унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Мулоҳазаларнинг чинлигини асослаш тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, фикрларимизнинг мантикли, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тўғри тафаккурнинг юқорида кўриб ўтилган қонунларининг ҳар бири чин билимга эришиш учун хизмат қиласи. Бу қонунлар тафаккур жараёнида алоҳида-алоҳида ёки бирин-кетин эмас, балки бир вактда, биргаликда фикрлар боғланишининг ҳарактерига қараб амал қиласи. Айният қонунига кўра, фикрлаш жараёнида ҳар бир мулоҳаза катъий мазмунга эга бўлиши, айнан шу фикр доирасида ўзгармаслиги талаб қилинади. Бу талабнинг бузилиши фикрда мантикий зиддиятларни келтириб чиқаради. Зид мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниклаш уларни мантикий асослашни тақозо этади.

Демак, бу қонунларнинг талаблари бир-бирини тўлдирган ҳолда яхлит мантикий тафаккурнинг чин бўлишини таъминлайди.

Машқлар

1.Кўйидаги мулоҳазалардан фойдаланиб, тафаккур қонунларининг табиатини тушунтириб беринг:

1.1.Қонун умумийликдан иборат. У якка предметлар субстанциясиdir (Гегель).

1.2.Мантикий зарурият мантиқан тўғри бўлишини англатади (Р.Карнап).

2.Кўйидаги гаплар уларда курсив билан ажратилган сўзларни қавс ичидаги сўзлар билан алмаштирганда айнанлигини (ўз мазмунини) саклаб коладими?

2.1. Ўзбекистон Республикаси илоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасида зарур тадбирларни амалага оширмоқда (мамлакати, давлати, жумҳурияти).

2.2. Масалани мухокама килиш жараёнида турли **фикрлар** билдирилди (мулоҳазалар, қарашлар, нуктаи назар, кўзқарашлар).

3. Кўйидаги фикрларнинг ноаник бўлишини, яъни айният қонунига зид эканлигини тушунтириб беринг:

3.1. Карим инглиз тилини яхши билмайди.

3.2. Айбланувчи қонунни инкор этган.

3.3. У фойда кетидан кувиб, одамгарчиликни йўқотиш даражасига етди.

4. Кўйидаги мулоҳазалар жуфтликларининг чин-хатолигини аниклаш асосида нозидлик қонуни ва учинчиси – истисно қонуни талабларини тушунтириб беринг:

4.1. Барча сиёсий партиялар ўз дастурига эга.

Хеч бир сиёсий партия ўз дастурига эга эмас.

4.2. Баъзи абитуриентлар тест синовларидан муваффақиятли ўтдилар. Баъзи аббитуриентлар тест синовларидан муваффақиятли ўта олмадилар.

4.3. Барча металлар қаттиқ жисмлардир. Баъзи металлар қаттиқ жисмлар эмас.

5. Кўйидаги мухокамада асосланадиган фикрни ва унинг мантикий асосларини ажратинг. Уларнинг ўзаро узвий боғликларини кўрсатинг:

Хар кандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртани кун уфқларини ўзининг миллий гояси, миллий мағкураси орқали белтилаб олишга интилади (И.Каримов).

6. Кўйидаги мухокамаларни тафаккур қонунлари талабларидан келиб чиқиб таҳлил килинг:

6.1. «Қачонлардир юонон муаррихининг «Ҳарбий хийлалар» рисоласида ёзиб қолширган шу бир тарихий воеа: оддий чўпон Широкнинг бутун бошли қўшин устидан қозонган фавқулодда ғалабаси, табиийки, ҳар хил паст-баланд гапларга сабаб бўлди.

–Ўша, Широк деганлари оппоқ сак эмас, кип-қизил сак экан! Бутун бошли лашкарнинг бошига битта ўзи етибди-я, бу итдан тарқаган сак! – хуноб бўлишди бир тоифа эронликлар.

–Ўз элинингина эмас, бизни ҳам шу «Доро» деган золимдан, ниҳоят, кутқарибди-я! Аммо-лекин, боплабди, азamat. чинакам элчи экан! – койил колишди бошқа бир тоифа эронликлар.

Кўпчилик туронликлар эса ҳам кувониб, ҳам ташвишланди:

–Тантри таолога шукур, четдан келаётган бир балога балогардон топилибди. Бирок ўзингдан чикқан балоларга балогардон кани?!» (Р.Отаев. Элчи. Достон. Т.1999, 114–115-бетлар.)

6.2. Амалий машгулот пайтида талаба ўқитувчидан: «Кишини қилмаган иши учун жазолаб бўладими», деб сўради. Ўқитувчи: «Йўқ, жазолаб бўлмайди», деб жавоб берди. Шунда талаба: «Ундай бўлса жазоламанг, уйга берилган вазифани қилмадим», деди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тафаккур конунлари нималарни акс эттиради?
2. Тафаккур конунларининг объективлиги ва универсаллиги нимада?
3. Айният конунидан келиб чиқадиган асосий талаб нимадан иборат?
4. Нозишлик конунининг мөхияти нимада? Унинг объектив зиддиятларга бўлган муносабати қандай?
5. Учинчиси – истисно конуни фикр юритувчи субъект олдига қандай талабни қўяди? Бу конун қандай хукмларга нисбатан амал қиласди?
6. Етарли асос қонуни ўзида тўгри муҳокама юритиш учун зарур бўлган қандай талабни ифода этади? У хулоса чиқариш, аргументлашда қандай аҳамиятта эга?

ТУШУНЧА – ТАФАККУРНИНГ МАНТИКИЙ ШАКЛИ

Тушунча – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, мухим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир.

Белгилар деб, предметларни бир-биридан фарқ қилувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода қилувчи томонларга, хусусиятларга айтилади. Ҳар бир предмет оламдаги бошқа предметлар билан (бевосита ёки билвосита) алоқада бўлганлиги учун кўп белгиларга эга. Уларнинг баъзилари фақат битта предметга хос бўлган, унинг индивидуал, яккалик белгиларини ташкил қиласа, бошқалари предметнинг маълум бир гуруҳига тегишли бўлиб, умумий белгилар ҳисобланади. Масалан, ҳар бир киши фақат ўзигагина хос бўлган руҳий кечинмалар ва шу каби индивидуал белгиларга эга. Шунинг билан бирга кишиларнинг маълум бир гуруҳига (мехнат жамоаси, миллат ва шу кабиларга тегишли) ёки барча кишиларга (мехнат қилиш, фикр юритиш қобилияtlари, ижтимоий муносабатларда иштирок қилиши ва шу кабилар) хос бўлган умумий белгиларга эга.

Индивидуал ва умумий белгиларнинг баъзилари предметнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлиб, унинг табиатини, моҳиятини ифодалайди. Бундай белгилар предметнинг мухим белгилари дейилади. Масалан, давлатнинг мавжуд бўлиши унинг ўз майдони, аҳолиси, ҳокимият органларига эга бўлишини тақозо этади.

Номухим белгилар предметнинг моҳиятини ташкил қилмайди. Уларнинг йўқолиши билан предметнинг табиати ўзгармайди. Масалан, қайси иркقا, миллатга, жинсга тааллукли бўлиши индивиднинг инсон сифатида мавжуд бўлиши учун мухим эмас.

Шуни ҳам айтиш лозимки, предмет белгисининг мухим ёки номухим бўлиши, бизнинг предметта амалда қандай муносабатда бўлишимизга қараб ҳам белгиланади. Хусусан, бир муносабатда мухим бўлмаган белгилар бошқа муносабатда мухим бўлиши мумкин. Масалан, кишининг лаёкати унинг қандай қасбни танлаши учун мухим бўлса, инсон сифатида мавжуд бўлиши учун мухим эмас. Бундай мухим белгилар предметнинг маълум бир муносабатдаги мухим белгилари дейилиб, объектив мухим белгилардан (предметнинг мавжуд бўлиши билан зарурий алоқада бўлган белгилардан) фарқ қиласи.

Ниҳоят, предмет түхтөсиз ҳаракатда, тараққиётда бўлганлиги учун вақт ўтиши билан унинг муҳим бўлган белгиси номуҳим бўлган белгига ёки аксинча, номуҳим белгиси муҳим белгига айланиши мумкин.

Масалан, бевосита кузатиладиган фактлар эмпирик билиш босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлса, назарий билиш босқичида унга камроқ мурожаат қилинади.

Демак, тушунчада предмет ўзининг муҳим белгилари орқали фикр қилиниб, бу белгилар предметнинг умумий ва индивидуал белгилари бўлиши мумкин. Масалан, «Faфур Гулом» тушунчасида предметнинг умумий белгилари (инсон, шоир) билан бир қаторда, индивидуал муҳим белгилари (хусусан, «Сен етим эмассан» шеърининг муаллифи) ҳам фикр қилинади.

Тушунчанинг ҳиссий билиш шаклларидан тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Сезги, идрок ва тасаввур предметнинг яққол образлариридир. Биз факат бирорта конкрет предметни, масалан, ўзимиз ёзиб ўтирган қаламни идрок қилишимиз ёки у тўгрисида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. «Умуман қалам»ни идрок қилиб бўлмайди. Чунки тушунча предметнинг яққол образи эмас, балки абстракт образидир. Қалам тушунчаси ўзида конкрет қаламларнинг барчасини қамраб олгани ҳолда, уларнинг ҳар бирига хос бўлган индивидуал белгиларни ташлаб юбориб, умумий, муҳим белгиларини ифода қиласди. Айни пайтда бу белгилар қаламни бошқа предметлардан, масалан, китобдан фарқ қилдириб турадиган специфик белгилар бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Тушунча предметнинг номуҳим белгиларидан четлашар экан, демак, уни тўлалигича акс эттира олмайди. Бу маънода у ҳиссий билиш шаклларига нисбатан борликдан узокроқда туради. Лекин, тушунча предметнинг муҳим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши билан ҳиссий билиш шаклларига нисбатан борликни чуқурроқ, тўлароқ ифода этади.

Тушунча, ҳиссий билиш шаклларидан фаркли ўлароқ, инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантиқий усуллардан фойдаланилган ҳолда хосил қилинади. Бу усуллар тақкослаш, таҳлил, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришлардан иборат.

Тақкослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари ва бир-биридан фарқ қилувчи индивидуал белгилари аникланади.

Таққослаш таҳлилни тақозо қиласи. Чунки предметларни яхлит ҳолда солиштириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланиши керак. Бунинг учун у хоссалар ажратилиши лозим. **Таҳлил** ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи қисмлар, томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида ўрганилади.

Синтез таҳлилга тескари усул бўлиб, у таҳлил давомида ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун ҳолга келтиришдан иборат. Синтез бўлмаса предмет ҳақида яхлит фикр ҳосил қилиб бўлмайди. Таҳлил ва синтез узвий боғликдир.

Тушунча ҳосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллар билан аниқланган умумий ва индивидуал белгиларининг муҳимлари ажратилиши, номуҳимлари четлаштирилиши лозим. Бу эса **абстракциялаш** ёрдамида амалга оширилади.

Умумлаштиришда предметлар уларнинг айрим умумий, муҳим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа битта тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади.

Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлик. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишининг конкрет тарзда намоён бўлишидир.

Тушунчалар сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Масалан, «галаба», «тарих факультети», «Ўзбекистон миллий университети» ва шу каби сўзлардан иборат. Лекин бундан тушунча ва сўз айнан бир хилдир, деган хуоса келиб чиқмаслиги керак. Битта тушунча ҳар хил тилларда, баъзан бир тилда ҳам турли хил сўзлар билан ифода қилинади. Тилимиздаги омоним ва синоним ҳодисалари сўз ва тушунчанинг нисбий мустакил ҳолда мавжудлигидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш лозимки, сўзнинг кўп маънога эга бўлиши баъзан фикр юритиш жараёнида тушунчаларни аралаштириб юборишга олиб келади. Шунинг учун ҳам фан ва техникада кўпроқ терминлардан фойдаланилади. Термин қатъий битта тушунчани ифода қилувчи сўз бўлиб, муяян илмий билиш соҳасида бир хил маънода ишлатилади.

ТУШУНЧАНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲАЖМИ

Тушунча ўзининг мазмуни ва ҳажмига эга. **Тушунчанинг мазмунини** унда фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгилари тўғрисидаги ахборот ташкил этади. Масалан, «фан» тушунчасининг мазмунини фаннинг муҳим белгилари,

яъни унинг амалиёт билан алоқада эканлиги, предметларнинг бирорта соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, принциплар шаклидаги объектив чин (ҳақиқий) билимлар тизимидан иборат бўлиши, дунёқараашнинг шаклланишида иштирок килиши ва шу кабилар ташкил қиласди.

Тушунчанинг ҳажми эса унда фикр қилинаётган предметлар йиғиндисини акс эттиради. Масалан, юқорида мисол килиб келтирилган «фан» тушунчасининг ҳажми мавжуд барча фанларни: математика, физика, мантиқ ва ҳоказоларни ўзида қамраб олади.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми узвий боғлиқ бўлиб, у тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни ёрдамида ифодаланади. Бу қонунга мувофиқ тушунчанинг ҳажми кенгайтирилса, мазмуми тораяди ва аксинча, ҳажми торайтирилса, мазмуми кенгаяди. Масалан, «фан» тушунчасининг мазмунига «мантиқ»ка оид бўлиш белгисини қўшиш билан ҳажм жиҳатидан ундан торроқ бўлган «мантиқ фани» тушунчасига ўтилади.

«Фан» тушунчасининг ҳажмини кенгайтириш билан мазмун жиҳатидан унга нисбатан торроқ бўлган «ижтимоий онг шакли» тушунчаси ҳосил қилинади. Бунда факат фанга ҳос бўлиб, бошқа ижтимоий онг шаклларида, масалан, санъатда бўлмаган специфик белгилар тушунча мазмунидан чиқариб ташланади.

Бу қонун тущунчалар билан олиб бориладиган қатор мантикий амаллар асосида ётади.

ТУШУНЧАНИНГ ТУРЛАРИ

Мантиқда тущунчалар мазмуми ва ҳажми бўйича бир қанча турларга бўлинадилар. Хусусан, ҳажмига кўра якка ва умумий тущунчалар фарқ қилинади.

Якка тушунчанинг ҳажмида битта предмет фикр қилинади. Масалан, «Ер планетаси», «ЎзМУ асосий кутубхонаси» ва шу кабилар якка тущунчалардир. Умумий тущунчалар предметлар гуруҳини акс эттиради. «Планета», «Кутубхона» тущунчалари умумий тущунчалар ҳисобланади. Умумий тущунчалар акс эттирувчи предметларнинг мидори чегараланган ва чегараланмаган бўлиши мумкин. Масалан, «кимёвий элемент» тущунчасида фикр қилинаётган предметлар сони чегараланган. «Юлдуз» тущунчаси ҳажмини ташкил қилувчи предметлар сони эса чексиз.

Фикр юритиши жараённида айирувчи ва тўпловчи тушунчаларни фарқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айирувчи тушунча шундай умумий тушунчаки, у акс эттирувчи белгилар берилган синфнинг ҳар бир предметига хосdir. Масалан, «ЎзМУ талабалари иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси материалларини ўрганмокда» деган фикр ЎзМУнинг ҳар бир талабасига тегишили. Демак, «ЎзМУ талабалари» тушунчаси бу ерда айирувчи тушунчадир. «ЎзМУ талабалари иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси материалларини муҳокама этишмокда» деган фикрда эса «ЎзМУ талабалари» тушунчаси тўпловчи тушунча сифатида иштирок қиласди, чунки фикр уларнинг тўпламига нисбатан билдирилган.

Мазмуни бўйича тушунчалар, авваламбор, абстракт ва конкрет тушунчаларга бўлинади. Конкрет тушунчаларда предмет ўзининг белгилари билан биргаликда фикр қилинади. Абстракт тушунчаларда эса предметнинг белгилари ундан фикран ажратиб олиниб, алоҳида акс эттирилади. Масалан, «Инсон», «Табиат» тушунчалари – конкрет тушунчалар, «Қаҳрамонлик» (инсонга хос хусусиятни акс эттиради), «Гўзаплик» (борликдаги предметларга хос хусусиятни ифода қиласди) тушунчалари абстракт тушунчалардир.

Мазмуни бўйича яна нисбатсиз ва нисбатдош тушунчаларни ҳам ажратиш мумкин. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустакил, алоҳида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради. «Давлат», «Бадиий асар» ана шундай тушунчалардир.

Нисбатдош тушунчалар эса зарурий равища бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо қиласидиган предметларни акс эттиради. Масалан, «Ўқитувчи» ва «Ўқувчи», «Ижобий қаҳрамон» ва «Салбий қаҳрамон», «Сабаб» ва «Окибат» тушунчалари нисбатдош тушунчалар категорига киради.

Баъзи ҳолларда ижобий ва салбий тушунчалар ҳам фарқ қилинади. Ижобий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос белгилар орқали фикр қилинса, салбий тушунчаларнинг мазмунида предмет унга хос бўлмаган белгилар орқали фикр қилинади. Масалан, «саводли киши», «виждонли киши» – ижобий тушунчалар, «саводсиз киши», «виждонсиз киши» эса салбий тушунчалардир.

Биз юкорида тушунчаларнинг бир қанча турлари билан танишиб чиқдик. У ёки бу тушунчанинг ана шу турлардан қайсиларига мансуб эканлигини аниқлаш унга мантикий тавсиф бериш демакдир. Масалан, «талаба» – умумий, айирувчи, чегараланган, аниқ, нисбатсиз, ижобий тушунча; «А.Навоий номли Ўзбекистон давлат кутубхонаси» – якка, тўпловчи, чегараланган, конкрет, нисбатсиз, ижобий тушунчадир.

ТУШУНЧАЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Объектив дунёдаги барча предмет ва ҳодисалар ўзаро алоқада бўлганлиги учун уларни акс эттирувчи тушунчалар ҳам ўзаро маълум бир алоқаларда, муносабатларда мавжуд. Бу муносабатлар турли хил бўлиб, уларни аниқлаш учун, авваламбор, таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчаларни фарқ қилиш лозим.

Таққосланадиган тушунчалар умумий белгиларга эга бўлган, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан бир-бирига якин турган тушунчалардир. Масалан, «металлург» ва «ишчи» тушунчалари ана шундай таққосланадиган тушунчалар ҳисобланади.

Таққосланмайдиган тушунчалар эса бир-бири билан узоқ алоқада бўлган, кўп ҳолларда моддий ёки идеал бўлишдан бошқа умумий белгига эга бўлмаган предметларни акс эттирувчи тушунчалардир. «Ижтимоий прогресс» ва «Зухро юлдузи», «идеал газ» ва «гўзаллик» тушунчалари таққосланмайдиган тушунчалар деб ҳисобланади. Мантиқда таққосланмайдиган тушунчалар ўртасидаги мантиқий муносабатлар ўрганилмайди. Таққосланадиган тушунчалар эса ҳажм жиҳатидан сифишишадиган ва сифишишмайдиган бўлади.

Сифишишадиган тушунчаларнинг ҳажми бир-бирига бутунлай, тўлалигича ёки қисман мос келади. Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, қисман мослик ва бўйсуниш¹. Мослик муносабатидаги тушунчалар битта предметни (предметлар синфини) акс эттирувчи тушунчалар бўлиб, улар бир-биридан факат мазмунни билангина фарқ қилади. Масалан, «И.А.Каримов», «Ўзбекистон Республикасининг Президенти» тушунчалари худди шу муносабатда мавжуддир. Буни куйидаги тузилма ёрдамида кўрсатиш мумкин:

А – И.А.Каримов.


В – Ўзбекистон Республикаси Президенти.

А.В

Қисман мослик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажми қисман умумийликка эга. Масалан:

А – Спортчи.

В – Талаба.



Доираларнинг штрихланган қисми бир вақтнинг ўзида ҳам спортчи, ҳам талаба бўлганларни билдиради.

¹ Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар доиравий тузилмалар ёрдамида кўрсатилади.

Бўйсуниш муносабатида тушунчалардан бирининг ҳажми иккинчисининг ҳажмига тўлиқ кириб, уни ташкил қилувчи қисм ҳисобланади. Масалан:

А – Фан.

В – Мантиқ.



Бу муносабатдаги тушунчалардан бири бўйсундирувчи (А), иккинчisi (В) бўйсунувчи бўлиб, улар жинс-тур муносабатида бўлади. Жинс тушунча предметларнинг бирорта синфини, тур тушунча эса шу синфга мансуб предметларнинг бир гурухини ёки биттасини акс эттиради. Мантиқда у ёки бу тушунчанинг жинс ёки тур эканлиги нисбий характеристерга эга. Ҳар бир тушунча ўзидан умумийроқ тушунчага нисбатан тур, камроқ умумлашган тушунчага нисбатан жинсdir. Масалан, миллий ғоя, ғоя, фикр тушунчалари ўртасида куйидаги нисбат мавжуд: «Ғоя» тушунчаси «фикр» тушунчасига нисбатан тур, «миллий ғоя» тушунчасига нисбатан жинс бўлади.


Сигишмайдиган тушунчалар ҳажми жиҳатидан умумийликка эга бўлмаган тушунчалар ҳисобланиб, бир синфга кирувчи ҳар хил предметларни ёки предметлар гурухини акс эттиради. Уларнинг умумийлиги фақат ана шунда. Бу тушунчалар ўртасида ҳам уч хил муносабат бор: бирга бўйсуниш, қарама-қаршилик, зидлик.

Бирга бўйсуниш муносабати куйидаги тушунчалар ўртасида мавжуддир:

А – Фан.

В – Мантиқ.


С – Физика.



Бунда «мантиқ» ва «физика» тушунчалари ҳажмлари жиҳатидан биргаликда «фан» тушунчасининг ҳажмига бўйсунади.


Қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажмлари бир-бирини истисно қиласи. Улар предметнинг (предметлар гурухининг) қарама-қарши белгиларини акс эттиради, яъни бири предметнинг маълум бир белгисини ифода киласа, иккинчisi уни инкор қилувчи бошқа белгини акс эттиради. Қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчалар ўзлари бўйсунадиган тушунчанинг ҳажмини тўлиқ эгалтай олмайди. Масалан, «баланд бўйли одам» ва «паст бўйли одам» тушунчалари «одам» тушунчасининг ҳажмини тўлиқ қоплай олмайди.

- A – Одам.
 В – Баланд бўйли одам.
 С – Паст бўйли одам.



Зидлик муносабатидаги тушунчалардан бири предметнинг бирорта хусусиятини ифода қилса, иккинчиси уни инкор килади ва мазмун жиҳатидан ноаниқ бўлиб қолади. Зидлик муносабатидаги тушунчалар, қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчалардан фарқли ўлароқ, бўйсундирувчи тушунчанинг ҳажмини тўлиқ қоплади. Масалан:

- A – Одам.
 В – Баланд бўйли одам.
 С – Баланд бўйли эмас одам.



Тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниклаш уларнинг мазмуни ва ҳажмини аниклаштиришга, уларни боғлаб, бир фикр шаклидан бошқа фикр шаклига ўтишга ёрдам беради. Масалан, «талаба» ва «аълочи» тушунчалари ўртасидаги муносабатни аниклаш асосида «Баъзи талабалар аълочилардир» деган мулоҳаза шаклидаги фикрни ҳосил қилиш мумкин.

ТУШУНЧАЛАРНИ ЧЕГАРАЛАШ ВА УМУМЛАШТИРИШ

Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш тушунчалар устида олиб бориладиган амаллар хисобланади. Улар тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат конунига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.


Тушунчани чегаралаш ҳажми кенг тушунчадан ҳажми тор тушунчага (жинс тушунчадан тур тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Масалан, «механик ҳаракат» тушунчасидан «айланма ҳаракат» тушунчасига ўтсак, унинг ҳажмини чегаралаган бўламиз. Чегаралашда берилган тушунча – «механик ҳаракат» жинс тушунча, деб қабул килиниб, унинг мазмунига тур тушунча ҳосил қилувчи белгилар кўшилади. Натижада унга нисбатан тур хисобланган янги тушунча – «айланма ҳаракат» тушунчаси ҳосил бўлади.

Чегаралаш амалини давом эттириб, «Ернинг ўз ўқи атрофида айланishi» тушунчасига ўтиш мумкин. Демак, чегаралаш давомида ҳосил бўлган ҳар бир янги тушунча

аввалгисига нисбатан тур тушунча бўлади. Чегаралаш амали якка тушунча ҳосил бўлгунча давом эттирилиши мумкин. Чунки якка тушунчага нисбатан тур бўлган тушунча йўқ.

Тушунчани чегаралаш амалининг тузилмаси кўйидагича:

- A – Ҳаракат.
- B – Механик ҳаракат.
- C – Айланма ҳаракат.
- D – Ернинг ўз ўки атрофида айланиши.



Тушунчани умумлаштириш ҳажми тор тушунчадан ҳажми кенг тушунчага (тур тушунчадан жинс тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Бунда берилган тушунча тур тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунидан тур ҳосил қилувчи белгилар чиқариб ташланади. Натижада мазмун жиҳатидан унга нисбатан кенгрок, лекин ҳажмига кўра торроқ бўлган жинс тушунча ҳосил бўлади. Масалан, «айланма ҳаракат» тушунчаси мазмунидан факат унгагина хос бўлган тур белгиларни чиқариб ташласак, «механик ҳаракат» тушунчасини ҳосил қиласиз. Умумлаштириш амалининг чегараси энг умумий тушунча, яъни категориядир. Чунки категориялар учун жинс бўлган тушунча йўқ.

Тушунчани умумлаштириш амалининг тузилмаси кўйидагича:

- A – Ернинг ўз ўки атрофида айланиши.
- B – Айланма ҳаракат.
- C – Механик ҳаракат.
- D – Ҳаракат.



Тушунчани чегаралаш ва умумлаштириш амаллари кундалик ҳаётимиз ва илмий билишда кенг қўлланилади. Хусусан, барча категориялар, улар ёрдамида ифодаланадиган назарий қонунлар, гоялар, назариялар мавжуд эмпирик тушунчаларни, эмпирик қонунларни умумлаштириш натижасида ҳосил бўлади.

Умумлаштириш муҳокама юритиш жараёнида индуктив хулоса чиқариш усулида якъол ифодаланган бўлади. Тушунчаларни умумлаштиришсиз фаннинг фундаментал тушунчаларини яратиб бўлмайди; мавжуд билимларни тизимга солиши қийин ва умуман, фан тараққий эта олмайди.

Тушунчаларни чегаралаш амали эса, яратилған умумий билимларни (назарий тушунча, гоя, назария ва шу кабиларни) талқин этишдә ишлатылади. Масалан, Ньютон механикасыдаги «Инерция» тушунчаси Галилей назариясидаги «эркін тушиши» тушунчаси ёрдамида тушунтирилиши мүмкін.

ТУШУНЧАЛАРНИ БҮЛИШ

Тушунчанинг ҳажмини унда акс эттан предметларни айрим гурухларга (айрим предметларга) ажратыш йўли билан аниклашга тушунчани бўлиш дейилади. Бўлиш амалини бўлинувчи тушунча (ҳажми аникланиси лозим бўлган тушунча), бўлиш асоси (предметнинг тушунчада фикр қилинадиган бирорта умумий белгиси) ва бўлиш аъзолари (бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган тур тушунчалар) ташкил этади. Масалан, «инсон»ларни (бўлинувчи тушунча) жинсига кўра, (бўлиш асоси) эркак ва аёллар (бўлиш аъзолари)га ажратиш йўли билан унинг ҳажми аникланади. Бўлинувчи тушунча – жинс тушунча, бўлиш аъзолари – тур тушунчалар бўлиб, улар ўзаро бирга бўйсуниш муносабатидадирлар.

Тушунчаларни бўлиш амалини предметларни қисмларга ажратишдан фарқ қилиш лозим. Масалан, автомобилни кузов, шасси, двигатель ва шу кабиларга ажратсак, уни қисмларга бўлган бўламиз. Предметнинг қисми предметнинг умумий белгиларига эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам «Кузов автомашинадир», деган мулоҳаза ҳосил килсак, у хато бўлади. Агар «Автомобиль» тушунчасини «Енгил автомобиль», «Юк ташувчи автомобиль» тушунчаларига ажратсак, уни бўлган бўламиз.

Бўлишнинг иккита тури мавжуд: асос бўлган белгининг ўзгаришига қараб бўлиш ва дихотомик бўлиш. Биринчи турида предметнинг бирорта умумий белгиси бўлиш учун асос қилиб олиниб, унинг ўзгаришига мувофиқ ҳолда предметларнинг айрим гурухлари аникланади. Масалан, бурчакнинг ўзгаришига қараб «учбурчак» тушунчаси учта тур тушунчага: «тўғри бурчакли учбурчак», «ўтмас бурчакли учбурчак», «ўтқир бурчакли учбурчак»ларга ажратылади. Бўлиш асоси қилиб бўлинувчи тушунчанинг мазмунида фикр қилинадиган ҳар қандай умумий белгини олиш мумкин. Масалан, «учбурчак» тушунчасини томонларига қараб «тeng томонли учбурчак», «тeng ёнли учбурчак», «турли томонли учбурчак» тушунчаларига ажратиш мумкин.

Тушунчанинг қайси белгисини бўлиш асоси қилиб олиш бўлишда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифага боғлиқ. Ле-

кин қандай вазифани ҳал қилишдан қатын назар, бўлиш ўзининг объектив асосига эга бўлиши лозим, яъни бўлиш асоси бўлган белги предметнинг умумий белгиси бўлиши шарт.

Дихотомик бўлиш бўлинувчи тушунчани ўзаро зид бўлган иккита тур тушунчага ажратишдан иборат. Масалан, барча кишиларни «диндорлар» ва «диндор эмаслар»га ажратсак, дихотомик тарзда бўлган бўламиз. Дихотомик бўлиш бир катор қулатикларга эга. Хусусан, бунда биз бўлинувчи тушунчанинг барча турларини кўрсатиб ўтирмасдан, ўзимизга кераклигини ажратамиз, қолганларини унга зид бўлган тушунчага бирлаштирамиз. Шу билан бирга дихотомик бўлиш маълум бир камчиликларга ҳам эга. Масалан, инкор тушунчанинг ҳажми ноаниқ бўлади. Ундан ташқари, дихотомик бўлишдан факат бир марта фойдалангандагина кутилган мақсадга эришиш мумкин. Агар, бўлиш аъзоларидан бири, айниқса, инкор тушунчани ўз навбатида бўлинувчи тушунча деб қабул килиб, бўлиш амалини давом эттирасак, хато натижалар келиб чиқиши мумкин.

Бўлиш амали тўғри бориши учун маълум бир қоидаларга риоя қилиш керак. Улар **бўлиш қоидалари** деб аталади.

А. Бўлиш тенг ҳажмли бўлиши, яъни бўлиш аъзолари ҳажмларининг йигиндиси бўлинувчи тушунча ҳажмига тенг бўлиши керак. Бу қоида бузилса, бўлиш тўлиқсиз ёки ортиқча бўлиб қолади. Биринчи хил хатода баъзи бўлиш аъзолари кўрсатилмай қолади. Масалан, «феъл замонлари» тушунчасини «ўтган замон феъли» ва «ҳозирги замон феъли» тушунчаарига ажратсак, ана шундай хато рўй беради. Чунки «келаси замон феъли» тушунчasi қолиб кетган. Иккинчи хил хатода эса ортиқча бўлиш аъзоси кўрсатилган бўлади. Масалан, «билиш» тушунчасини «ҳиссий билиш», «тафаккур», «назарий билиш»га ажратиб бўлмайди. Чунки «назарий билиш» бу ерда ортиқчадир.

Б. Бўлиш бир асос бўйича амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, асос қилиб олинган белги бўлиш давомида бошқа белги билан алмаштирилмаслиги зарур. Масалан, «Қонун» тушунчасини «Табиат қонуни», «Жамият қонуни», «Билиш қонуни», «Статистик қонун», «Динамик қонун» тушунчаларига бўлсак, хато килган бўламиз. Чунки бу ерда бўлиш аъзоси бир эмас, иккита. Биринчи учта бўлиш аъзоси қонуннинг амал қилиш соҳаси бўйича, қолган иккитаси қонун ифода қилувчи ходисалар характеристи бўйича ажратилган. Бу билан бўлишдаги изчилилк йўқолган.

В. Бўлиш аъзолари ҳажми бўйича бир-бирини истисно қилиши керак. Бунинг учун улар бирга бўйсуниш муносабатидаги тушунчалар бўлиши керак. Агар «Бино» тушунчасини «Бир қаватли бино», «Кўп қаватли бино», «Осмонўпар бино» тушунчаларига бўлсак, хатога йўл кўйган бўламиз. Чунки «Кўп қаватли бино» тушунчаси билан «Осмонўпар бино» тушунчаси бир-бирини ҳажми бўйича истисно қилмайди.

Г. Бўлиш узлуксиз ҳолда амалга оширилиши, унда «сакраш» бўлмаслиги керак. Бунинг учун жинс тушунчага энг яқин бўлган бир тартибдаги тур тушунчалар олинмоғи лозим. Масалан, «Гап» тушунчасини «Содда гап», «Эргашган қўшма гап», «Боғланган қўшма гап» тушунчаларига ажратсак, бўлишдаги изчиллик йўқолади. Бунда охирги иккита бўлиш аъзоси «қўшма гап» тушунчасининг турларидир. Демак, «сакраш» ҳодисаси рўй берган.

ТАСНИФЛАШ

Таснифлаш (туркумлаш, классификация) тушунчаларни бўлишнинг алоҳида туридир. Таснифлаш предметларни маълум бир турларга (кичик синфларга ёки айрим предметларга) ажратишдан иборат бўлиб, бунда ҳар бир тур бошқаларига нисбатан ўзининг аниқ ва қатъий ўрнига эга. Таснифлаш натижалари ҳар хил жадваллар, тузилмалар, графиклар, кодекслар ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Мантиқда сунъий ва табиий таснифлар фарқ қилинади. Сунъий тасниф предметларнинг бирорта умумий белгисига кўра амалга оширилади. Унга мисол қилиб кутубхонадаги китоблар каталогини кўрсатиш мумкин. Табиий таснифни амалга ошириш учун бўлиш асоси қилиб предметларнинг бирорта муҳим белгисини олиш керак. Ана шунинг учун ҳам у предметларнинг айрим муҳим хоссалари ҳақида фикр юритиш, конуний боғланишларини аниқлаш имконини беради. Бунга Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий жадвали, Дарвиннинг жонли табиат предметлари таснифи мисол бўла олади.

Таснифлашда тушунчани бўлиш қоидаларига амал қилиш зарур.

Таснифлар нисбий турғун характерга эга. Улар билишда ва қундалик турмушда узоқ йиллар давомида ишлатилади.

Албаттa, билимларимизнинг тараққий этиши, янги билимларнинг вужудга келиши кўп ҳолларда таснифларга тузатишлар киритишни, баъзан эса бутунлай янгиси билан

алмаштирилишини тақозо этади. Шунга қарамасдан, таснифлаш мавжуд билимларимизни тизимга солиш воситаси сифатида билишда ўзининг муҳим аҳамиятига эга бўлиб колади.

ТУШУНЧАЛАРНИ ТАЪРИФЛАШ (ДЕФИНИЦИЯ)

Таърифлаш (ёки дефиниция) тушунчанинг мазмунини очиб берадиган мантиқий амалdir. Таъриф аникланувчи ва аникловчи қисмлардан ташкил топади. Аникланувчи қисмни мазмуни очиб берилиши лозим бўлган тушунча, аникловчи қисмни эса аникланувчи тушунчанинг мазмунини очиб берувчи тушунчалар ташкил этади. Масалан, «мантиқ тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фандир» деган таърифда «Мантиқ» аникланувчи қисмни, қолганлари эса аникловчи қисмни ҳосил қиласди. Таърифлаш билишда қуидаги асосий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беради: 1) тушунчада акс этувчи предметнинг муҳим белгиларини кўрсатади; 2) тушунчани ифода киливчи сўзнинг (терминнинг) маъносини очиб беради; 3) термин ҳосил қилишга имкон беради. Юқоридаги вазифалардан қайси бирининг ҳал қилинишига қараб номинал ва реал таърифлар фарқ қилинади.

Номинал таърифлар ёрдамида предметни тасвирловчи мураккаб ифодалар янги термин билан алмаштирилади ҳамда унинг маъноси аникланади. Масалан, «Мантиқ грекча «logos» сўзидан олинган бўлиб, тушунча, фикр, сўз, қонуният каби маъноларга эга», десак, мантиқ тушунчасига номинал таъриф берган бўламиз. «Тил белгиларини ўрганувчи фан семиотика-дир», деган таъриф ҳам номинал таърифга мисолдир.

Реал таърифда предметнинг муҳим белгиси аникланади. Масалан, «Атом – модданинг ядро ва электронлардан ташкил топган заррачаси», деган таъриф реал таърифdir.

Реал таъриф аник ва ноаник кўринишларда бўлиши мумкин. Аник реал таъриф предметларнинг муҳим белгиларини тўғридан-тўғри кўрсатиб беради. Ноаник реал таърифда эса тушунчанинг мазмуни ёрдамчи воситалар орқали очиб берилади. Масалан, ўқиган парчамизда нотаниш терминлар учраб қолганда, унинг маъносини лугатдан фойдаланмасдан, бошқа сўзларнинг маъносига қараб аниклашимиз мумкин.

Аник реал таърифнинг иккита асосий•тури мавжуд: 1) яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш; 2) генетик таъриф.

Яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш реал таърифнинг энг кўп ишлатиладиган тури бўлиб, у иккита босқичдан ташкил топади. Биринчи

босқичда аникланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади. Шу тариқа унинг мазмуни кисман очиб берилади. Иккинчи босқичда аникланувчи тушунчанинг шу жинсга кирувчи бошқа тур тушунчалардан фарқи аникланади, яъни унинг тур белгиси кўрсатилади. Шу тариқа мазкур тушунча мазмунининг қолган қисми очиб берилади. Масалан, бизнинг олдимиизда «метафора» тушунчасининг мазмунини аниклаш вазифаси турибди, дейлик. Бунда, аввал аникланувчи тушунчанинг яқин жинси топилади: у «сўз» тушунчасидир. «Метафора сўздир» дейиш билан «сўз» тушунчаси мазмунида фикр килинадиган муҳим белгиларнинг метафорага ҳам тегишли эканлигини кўрсатамиз, яъни «метафора» тушунчаси мазмунини ташкил этиувчи умумий белгиларни аниклаймиз. Кўчирма маънода ишлатилиши эса, метафора сифатида ишлатилаётган сўзнинг тур белгиси, яъни индивидуал белгиси ҳисобланади. Бу тур белгини яқин жинсга қўшиб «Метафора кўчирма маънода ишлатиладиган сўздир», деган тўла таъриф ҳосил киласиз. Шу тариқа энг киска йўл билан, яъни яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш билан тушунчанинг мазмунини аниклаймиз.

Генетик таърифда аникланувчи тушунчанинг мазмуни у ифодалаган предметнинг келиб чиқишини кўрсатиш орқали очиб берилади. Масалан, «Оксид металларнинг кислород билан реакцияга киришиши натижасида ҳосил бўлган кимёвий бирикмадир», деган таъриф генетик таърифга мисолдир. Бу таърифнинг мантикий таркиби яқин жинси ва тур белгисини кўрсатиш орқали таърифлаш билан бир хилдир.

Таърифлаш маълум қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Улар куйидагилардан иборат:

а) таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак, яъни аникланувчи тушунча ҳажми билан аникловчи тушунчалар ҳажмлари йиғиндиси тенг бўлиши керак. Бу қоида бузилса, таъриф ё ҳаддан ташқари кенг, ё ҳаддан ташқари тор бўлиб қолади. Масалан, «Мантиқ тафаккурни ўрганувчи фандир» – ҳаддан ташқари кенг, «Мантиқ исботлаш таркибини ўрганувчи фандир» – ҳаддан ташқари тор таърифдир;

б) таъриф аник бўлиши керак. Бунинг учун образли иборалар, мазмуни ноаник сўзлар ишлатилмаслиги лозим. Масалан, «Хаёл – учқур от», «Давлат дунёвий рухнинг сиёсий жиҳатдан намоён бўлишидир» (Гегель) деган таърифларда бу қоида талаблари бузилган. Уларда чуқур маъно бўлса-да, тушунчанинг мазмуни аник очиб берилган ёмас;

в) таъриф айлана шаклида бўлиб қолмаслиги керак. Таъриф беришда аникловчи тушунчанинг мазмунини аниклаш

учун аникланувчи тушунчанинг ўзига мурожаат этилса, таърифда айлана ҳосил бўлади. Масалан, «Мантиқ тўғри фикрлаш ҳақидаги фандир», дейилганда таърифда айлана вужудга келади. Чунки «Тўғри фикрлаш нима?» деган саволга, «У мантиқ қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда фикрлашдир», деб жавоб беришга тўғри келади, яъни «мантиқ» тушунчасига мурожаат қилинади.

Тавтология ҳам шу қоиданинг бузилиши натижасида содир бўлади. Бунда аникланувчи тушунчадан унинг мазмунини очиш учун фойдаланилган бўлади. Масалан, «Тамагир тамагирлик қилувчи кишидир», десак, тавтологияяга йўл қўйган бўламиз.

г) Таъриф иложи борича инкор шаклида бўлмаслиги керак. Акс ҳолда предметта хос бўлган белги ўрнига унда йўқ бўлган белги кўрсатилади. Масалан, «Онг моддий эмас», деган таъриф «онг» тушунчасининг мазмунини яхши очиб бера олмайди.

ТАЪРИФЛАШГА ЎХШАШ МАНТИҚИЙ УСУЛЛАР

Билиш жараёнида таърифлашга ўхшашиб усуллар ҳам ишлатилади. Улардан тушунчани таърифлашнинг юкорида биз кўриб чиқсан турларини кўллаш мумкин бўлмай қолганда ёки унга зарурият бўлмаганданда фойдаланилади:

а) таърифлашга ўхшашиб усуллардан бири тушунчани унга қарама-карши бўлган тушунча орқали таърифлашдир. Бу усул билан одатда категориялар мазмуни очиб берилади. Масалан, «Онг материянинг миямиздаги инъикосидир»;

в) тасвирлашда тушунчанинг мазмуни у акс эттирувчи предметнинг баъзи ташки белгиларини кўрсатиш орқали аникланади. Бадиий асарларда табиат манзараларини, персонажларнинг портретларини чизиш, содир бўлган бирорта воқеанинг баён этилиши тасвирлашга мисол бўлади;

с) тавсифлаш ёрдамида предметнинг баъзи бир муносабатдаги муҳим тур белгилари кўрсатилади. Бунга мисол қилиб бирорта шахсга берилган тавсифномани кўрсатиш мумкин.

Тафовутлаш, остеңсив таърифлаш каби усуллар ҳам мавжуддир.

Таърифлаш – билишда катта аҳамиятга эгадир. У киска ҳолда предмет ҳақида яхлит фикр, тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Лекин предмет ҳақида фикр юритганда у билан чекланиб қолиш мумкин эмас. У, албатта, билиш жараёнида бошқа билимлар ёрдамида конкретлаштирилиши, чукурлаштирилиши зарур. Ана шундагина тушунча ифода этувчи предмет ҳақидаги тасаввур аник, тўларок бўлади.

СИНФЛАР УСТИДА АМАЛЛАР

Тушунчанинг ҳажмида маълум бир умумий белгига эга бўлган предметлар тўплами-синф акс этади. Синфлар устида бир қанча мантикий амалларни ўтказиш, хусусан, уларни кўшиш (бирлаштириш), кўпайтириш (кесиштириш) ҳамда берилган синфга тўлдирувчи ҳосил қилиш (синфни инкор этиш) мумкин. Бу амалларни бажариш янги синфлар ва демак, янги тушунчалар ҳосил қилишга олиб келади. Уларни символик тарзда ифода қилиш учун қуйидаги белгилардан фойдаланамиз:

A, B, C, D,... – лар ихтиёрий синфлар;

I – универсал синф;

0 – бўш синф;

\cup – синфларни кўшиш белгиси;

\cap – синфларни кўпайтириш белгиси;

A^1 (A эмас) – A синфини тўлдирувчи (инкор этувчи).

Шунингдек, амалларни шаклий тарзда ифодалашда универсал синфни тўғри тўртбурчак, бошқа синфларни доиралар билан белгилаймиз.


Синфларни кўшиш деганда кўшилувчи синфларнинг барча элементларидан ташкил топган янги синф ҳосил қилиш тушунилади. Масалан, «Оммавий ахборот воситалари» (A) ва «Телевидение» (B) синфларини кўшганда ҳосил бўладиган янги синф «Оммавий ахборот воситалари»дан иборат. Унинг шакли қуйидагича:

Символик ифодаси: $A \cup B = A$



Синфларни кўпайтириш кўпайтувчилар учун умумий бўлган элементлардан ташкил топадиган янги синфни ҳосил қилишдан иборат. Масалан, юқоридаги «Оммавий ахборот воситалари» (A) ва «Телевидение» (B) синфларини кўпайтириб, янги синф – «Телевидение»ни ҳосил қиласиз. Унинг схемаси қуйидагича:

Символик ифодаси: $A \cap B = B$



Синфга тўлдирувчи ҳосил қилишнинг моҳиятини берилган синф (тўлдирилувчи синф) билан қўшилганда универсал синфни ҳосил қиласиган синфни топиш

ташкил этади. Тўлдирувчи синф берилган синфи (тўлдирилувчи синфи) инкор этиш йўли билан ҳосил қилинади. Масалан, «Телевидение» (A)ни тўлдирилувчи синф деб олсак, универсал синф «Оммавий ахборот воситалари» (I) бўлгани ҳолда, тўлдирувчи синф «Телевидение эмас, оммавий ахборот воситалари»дан (A^c) иборат бўлади. Унинг шакли қуйидагича:

Символик ифодаси эса: $A \cup A^c = I$



Синфлар устида олиб бориладиган амаллар маълум бир қоидаларга бўйсунади. Улар қуйидагилардан иборат:

$$\left. \begin{array}{l} A \cup A = A \\ A \cap A = A \end{array} \right\} \text{идемпотентлик қонуни}$$

$$\left. \begin{array}{l} A \cup B = B \cup A \\ A \cap B = B \cap A \end{array} \right\} \text{коммутативлик қонуни}$$

$$\left. \begin{array}{l} A \cup (B \cup C) = (A \cup B) \cup C \\ A \cap (B \cap C) = (A \cap B) \cap C \end{array} \right\} \text{ассоциативлик қонуни}$$

$$\left. \begin{array}{l} A \cup (A \cap B) = A \\ A \cap (A \cup B) = A \end{array} \right\} \text{ютиш қонуни}$$

$$\left. \begin{array}{l} A \cup (B \cap C) = (A \cup B) \cap (A \cup C) \\ A \cap (B \cup C) = (A \cap B) \cup (A \cap C) \end{array} \right\} \text{дистрибутивлик қонуни}$$

Машқлар

1.Куйидаги предметлар синфлари учун қайси белгиларнинг умуний, қайсиларининг якка (индивидуал) эканлигини кўрсатинг:

1.1.Ўзбек тили – тил, ахборот белгилари тизими, она тили, фикрни ифода килувчи восита, Ўзбекистон Республикасида давлат тили мақомига эга тил, туркӣ тиллар гурӯхига кирувчи тил.

1.2.Мантиқ илми: фан. Аристотель асос соглан илм соҳаси, тафаккур шакллари ва қонунлари тўғрисидаги таълимот, фалсафий фан, турли йўналишларга эга, тараққий этиб борувчи илмий тизим, олий ўкув юртларида ўқитиладиган фан, грекча «logos» сўзи билан аталадиган фан.

2.Куйидаги предметлар синфлари учун қайси белгилар мухим ҳисобланади?

2.1.Онг – борликни акс эттиради, инсон миясининг функцияси, идеал ҳолда мавжуд, ижтимоий ҳодиса, Платон гоялар дунёси деб атаган соҳа, онгиззлик ҳодисаси билан ёнма-ён мавжуд, табиат сингари абадий мавжуд эмас, нутқда реаллашади.

2.2. Ватан – туғилиб ўсган ер, саждагох каби мұқаллас жой, аждодларимиз курган ва эъзозлаган маданият маскани, душмандан күрикланадиган худуд.

3. Күйидаги тушунчаларнинг мазмунни ва ҳажмини күрсатинг:

Жамият, инсон, қонун, мулк, дин.

Намуна: «Миллий истиқтол мағұраси» тушунчаси мазмунуда унинг күйидаги мухим белгилари акс этади:

« – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умумисоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;

– қалқимизнинг асрлар давомида шаклланған юксак мәннавияти, аньана ва удумлари улуғ бобоказонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади;

– адолат ва ҳақиқат, әрқинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда қалқимизнинг ишонч ва әзтиқодини акс эттиради;

– юрг тинчлиги, Ватан равнаки ва ҳалқ фаровонлигини таъминлашга хизмат килали;

– жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;

– миллати, тили ва динидан қатын назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбіда она-Ватанга мұхаббат, мустақиллик ғояларига садқат ва ўзаро ҳурмат түйгесини қарор топтиради;

– жамоатчилік қалби ва онғыға фикрлар хилма-хилдігі, виждан әрқиншігі тамойилларига риоя қылған ҳолда маърифий йўл билан сингдириллади». (Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000, 28-б.).

Унинг ҳажмини эса Ўзбекистонда истиқомат қиласидан, ўз тақдирини шу замин билан боғлаган ҳар бир кишининг, «Ватаним менга нима берди», деб эмас, балки «Мен Ватаним равнаки учун нима киляпман», деган маstryулият түйгуси билан яшаёттан кишилар» тацқил этади (карант: ўша асар, 28-бет).

4. Күйидаги тушунчаларга мантикий тавсиф беринг:

Субстанция, кентавр, норасмий қабул, баҳт, гўзаллик, ишсизлик.

Намуна: ўсимлик – умумий, айиравчы, универсал ҳажмли, конкрет, нисбатсиз, ижобий.

5. Күйидаги тушунчалар билан мослиқ муносабатида бўлган тушунчаларни топинг:

Олий Мажлис, Амир Темур түғилган жой, тенг томонли тўғри тўртбурчак, Аристотель, «Донишнома» асари муаллифи, тафаккур.

Намуна: «Иккинчи муаллим» – Форобий.

6. Күйидаги тушунчалар ўргасидаги муносабатларни аникланг ва уларнинг доиравий шаклни чизинг:

6.1. Давлат, Ўзбекистон Республикаси, АҚШ.

6.2. Маърифат, жаҳолат.

6.3. Фаросатли киши, бефаросат киши.

6.4. Кимёвий элемент, металл, металл эмаслар.

6.5. Ёшлар, талаба. Ўзбекистон Миллий университети.

7.Кўйидаги ҳолларнинг кайсиларида умумлаштириш амати тўғри бажарилган?

7.1. Тарих – объектив жараён – борлик.

7.2. Театр – маънавият – жамият.

7.3. Дин – қадрият – бойлик.

7.4. Жиноят – терроризм – халкаро терроризм.

7.5. Формал мантиқ – мантиқ – фан.

8.Кўйидагиларда тушунчаларни чегаралаш амали тўғри бажарилганими?

8.1. Аллома – ислом дунёсида машхур зот – Ал-Бухорий.

8.2. Маърифатпарвар – жадид – Чўлпон.

8.3. Илм – юлдузлар ҳақидаги илм – илми нужум (астрология).

8.4. Конунгчилик – Конституция – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

9.Синфлар устидаги қўйидаги амалларни ихтиёрий олинган тушунчалар ёрдамида бажаринг ва уларнинг натижаларини шаклларда штрихланган ҳолда тасвирлаб беринг.

9.1. A∩B.

9.2. AUB.

9.3. A∩B∩C.

9.4. AU(BUC).

9.5. (AUB)∩C.

10.Кўйидаги тушунчаларни ўзингиз танлаб олган асослар бўйича бўлинг: таълим, тарбия, дунёкараш, фан, жиноят, жазо.

11.Кўйидаги бўлиш амалларининг кайсилари нотўғри бажарилган ва уларнинг сабаби нимада?

11.1.Ўзбекистон Миллий университети 15 та факультетта бўлинади.

11.2.Онг индивидуал онг ва ижтимоий онита бўлинади.

11.3.Қонунлар динамик конунлар, статистик қонунлар ва жамият конунларига бўлинади.

11.4.Давлатлар республика, конституцион монархия, абсолют монархияга бўлинади.

11.5.Корхоналар банкрот корхоналар ва балкрот эмас корхоналарга бўлинади.

12.Кўйидагиларни таърифлашнинг қайси турига мансуб эканлигини аникланг:

12.1. « ...Зардуштни етиширган ўлка номини Арианем Войчах деб атаган. Бунинг маъноси «Орийлар яшайдиган макон». Кейинчалик бу Аҳамонийлар ёки парфияликлар тилида – нахвавайча тилида «Хо-орий-замин» ёки «Хо-орий-зем» шаклида кўлланилган» (яъни Хо – улкан, катта; Орий – орий; зем – замин, ер, тупрок, ўлка, маскан). (Тохир Карим. Муқаддас «Авесто» изидан. Т., Чўлпон, 2000, 116-бет.)

12.2. Миллий истиклол мафкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат этадиган, унинг шаъни шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тарақкиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимиdir (И.Каримов).

12.3. «Миллий ғоя миллат тафаккурининг маҳсулидири» (Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.,2000, 6-бет).

12.4. «Йймон – пайтамбар зикр этмиш ҳукмларни тил билан айтиб, дил билан тасдиклаб, жон-тан ила унга амал қылмоқликдан иборат» (Имом Фаззолий. Охиратнома («Эй фарзанд» рисолоси). Т.,1994,5-бет).

13. Күйидаги таърифлар тұғрими? Агар хато бўлса, сабаби нимада?
 - 13.1. Жиноятчи – жиноят содир килган кишиидир.
 - 13.2. Инсон олди-сотди ишларини бажаришга лаёқатли ҳайвондир (Ал-Форобий).
 - 13.3. Фотон – тинч ҳолатда массага эга эмас заррачадир.
 - 13.4. Бола қалби тоза тахтага ўхшайди, унга ҳар қандай тасвирини осонликча чизиш мумкин (Давоний).
 - 13.5. Миллат – кишиларнинг нисбатан турғун тарихий бирлиги.
14. Күйидаги тушунчаларга номинал таъриф беринг: демократия, алгоритм, мифология, дин, атом.
15. Күйидаги тушунчаларга реал таъриф беринг: оила, ахлок, санъат, ҳақиқат, фуқаролик жамияти, ислоҳот, мағфуравий бўшлик, экологик бўхрон.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тушунча нима?
2. Тушунча қандай мантиқий усуллар ёрдамида ҳосил килинади?
3. Тушунча ва сўз ўртасида қандай алоқа мавжуд?
4. Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми деганда нимани тушунасиз, улар ўртасида қандай муносабат мавжуд?
5. Тушунчанинг қандай турлари мавжуд?
6. Тушунчалар ўртасида қандай муносабатлар бор?
7. Тушунчани чегаралаш ва умумлаштириш амалларининг мақсади ва моҳияти нимада?
8. Тушунчани бўлишнинг мақсади нимадан иборат?
9. Тушунчанинг таърифлашни билишда қандай ахамияти бор?
10. Таърифлашга ўхаш усуллар қандай ҳолларда кўлланилади?

ХУКМ (МУЛОҲАЗА)

ХУКМ – ТАФАККУРНИНГ МАНТИКИЙ ШАКЛИ

Хукм – предметга маълум бир белгининг (хоссанинг, муносабатнинг) хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир.

Хукмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг хусусияти, предметлар ўргасидаги муносабатларни кўрсатишдир. Ана шунинг учун ҳам у доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Фикр юритиш жараёнида биз предмет ва ҳодисаларнинг оддий, ташқи хусусиятлари билан бирга уларнинг ички, зарурӣ боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини кетма-кет ўрганиб, улар ҳакида ҳукмлар ҳосил қиласиз. Билимларимиз турлича бўлгани учун уларни ифодалайдиган ҳукмлар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи ҳукмларда аник, текширилган билимлар ифодаланса, бошқаларида белгинанг предметга хослиги таҳмин килинади, яъни ноаниқ билимлар ифодаланади.

Ҳукмлар нисбатан тугал фикрdir. Унда конкрет предмет билан унинг конкрет белгиси ҳакида билим ифода килинган бўлади.

Ҳукмлар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ (эҳтимол, тахминий) бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган ҳукмлар чин, мос келмаганлари хато бўлади. Айни вақтда чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниклаб бўлмайдиган ҳукмлар – ноаниқ ҳукмлар мавжуддир.

Ҳукмлар тилда гаплар орқали ифодаланади. Ҳукм мантикий категория бўлса, гап грамматик категориядир. Ҳукмлар асосан дарак гап орқали ифодаланади. Факат дарак гаплардагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади.

Масалан, «Вақт орқага қайтмайди», «Ҳаёт – бу ҳаракат» каби гаплар ҳукмни ифода қиласизлар.

ОДДИЙ ҲУКМЛАР

Ҳукмлар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий ҳукм, деб таркибидан яна бир ҳукмни ажратиб бўлмайдиган мулоҳазага айтилади. Таркибидан икки ёки ундан ортиқ ҳукмни ажратиш мумкин бўлган мулоҳазаларга мураккаб ҳукм дейилади. Масалан, «Мантиқ илмини

ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради», деган мулоҳаза оддий ҳукмни ифодалайди. «Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганади», деган мулоҳаза мураккаб ҳукмдир. Бу мулоҳазанинг таркиби икки қисмдан: «Мантиқ илми тафаккур шаклларини ўрганади» ва «Мантиқ илми тафаккур қонунларини ўрганади», деган икки оддий ҳукмдан иборат.

Мулоҳаза (ҳукм) таркибидаги мантиқий эга ва мантиқий кесимни ажратиб кўрсатиш мумкин. Мантиқий эга – субъект (*S*) фикр қилинаётган предмет ва ҳодисани билдиради. Мантиқий кесим – предикат (*P*) предметга хос ҳусусиятни, муносабатни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар ҳисобига субъект ҳақидаги тасаввур бойитилади. Ҳукмнинг субъект ва предикати унинг терминлари деб аталади.

Ҳукмнинг учинчи зарурий элементи мантиқий боғламадир. У субъект ва предикатни бир-бiri билан боғлайди, натижада ҳукм ҳосил бўлади. Оддий қатъий ҳукмнинг формуласи куйидагича ёзилади: *S-P*.

Оддий ҳукмлар сифати ва микдорига кўра, турларга бўлинади. Сифатига кўра, тасдик ва инкор ҳукмлар фарқланади. Ҳукмнинг сифатини мантиқий боғлама белгилайди. Тасдик ҳукмларда белгининг предметга ҳослиги, инкор ҳукмларда, ақсинча, хос эмаслиги кўрсатилади. Масалан, «А. Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясининг муаллифидир» – тасдик ҳукм, «Математика ижтимоий фан эмас» – инкор ҳукм. Микдорига кўра оддий ҳукмлар якка, умумий ва жузъий ҳукмларга бўлинади. Бунда субъектда ифодаланган предметларнинг сонидан, яъни унинг ҳажмидан келиб чиқилади.

Якка ҳукмларда бирорта белгининг бир предметга ҳослиги ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан: «Ўзбекистон Республикаси мустакил давлатdir», «Аҳмедов тарихчи эмас».

Умумий ҳукмларда бирорта белгининг якка предметлар синфининг ҳаммасига ёки ундаги ҳар бир предметга тааллукли ёки тааллукли эмаслиги ҳақида фикр баён қилинади. Масалан, «Ҳар бир инсон бахтили бўлишини хоҳлади» ва «Ҳеч бир ақлли одам вақтини беҳуда сарфламайди».

Жузъий ҳукмларда бирорта белгининг предметлар тўпламишининг бир қисмига хос ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан, «Баъзи файласуфлар нотикдир», «Кўпчиллик талабалар дангаса эмас». Жузъий ҳукмларда «баъзи» сўзи «ҳеч бўлмаса биттаси, балки ҳаммаси», деган маънода кўлланилади. Шунга кўра, «Баъзи

тошлар тирик мавжудот эмас», деган ҳукм чин бўлади, чунки ҳеч бир тош тирик мавжудот эмас.

Маълум маънода якка ҳукмларни умумий ҳукмлар билан тенглаштириш мумкин. Чунки ҳар икки ҳукмда ҳам тўпламдаги предметларнинг ҳар бирига нимадир тааллукли ёки тааллукли эмас, деб кўрсатилади. Якка ҳукмларда эса бу тўплам биргина предметдан иборат бўлади.

Мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотуғрилигини аниқлашда ва баъзи бошқа ҳолатларда оддий ҳукмларнинг микдор ва сифати бўйича бирлашган классификацияси (асосий турлари)дан фойдаланилади. Улар қуидагилардан иборат:

1.Умумий тасдиқ ҳукмлар. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳамма талабалар мантиқ илмини ўрганадилар». Бу ҳукмлар лотин алифбосидаги А ҳарфи билан белгиланади ва «Ҳамма S–Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

2.Умумий инкор ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳеч бир ишбилармон режасиз иш юритмайди». Бу ҳукм «Ҳеч бир S–Р эмас» формуласи орқали ифодаланади ва лотинча Е ҳарфи билан белгиланади.


3.Жузъий тасдиқ ҳукмлар бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам тасдиқ бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар масъулиятли». У лотинча I ҳарфи билан белгиланади ва «Баъзи S–Рдир» формуласи орқали ифодаланади.

4.Жузъий инкор ҳукм бир вақтнинг ўзида ҳам жузъий, ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Баъзи талабалар спорт билан шуғулланмайдилар». Унинг формуласи «Баъзи S–Р эмас» бўлиб, лотинча О ҳарфи билан белгиланади.


Оддий ҳукмларда терминлар ҳажми. Оддий ҳукмлардаги терминлар (S ва P) тушунчалар орқали ифодаланганлиги туфайли уларнинг ҳажмига кўра, ўзаро муносабатларини аниқлаш мумкин. Ҳукмларда терминлар (S ва P) тўлиқ ёки тўликсиз ҳажмда олинган бўлади. Термин тўлиқ ҳажмда олинганда унинг ҳажми бошқа терминнинг ҳажмига тўлиқ мос бўлади ёки мутлақо мос бўлмайди (уларнинг ҳажми бир-бирини истисно қиласди). Термин тўликсиз ҳажмда олинган бўлса, унда унинг ҳажми бошқасининг ҳажмига қисман мос келади ёки ундан қисман истисно қилинади. Оддий ҳукмларда терминлар ҳажми қуидагича бўлади:

1.А – Умумий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳаммавақт тўлиқ ҳажмда олинган бўлади. Предикати эса баъзан тўлиқ, баъзан тўликсиз ҳажмда бўлади. Масалан, «Ҳамма инсонлар тирик мавжудотдир».

Бу ҳукмнинг субъекти – «инсон», предикати – «тирик мавжудот» тушунчасидир, «ҳамма» – умумийлик квантори. Бу ҳукмнинг субъекти тўлиқ ҳажмда олинган, чунки унда ҳамма инсонлар тўғрисида фикр билдирилган ва бу тушунча «тирик мавжудот» тушунчасининг ҳажмига тўлиқ киришади. Унинг предикати тўлиқ ҳажмда олинмаган, чунки унда тирик мавжудотларнинг бир қисми – инсонлар ҳақида фикр юритилади. Бунинг доиравий шакли қуйидагича: (1-чизма).





1-чизма.



2-чизма.


Умумий тасдиқ ҳукмларнинг баъзиларида S ҳам, P ҳам тўла ҳажмда бўлиши мумкин. Масалан, «Ҳамма мусулмонлар Ислом динига эътиқод қиласидар» (2-чизма).

2.Е – Умумий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳам, предикати ҳам тўлиқ ҳажмда олинган бўлади. Масалан, «Ҳеч бир диндор эътиқодсиз эмас». Бу ҳукмда S – диндорларни, P – эътиқодсизларни ифодалайди, ҳеч бир – умумийлик кванторидир. Бунда ҳар икки терминнинг ҳажми бир-бируни истисно қиласи (3-чизма).




3-чизма.

3. I – Жузъий тасдиқ ҳукмларнинг субъекти ҳаммавақт тўлиқсиз ҳажмда олинади, предикати эса баъзан тўлиқ, баъзан тўлиқсиз ҳажмда бўлади. Масалан, «Баъзи талабалар инглиз тилини билади» деган ҳукмнинг терминлари қуйидагича: S – талабалар, P – инглиз тилини биладиганлар, баъзи – мавжудлик квантори. Бу ҳукмда S ҳам, P ҳам тўлиқсиз ҳажмда олинган бўлиб, ҳар икки терминнинг ҳажми бир-бирига қисман мос келади (4-чизма).




4-чизма.

Яна бир мисолни кўрамиз: «Баъзи шифокорлар хирургдир». Бу ҳукмда S – шифокорлар, P – хирурглар, баъзи – мавжудлик кванторидир. Ҳукмда субъект тўлиқ ҳажмда олинмаган, чунки унда баъзи шифокорлар ҳақида фикр билдирилган, предикат эса тўлиқ ҳажмда олинган, чунки хирургларнинг ҳаммаси шифокордир. Предикатнинг ҳажми субъектнинг ҳажмига киргани учун у тўлиқ ҳажмда олинган бўлади (5-чизма).



5-чиズма.

4. О – Жузъий инкор ҳукмларнинг субъекти ҳаммавақт тўлиқсиз ҳажмда, предикати эса тўлиқ ҳажмда олинади. Масалан, «Баъзи ёшлар хунарманд эмас». Бу ҳукмнинг терминлари: S – ёшлар, P – хунарманд эмаслар; баъзи – мавжудлик квантори. Ҳукмнинг субъекти тўлиқ ҳажмда олинмаган, унда ёшларнинг бир қисми ҳакида фикр юритилади, холос. Ҳукмнинг предикати эса тўлиқ ҳажмда олинган. Унда хунармандларнинг ҳаммаси ҳакида фикр билдирилган (6-чиズма).



6-чиズма.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, умумий ҳукмларнинг субъекти ҳаммавақт тўлиқ ҳажмда, жузъий ҳукмларнинг субъекти тўлиқсиз ҳажмда олинади. Инкор ҳукмларнинг предикати ҳаммавақт тўлиқ ҳажмда бўлади. Тасдиқ ҳукмларнинг предикати $P \leq S$ бўлгандагина тўлиқ ҳажмда бўлади, бошқа ҳолларда эса тўлиқсиз ҳажмда олинади.

Ҳукмларда терминлар ҳажмини аниқлаш қатъий силлогизмни тўғри тузишда ва бевосита хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Оддий ҳукмларда терминлар ҳажмини қўйидаги шакл орқали якъол ифодалаш мумкин. Бунда «+» тўлиқ ҳажмни, «-» тўлиқсиз ҳажмни билдиради.

Ҳукм турлари	Белгиси	Ҳукмнинг формуласи		Терминлар ҳажми		Терминларнинг муносабати
		Формал мантиқда	Математик мантиқда	S	P	
Умумий тасдиқ ҳукм	A	Ҳамма $S \cdot P$ $S \neq P$	$\forall x(S(x) \rightarrow P(x))$	+	±	$S \geq P$
Умумий инкор ҳукм	E	Ҳеч бир $S \cdot P$ $S \neq P$	$\forall x(S(x) \rightarrow \neg P(x))$	+	+	$S=P$
Жузъий тасдиқ ҳукм	I	Баъзи $S \cdot P$ $S \neq P$	$x(S(x) \wedge P(x))$	-	±	$S \leq P$
Жузъий инкор ҳукм	O	Баъзи $S \cdot P$ эмас $S \neq P$	$x(S(x) \wedge \neg P(x))$	-	+	$S < P$

Предикатнинг мазмунига кўра оддий хукм турлари. Улар қўйидагилардан иборат: атрибутив хукмлар, мавжудлик хукмлари ва муносабат хукмлари. Атрибутив (сифат ва хусусият) хукмларда бирор хусусиятнинг предметга хослиги ёки хос эмаслиги аниқ, қатъий қилиб кўрсатилади. Шунинг учун атрибутив хукмларни бирорта предметнинг синфга кириши (мансублиги) ёки кирмаслиги (мансуб эмаслиги) ҳақидаги хукм деб таърифласа бўлади.

Масалан, «Ҳамма дараҳтлар ўсимликлардир» ва «Ҳеч бир ўсимлик ҳайвон эмас». Биринчи хукмда дараҳтларнинг ўсимликлар синфига кириши ҳақида фикр билдирилса, иккинчи хукмда ўсимликлар ва ҳайвонлар синфининг ўзаро ҳеч қандай умумийликка эга эмаслиги ҳақида фикр билдирилган.

Иккита, учта ва ҳоказо предметлар ўртасида муайян муносабатларнинг бўлиши ёки бўлмаслигини ифодалаган хукмларга муносабат хукмлари дейилади. Масалан: «Бутун бўлакдан катта». «Икки-учдан кичик сон». Биринчи хукмда «катталик» муносабати бутун ва бўлак ўртасида бўлиши тасдиқланса, иккинчи хукмда уч сони билан икки сонининг муносабати ҳақидаги фикр тасдиқланган.

Муносабат хукмлари сифатига кўра, тасдиқ ёки инкор хукм турларига бўлинади. Тасдиқловчи муносабат хукмларида предметлар ўзаро муайян муносабатда эканликлари ҳақида фикр билдирилади. Инкор этувчи муносабат хукмларида эса предметлар ўртасидаги муайян муносабатларнинг мавжуд эмаслиги ҳақида фикр билдирилади.

Муносабат хукмлари микдорига кўра ҳам турларга бўлинади. Хусусан, икки ўринли муносабат хукмлари микдорига кўра якка-якка, умумий-умумий, жузъий-жузъий, якка-умумий, якка-жузъий, умумий-жузъий, жузъий-умумий турларга бўлинади.

Масалан, «Укаси акасидан баланд» (якка-якка); «Гурухимизнинг ҳар бир талабаси факультетимиздаги ҳамма ўқитувчиларни билади» (умумий-умумий); «Гурухимиздаги баъзи талабалар баъзи хинд кино юлдузларини яхши биладилар» (жузъий-жузъий); «Тарих ўқитувчиси гурухимиздаги ҳар бир талабани яхши билади» (якка-умумий); «Дўстим баъзи масалаларни еча олади» (якка-жузъий); «Гурухимиздаги ҳамма талабалар инглиз тилини ўрганадилар» (умумий-якка); «Гурухимиздаги баъзи талабалар француз тилини ўрганадилар» (жузъий-якка); «Гурухимиздаги баъзи талабалар «Пахтакор» командасининг ҳар бир ўйинчисини биладилар» (жузъий-умумий).

Уч ўринли, тўрт ўринли ва ҳоказо муносабат хукмлари ҳам юқоридаги каби турларга бўлинадилар.

Атрибутив ва муносабат ҳукмларидан бошқа яна мавжудлик ҳукмлари (Кутубхонада мантиқ дарслиги бор), айният ҳукмлари («А–В» кўринишда бўлган) ва модал ҳукмлар (эҳтимол ёмғир ёғади)ни кўрсатиш мумкин. Баъзи дарсликларда улар оддий қатъий ҳукм турлари сифатида талқин қилинади. Биз бу ҳукм турларини алоҳида кўриб чиқмаймиз, чунки мавжудлик ҳукмларини кўпинча атрибутив ҳукмлар кўринишида, айният ҳукмларини муносабат ҳукмлари кўринишида талқин қилиш мумкин.

Шунингдек, оддий ҳукм турлари сифатида ажратиб кўрсатувчи ва истисно қилувчи ҳукмлар ҳам фарқланади. «Гурухимиз талабаларидан факат 4 киши мусобақада қатнашади». Бу ажратиб кўрсатувчи ҳукмдир. «Мантиқ тарихи» курсидан бошқа ҳамма ўқитиладиган фанлардан дарсликлар етарли». Бу истисно қилувчи ҳукмдир.

МУРАККАБ ҲУКМЛАР

Ҳукм терминлари бирдан ортиқ бўлса, мураккаб ҳукм деб аталади. Мураккаб ҳукмлар «ва», «ёки», «агар... унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал терминларни қўллаш орқали икки ва ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчининг мазмунига кўра мураккаб ҳукмларнинг куйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

Бирлаштирувчи (конъюнктив) ҳукмлар деб икки ва ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг «ва», «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий боғловчилар воситасида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмларга айтилади. Масалан, 1.«Кўнгироқ чалинди ва дарс бошланди». 2.«А. Навоий шоир ва давлат арбоби бўлган». 3.«Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийлар математика фанининг ривожланишига катта хисса кўшганлар».

Биринчи бирлаштирувчи ҳукм икки мустақил оддий ҳукмнинг боғланишидан ҳосил бўлган. Иккинчи ҳукмда бир хил субъектга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Учинчи бирлаштирувчи ҳукмда эса бир хил предикатга эга бўлган икки оддий ҳукм ўзаро боғланган. Ўзбек тилида бирлаштирувчи ҳукмлар «аммо», «лекин», «бироқ» каби боғламалар ва (,) воситасида ҳам тузилади. Мантиқий боғламалар конъюнкция белгиси « \wedge »орқали ифодаланади.

Конъюнктив (бирлаштирувчи) ҳукм таркибидаги оддий ҳукмларни «р» ва «q» шартли белгилари билан белгиласак, унда бу ҳукм $r \wedge q$ формуласи орқали ифодаланади. Конъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлар чин ёки хато бўлиши мумкин. Таркибидаги ҳамма оддий ҳукмлар чин бўлганда, бирлаштирувчи ҳукм чин бўлади. Бошқа ҳамма ҳолатларда эса хато бўлади. Масалан, «Ёлғон гапириш ва ўғирлик қилиш жиноятдир» ҳукмидаги биринчи оддий гап «Ёлғон гапириш жиноятдир» чин бўлмаганлиги учун бу ҳукм чин бўлмайди.

r	q	$r \wedge q$
чин	чин	чин
чин	хато	хато
хато	чин	хато
хато	хато	хато

Айиравчи (дизъюнктив) ҳукм деб «ё», «ёки», «ёхуд» мааникӣ боғламалари воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулоҳазага айтилади. Бу боғловчилар иккى оддий ҳукмни ёки бир қанча предикатларни. ёки бир қанча субъектларни бир-биридан айириб туради. Масалан, «Қодирор фалсафа ёки социология, ёки психология бўлимида ўқыйди». «Иккинчи соатда ё математика, ёки чет тили дарси бўлади». Айиравчи боғламалар « $r \vee q$ » – дизъюнкция белгиси орқали ифодаланади. Айиравчи (дизъюнктив) ҳукмлар оддий ёки қатъий турларга бўлинади. Оддий дизъюнктив ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлардан бири ёки ҳаммаси чин бўлиши мумкин, қатъий дизъюнктив ҳукмда эса таркибидаги оддий ҳукмлардан фақат биттаси чин бўлади. Оддий дизъюнктив ҳукм $r \vee q$ формуласи билан, қатъий дизъюнктив ҳукм $r \vee q$ формуласи билан белгиланади. Дизъюнктив ҳукмларнинг чин бўлиш шартлари қўйидагича:

r	q	$r \vee q$
чин	чин	чин
чин	хато	чин
хато	чин	чин
хато	хато	хато

r	q	$r \vee q$
чин	чин	хато
чин	хато	чин
хато	чин	чин
хато	хато	хато

«Ҳ.Ҳ.Ниёзий шоир ёки драматургдир». Бу оддий дизъюнктив ҳукм. «Абдуллаев мусобақада ё ютади, ё ютмайди». Бу қатъий дизъюнктив ҳукм.

Шартли (импликатив) ҳукм икки оддий ҳукмнинг «агар... унда» мантикий боғламаси орқали биринишидан ташкил топади. Шартли ҳукмнинг моҳиятини аниқлаш учун зарурий ва етарли шарт тушунчаларини фарқлаш зарур. Ҳодисанинг зарурий шарти деб, унинг мавжудлигини таъминлайдиган ҳолатга айтилади. Агар ҳодисанинг шарти зарурий бўлмаса, ҳодиса ҳам бўлмайди. Масалан, «Агар ўсимлик сувсиз қолса, у қурийди».

Ҳодиса учун етарли бўлган шарт деб, ҳар сафар шу шарт бўлганда, ўша ҳодиса кузатиладиган ҳолатга айтилади. Масалан, «Агар ёмгир ёғса, унда уйларнинг томи ҳўл бўлади». Шартлар «етарли, лекин зарурий бўлмаган», «зарурий, лекин етарли бўлмаган», «зарурий ва етарли» бўлиши мумкин. Масалан, Н сонининг икки ва учга бўлиниши унинг олтига бўлиниши учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланади. Н сонининг иккига бўлиниши унинг олтига бўлиниши учун зарурий, лекин етарли бўлмаган шартдир. Н сонининг ўнга бўлиниши унинг иккига бўлиниши учун етарли, лекин зарурий бўлмаган шартдир.

Шартли ҳукм таркибида асос ва натижа қисмлари фарқланади. Шартли ҳукмнинг «агар» ва «унда» сўзлари оралиғидаги қисмі – асос, «унда» сўзидан кейинги қисми – натижа деб аталади. «агар ёмғир ёғса, унда уйларнинг томи ҳўл бўлади» ҳукмida «ёмғир ёғса» ҳукми асос, «уйларнинг томи ҳўл бўлади» ҳукми – натижа ҳисобланади.

Демак, асосда кўрсатилган ҳодиса, натижада қайд этилган ҳодисанинг келиб чиқиши учун етарли шартни ифодалаган ҳукм шартли ҳукм дейилади.

Шартли (импликатив) ҳукмлар «агар ... унда» мантикий боғламаси (\rightarrow) белги билан ифодаланади. Ҳозирги замон мантиқ илмида эса баъзан (\supset) символи билан белгиланади. Бу символлар моддий импликатив белгиси деб аталади. Шартли ҳукм эса импликатив ҳукм деб юритилади. Импликатив ҳукмнинг асоси – антецидент, натижаси – консеквент дейилади. Импликатив ҳукм антецедент – чин, консеквент – хато бўлган ҳолатдан бошқа ҳамма кўринишларда чин бўлади. Импликатив ҳукмнинг чин бўлиш шартлари қуйидагича:

r	q	r → q
чин	чин	чин
чин	хато	хато
хато	чин	чин
хато	хато	чин

Эквивалентлик ҳукмлари «агар ва фақат агар ... унда» мантикий боғловчиси ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Табиий тилда эквивалентлик ҳукми шартли ҳукм кўринишида ифодаланади. Бундай ҳолатларда шартли ҳукмнинг эквивалент ҳукм эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Агар шартли ҳукмнинг асоси натижада кайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланса, унда бу ҳукм эквивалент ҳукм бўлади. Масалан, «Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса, унда у иккига колдиксиз бўлинади».

Эквивалент ҳукмнинг мантикий боғловчили (\leftrightarrow) символи, яъни (моддий) эквивалентлик белгиси билан ифодаланади. Эквивалент ҳукмнинг чин бўлиш шартлари куйидагича:

p	q	$p \leftrightarrow q$
чин	чин	чин
чин	хато	хато
хато	чин	хато
хато	хато	чин

Ҳукмларнинг инкор қилиниши. Икки ҳукм бир-бирига зид бўлиб, улардан бири албатта, чин, бошқаси хато бўлса, бу ҳукмлар бир-бирини инкор қилувчи ҳукмлар бўлади. Инкор қилинаётган ҳукм чин бўлса, инкор қилаётган ҳукм хато бўлади. Инкор қилинаётган ҳукм хато бўлса, инкор қилаётган ҳукм чин бўлади. Куйидаги ҳукмлар бир-бирини инкор қиласди:

1.А–О. Ҳамма ўзбек аёллари олий маълумотли (хато).

Баъзи ўзбек аёллари олий маълумотли (чин).

2.Е–I. Ҳеч бир инсон тош эмас (чин).

Баъзи инсонлар тошдир (хато).

Ҳукмларни предикатнинг субъектга тааллукли эмаслигини кўрсатиш ва ҳукмни хато деб кўрсатиш орқали инкор қилиш мумкин. Биринчиси ички инкор, иккинчиси ташки инкор дейилади.

Масалан:

Баъзи талабалар аълочи эмас (ички инкор).

Куёшнинг Ер атрофида айланиши – нотўғри фикрдир (ташки инкор).

Конъюнктив ва дизъюнктив ҳукмлар инкор қилинганда уларнинг мантикий боғламалари алмашади ва таркибидағи оддий ҳукмлар инкор қилинади.

1) Айирувчи ҳукмни инкор қилиш.

Мен дарсдан сўнг ё кутубхонага, ё дўстимникига бораман. Мен дарсдан сўнг кутубхонага ҳам, дўстимникига ҳам бормадим.

$$p \vee q \equiv \bar{p} \wedge \bar{q}$$

2) Айирувчи инкор ҳукмни инкор қилиш.

«Хунар ўрганмаган ёки илм олмаган инсонлар ҳаётда ўз ўрнини топмайди». «Хунар ўрганган, илм олган инсонлар ҳаётда ўз ўрнини топади».

$$\bar{p} \vee \bar{q} \equiv p \wedge q$$

3) Бирлаштирувчи ҳукмни инкор қилиш.

«Ҳалол ва вижданли одамлар ахлоқли бўладилар». «Ҳалол бўлмаган ёки вижданли бўлмаган одамлар ахлоқсиз бўладилар».

$$p \wedge q \equiv \bar{p} \vee \bar{q}$$

4) Бирлаштирувчи инкор ҳукмни инкор қилиш.

«Аълочи ва жамоатчи бўлмаган талабалар танловда иштирок этмайдилар». «Аълочи ёки жамоатчи бўлган талабалар танловда иштирок этадилар».

$$\bar{p} \wedge \bar{q} \equiv p \vee q$$

Бу формуалалар де-Морган конунлари деб аталади.


Агар мураккаб ҳукм таркибида шартли ҳукм бўлса, формула унга айнан тенг бўлган, импликацияси бўлмаган бошқа формулага алмаштирилади. Масалан, «Агар бўш вақтим бўлса, унда телевизор кўраман». «Бўш вақтим бўлди, лекин телевизор кўрмадим».

ҲУКМЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Ҳукмлар ҳам тушунчалар каби таққосланадиган (умумий субъект ёки предикатга эга бўлган) ва таққосланмайдиган турларга бўлинади. Таққосланадиган ҳукмлар сифишадиган ёки сифишмайдиган бўлади. Мантиқда икки ҳукм (p ва q) дан бирининг чинтигидан иккинчисининг хатолиги зарурӣ келиб чиқадиган бўлса, улар ўзаро сифишмайдиган ҳукмлар дейилади. Сифишмайдиган ҳукмлар бир вақтда чин бўла олмайди. Сифишадиган ҳукмлар айнан бир фикрни тўлиқ ёки қисман ифодалайди. Сифишадиган ҳукмлар ўзаро эквивалентлик, мантикий бўйсуниш ва қисман мос келиш (субконтрар) муносабатида бўлади.

Сифишмайдиган ҳукмлар қарама-қаршилик (контрап) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатида бўлади. Ҳукмлар

ўртасидаги муносабатларнинг шаклий ифодаси «мантикий квадрат» деб аталади. Мантикий квадрат оркали «хукм»лар ўртасидаги чинлик муносабатлари аниқланади.



Масалан, «Хар бир жамият ўз ахлокий нормаларига эга». Бу А – умумий тасдиқ ҳукм Е, I, О күринишларда күйидагича ифодаланади:

Е.Хеч бир жамият ўз ахлокий нормаларига эга эмас.

I.Баъзи жамиятлар ўз ахлокий нормаларига эга.

O.Баъзи жамиятлар ўз ахлокий нормаларига эга эмас.

Бу ҳукмлар таққосланадиган ҳукмлар бўлиб, улар ўртасида чинлигига кўра ўзига хос муносабатлар мавжуддир.

Сигишмайдиган ҳукмлар ўртасида қарама-қаршилик (контрар) ва зидлик (конрадикторлик) муносабатлари бўлади. Қарама-қаршилик муносабати мазмунига кўра турлича бўлган умумий ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлиб, бу муносабатга кўра уларнинг ҳар иккиси бир вактда чин бўла олмайди. Бу ҳукмлар бир вактда хато бўлиши мумкин; агар улардан бирининг чинлиги аниқ бўлса, унда бошқаси, албатта, хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А-ҳукм чин, Е – ҳукм хато эканлиги маълум бўлади.

Зидлик муносабати мазмуни ва ҳажмига кўра турлича бўлган ҳукмлар ўртасида мавжуд бўлади. Бу ҳукмларнинг ҳар иккиси бир вактда чин ҳам, хато ҳам бўлмайди. Улардан бири ҳаммавақт чин, бошқаси эса хато бўлади. Юқоридаги мисоллардан А – ҳукм чин бўлиб, О – ҳукм хатодир. Шунингдек, I – ҳукм чин, Е – ҳукм хатодир.

Сигишадиган хукмлардан мазмуни бир хил, ҳажми турли хил бўлган хукмлар ўзаро бўйсуниш муносабатида бўлади. Бунда умумий хукмлар бўйсундирувчи, жузъий хукмлар бўйсунувчи бўлади. Бўйсуниш муносабатида умумий хукмлар чин бўлса, уларга бўйсунувчи жузъий хукмлар ҳам чин бўлади. Лекин жузъий хукмлар чин бўлганда, умумий хукмлар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади. Юкоридаги мисолдан А – хукм чин бўлгани учун унга бўйсунувчи I – хукм ҳам чин бўлади. Агар умумий хукмлар хато бўлса, уларга бўйсунувчи жузъий хукмлар ноаниқ (чин ёки хато) бўлади. Мисолимизда Е – хукм хато бўлгани учун О – хукм ҳам хато бўлади. Баъзи ҳолатларда умумий хукмлар хато бўлса, жузъий хукмлар чин бўлади.

Қисман мослик (субконтрап) муносабати мазмуни ҳар хил бўлган жузъий хукмлар ўргасида мавжуд бўлади. Бу хукмлар бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин ҳар иккиси бир вақтда хато бўлмайди. Агар улардан бирининг хатолиги аниқ бўлса, унда бошқаси, албатта, чин бўлади. Юкоридаги мисолимизда О – хукмнинг хатолиги аниқ бўлгани учун I – хукм чиндири.

Эквивалентлик муносабатидаги хукмлар ҳаммавақт чин бўлади, чунки уларда айнан бир фикр турли шаклда ифодаланади. Масалан, «А.Орипов Ўзбекистон Республикаси Мадхиясининг муаллифи» ва «А.Орипов – Ўзбекистон Қаҳрамони» хукмлари ўзаро эквивалентдир, яъни улар бир хил субъектга, лекин ҳар хил предикатга эга бўлган хукмлардир.

Хукмларнинг чинлигига кўра муносабатини ифодаловчи юкорида кўрсатилган қонуниятлар билишда катта аҳамиятта эга.

Хукмларнинг модаллиги. Атрибутив ва муносабат ҳукмлари, шунингдек, улардан ташкил топган мураккаб хукмлар ассерторик (лот. asserto – тасдиқлайман) ёки воказатив ҳукмлари дейилади. Уларда предикатда кўрсатилган белгининг субъектда бор ёки йўклиги ҳакида фикр билдирилади. Модал ҳукмларда эса предикатнинг субъектта тегишли ёки тегишли эмаслиги ҳакидағи фикр қатъий, кучли (зарурий) ёки қатъий бўлмаган, кучсиз (эҳтимол) тасдиқ ёки инкор шаклида баён қилинади. Бошқача айтганда, модал ҳукмларда субъект ва предикатнинг ўзаро муносабати ҳакида муайян нуқтаи назардан фикр билдирилади. Масалан, «Инсон абадий яшамайди» ассерторик ҳукми «Инсон абадий яшаши мумкин эмас», деб баён қилинганда модал ҳукм кўринишида ифодаланади. Бу ҳукм аввалгисига нисбатан кучли. «Укам инглиз тилини

ўрганади» ҳукмига нисбатан «Укам инглиз тилини ўрганиши мумкин» ҳукми кучсиз тасдик ҳукм ҳисобланади. Бу ҳукмлардан биринчиси ассерторик, иккинчиси модал ҳукмдир.

Ассерторик (вокелик) ҳукмларга шарт, зарур, мумкин каби модал тушунчалар (операторлар)ни киритиш орқали модал ҳукмлар ҳосил қилинади. Модал оператор M ҳарфи билан белгиланади. Модал ҳукмларининг формуласи қуийдагича ёзилади:

Ассерторик ҳукмлар		Модал ҳукмлар
Оддий ҳукмлар	S-P	$M(S-P)$
	S-P эмас	$M(S - P \text{ эмас})$
Мураккаб ҳукмлар	$p \wedge q$	$M(p \wedge q)$
	$p \vee q$	$M(p \vee q)$
	$p \dot{\vee} q$	$M(p \dot{\vee} q)$
	$p \rightarrow q$	$M(p \rightarrow q)$
	$p \equiv q$	$M(p \equiv q)$

Модал ҳукмлар модал мантиқда ўрганилади. Унда алетик (зарурий), эпистемик (энг ишончли билим), деонтик (мажбурийлик), аксиологик (баҳолаш) ва вакт модаллигини ифодаловчи ҳукмлар таҳлил қилинган.

Биз булардан алетик модал ҳукмларини кўриб чиқамиз. Алетик модал ҳукмлар субъект ва предикат ўртасидаги икки турли алоқадорликни ўз ичига олади: зарурий ва проблематик (имконий).

Модал ҳукмларни ифодалаш учун турли модал операторлардан фойдаланилади. Масалан, алетик модал ҳукмларда қуидаги модал операторлардан фойдаланилади:

« A » – A зарурийдир.

« ∇A » – A тасодифийдир.

« $\Diamond A$ » – A бўлиши мумкин.

« $\Box A$ » – A бўлиши мумкин эмас.

Баъзан « Lp » – p зарурийдир, « Mr » – p бўлиши мумкин белгиларидан ҳам фойдаланилади.

Зарурий модал ҳукмлар турли фанларнинг, шу жумладан, мантиқ қонунларини ва улардан келиб чиқадиган ҳолатларни ифодалайди. Масалан, «Бутун бўлакдан катта», «Ҳар бир фуқаро қонунларга бўйсуниши шарт».

Қонунларга зид бўлган, уларни ва улардан келиб чиқадиган турли ҳолатларни инкор этувчи ҳукмлар ноим-

конийлик ҳукмлари дейилади. Масалан, «Симоб дарёсининг бўлиши мумкин эмас».

Конунлар ва улардан келиб чиқадиган ҳолатларга зид бўлмаган, конунларни ҳам, уларнинг оқибатларини ҳам ифодаламайдиган ҳукмлар тасодифий ҳукмлар дейилади. Масалан, баъзи худудларда денгиз кўпигининг тошқини бўлиши тасодифийдир.

Имконийлик ҳукмлари деб, конунлар ва уларнинг оқибатларига зид бўлмаган фикрларга айтилади. Масалан, «Марсда ҳаёт бўлиши мумкин».

Модал тушунчаларнинг умумий хусусияти улардан ҳамма соҳаларда фойдаланиш имконини беради.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Билимларимиз предмет ва ҳодисалар ҳақида аввалги ҳосил қилинган ҳукмлар (мулоҳазалар)дан янги, уларни тўлдирадиган, кенгайтирадиган ҳукмларни яратишга қараб тараккӣ этиб боради. Бу жараён маълум бир саволларни кўйиш ва уларга жавоб қидириш тарзида содир бўлади.

Шуни айтиш керакки, савол сўрок гап ёрдамида ифода қилингани учун ҳукмни ифода кила олмайди. Улар билишда турлича вазифаларни бажаради. Хусусан, ҳукмнинг вазифаси предмет ҳақидаги мавжуд билимларни қайд қилишдан иборат бўлса, савол унинг янги хусусиятлари, алоқаларини қидириб топишга, ўрганишга қаратилган бўлади. Савол бир канча муҳим мантиқий хусусиятларга эга. Биринчидан, саволда маълум бир бошлангич билим мужассамланган бўлади. Масалан, «Қандай сабабларга кўра ГФР ва ГДР ягона давлатга бирлашди?» деган саволда мустақил Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикасининг мавжуд бўлганлиги, уларнинг ягона давлатга бирлашишидан аввал қандайдир воқеаларнинг содир бўлганлиги ҳақида маълумот берилган. Иккинчидан, саволда мавжуд бўлган билим ноаник бўлади. Юкорида келтирилган мисолда ягона немис давлати – ГФР ҳақида маълум бир маълумот мавжуд бўлса-да, у фикрлаш предметини тушуниш учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам савол кўйиш ва унга жавоб қидириш йўли билан ягона немис давлатининг пайдо бўлиш шарт-шароитлари ҳақида билим ҳосил қилиниши зарур. Учинчидан, саволда предмет ҳақида тўлароқ билимга эга бўлиш эҳтиёжи ўз ифодасини топади.

Ана шундан келиб чиқиб, савол билимларимиздаги ноаникликларни, шубхаларни йўқотиш ҳамда аникрок ва тўлароқ билимлар ҳосил қилишга бўлган эҳтиёжни кондиришга хизмат қиласидан фикрлаш воситасидир, деб айтишимиз мумкин.

Савол ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У ўзининг асосига, (datum questioins) базисига эга. Саволнинг асосини унда мужассамлашган билим (ахборот) ташкил этади.

Саволларнинг бир канча турларини фарқ қиласа бўлади. Хусусан, савол ўзининг асосига кўра тўғри ва нотўғри кўйилган саволларга бўлинади. Асоси чин ва зиддиятсиз билимдан иборат бўлса, савол тўғри кўйилган бўлади. «Миллий ғоя нима?» деган савол бунга мисол бўла олади. Хато ва зиддиятли асосга эга савол эса, нотўғри кўйилган савол ҳисобланади. Масалан, «Арвоҳ қандай кун кечиради?» десак, савол нотўғри кўйилган бўлади.

Билишдаги функцияси бўйича аниқловчи ва тўлдирувчи саволларга ажратиш мумкин. «И.Приожин ҳақиқатан ҳам синергетиканинг асосчисими?» деган савол аниқловчи савол, «Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қачон қабул қилинган?» тўлдирувчи савол ҳисобланади.

Таркибида кўра оддий ва мураккаб саволлар мавжуд. Агар таркибда бошка савол бўлмаса оддий савол, бўлса – мураккаб савол деб юритилади. Масалан, «Сув неча градусда музлайди?» – оддий савол, «Ассимиляция ва диссимилиялар организмнинг мавжуд бўлишида қандай ўрин тутади?» – мураккаб саволdir.

Масала – саволнинг алоҳида бир тури бўлиб, уни ҳал қилиш саволнинг асосини мантиқан ўзгартиришни, этишмаётган маълумотлар билан тўлдиришни, муҳим томонларини ажратишни, муҳим бўлмаганларини чиқариб ташлашни тақозо этади.

Саволни тўғри кўйиш учун маълум бир қоидаларга риоя этиш зарур:

- 1.Савол тил талабларига жавоб бериши керак.
- 2.Савол аник, равшан, қатъий ҳолда ифода қилинган бўлиши керак.
- 3.Саволнинг асоси (базиси) чин ҳукмлардан иборат бўлиши керак.

Жавоб – предмет ҳақидаги аввалги билимни кўйилган саволга мувофиқ ҳолда аниқчаштирадиган, тўлдирадиган янги ҳукм (мулоҳаза) дан иборат. У саволнинг асосини (базисини) ташкил этувчи билимга таянилган ҳолда, янги билим олишга

имкон беради. Жавобнинг моҳиятини саволда мавжуд бўлган ноаникликни камайтириш (ёки йўқотиш) ташкил этади.

Саволга жавоб қидириш давомида, одатда, билимларнинг конкрет соҳаларига мурожаат қилинади. Улар **жавобни қидириш соҳаси**, деб аталади.

Мантиқда жавобнинг бир қанча турлари: бевосита (тўғри) ва билвосита жавоблар, тўлиқ ва тўлиқсиз жавоблар, чин ва хато жавоблар, қисқа ва батафсил жавоблар, аниқ ва ноаниқ жавоблар ажратилади.

Бевосита (тўғри) жавоб – саволда кўрсатилган номаълум соҳага тааллукли мулоҳазалар тўпламидан иборат. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни) қачон қабул қилинган?» деган саволга «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни) 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган», деб берилган жавоб бевосита жавоб ҳисобланади.

Билвосита жавоб – жавобни қидириш соҳасидан четга чиқиб, кўшимча маълумотларга мурожаат қилиш асосида ҳосил қилинадиган мулоҳазалар тўпламидан иборат бўлиб, бевосита (тўғри) жавоб улардан ҳолоса чиқариш йўли билан ҳосил қилинади. Масалан, «Мантиқ фалсафий фанми?» деган саволга «Мантиқ тафаккурнинг шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан» деб бериладиган жавоб билвосита жавоб бўлади.

Тўлиқ ва тўлиқсиз жавоблар жавобда бериладиган маълумотлар микдори бўйича фарқ қилинади. **Тўлиқ жавоб** – ўзида саволнинг барча элементлари (қисмлари) ҳакида маълумотларни мужассамлаштирган мулоҳазалар тўпламидир, «Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясини ким ёзган?» деган саволга «Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси матнини А.Орипов ёзган, унинг мусиқасини эса, М. Бурхонов ёзган», деб берилган жавоб тўлиқ жавоб бўлади. **Тўлиқсиз жавоб** – саволни ташкил этувчи элементларнинг бир қисми ҳакидагина маълумотни ифода этган мулоҳазалардан иборат. Масалан, «Жамиятни демократиялашнинг моҳияти нимада?» деб кўйилган саволга «Жамиятни демократиялаш ҳалқнинг давлатни бошқаришша иштирок этишини тақозо этади», деб берилган жавоб тўлиқсиз бўлади, чунки унда жамиятни демократиялаштиришнинг бошқа мезонлари ҳакида маълумотлар йўқ.

Мантикий қиймати бўйича, яъни борликка муносабатига кўра чин ва хато жавоблар фарқ қилиниши мумкин. Агар жавобда ифодаланган фикр-мулоҳазалар борликка мувофиқ келса, уни адекват ҳолда акс эттираса, у **чин жавоб** ва аксин-

ча, борликқа мувофик келмаса, адекват тарзда акс эттирма-са, у **хато жавоб** бўлади. Масалан, «Тиб қонунлари» асарининг муаллифи ким?» деб берилган саволга «Тиб қонунлари» асарининг муаллифи Ибн Синодир», деб берилган жавоб – чин, «Тиб қонунлари» асарининг муаллифи Ар-Розийдир», деб берилган жавоб эса хато ҳисобланади.

Грамматик шаклига кўра, жавоблар қисқа ёки батафсил бўлади. **Қисқа жавоб** «ҳа» ёки «йўқ» тарзида бериладиган тасдиқ ёки инкор шаклидаги битта мураккаб сўздан иборат. **Батафсил жавоб** саволнинг ҳар бир элементи такрорлана-диган мулоҳазадир. Масалан, «Муҳаммад пайғамбар та-рихий шахсми?» деган саволга «Ҳа», деб берилган жавоб – қисқа жавоб, «Ҳа, Муҳаммад пайғамбар тарихий шахс», деб берилган жавоб – батафсил жавоб бўлади.

Жавобнинг аниқ ёки ноаниқ бўлиши саволнинг сифа-тига, унинг мантикий таркибига боғлиқ. Маълумки, савол ва жавоб мантиқан боғланган бўлади, яъни жавобнинг мазмуни қўйилган саволнинг сифатига боғлиқ. Ана шунинг учун ҳам баҳс юритиш жараёнида «саволига яраша жавоб» деган коида амал қиласи. Ноаниқ, кўп маъноли саволларга аниқ жавоб олиш қийин.

Аниқ жавоб – мантиқан тўғри қўйилган саволга билдирила-диган мулоҳазадан иборат бўлиб, унда ишлатилаётган тушунчалар, сўзларнинг мазмуни ва маъноси конкрет ва равшан бўлади. **Ноаниқ жавобни** ифода этувчи мулоҳазалар икки хил маъноли тушунчалар, сўзларни ишлатиш натижасида ҳосил бўлади. У кўпинча софизмларда учрайди. Масалан, «ўюм» софизмida софистнинг «агар кум ўюмидан бир дона кумни олиб ташланса, ўюм сакланадими?» деган саволига «ҳа», деб жавоб беришади. Унинг «Яна бир кум донасини олиб ташласак-чи? Унда ҳам кум ўюми сакланиб қоладими?» деган навбатдаги саволига ҳам «Ҳа», жавоби берилади. Бу ҳол, яъни тасдиқловчи жавоб бирорта ҳам кум донаси қолмагунча берилаверади. Бу ерда мантикий хато «ўюм» тушунчаси мазмунининг ноаниқлигидан келиб чиқади. Мазкур тушунча факат ўзининг маълум бир микдордаги кумлар тўпламини ифода қилиши, яъни ўзининг ҳажмига эга бўлиши билангина эмас, балки сифатий тавсифига: шаклига, кўламига ва шу кабиларга ҳам, яъни мазмунига ҳам эга. Софист эса ургуни унинг микдорига беряпти. Ана шунинг учун ҳам жавоб охир-оқибатда хато бўлиб чиқади.

Бериладиган жавоб тўғри бўлиши учун маълум бир методологик талабларга риоя қилиш зарур. Улар қуйидагилардир:

1. Жавоб алып, равшан ва иложи борича ихчам бўлиши шарт.
2. Жавоб мантиқан зиддиятсиз бўлиши зарур.
3. Жавоб етарли даражада асосланган бўлиши керак.
4. Жавоб саволдаги ноаникликини камайтириши, иложи борича тўла бўлиши зарур.

НОРМА ВА ҲУКМ

Норма (меъёрий қоида) амалга оширилиши зарур бўлган ёки истисно қилинадиган хатти-ҳаракатларни билдиради. Уларнинг талабларига риоя қилиш кундалик турмушимиизда ҳамда билиш жараёнида кўзланган мақсадга эришишимизга имкон беради. Масалан, «Таъриф тенг ҳажмли бўлиши керак», деган қоидага риоя қилиш тушунчага бериладиган таърифнинг мантиқан тўғри бўлишини таъминлайдиган шартлардан бири ҳисобланади. Агар бу қоида талаби бузилса, тушунчага бериладиган таъриф ҳаддан ташқари кенг (масалан, «Фан – билимлар тизими») ёки ҳаддан ташқари тор (масалан, «Фан – гояларда ифода этилган билимлар тизими») бўлиб қолади.

Гапда ифодаланган нормалар ҳукмни (мулоҳазани) ифода килиши ҳам, килмаслиги ҳам мумкин. Масалан, «Урушни тарғиб қилиш қатъян ман қилинади», деган гап – норматив фикр, ҳукмни (мулоҳазани) ифода этмайди. «Сандов Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида меҳнат қилиш хукукига эга», деган фикр эса норма (меъёрий қоида) ҳакидаги ҳукм (мулоҳаза) ҳисобланади; бунда норма «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари меҳнат қилиш хукукига эга», деган фикрдан иборат; шунинг учун ҳам у мантиқий қийматга эга, яъни чин фикрни ифода этади. Демак, норма ҳакидаги ҳукмлар (норматив ҳукмлар) бошқа ҳукмлар сингари мантиқий қийматга эга, яъни чин ёки хато фикрни ифода этадилар.

Нормалар илмий билишда қоидаларни, методларни, хукукий соҳада – хукукий норматив ҳужжатларни (масалан, конунларни, кодексларни, бўйруқларни ва шу кабиларни), ахлоқ-одоб нормаларини ва бошқа соҳалардаги норматив фикрларни ифода қиласилтар. Уларнинг билишдаги ва амалиётдаги аҳамияти ана шу билан белгиланади.

Машқлар

1. Куйидаги гагларнинг қайси бири ҳукмни ифода қилишини, қайси бири ифода килмаслигини аникланг:

- 1.1.Халқ карвонини ҳеч қандай күч ортга қайтаролмайды (И.Каримов).
 - 1.2.Тил – миллатнинг қалби.
 - 1.3.Хоразмий – катта илмий, гениал шахс (Д.Сартон).
 - 1.4.Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
 - 1.5.Халкимиз энди эркинлигини кўлга киритган, ўзлигини англаб етган бир замонда аллакандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузоғига қайтадими?! (И.Каримов.)
- 2.Куйидаги ҳукмларнинг таркибини аникланг:
 - 2.1.Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги (И.Каримов).
 - 2.2.Элидан айрилган ўлгунча йиғлар (Халқ мақоли).
 - 2.3.Еридан айрилган етти йил йиғлар,
 - 2.4.Баъзи баликлар юз йилгача яшайди.
 - 2.5.Мишлий мафкуруни шакллантирадиган энг катта манба – бу ҳаққоний яратилган тарихдир (И.Каримов).
 - 3.Оддий ва мураккаб ҳукмларни ажратинг:
 - 3.1.Оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир (И.Каримов).
 - 3.2.Мишлий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўқмайдиган ўлмас эътиқодидир (И.Каримов).
 - 3.3.Муайян вазифаларни бажариш зарурияти инсон фаолиятининг бир умрга яаша қоидасидир (Беруний).
 - 3.4.Тикан экиб, ҳосилига узум олмайсан (Ахмад Юнакий).
 - 4.Куйидаги ҳукмларнинг предикат характеристи бўйича қайси турларга мансублигини аникланг:
 - 4.1.Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлади (И.Каримов).
 - 4.2.Ёғ сувдан енгил.
 - 4.3.Ўзбекистон Республикасида чет эл инвесторларининг фаолият кўрсатиши учун куляй шароитлар мавжуд.
 - 4.4.Лайлак – Наврўз элчиси.
 - 5.Куйидаги ҳукмларнинг миқдор ва сифатини ҳамда терминлари ҳажмини аникланг:
 - 5.1.Ҳеч бир олим формуласалар билан фикр юритмайди (А.Эйнштейн).
 - 5.2.Қайсаарлик – заиф ақл иллатидир (А.П.Чехов).
 - 5.3.Ёввойи ўтларнинг медицинада ишлатиладиган турларни кўп.
 - 5.4.Баъзи талабалар вактининг бекор кетишига йўл кўймайди.
 - 5.5.Ўзбекистон – келажаги буюк давлат.
 - 5.6.Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас. (А. Кодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан.)
 - 6.Куйидаги мураккаб ҳукмларнинг турларини аникланг:

6.1. Маҳаллани ўзини-ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин (И.Каримов).

6.2. Кололмас жаҳон ичра мангу киши,

Фақат колғуси яхши ному иши (Саъдий).

6.3. Гар сен ўзгаларнинг қайғусига локайд карасанг,

Инсон деган номга нолойиксан (Саъдий).

6.4. Олимда кўпинча нимадир: ё шира, ё ҳаракат, ё ҳазми таом, ё меъда шарбати, ёхуд идрок деб аталмиш нарса етишмайди (Жан Поль).

6.5. Фақат тажрибагина бизни ҳаёт неъматларини қадрлашга ўргатади.

6.6. Шарк кишисининг хусусияти бир йўла ва узил-кесил белгиланган бўлади (Гегель).

7. Кўйидаги ҳукмларнинг модаллигини аникланг:

7.1. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар (И.Каримов).

7.2. Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий ўқув юртини, шу жумладан, 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади (Қадрлар тайёрлаш миллий дастуридан).

7.3. Айбланувчи окланиши мумкин.

7.4. Жисмлар иссикликдан кенгаяди, совукликтан тораяди.

8. Кўйидаги ҳукмлар қандай муносабатларда?

8.1. Баъзи раҳбарлар яхши нотикдир. Баъзи раҳбарлар яхши нотик эмас.

8.2. Металлар оксидланади. Натрий оксидланмайди.

8.3. Врач – олий маълумотли мутахассис. Кардиолог – олий маълумотли мутахассис.

8.4. Конун объективдир. Конун субъективдир.

9. Кўйидаги савол-жавобларни мантикий таҳлил килинг.

9.1. Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша бемалол яшаб келаянти, деб сўрашса, бу – аввало, муқаддас динимиз хисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим (И.Каримов).

9.2. Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсиrlар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима килиш керак?

Бунинг йўли – одамларимиз, аввалимбор, ёшларимизнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустакил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва хурмат килиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб гуур ва ифтихор билан яшашига эришишдир (И.Каримов).

9.3. «Мантиқ фанининг асосчиси ким?» деган саволга қўйидагича жавоблар берилиши мумкин:

– Аристотель.

– Қадимги грек файласуфи.

– Қандайдир чет эллик файласуф.

9.4.Савол. Ўн йилдан кейин ҳозирги ҳолатингизни саклаб қоласизми?

Жавоблар:

- Ҳа, саклаб қоламан.
- Йўқ, саклаб қололмайман.
- Билмайман.

10.Норма (меъёрий ҳолда)ни ифода қилувчи гаплар тузинг.

Намуна: «Жинси, тили, ёши, ирки, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чикиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, тураржойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуклар кафолатланади» (Ўзбекистон Республикасининг конуни. Таълим тўғрисида. Т., 1997. 4-модда).

Такрорлаш учун саволлар

- 1.Хукм нима ва у қандай таркибга эга?
- 2.Оддий ҳукмнинг қандай турларини биласиз?
- 3.А, Е, Й, О ҳукмларида терминлар қандай ҳажмларда бўлади?
- 4.Мураккаб ҳукм деб нимага айтилади? Унинг қандай турлари бор?
- 5.Ҳукмнинг модаллиги деганда нимани тушунасиз?
- 6.Савол ва жавоб муҳокама юритиш жараёнида қандай ўрин тутади?
- 7.Норма нима?

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ – ТАФАККУРНИНГ МАНТИКИЙ ШАКЛИ

Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни хосил қилиш мантиқ илмида хulosса чиқариш, деб аталади.

Хulosса чиқариш деб, бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум коидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади.

Хulosса чиқариш жараёни асослар, хulosса ва асослардан хulosага ўтишдан ташкил топади. Тўғри хulosса чиқариш учун, авваламбор, асослар чин мулоҳазалар бўлиши, ўзаро мантиқан боғланиши керак.

Масалан, «Аристотель – мантиқ фанининг асосчиси» ва «Платон юнон файласуфидир» деган икки чин мулоҳазадан хulosса чиқариб бўлмайди. Чунки бу мулоҳазалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йўқ.

Хulosса асослари ва хulosса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хulosса чиқариш коидаларида қайд қилинган бўлади. Бу коидалар бузилса, тўғри хulosса чикмайди. Масалан, «Талаба А – аълочи» деган мулоҳазадан «Талаба А – одобли», деб хulosса чиқариб бўлмайди.

Хulosса чиқариш хulosанинг чинлик даражасига кўра, аникрофи, хulosса чиқариш коидаларининг қатъийлигига кўра ҳамда хulosса асосларининг сонига ва фикрнинг харакат йўналишига кўра бир қанча турларга бўлинади.

Мазкур таснифда хulosса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йўналиши бўйича турларга ажратиш нисбатан мукаммал роқ бўлиб, у хulosса чиқаришнинг бошқа турлари ҳақида ҳам маълумот бериш имконини яратади. Ҳусусан, дедуктив хulosса чиқариш, зарурий хulosса чиқариш, индуктив хulosса чиқариш (тўлиқ индукцияни ҳисобга олмагандан) ва аналогия эҳтимолий хulosса чиқариш, деб олиб каралиши, бевосита хulosса чиқариш эса дедуктив хulosса чиқаришнинг бир тури сифатида ўрганилиши мумкин.

ДЕДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

Дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим хусусияти унда умумий билимдан жузъий билимга ўтишнинг мантиқан зарурий хусусиятга эгалигидир. Унинг турларидан бири бевосита хулоса чиқаришдир.

Фақат биргина мuloҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши бевосита хулоса чиқариш, деб аталади. Бевосита хулоса чиқариш символик мантиқда қўйидагича ифодаланади: $X_{SP} \rightarrow Y_{SP}$, бунда X ва Y оддий қатъий мuloҳазаларни (A, E, I, O), S ва P лар эса мuloҳазаларнинг субъекти ва предикатини ифодалайди. X_{SP} – хулоса асоси ёки антеседент, Y_{SP} – хулоса ёки консеквент, деб аталади. Бевосита хулоса чиқариш жараённида мuloҳазаларнинг шаклини ўзгартириш орқали янги билим ҳосил қилинади. Бунда асос мuloҳазанинг таркиби, яъни субъект ва предикат муносабатларининг микдор ва сифат тавсифлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хулоса чиқаришнинг қўйидаги мантиқий усуллари мавжуд:

I. Айлантириш (лот.–obversio) шундай мантиқий усулки, унда берилган мuloҳазанинг микдорини саклаган ҳолда, сифатини ўзгартириш билан янги мuloҳаза ҳосил қилинади. Бу усул билан хулоса чиқарилганда қўш инкор содир бўлади, яъни аввал асоснинг предикати, кейин боғловчиси инкор этилади. Буни қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{S - P}{\underline{\underline{S - P}}}$$

Инкор килиш жараённида инкор юкламаларидан (-ма; -сиз; -мас) ёки инкор қилинаётган тушунчага зид бўлган тушунчалардан фойдаланилади. Оддий қатъий мuloҳазаларнинг ҳаммасидан айлантириш усули билан хулоса чиқарилади. Хулоса асоси бўлган мuloҳаза хулосада қўйидагича ифодаланади:

		Хулоса асоси		Хулоса
1	A	Ҳамма S-P	E	Ҳеч бир S-P мас эмас
2	E	Ҳеч бир S-P эмас	A	Ҳамма S эмас Р дир
3	I	Баъзи S-P	O	Баъзи S-P сиз эмас
4	O	Баъзи S-P эмас	I	Баъзи S эмас-Р дир

Айлантиришда A-E га, E-A га, I-O га, O-I га ўзгаради. Масалан:

1. А. Ҳамма илмий қонунлар объектив тавсифга эга.

Е. Ҳеч бир илмий қонун субъектив тавсифга эга эмас.

2. Е. Ҳеч бир сахий хасис эмас.

А. Ҳамма сахий бўлмаганлар хасисидир.

3. I. Баъзи тушунчалар мазмунан конкрет бўлади.

О. Баъзи тушунчалар мазмунан абстракт бўлмайди.

4. О. Баъзи мулоҳазалар мураккаб эмас.

I. Баъзи мулоҳазалар соддадир.

Демак, айлантириш усули билан хulosса чиқарилганда «бирор ниманинг кўш инкори унинг тасдиғига тенгдир», деган қоидага асосланади.

II. Алмаштириш (лот.-conversio) шундай мантикий хulosса чиқариш усулини, унда хulosса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади.

Алмаштирища берилган мулоҳазадаги терминлар ҳажми эътиборга олиниши шарт. Агар берилган мулоҳазадаги терминлар ҳажмига эътибор берилмаса, хulosса нотўғри бўлиши мумкин. Масалан:

Ҳамма инсонлар тирик мавжудотлардир.

Ҳамма тирик мавжудотлар инсонлардир.

Хulosса хато, чунки берилган мулоҳазада Р – (тирик мавжудотлар) тўлиқ ҳажмда олинмаган, хulosада эса тўлиқ ҳажмда олинган. Юқоридаги асосдан «Баъзи тирик мавжудотлар инсонлардир», деб чиқарилган хulosса тўғри бўлади. Шунга кўра алмаштиришнинг уч тури фарқланади: торайтирилган, кенгайтирилган ва соф алмаштириш.

		Хulosса асоси		Хulosса	Алмаштириш тури
1	A	Ҳамма S-P	A	Ҳамма P-S	Соф алмаштириш
2	E	Ҳеч бир S-P эмас	E	Ҳеч бир P-S эмас	Соф алмаштириш
3	I	Баъзи S-P	I	Баъзи P-S	Соф алмаштириш
4	A	Ҳамма S-P	I	Баъзи P-S	Торайтирилган алмаштириш
5	I	Баъзи S-P	A	Ҳамма P-S	Кенгайтирилган алмаштириш

Юқоридаги шаклни мисоллар билан кўриб чиқамиз.

1. A. Ҳамма тирик мавжудотлар сезиш хусусиятига эга.

А. Сезиш хусусиятига эга бўлганларнинг ҳаммаси тирик мавжудотдир.

2. Ҳеч бир сахий эмас.

Е. Ҳеч бир сахий хасис эмас.

3. I. Баъзи файласуфлар табиатшуносdir.

I. Баъзи табиатшунослар файласуфлардир.

4. А. Ҳамма шифокорлар олий маълумотлидир.

А.Баъзи олий маълумотлилар шифокорлардир.

5. А.Баъзи одамлар шоирдир.

А.Ҳамма шоирлар одамдир.

Жузий инкор мулоҳазадан (О) алмаштириш усули билан хulosса чиқариб бўлмайди, чунки бу мулоҳазанинг предикати тўлиқ ҳажмда олинган. Демак, у хulosада ҳам тўлиқ ҳажмда олиниши керак, яъни хulosса умумий инкор мулоҳаза (Е) бўлиши керак. У ҳолда хulosанинг предикати ҳам тўлиқ ҳажмда олиниши керак бўлади, бу эса мумкин эмас, чунки у асоснинг субъектида тўлиқ ҳажмда олинмаган. Масалан:

О.Баъзи файласуфлар мантиқшунос эмас.

Е. Ҳеч бир мантиқшунос файласуф эмас.

Ёки:

О.Баъзи мантиқшунослар файласуф эмас.

Хар икки ҳолатда ҳам хulosса нотўғридир.

Демак, алмаштириш усули кўлланилганда мулоҳазадаги субъект ва предикат ҳажми аникланади ва шу асосда мулоҳазадаги терминларнинг ўрни алмаштирилиб, хulosса чиқарилади. Бу усул, айниқса, тушунчага берилган тарьиғларнинг тўғрилигини аниклашда муҳим аҳамиятга эга.

Ш.Предикатта қарама-карши қўйиш (лат.– *contrapositio*) бевосита хulosса чиқарининг мантикий усулларидан бири бўлиб, бу усул кўлланилганда берилган мулоҳаза аввал айлантирилади, сўнгра алмаштирилади. Натижада ҳосил қилинган мулоҳазанинг (хulosанинг) субъекти асос мулоҳаза предикатига зид, предикати эса унинг субъектига мос бўлади:

S-P

P-S

Бунда, хulosада S нинг инкор шаклида бўлиши хulosса боғловчисининг инкор этилиши натижасидир. Предикатта қарама-карши қўйишда A-E га, E-I га, O-I га ўзгаради.

Турли мулоҳазалардан бу усул воситасида хulosса чиқариш қуйидаги шаклда кўрсатилган:

		Хulosса асоси	Хulosса
1	A	Ҳамма S-P	Ҳеч бир P эмас S эмас
2	E	Ҳеч бир S-P эмас	Баъзи P эмас S дир
3	O	Баъзи S-P эмас	Баъзи P эмас S дир

Масалан:

1.А.Ҳамма хукмлар дарак гап орқали ифодаланади.

Е.Дарак гап орқали ифодаланмаган фикр хукм эмас.

2.Е.Ҳеч бир ватанпарвар ўз Ватанига хиёнат қилмайди.

И.Баъзи Ватанига хиёнат қилмайдиганлар ватанпарвардир.

3.О.Баъзи талабалар файласуф эмас.

I.Баъзи файласуф бўлмаганлар талабадир.

Жузъий инкор мuloҳазадан предикатга қarama-қarши қўйиш usули билан xulosса чиқарилганда, бу мuloҳазадан алмаштириш usули билан xulosса чиқариб bўлmasлигини эътиборга олиш зарур. Шунинг учун О мuloҳазадан:

«Баъзи S-P эмас» шаклида эмас, балки «Баъзи S эмас P дир».

«Баъзи P-S эмас», «Баъзи P эмас S дир» шаклида xulosса чиқарилади.

Жузъий тасдик (I) мuloҳазадан предикатга қarama-қarши қўйиш usули билан xulosса чиқариб bўlmайди. Чунки, «Баъзи S-P мuloҳазани айлантиrsак «Баъзи S-P мас эмас», яъни жузъий инкор xukм kелиб чиқади. Ундан алмаштириш орқали xulosса чиқариб bўlmайди.

IV. Мантикий квадрат орқали xulosса чиқариш.

Бунда оддий қatъий мuloҳазаларнинг ўзаро муносабатларини (қаранг: мантикий квадрат) эътиборга олган ҳолда, мuloҳазалардан бирининг чин ёки хатолиги ҳақида xulosса чиқарилади. Бу xulosалар мuloҳазалар ўrtасидаги зидлик, қarama-қarшилик, қisman мослик ва bўysуниш муносабатларига асосланади.

Зидлик (контрадикторлик) муносабатларига асосланган ҳолда xulosса чиқариш. Маълумки, зидлик муносабати A-O ва E-I мuloҳазалари ўrtасида мавжуд bўlib, учинчиси истисно қонунига bўysунади. Бу муносабатга kўra мuloҳазалардан бири чин bўlsa, boшқasi хато bўлади ва аксинча, бири хато bўlsa, boшқasi чин bўлади. Xulosалар қуйидаги тузилма bўyича тузилади:

$$A \rightarrow \bar{O}; E \rightarrow \bar{I}; O \rightarrow \bar{A}; I \rightarrow \bar{E}$$

Масалан:

A.Хамма инсонлар яшаш хуқуқига эга.

0.Баъзи инсонлар яшаш хуқуқига эга эмас.

I.Баъзи файласуфлар давлат арбоби.

E. Хеч бир файласуф давлат арбоби эмас.

Бу мисолда асос мuloҳазанинг чинлигидан xulosанинг хато эканлиги (учинчиси истисно қонуни асосида) келиб чиқади.

Қarama-қarшилик (контрапрлик) муносабатларига асосланган ҳолда xulosса чиқариш. Қarama-қarшилик муносабати A ва E мuloҳазалар ўrtасида мавжуд bўlib, зиддият қонунига bўysунади. Бу муносабатдаги мuloҳазалардан бирининг чинлигидан boшқasining хато эканлиги tўғрисида xulosса чиқарилади. Лекин бирининг хатолиги boшқasining чинлигини асослаб бермайди, чунки ҳар икки мuloҳaza ҳам хато

бўлиши мумкин. Масалан, «Ҳамма инсонлар яхши яшашни хоҳлайдилар» деган умумий тасдиқ (А) мулоҳазанинг чинлигидан «Ҳеч бир инсон яхши яшашни хоҳламайди» деган умумий инкор (Е) мулоҳазанинг хатолиги келиб чиқади.

А.Ҳамма тушунчалар конкрет бўлади.

Е.Ҳеч бир тушунча конкрет эмас.

Бу мисолда асос мулоҳаза ва ҳулоса ҳато. Демак, кара-ма-каршилик муносабатидан $A \rightarrow \bar{E}$, $E \rightarrow \bar{A}$ кўринишида ҳулоса чиқариш мумкин.

Қисман мослик (субконтрарлик) муносабатига асосланган ҳолда ҳулоса чиқариш. Бу муносабат жузъий тасдиқ (I) ва жузъий инкор (O) мулоҳазалар ўртасида мавжуд бўлади. Бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин бир вақтда ҳато бўлмайди. Улардан бирининг хатолиги аниқ бўлса, иккинчиси чин бўлади. **Қисман мослик** муносабати асосида ҳулоса чиқариш $I \rightarrow O; O \rightarrow I; I - O; O - I$ кўринишида бўлади.

Масалан:

О.Баъзи илмий қонунлар объектив ҳусусиятга эга эмас.

I.Баъзи илмий қонунлар объектив ҳусусиятга эга.

Бунда асос мулоҳаза ҳато бўлганлиги учун ҳулоса чин бўлади.

I.Баъзи файласуфлар давлат арбоби.

О.Баъзи файласуфлар давлат арбоби эмас.

Бу мисолда асос мулоҳаза ҳам, ҳулоса ҳам чин фикрдир. Баъзан асос мулоҳаза чин бўлганда ҳулосанинг чинлигини ҳам, хатолигини ҳам аниқлаб бўлмайди.

Бўйсуниш муносабатига асосланган ҳолда ҳулоса чиқариш. Бу муносабат сифатлари бир хил бўлган умумий ва жузъий мулоҳазалар (A ва I; E ва O) ўртасида мавжуд бўлади. Умумий – бўйсундирувчи мулоҳазалар чин бўлса, жузъий – бўйсунувчи мулоҳазалар ҳам чин бўлади. Лекин бўйсунувчи – жузъий мулоҳазаларнинг чинлигидан бўйсундирувчи – умумий мулоҳазаларнинг чинлиги ҳақида ҳулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бундай ҳолда умумий мулоҳазалар чин ёки ҳато бўлиши мумкин. Шунга кўра, бўйсуниш муносабатига асосланган ҳулоса чиқариш куйидаги кўринишида бўлади:

$A \rightarrow I; E \rightarrow O.$

Масалан:

А.Ҳамма мустақил давлатлар БМТга аъзо.

I. Баъзи мустақил давлатлар БМТга аъзо.

А – мuloҳаза чин бўлгани учун I – мuloҳаза ҳам чин.

О.Баъзи ўзбек аёллари олий маълумотга эга эмас.

Е.Хеч бир ўзбек аёли олий маълумотга эга эмас.

Бу мисолда О – мuloҳаза чин бўлса ҳам E – мuloҳаза хато.

Юкоридаги муносабатларни умумлаштирган ҳолда, асос мuloҳаза ва хulosанинг чинлик даражасига кўра, қуйидаги холатларни кўрсатиш мумкин.

1.Асос мuloҳаза ва хulosा чин бўлган:

A - I, E - I.

2.Асос мuloҳаза чин ва хulosा хато бўлган:

A → O; E → I; O → A; I → E; A → E; E → A.

3.Асос мuloҳаза хато ва хulosা чин бўлган.

I → O; O → I.

Мантикий квадрат орқали хulosа чиқарилганда қарамакаршилик муносабатидаги мuloҳазалардан бири хато бўлганда, қисман мослик муносабатидаги мuloҳазалардан бири чин бўлганда ва бўйсуниш муносабатида жузъий мuloҳазалар чин бўлганда улардан чиқарилган хulosа ноаник бўлади.

Бевосита хulosа чиқариш усуллари билишда мавжуд фикрни аниқлаб олишга, унинг моҳиятини тўғри тушунишга, шунингдек, бир фикрни турли хил кўринишида баён қилишга, янги билимлар ҳосил қилишга имконият беради.

ОДДИЙ ҚАТЪИЙ СИЛЛОГИЗМ

Маълумки, дедуктив хulosа чиқариш аслида силлогизм шаклида бўлади. Силлогизм қўшиб ҳисоблаш, деган маънони англатади. Бу терминдан мантиқда, одатда, дедуктив хulosа чиқаришнинг кўпроқ ишлатиладиган тури ҳисобланган оддий қатъий силлогизмни ифода қилиш учун фойдаланилади. Силлогизм хulosа чиқаришнинг шундай шаклини, унда ўзаро мантикий боғланган икки қатъий мuloҳазадан учинчи – янги қатъий мuloҳаза зарурий тарзда келиб чиқади. Бунда дастлабки мuloҳазалардан бири, албатта, ё умумий тасдиқ, ёки умумий инкор мuloҳаза бўлади. Ҳосил қилинган янги мuloҳаза дастлабки мuloҳазалардан умумийроқ бўлмайди. Шунга кўра силлогизмни умумийликса асосланган хulosа чиқариш, деб атаса бўлади. Масалан, қуйидаги мuloҳазалар берилган бўлсин:

Хеч бир ҳасис саҳий эмас.

Баъзи бойлар ҳасисдир.


Бу мuloҳазалардан зарурий равишида – «Баъзи бойлар сахий эмас», деган учинчи мuloҳаза келиб чиқади. Силлогизмнинг таркиби оддий қатъий мuloҳазалардан ташкил топгани учун у оддий қатъий силлогизм дейилади.

Силлогизмнинг таркиби хulosса асослари (praemissae) ва хulosса (conclusio)дан ташкил топган. Хulosса асослари ва хulosадаги тушунчалар терминлар деб аталади. Хulosсанинг мантикий эгаси – S – кичик термин (terminus minor), мантикий кесими – P – катта термин (terminus major), деб аталади. Хulosса асослари учун умумий бўлган, лекин хulosада учрамайдиган тушунча – M – (terminus medius) ўрта термин деб аталади. Асосларда катта терминни ўз ичига олган мuloҳаза катта асос, кичик терминни ўз ичига олган мuloҳаза кичик асос деб аталади.

S – кичик термин;

M – ўрта термин;

P – катта термин.




Ўрта термин катта ва кичик терминни боғловчи мантикий элемент ҳисобланади.



СИЛЛОГИЗМ АКСИОМАСИ

Аксиомалар исботсиз чин деб қабул қилинган назарий мuloҳазалар бўлиб, улар воситасида бошқа фикр ва мuloҳазалар асослаб берилади. Силлогизмнинг аксиомаси хulosалашнинг мантикий асосланганligини ифодалайди. Силлогизм аксиомасини терминларнинг ҳажмига ёки мазмунига кўра, яъни атрибутив таърифлаш мумкин.

Силлогизм хulosасининг асослардан зарурий келтириб чиқарилиши қуйидаги қоидага асосланади: «Агар бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмнинг ичидаги жойлашган бўлди» ёки «Бир буюм иккинчи буюмда жойлашган бўлса, иккинчи буюм эса учинчи бир буюмдан ташқарида бўлса, унда биринчи буюм ҳам учинчи буюмнинг ичидаги жойлашган бўлди». **Бу** қоидани қуйидаги шакллар ёрдамида яққол ифодалаш мумкин.



ёки



Бу қоида силлогизм аксиомасининг моҳиятини терминларнинг ҳажми муносабатлари асосида тушунтириб беради. Силлогизм аксиоманинг моҳияти қўйидагича: **буюм ва ҳодисаларнинг синфи тўғрисида тасдиклаб ёки инкор этиб баён қилинган фикр шу синф ичига кирувчи барча буюм ва ҳодисаларнинг ҳар бири ёки айрим қисмига ҳам таалуқли фикр ҳисобланади.**

Масалан:

Тафаккур шакллари объектив хусусиятга эга.

Тушунча тафаккур шаклидир.

Тушунча объектив хусусиятга эга.

Силлогизм аксиомасини атрибутив ифодалаганда предмет билан унинг белгиси ўртасидаги муносабатга асосланади: бирор буюм, ҳодиса белгисининг белгиси, шу буюм, ҳодисанинг белгисидир; буюм, ҳодиса белгисига зид бўлган нарсалар буюм, ҳодисанинг ўзига ҳам зиддир.

Силлогизм аксиомаларида фикр шакли ва мазмуни ўзаро узлуксиз, объектив боғланган бир бутуннинг айрим томонларини ифодалайди. Бу бир томондан, ҳамма умумийликка жузъийлик ва яккалик хос эканлигини ва ҳар бир яккалик жузъийлик, умумийлик хислатига эга бўлишини ифодаласа, иккинчи томондан, буюм ва белгининг ўзаро узвий боғланганлигини, яъни буюмлар жинси айрим ўзига хос белгига эга бўлса, албатта, бу белги шу жинсдаги ҳамма буюмлар учун ҳам хос белги бўлишини ифодалайди. Булар эса ўз навбатида яккалик ва умумийлик ўртасидаги, микдор ва сифат ўртасидаги диалектик алоқадорликнинг тафаккур жараёнида ўзига хос намоён бўлишидир.

СИЛЛОГИЗМНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Хулоса асосларининг чин бўлиши хулосанинг чин бўлиши учун етарли эмас. Хулоса чин бўлиши учун яна маълум қоидаларга амал қилиш ҳам зарур. Бу силлогизмнинг умумий

қоидалари деб аталади. Улар силлогизмнинг терминлари ва асосларига таалукли бўлган қоидалар бўлиб, кўйидагилардан иборат:

1. Силлогизмда учта термин: катта, кичик ва ўрта терминлар бўлиши керак. Маълумки, силлогизмнинг холосаси катта ва кичик терминларнинг ўрта терминга бўлган муносабатига асосланади; шу сабабдан ҳам терминлар сони учтадан кам ёки ортиқ бўлмаслиги талаб қилинади. Агар терминлар сони учтадан кам бўлса, холосаси янги билим бермайди.

Масалан: Ҳамма нотиклар сўз санъатини чукур эгаллагандир.

Сўз санъатини чукур эгаллаганлар орасида нотиклар ҳам бор.

Бу икки мулоҳазадан холоса чиқариб бўлмайди, чунки терминлар сони иккита. Терминлар сонининг учтадан ортиқ кетиши айният конуни талабларининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, терминларнинг тўртланиши (*quaternio terminorum*), деб аталувчи хатога олиб келади:

Давлат – иқтисодий муносабатларнинг сиёсий ифодасидир.

Ҳар бир инсон учун сиҳат-саломатлик энг катта давлатdir.

Бу мулоҳазаларда «давлат» тушунчасининг икки хил маънода кўлланилиши четки терминларнинг ўзаро мантикий боғланишига имкон бермайди. Терминларнинг учтадан ортиқ бўлиши асослар ўртасидаги мантикий алоқадорликнинг узилишига ҳам сабаб бўлади:

Ҳамма нотиклар – шуҳратпараст.

Цицерон давлат арбоби бўлган.

Бу икки мулоҳазадан холоса чиқариб бўлмайди, чунки бу мулоҳазалар ўзаро мантикий боғланмаган.

2. Ўрта термин ҳеч бўлмаганда асослардан бирида тўла ҳажмда олиниши керак.

Агар ўрта термин ҳеч бир асосда тўлиқ ҳажмда олинмаса, четки терминларнинг боғланиши ноаниқ бўлади ва холосанинг чин ёки хатолигини аниклаб бўлмайди.

Баъзи файласуфлар нотикдир.

Кафедрамизнинг ҳамма аъзолари файласуфdir.

Бу силлогизмда ўрта термин катта асосда жузъий ҳукмнинг субъекти, кичик асосда умумий тасдик ҳукмнинг предикати бўлганлиги учун тўлиқ ҳажмда олинмаган. Шунинг учун четки терминлар ўртасидаги боғлиқлик аникланмаган. Бу асослардан чиқарилган холоса ноаниқ бўлади:

Кафедрамизнинг ҳамма аъзолари нотикдир.

3. Катта ва кичик терминлар асосларда қандай ҳажмда олинган бўлса, хulosада ҳам шундай ҳажмда бўлиши керак.

Бу коиданинг бузилиши кичик ёки катта термин ҳажмининг ноўрин кенгайиб кетишига олиб келади. Масалан:

Ҳамма талабалар имтиҳон топширадилар.

Ҳеч бир аббитуриент талаба эмас.

Ҳеч бир аббитуриент имтиҳон топширмайди.

Бу мисолда кичик термин ҳажмининг ноўрин кенгайиб кетиши хulosанинг хато бўлишига сабаб бўлди.

4. Икки инкор ҳукмдан (асосдан) хulosса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Ишсизлар тадбиркор эмас.

Талабалар ишсиз эмас.

5. Икки жузъий ҳукмдан хulosса чиқариб бўлмайди. Масалан:

Баъзи аёллар тадбиркордир.

Баъзи давлат арбоблари аёллардир.

6. Асослардан бири инкор ҳукм бўлса, хulosса ҳам инкор ҳукм бўлади. Масалан:

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди.

Ватанга хиёнат қилиши жиноятдир.

Ватанга хиёнат қилиш жазосиз қолмайди.

7. Асослардан бири жузъий ҳукм бўлса, хulosса ҳам жузъий ҳукм бўлади. Масалан:

Яхши фарзанд ота-онасини ҳурмат қиласди.


Баъзи ёшлар яхши фарзанддир.

Баъзи ёшлар ота-онасини ҳурмат қиласди.


СИЛЛОГИЗМНИНГ ФИГУРАЛАРИ ВА МОДУСЛАРИ

Оддий қатъий силлогизмнинг структурасида ўрта терминнинг жойлашишига қараб силлогизмнинг тўртта фигураси фарқ қилинади.


I фигура




II фигура



III фигура



IV фигура



I фигурада ўрта термин катта асоснинг субъекти, кичик асоснинг предикати бўлиб келади.

II фигурада ўрта термин катта ва кичик асосларнинг предикати бўлиб келади.

III фигурада ўрта термин ҳар икки асоснинг субъекти бўлиб келади.

IV фигурада ўрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти бўлиб келади.

Силлогизм асослари оддий қатъий ҳукмлар (A, E, I, O)дан иборат. Бу ҳукмларнинг икки асос ва холосада ўзига хос тартибда (тўпламда) келиши модус деб аталади. «Модус» – шакл деган маънони англатади. Силлогизм фигуранининг ўзига хос модулари мавжуд. Ҳар бир фигуранинг тўғри модуларини аниқлашда, тўғри холоса чиқаришда силлогизмнинг умумий қоидалари билан бирга ҳар бир фигуранинг маҳсус қоидаларига ҳам амал қилинади. Фигуранарнинг маҳсус қоидалари силлогизм терминларининг ўзига хос боғланиши асосида аниқланади.

Оддий қатъий силлогизмнинг биринчи фигураси қўйидаги маҳсус қоидаларга эга:

1.Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.

2.Кичик асос тасдиқ ҳукм бўлиши керак.

I фигуранинг тўртта тўғри модуси мавжуд:

AAA, EAE, AII, EIO.

Модуларнинг биринчи ҳарфи катта асоснинг, иккинчи ҳарфи кичик асоснинг, учинчи ҳарфи холосанинг сифат ва микдорини кўрсатади. Фигуранарнинг модуларини бир-биридан фарқлаш мақсадида уларнинг ҳар бири алоҳида ном билан аталади.

AAA – Barbara модуси.

A.Ҳамма илмий қонунлар объектив хусусиятга эга.

A.Тафаккур қонунлари – илмий қонунлардир.

A.Тафаккур қонунлари объектив хусусиятга эга.

EAE – Celarent модуси.

E.Хеч бир диндор атеист эмас.

A.Иномлар диндордир.

E.Хеч бир имом атеист эмас.

AII – Darii модуси.

A. Барча жиноятчилар жазога лойикдирлар.

I.Баъзи кишилар – жиноятчиидир.

I.Баъзи кишилар жазога лойикдирлар.

EIO – Ferio модуси.

E. Ахлоқли инсонларнинг ҳеч бири виждонсиз эмас.

I. Баъзи ёшлар ахлоқли инсондир.

O.Баъзи ёшлар виждонсиз эмас.

Силлогизмнинг биринчи фигураси оддий қатъий ҳукмларнинг барча турлари бўйича холосалар беради.

Оддий қатъий силлогизмнинг II фигураси қуйидаги махсус қоидаларга эга:

- 1.Катта асос умумий ҳукм бўлиши керак.
- 2.Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлиши керак.
II фигуранинг тўртта тўғри модуси мавжуд:
AEE, EAE, AOO, EIO.

AEE – *Camestres* модуси.

А.Ҳамма ҳукмлар дарак гап орқали ифодаланади.
Е.Савол дарак гап орқали ифодаланмайди.

Е.Ҳеч бир савол ҳукм эмас.

EAE – *Cesare* модуси.

Е.Ҳеч бир атеист диндор эмас.

А. Имомлар диндордир.

Е.Ҳеч бир имом атеист эмас.

AOO – *Vagoko* модуси.

А.Ҳамма кушлар учади.

О.Баъзи мавжудотлар учмайди.

О.Баъзи мавжудотлар кушлар эмас.

EIO – *Festino* модуси.

Е.Қонунларга амал қилимаганларнинг ҳеч бири эркин эмас.

I.Баъзи фуқаролар эркиндиirlар.

О.Баъзи фуқаролар қонунга амал килувчи эмаслар.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, силлогизм II фигурасининг холосалари факат инкор ҳукмдан иборатдир.

Оддий қатъий силлогизмнинг III фигурасининг битта махсус қоидаси бор: қичик асос тасдик ҳукм бўлиши керак.

III фигуранинг тўғри модуслари олтита:

AAI, AII, IAI, EAO, EIO, OAO.

AAI – *Darapti* модуси.

А.Ҳамма мантиқшунослар файласуфдир.

А.Ҳамма мантиқшунослар – илмли кишилардир.

I.Баъзи илмли кишилар файласуфдир.

AII – *Datisi* модуси.

А.Ҳамма оддий қатъий ҳукмлар холоса асослари бўлади.

I.Баъзи оддий қатъий ҳукмлар чин фикрдир.

I.Баъзи чин фикрлар холоса асослари бўлади.

IAI – *Disamis* модуси.

I.Баъзи файласуфлар мантиқшунос бўлган.

А.Ҳамма файласуфлар илмли кишилардир.

I.Баъзи илмли кишилар мантиқшунос бўлган.

ЕAO – *Felapton* модуси.

Е.Ҳеч бир партия дастурсиз иш юритмайди.

А.Хамма партиялар сиёсий ташкилотдир.

О.Баъзи сиёсий ташкилотлар дастурсиз иш юритмайди.

EIO – Ferison модуси.

Е.Хеч бир диндор эътиқодсиз эмас.

I.Баъзи диндорлар – ёшлардир.

О.Баъзи ёшлар эътиқодсиз эмас.

АО – Bokardo модуси.

О.Баъзи одамлар рост гапирмайдилар.

A.Хамма одамлар яхши яшашни хоҳлайди.

О.Баъзи яхши яшашни хоҳловчилар рост гапирмайдилар.

III фигура модусларининг хулосалари факат жузъий хукмдан иборат бўлади.

Оддий қатъий силлогизмнинг IV фигураси куйидаги маҳсус қоидаларга эга:

1. Асосларнинг бири инкор ҳукм бўлса, катта асос умумий ҳукм бўлади.

2. Катта асос тасдик ҳукм бўлса, кичик асос умумий ҳукм бўлади.

IV фигуранинг бешта тўғри модуси мавжуд:

AAI, AEE, IAI, EAO, EIO.

AAI – Gramalip модуси.

A.Ҳалол одамларнинг ҳаммаси виждонлидир.

A.Хамма виждонлилар адолатли кишилардир.

I.Баъзи адолатли кишилар ҳалол одамлардир.

AEE – Samenes модуси.

A.Қўли очик одамлар сахий бўлади.

E.Хеч бир сахий ҳасис эмас.

E.Хеч бир ҳасис қўли очик одам эмас.

IAI – Dimaris модуси.

I.Баъзи ёшлар спорт билан шугулланадилар.

A.Спорт билан шугулланганларнинг ҳаммаси соғлом кишилардир.

I.Баъзи соғлом кишилар ёшлардир.

EAO – Fesapo модуси.

E.Хеч бир софист рост гапирмайди.

A.Хамма рост гапирмайдиганлар ёлғончидир.

O.Баъзи ёлғончилар софист эмас.

EIO – Fresison модуси.

E.Хеч бир аклли одам илмсиз эмас.

I.Баъзи илмсизлар ёшлардир.

O.Баъзи ёшлар аклли одам эмас.

Силлогизмнинг IV фигураси умумий тасдик ҳукм кўри нишидаги хулосани бермайди.

Номукаммал силлогизмларни мукаммал силлогизм күринишига келтириш

Аристотелдан бошлаб барча мантиқшунослар силлогизмнинг I фигураси ва унинг модусларига катта эътибор берганлар. Улар I фигуруни мукаммал, деб билганлар, унинг хулосаларини аниқ ва якъол, деб хисоблаганлар. Силлогизмнинг бошқа фигураларини номукаммал деб, уларнинг хулосаларини чин эканлигини аниқлаш учун I фигурага келтириш зарур, деб хисоблаганлар. Бу мантикий амал бажарилганда модусларнинг номига эътибор берилади:

1. Модуснинг номида «s» ҳарфи бўлса, ундан аввал келувчи унли ҳарф орқали ифодаланадиган ҳукм тўлиқ алмаштирилиши шарт (*conversio simplex*).

2. Модуснинг номида «р» ҳарфи бўлса, ундан аввал келувчи унли ҳарф орқали ифодаланадиган ҳукм қисман алмаштирилади (*per accidens*).

3. Модуснинг номида «м» ҳарфи бўлса, унда силлогизм асосларининг ўрнини алмаштириш (*metathesis ёки mutatio pramissarum*) зарур.

4. Модусларнинг бош ҳарфлари (B, C, D, F) уларни I фигуранинг қайси модусига келтирилишини ифодалайди. II ва IV фигураларнинг Cesare, Camestres ва Camenes модуслари I фигуранинг Celarent модусига келтирилади. II фигуранинг Darapti, Disamis модусларини 1 фигуранинг Darii модусига, Fresission ни 1 фигуранинг Ferio модусига келтирилади.

5. Модуснинг номидаги «к» ҳарфи шу модуснинг I фигура модусларидан бироргаси орқали алоҳида усул воситасида исботланишини билдиради. Бу усул *Reductio ad absurdum* деб аталади.

Энди бу қоидаларга асосланган ҳолда бир неча мисолларни кўриб чиқамиз:

II фигуранинг Cesare модуси I фигуранинг Celarent модусига келтирилади (4-қоида). 1-қоидага кўра II фигуранинг катта асоси тўлиқ алмаштирилади.

II фигура Cesare.

Е.Ҳеч бир P-M эмас.

А.Ҳамма S-M

Е.Ҳеч бир S-P эмас.

I фигура Celarent.

Е.Ҳеч бир M-P эмас.

А.Ҳамма S-M.

Е.Ҳеч бир S-P эмас.

Шаклларни такқослаш катта асосни тўлиқ алмаштириш оркали II фигуранинг I фигурага келтирилганлигини кўрсатади.

Масалан:

Ҳеч бир ҳайвон онгли мавжудот эмас.

Инсон онгли мавжудот.

Ҳеч бир инсон ҳайвон эмас.

Хеч бир онгли мавжудот ҳайвон эмас.
Инсон онгли мавжудот.

Хеч бир инсон ҳайвон эмас.

Яна бир мисол. III фигуранинг Darapti модусини I фигуранинг Darii модусига келтирамиз. Darapti даги кичик асос қисман алмаштирилади (2-коида).

III фигура Darapti.

A.Ҳамма M-P.

A.Ҳамма M-S.

I.Баъзи S-P.

Масалан:

A.Ҳамма мантиқшунослар
файласуфдир.

A.Ҳамма мантиқшунослар
илмли кишилардир

I. Баъзи илмли кишилар
файласуфдир.

IV фигуранинг Bramanlip модуси I фигуранинг Barbara модусига асосларнинг ўрнини алмаштириш орқали келтирилади (3-коида).

IV фигура Bramanlip.

A.Ҳамма P-M.

A.Ҳамма M-S.

I.Баъзи S-P

Масалан:

A.Ҳалол одамларнинг ҳаммаси виждонлидир.

A.Ҳамма виждонлилар адолатли кишилардир.

I.Баъзи адолатли кишилар ҳалол одамлардир.

A.Ҳамма виждонлилар адолатли кишилардир.

A.Ҳалол одамларнинг ҳаммаси виждонлидир.

A.Ҳалол одамларнинг ҳаммаси адолатли кишилардир.

IV фигурадаги жузъий хулосанинг I фигурадаги умумий хулоса кўринишини олиши 2-коида билан изоҳланади.

Энди II фигуранинг Camestres модусини I фигуранинг Celarent модусига келтирамиз. Бунинг учун учинчи ва биринчи қоидалардан фойдаланамиз, яъни Й фигура асосларнинг ўрнини ўзгартириб, кичик асосни тўлиқ алмаштирамиз.

II фигура Camestres.

A.Ҳамма P-M.

E.Хеч бир S-M эмас.

E.Хеч бир S-P эмас.

Ifigura Darii.

A.Ҳамма M-P.

I.Баъзи S-M.

I.Баъзи S-P

A.Ҳамма мантиқшунослар
файласуфдир.

I. Баъзи илмли кишилар
мантиқшуносдир

I. Баъзи илмли кишилар
файласуфдир.

I фигура Barbara.

A.Ҳамма M-S.

A.Ҳамма P-M.

A.Ҳамма S-H

I фигура Celarent.

E.Хеч бир M-S эмас.

A.Ҳамма P-M.

E.Хеч бир P-S эмас ёки хеч бир S-P эмас.

Масалан:

А.Хамма инсонлар тирик
мавжудотдир.

Е.Хеч бир тош тирик
мавжудот эмас

Е.Хеч бир тош инсон эмас.

Е. Хеч бир тирик мавжудот
тош эмас.

А. Хамма инсонлар тирик
мавжудотдир.

Хеч бир инсон тош эмас.

Reductio ad absurdum усули 5-коида билан боғлиқ, яъни модуснинг номида «k» ҳарфи бўлган ҳолатларда кўлланилади. Бундай модусларга II фигуранинг Vagoko ва III фигуранинг Bokardo модуслари мисол бўлади. Бу модуслар I фигуранинг Barbara модусига келтирилади. Бунда reductio ad absurdum, яъни «бемаъниликка олиб келиш» усулидан фойдаланилади. Бу усулнинг моҳияти қўйидагича: биз икки асосдан маълум бир хulosага келамиз. Кимdir хulosанинг тўғри эканлигини инкор қиласди. Биз бу инкорнинг bemayni эканлигини исботлашимиз керак. Бунинг учун биз хulosha асосларини тан олган ҳолда, хulosani инкор қилиш мумкин эмаслигини асосслаб берамиз. Масалан:

II фигура Vagoko.

А.Хамма P-M.

О.Баъзи S-M эмас.

О.Демак, баъзи S-P эмас.

Хulosha, яъни «баъзи S-P эмас» эканлиги инкор қилинади. Унда шу хulosага зид бўлган ҳукм чин деб қабул қилиниши керак: «Хамма S-P» – чин ҳукм. Хulosaga зид бўлган ҳукм кичик асос қилиб олинади¹. Натижада ўрга термини «P» билан ифодаланган Barbara модусли силлогизм ҳосил қилинади:

А.Хамма P-M.

А.Хамма S-P.

А.Хамма S-M.

Шундай қилиб, дастлабки хulosani инкор қилган ҳолда «Хамма S-M», деган хulosaga келинади. Лекин бу хulosha дастлабки силлогизмнинг кичик асосига зид бўлади. Натижада дастлабки силлогизмнинг асосларини тан олиб, хulosasini инкор қилганлар зиддиятга дуч келадилар. Шундай қилиб, биз уларнинг эътиrozлари «бемаъниликка олиб келганлигини», яъни ad absurdum эканлигини асосладик.

III фигуранинг Bokardo модуси ҳам худди шу усул орқали I фигурага келтирилади.

Bokardo:

О.Баъзи M-P эмас.

А.Хамма M-S.

О.Баъзи S-P эмас.

¹ к ҳарфининг мавжудлиги шу ҳарфдан аввал келувчи унли ҳарф орқали ифодаланган асос хulosaga зид бўлган ҳукм билан алмаштирилишини кўрсатади.

«Баъзи S-P эмас», деган хulosанинг чинлигини инкор қилган ҳолда унга зид бўлган «Ҳамма S-P», деган ҳукм чин деб олинади. Бу ҳукм «Ҳамма M-S» асоси билан биргаликда ўрта термини «S» бўлган силлогизмни ҳосил қиласди:

А.Ҳамма S-P.

А.Ҳамма M-S.

А.Ҳамма M-P.

Шундай қилиб, ҳосил қилинган хulosса «Баъзи M-P эмас», деган асосга зид бўлади. Даствабки силлогизмнинг асослари чин, деб эътироф этилгани учун кейинги силлогизмнинг хulosаси хато бўлади.

Бунга қўйидаги мисолни олишимиз мумкин:

III фигура Bokardo.

О.Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас.

А.Ҳамма файласуфлар – инсондир.

О.Баъзи инсонлар табиатшунос эмас.

Бу силлогизм хulosасининг чинлиги инкор этилса, унда унга зид бўлган «Ҳамма инсонлар табиатшуносдир», деган мулоҳаза чин бўлиши керак. Бу мулоҳазани катта асоснинг ўрнига қўйиб, кичик асос билан бирлаштирасак, Barbara силлогизмни ҳосил қиласмиш:

А.Ҳамма инсонлар – табиатшуносдир.

А.Ҳамма файласуфлар – инсондир.

А.Ҳамма файласуфлар – табиатшуносдир.

Бу силлогизмнинг хulosаси даствабки силлогизмнинг катта асосига зид, бу эса бемаънилик, чунки даствабки силлогизмнинг асослари чин, деб эътироф этилган. Демак, даствабки силлогизм хulosасининг нотўғри, бемаъни эканлиги асослаб берилди.

Шундай қилиб, II, III ва IV фигура модусларини I фигурага келтириш оркали бу силлогизм модусларининг чинлигини асослаш мумкин.

Силлогистик хulosса чиқаришда кент тарқалган хатолар.

I фигура бўйича кичик асос инкор ҳукм бўлганда ҳосил қилинган хulosса ноаниқ (кўпинча хато) бўлади.

Масалан:

Ҳамма ўқитувчилар педагогдир.

Бу аёл ўқитувчи эмас.

Бу аёл педагог эмас.

II фигурада хulosса асосларининг ҳар иккалasi тасдиқ ҳукм бўлганда ҳосил қилинган хulosса ноаниқ (кўпинча хато) бўлади.

Масалан:

Ҳамма ўқитувчилар педагогдир.

Бу аёл – педагог.

Бу аёл – ўқитувчи.

Фақат ўқитувчиларгина педагог бўлмайди, шунинг учун ҳар иккала хulosса ноаниқдир.

ЭНТИМЕМА (ҚИСҚАРТИРИЛГАН ҚАТЬЙ СИЛЛОГИЗМ)

Энтилема деб, асослардан бири ёки хulosаси тушириб қолдирилган силлогизмга айтилади. Энтилема – аклда, фикрда деган маънони англатади. Энтилемада силлогизмнинг тушириб қолдирилган қисми ёдда сақланади. Энтилемалар уч турли бўлади:

- 1.Катта асоси тушириб қолдирилган.
- 2.Кичик асоси тушириб қолдирилган.
- 3.Хulosаси тушириб қолдирилган.

Бизга қуйидаги силлогизм берилған бўлсин:

Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганади.

Собиров фалсафа факультетининг талабаси.

Собиров мантиқ фанини ўрганади.

Энди бу силлогизмни энтилема кўринишига келтирамиз:

1.Собиров фалсафа факультетининг талабаси бўлганилиги учун мантиқ фанини ўрганади (катта асос тушириб қолдирилди).

2.Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганадилар, шу жумладан, Собиров ҳам (кичик асос тушириб қолдирилди).

3.Фалсафа факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганадилар, Собиров эса шу факультетнинг талабасидир (хulosаси тушириб қолдирилди).

Энтилемалар баҳс-мунозара юритиш жараёнида, но-тиклик санъатида кенг қулланилади.

МУРАККАБ ВА МУРАККАБ ҚИСҚАРТИРИЛГАН СИЛЛОГИЗМЛАР

Бир-бири билан ўзаро боғланган, икки ёки ундан ортиқ оддий катъий силлогизмлардан тузилган хulosаси чиқариш – полисиллогизм, яъни мураккаб силлогизм деб аталади. Полисиллогизмда дастлабки силлогизмнинг хulosаси кейингисининг катта ёки кичик асоси бўлади. Шунга кўра, полисиллогизмнинг прогрессив ва регрессив турлари фарқланади.

Прогрессив полисиллогизмда дастлабки силлогизмнинг хulosаси кейингисининг катта асоси ўрнида келади. Масалан:

Инсонни камолотга етиштирувчи нарсалар фойдалидир.

Илмни эгаллаш – инсонни камолотга етиштиради.

Илмни эгаллаш фойдалидир.

Хунар ўрганиш – илмни эгаллаш демакдир.

Демак, хунар ўрганиш фойдалидир.

Регрессив полисиллогизмда дастлабки силлогизмнинг хулосаси кейингисининг кичик асоси бўлиб келади. Масалан:

Ўсимликлар тирик мавжудотлардир.

Дараҳтлар ўсимликлардир.

Тирик мавжудотлар ҳужайрадан ташкил топган.

Дараҳтлар тирик мавжудотлардир.

Демак, дараҳтлар ҳужайрадан ташкил топган.

Полисиллогизм таркибидаги биринчи, дастлабки силлогизм просиллогизм, қолганлари эписиллогизм дейилади.

Полисиллогизмнинг қисқартирилган кўриниши – сорит деб аталади.

Соритнинг тузилиши қўйидагicha:

Ҳамма А-Б.

Ҳамма Б-В.

Ҳамма В-Г.

Ҳамма Г-Д.

Ҳамма А-Д.

Соритлар ҳам прогрессив ёки регрессив бўлади. Прогрессив соритда просиллогизмнинг хулосаси – эписиллогизмларнинг катта асоси тушириб қолдирилади.

Регрессив соритда просиллогизмнинг хулосаси – эписиллогизмларнинг кичик асоси тушириб қолдирилади.

Силлогизмнинг кичик асоси тушириб қолдирилган сорит – Аристотель сорити, силлогизмнинг катта асоси тушириб қолдирилган сорит – Гоклен сорити, деб аталади.

ЭПИХЕЙРЕМА

Эпихейрема – мураккаб қисқартирилган силлогизм бўлиб, унинг ҳар икки асоси қисқартирилган оддий силлогизм (энтимема)лардан иборат бўлади. Эпихейреманинг шакли қўйидагicha:

M-Рдир, чунки M-Ндир.

S-Мдир, чунки S-О дир.

S-Рдир.

Мисол:

Илмий қонунлар исботланган фикрлардир, чунки улар ҳакиқатдир.

Физика қонунлари илмий қонунлардир, чунки улар табиат қонунларидир.

Физика қонунлари исботланган фикрлардир.

Эпихейреманинг тўлиқ кўриниши қўйидагicha:

1.Ҳакиқат – исботланган фикрдир. N-Рдир.

Илмий қонунлар ҳақиқатдир. М-Ндир.

Илмий қонунлар исботланган фикрлардир. М-Рдир.

2. Табиат қонунлари – илмий қонунлардир. О-Мдир.
Физика қонунлари – табиат қонунлари дидир. С-Одир.

Физика қонунлари илмий қонунлардир. С-Мдир.

3. Илмий қонунлар – исботланган фикрлардир. М-Рдир.
Физика қонунлари – илмий қонунлардир. С-Мдир.

Физика қонунлари исботланган фикрлардир. С-Рдир.

Эпихейремадан баҳс ва мунозараларда, нотиқлик санъатида фойдаланилди. Эпихейрема мураккаб силлогизмнинг бир тури бўлишига қарамай, унинг таркибида катта ва кичик асосни, хulosани ажратиб олиш, фарқлаш осон бўлгани учун ҳам фикр юритиш жараёнида кенг қўлланилади.

МУРАККАБ ҲУКМЛАРГА АСОСЛАНГАН ДЕДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

Мураккаб ҳукмларга асосланган дедуктив хulosса чиқаришда хulosса асосларига мантикий боғловчилар орқали боғланган оддий ҳукмлар деб қаралади. Хulosса асослари ё шартли, ёки айирувчи, ёки ҳам шартли, ҳам айирувчи ҳукм кўринишида бўлиши мумкин. Асослардаги ҳукмларнинг турига кўра бундай хulosса чиқаришнинг куйидаги шакллари мавжуд:

1. Шартли хulosса чиқариш.
2. Айирувчи хulosса чиқариш.
3. Шартли-айирувчи хulosса чиқариш.

Шартли хulosса чиқариш деб ҳар икки асоси ёки асосларидан бири шартли ҳукм бўлган силлогизмга айтилади. Улар соф шартли ва шартли-қатъий турларга бўлинади.

Соф шартли хulosса чиқариш деб, ҳар икки асоси ва хulosаси шартли ҳукм бўлган силлогизмга айтилади. Унинг формуласи қўйидагича:

- 1)
$$\frac{\begin{array}{c} p \rightarrow q \\ q \rightarrow r \\ \hline p \rightarrow r \end{array}}{} \quad \text{ёки } [(p \rightarrow q) \wedge (q \rightarrow r)] \rightarrow (p \rightarrow r)$$
- 2)
$$\frac{\begin{array}{c} p \rightarrow q \\ p \rightarrow q \\ \hline q \end{array}}{} \quad \text{ёки } [(p \rightarrow q) \wedge (\bar{p} \rightarrow q)] \rightarrow q$$

Масалан:

Агар фикр исботланган бўлса, унда у чин бўлади.

Агар фикр чин бўлса, унда уни рад этиб бўлмайди.
Агар фикр исботланган бўлса, унда уни рад этиб бўлмайди.

Агар ҳаво яхши бўлса, концертга борамиз.
Агар ҳаво яхши бўлмаса ҳам концертга борамиз.

Концертга борамиз.

Бу турдаги силлогизмларнинг хulosаси шартланган (шартли ҳукм) бўлгани учун улардан билиш жараёнида кам фойдаланилади.

Шартли-қатъий хulosса чиқариш деб, катта асоси шартли ҳукм, кичик асоси оддий қатъий ҳукм бўлган силлогизмга айтилади. Бундай хulosса чиқаришнинг иккита тўғри (аниқ хulosса берадиган) модуси мавжуд:

1. Тасдиқловчи модус – modus ponens

$$\frac{p \rightarrow q}{\frac{p}{q}} \quad \text{ёки } [(p \rightarrow q) \wedge p] \rightarrow q$$

2. Инкор этувчи модус – modus tollens

$$\frac{p \rightarrow q}{\frac{\bar{q}}{\bar{p}}} \quad \text{ёки } [(p \rightarrow q) \wedge \bar{q}] \rightarrow \bar{p}$$

Масалан:

1. Агар фуқаролар жамият қонунларига амал килсалар, унда улар эркин бўлади.

Фуқаролар жамият қонунларига амал қиласилар.

Демак, улар эркин бўладилар.

2. Агар меъёр бузилса, унда микдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келади.

Микдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келмади.

Демак, меъёр бузилмаган.

Шартли – қатъий силлогизмнинг хulosаси аниқ, чин бўлиши учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1. Шартли ҳукмдаги асоснинг чинлигидан натижанинг чинлиги, натижанинг хатолигидан асоснинг хатолиги мантиқан зарурий равишда келиб чиқади.

2. Шартли ҳукмдаги натижанинг чинлиги асоснинг чинлигини, асоснинг хатолиги эса натижанинг ҳам хатолигини исботламайди.

Бу қоидалар бузилганда шартли-қатъий силлогизмнинг формуласи қуйидагича бўлади:

$$\frac{\begin{array}{c} p \rightarrow q \\ q \end{array}}{\text{Эҳтимол } p} \\ [(p \rightarrow q) \wedge q] \rightarrow p$$

$$\frac{\begin{array}{c} p \rightarrow q \\ \bar{p} \end{array}}{\text{Эҳтимол } \bar{q}} \\ [(p \rightarrow q) \wedge \bar{p}] \rightarrow \bar{q}$$

Шартли қатъий силлогизм хulosаларининг ноаниқ (эҳтимол) бўлишига сабаб ўзгиришни шартиларни оғрийдиканда ишламади. Шартиларни оғрийдиканда ишламади.

Масалан:

Агар беморнинг қон босими кўтарилса, унда унинг боши оғрийди.

Беморнинг қон босими оғрияпти.

Эҳтимол, унинг қон босими кўтарилган.

Бунда натижанинг чинлигидан асоснинг чинлигини мантиқан келтириб чиқариш мумкин эмас. Чунки бошқа асос ҳам шундай натижани келтириб чиқариши мумкин. Юқоридаги мисолда шартли хукмнинг асоси ҳато, ноаниқ, натижаси чин бўлганилиги учун силлогизмнинг хulosаси ноаниқ бўлган.

Энди юқоридаги мисолни бир оз ўзгартириб, кўриб чиқамиз:

Агар беморнинг қон босими кўтарилса, унда унинг боши оғрийди.

Беморнинг қон босими кўтарилган.

Эҳтимол, унинг боши оғримаётгандир.

Биламизки, бош оғриғига факат қон босимининг кўтарилиши сабаб бўлмайди, ундан бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Бу эса, хulosанинг ноаниқ бўлишига олиб келади. Куйидаги жадвалда юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда кўрсатиш мумкин:

	Модус	Номи	Хulosаси
1	$[(p \rightarrow q) p] \rightarrow q$ modus ponens	асосни тасдиқловчи натижани инкор этувчи	Аниқ(чин)
2	$[(p \rightarrow q) \wedge \bar{q}] \rightarrow \bar{p}$ modus tollens	натижани тасдиқловчи асосни инкор этувчи	Ноаниқ(ҳато)
3	$[(p \rightarrow q) \wedge q] \rightarrow p$		
4	$[(p \rightarrow q) \wedge \bar{p}] \rightarrow \bar{q}$		

Айирувчи хulosса чиқариш деб, ҳар икки асоси ёки асосларидан бири айирувчи хукм бўлган силлогизмга айтилади.

Соф айирувчи хulosса чиқариш деб, ҳар икки асоси ва хulosаси айирувчи хукм бўлган силлогизмга айтилади.

Масалан:

Тушунчалар ҳажмига кўра умумий ёки якка, ёки бўш ҳажмли бўлади.

Ҳар бир умумий тушунча ё айиравчи, ёки тўпловчи бўлади.
Демак, тушунчалар ҳажмига кўра ё айиравчи, ёки тўпловчи, ёки якка, ёки бўш ҳажмли бўлади.

Соф айиравчи силлогизмнинг формуласи қуидагича:

$$\begin{array}{c} S - a \vee b \vee c \\ a - d \vee f \end{array}$$

$$S - d \vee f \vee b \vee c$$

Айиравчи-қатъий хulosса чиқаришда хulosса асосларидан бири айиравчи ҳукм бўлса, бошқаси оддий катъий ҳукм бўлади. Бундай хulosса чиқаришнинг икки модуси бор:

1. Тасдиқлаб-инкор этувчи
modus ponendo tollens

$$\frac{p \vee q}{\frac{p}{q}}$$

2.Инкор этиб тасдиқловчи
modus tollendo ponens

$$\frac{p \vee q}{\frac{p}{q}}$$

Масалан:

1.Тушунчалар мазмунига кўра, конкрет ёки абстракт бўлади.

Бу – конкрет тушунча.

Демак, бу – абстракт тушунча эмас.

2.Ҳукмлар тузилишига кўра оддий ёки мураккаб бўлади.
Берилган ҳукм оддий ҳукм эмас.

Демак, берилган ҳукм мураккаб ҳукмдир.

Айиравчи силлогизмда тўғри хulosса чиқариш учун қуидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1.Айиравчи ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлар бир-бирини инкор килиши, ҳажмига кўра, кесишмаслиги шарт, акс ҳолда хulosса хато бўлади.

Масалан: Китоблар қизиқарли ёки фантастик бўлади.

Бу китоб қизиқарли.

Бу китоб фантастик эмас.

Китоб ҳам қизиқарли, ҳам фантастик бўлиши мумкин.
Бунда айиравчи ҳукм таркибидаги оддий ҳукмлар бир-бирини инкор этмайди ва ҳажмига кўра, кесишади.
Шунинг учун хulosса хато.

2.Айиравчи ҳукмда бир-бирини инкор этувчи муқобиллар тўлиқ кўрсатилган бўлиши шарт.

Бурчаклар ўтқир ёки ўтмас бурчакли бўлади.

Бу бурчак ўтқир бурчакли эмас.

Бу бурчак ўтмас бурчаклидир.

Хulosанинг хато булишига сабаб, айиравчи ҳукмдаги муқобиллар тўлиқ кўрсатилмаган, яъни тўғри бурчакнинг мавжудлиги эътибордан четда қолган.

Айиругчи силлогизмлардан кўпроқ бир неча ечимга эга бўлган масалаларни ечишда, яъни мұқобил ҳолатлардан бирини тўғри танлаб олишда фойдаланилади.

Шартли – айиругчи – лемматик (тахминлаб) хulosа чиқариш деб, асослардан бири икки ёки ундан ортиқ шартли ҳукмлардан, иккинчиси эса айиругчи ҳукмдан иборат бўлган силлогизмга айтилади. Айиругчи асосдаги аъзоларнинг сонига кўра, бундай хulosалар дилемма (айиругчи асос икки аъзодан иборат бўлган), трилемма (айиругчи асос уч аъзодан иборат бўлган) ва полилемма (айиругчи асос тўрт ва ундан ортиқ аъзодан иборат бўлган) деб аталади.

Дилемма оддий ёки мураккаб бўлади. Оддий дилемманинг шартли асосидаги ҳукмлар ё шартига, ё натижасига кўра ўхшаш бўлади. Мураккаб дилемманинг шартли асосидаги ҳукмлар ҳам шартига, ҳам натижасига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Дилеммалар конструктив (тузувчи) ёки деструктив (бузувчи) турларга бўлинади. Демак, дилеммалар тўрт хил бўлади: 1.Оддий конструктив дилемма. 2.Оддий деструктив дилемма. 3.Мураккаб конструктив дилемма. 4.Мураккаб деструктив дилемма.

Оддий конструктив
дилемманинг формуласи:

$$\begin{array}{c} a \rightarrow c, b \rightarrow c \\ a \vee b \\ \hline c \end{array}$$

Оддий деструктив
дилемманинг формуласи

$$\begin{array}{c} a \rightarrow b, a \rightarrow c \\ b \vee \bar{c} \\ \hline \bar{a} \end{array}$$

Масалан:

Агар ёшлар илм ўргансалар, ҳаётда ўз ўринларини топадилар.

Агар ёшлар хунар ўргансалар, ҳаётда ўз ўринларини топадилар.

Ёшлар ё илм, ёки хунар ўрганадилар.

Демак, улар ҳаётда ўз ўринларини топадилар.

Агар талаба чет тилини яхши билса, конкурсда иштирок этади.

Агар талаба чет тилини яхши билса, чет элга ўқишга боради.

Талаба конкурсда иштирок этмади ёки чет элга ўқишга бормади.

Талаба чет тилини яхши билмайди.

Мураккаб конструктив
дилемманинг формуласи:

$$\begin{array}{c} a \rightarrow b, c \rightarrow d \\ a \vee c \\ \hline b \vee d \end{array}$$

Мураккаб деструктив
дилемманинг формуласи:

$$\begin{array}{c} a \rightarrow b, c \rightarrow d \\ b \vee \bar{d} \\ \hline \bar{a} \vee \bar{c} \end{array}$$

Масалан:

Агар инсон яхши амалларни бажарса, уни яхши ном билан эслашади.

Агар инсон ёмон амалларни бажарса, уни ёмон ном билан эслашади.

Инсон ё яхши, ёки ёмон амалларни бажариши мумкин.

Демак, уни ё яхши, ёки ёмон ном билан эслашади.

Агар инсон бошқаларга яхшилик қылса, унга ҳам бошқалар яхшилик килади.

Агар инсон бошқаларга ёмонлик қылса, бошқалар ҳам унга ёмонлик килади.

Инсонға ё яхшилик, ёки ёмонлик қайтмади.

Демак, у бошқаларга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам кітмади.

Дилеммаларни түгри тузиш ва ҳал қилиш учун күрилаётган масаланиң барча ечимларини аниклаш зарур. Дилеммани баъзан унга қарама-карши мазмундаги бошқа бир дилемма орқали рад этиш мумкин. Бунга мантиқ илми тарихидан куйидаги мисолни келтирамиз: «Афиналик аёл ўғлига шундай маслаҳат беради: Жамоат ишларига аралашмагин, чунки агар ҳақиқатни галирсанг, сени одамлар ёмон кўради, агар ёлғон галирсанг, унда сени худолар ёмон кўради. Бунга Аристотель куйидагича рад жавобни ўйлаб топади: Мен жамоат ишларида иштирок этаман, чунки агар ҳақиқатни галирсанг, мени худолар яхши кўради, агар ёлғон галирсанг, мени одамлар яхши кўради».

Трилеммада берилган масаланиң уч хил ечими ҳақида таҳминлаб фикр юритилади. Трилемма ҳам тўрг турга бўлинади:

1.Оддий конструктив

трилемма

$$\begin{array}{c} a \rightarrow d, b \rightarrow d, c \rightarrow d \\ a \vee b \vee c \\ \hline d \end{array}$$

2.Оддий деструктив

трилемма

$$\begin{array}{c} a \rightarrow b, a \rightarrow \underline{c}, a \rightarrow d \\ b \vee \bar{c} \vee d \\ \hline \bar{a} \end{array}$$

3.Мураккаб конструктив

трилемма

$$\begin{array}{c} a \rightarrow b, c \rightarrow d, m \rightarrow n \\ a \vee c \vee m \\ \hline b \vee d \vee n \end{array}$$

4.Мураккаб деструктив

трилемма

$$\begin{array}{c} a \rightarrow b, c \rightarrow d, m \rightarrow n \\ \bar{b} \vee \bar{c} \\ \hline \bar{a} \vee \bar{c} \vee \bar{m} \end{array}$$

Масалан:

Агар тергов қилинаётган шахс жиноятга бевосита алоқадор бўлса, у қаттиқ жазоланади.

Агар тергов қилинаётган шахс жиноятга бавосита алоқадор бўлса, у енгил жазоланади.

Агар тергов қилинаётган шахс жиноятга алоқадор бўймаса, у озод қилинади.

Тергов қилинаётган шахс жиноятга ё бевосита, ёки билвосита алоқадор, ёки мутлако алоқасиздир.

Демак, тергов қилинаётган шахс ё қаттиқ жазоланади, ёки енгил жазоланади, ёки озод қилинади.

Бу мураккаб конструктив трилемма кўринишидаги хулоса чиқаришдир.

Шартли-айирувчи хулосалаш масалани ҳал қилишнинг бир неча устуллари мавжудлигини, буларнинг ҳар бири турли оқибатларни келтириб чиқаришини аниқлаб беради. Соҳиб-қирон Амир Темур таъбири билан айтганда, бу оқибатлардан қайси бири давлат ва улус манфаатларига мос бўлса, яъни «савоблироқ ёки кам хатарли бўлса», шуниси танлаб олинади.

МУЛОҲАЗАЛАР МАНТИФИ

Классик (мумтоз) мантиқ символик мантиқ йўналишларидан бири бўлиб, унда, худди анъанавий мантиқдаги сингари, ҳар бир мулоҳаза иккита мантикий қиймат (чин ёки хато)дан бирига эга, деб ҳисобланади. Мулоҳазалар мантифи классик (мумтоз) мантиқнинг энг оддий бўлимидир. Бу мантикий тизимнинг ўрганиш обьектини мулоҳазалар устидаги амаллар ташкил этади. Мулоҳаза эса чин ёки хато, деб баҳоланадиган гапдан иборат.

Мулоҳазаларнинг иккита тури: оддий ва мураккаб мулоҳазалар фарқ қилинади. Оддий мулоҳаза деб уни ташкил этувчи қисмлар мулоҳаза бўла олмайдиган фикрга айтилади. У, одатда, қисмларга (бошқа мулоҳазаларга) бўлинмайдиган мантикий обьект, деб қабул қилинади. Масалан, «Форобий Ўрта асрнинг буюк мутафаккиридир», деган мулоҳаза оддий мулоҳазадан иборат. Оддий мулоҳазалардан мантикий боғламалар (конъюнкция, кучли ва кучсиз дизъюнкциялар, импликация, эквиваленция ва инкор) ёрдамида мураккаб мулоҳазалар қурилади. Масалан, «Форобий Қадимги грек фани ва маданиятини чукур ўрганган, мантиқ илми тараққиётига катта ҳисса қўшган мутафаккиридир», деган мулоҳаза мураккаб мулоҳаза бўлади. Мураккаб мулоҳазаларнинг мантикий қиймати (чин ёки хатолиги) уларни ташкил этаётган оддий мулоҳазаларнинг мантикий қийматига ва мантикий боғлама маъносига боғлик.

Мураккаб мулоҳазаларнинг таркиби мулоҳазалар мантифи тили деб аталадиган маҳсус формаллашган тил¹ ёрдамида таҳлил қилинади. Формулалар унда мухим ўрин эгаллайди.

¹ Бу тил алфавити З-мавзуда берилган.

Мулоҳазалар мантиғи формулаларини индуктив йўл билан аниқлаш қўйидаги ҳолатларга эътиборни қартишни тақозо этади: 1) ҳар қандай пропозиционал ўзгарувчи формуладир; 2) агар p – формула бўлса, унда $\neg p$ (p эмас) ҳам формуладир; 3) агар p ва q – формулалар бўлса, $p \wedge q$, $p \vee q$, $p \rightarrow q$ (\neg -кучли дизъюнкцияни билдиради), $p \rightarrow q$, $p \leftrightarrow q$ лар ҳам формулалар хисобланади.

Қайд этилган қоидалар у ёки бу ифоданинг мулоҳазалар мантиғи формуласими ёки йўқми (тўғри курилган формулами ёки йўқми?) эканлигини аниқлаш учун етарли ва зарурдир.

Мулоҳазалар мантиғидаги мавжуд формулаларни учта турга ажратиш мумкин. Биринчиси **бажарилувчи** ёки **нейтрал** **формулалар**, деб аталиб, уларни ташкил этувчи пропозиционал ўзгарувчиларнинг қандай қийматлар бирлашмасидан иборат бўлишига боғлиқ ҳолда чин ёки хато бўлиши мумкин. Кўйидаги формулалар унга мисол бўлади:

$(p \wedge q) \rightarrow r$; $(p \vee q) \wedge \neg q$ (Бу формулада] – инкор белгиси)

Иккинчиси **айнан чин формулалар** бўлиб, улар таркибидаги пропозиционал ўзгарувчиларнинг қандай қийматларга эга бўлишидан қатъи назар, доимо чин бўлади. Масалан, кўйидаги ифодалар айнан чин формулалардир:

$r \rightarrow (p \vee r)$; $\neg p \rightarrow (T \rightarrow q)$

Айнан чин формулалар мантиқ конунларини ифода этади. Трилемманинг бошқа турларига мустакил равища мисоллар келтириш тавсия этилади. Уларни кидириб топиш мулоҳазалар мантигининг асосий вазифаларидан бирини ташкил қиласди. Бирорта формуланинг айнан чинлигини исботлаш юритиладиган муҳокамани тўғри деб ҳисоблаш учун етарли асос бўла олади, чунки у формула мазкур муҳокаманинг формаллашган ифодасидир.

Учинчиси **айнан хато формулалар** ҳисобланиб, улар таркибидаги пропозиционал ўзгарувчилар чин қийматларининг ҳар қандай тўпламида факат хато бўлади. Кўйидаги ифодалар айнан хато формулаларга мисолдир:

$q \wedge \neg q$; $((p \wedge q) \rightarrow (q \wedge p))$

Улар айнан чин формулаларнинг инкоридан иборат бўлиб, муҳокамадаги мантикий зиддиятларни ифода қиласдилар.

Мулоҳазалар мантиғида ихтиёрий формуланинг мавжуд турлардан қайси бирига тегишли эканлигини унинг мантикий қийматини (чин ёки хатолигини) топиш оркали аниқлаш мумкин. Формулалар қийматини аниқлаш

йўлларидан бири жадвал ёки матрица усулидир. Унинг моҳиятини формула қийматини (чин ёки хатолигини) унинг таркибида пропозиционал ўзгарувчилар қиймати ва уларни ўзаро боғлаб турадиган мантикий функторларнинг (конъюнкция, дизъюнкция, импликация, эквиваленция, инкор) таблица ёрдамида аниқланган семантик маънолари билан боғлик ҳолда топиш ташкил этади.

Бу мулоҳазалар мантигининг жадвал усули шаклида, натурал (табиий) хулоса чиқариш тизими (ёки аксиоматик тизим) сифатида курилиши мумкинлигини кўрсатади.

Жадвал усулида куриш учун, аввалимбор, формулалар ўртасидаги мантикий муносабатларни, хусусан, **мантиқан келиб чиқиши** муносабатини аниқлаш зарур. Уни кўйида-гича ифодаласа бўлади: Агар A_1, \dots, A_n мулоҳазаларнинг (асосларнинг) ҳар бири чин бўлганда, В мулоҳаза (хулоса) ҳам чин бўладиган бўлса, демак, A_1, \dots, A_n асослардан В мантиқан келиб чиқади. Бу $A_1, \dots, A_n \rightarrow B$ кўринишидаги боғланишни импликация деб ҳисоблаб, ундаги мантиқан келиб чиқиши белгисини (\wedge) импликация белгиси (\rightarrow) билан алмаштирса бўлади. Масалан, юқоридаги ифодани $A_1 \wedge A_2 \wedge \dots \wedge A_n \rightarrow B$ кўринишида ёзиш мумкин.

Жадвал куришни соф шартли силлогизм формуласи, яъни $(p \rightarrow q) \wedge (q \rightarrow r) \rightarrow (p \rightarrow r)$ ёрдамида кўрсатиш мумкин. Формуланинг таркиби асосида жадвалдаги қаторлар ва устунлар микдорини аниқлаймиз. Қаторлар сони 2^n формуласи бўйича аниқланади. Бунда п – ўзгарувчиларни ифода этади. Бизда ўзгарувчилар сони 3та (p, q, r), демак, 8та қатор бўлади. Устунлар сони эса ўзгарувчилар ва мантикий боғламалар йиғиндисидан иборат. Демак, устунлар сони ҳам 8та ($3+5$). Юқоридаги формулани 8та кичик формулаларга ажратамиз. Биринчи учта устун p, q, r ларнинг турли хил мантикий қийматларини (чин-хатолигини), кейинги иккитаси-конъюнкциялар аъзоларини ($p \rightarrow q$ ва $q \rightarrow r$), олтинчи устун – импликация асосини ($(p \rightarrow q) \wedge (q \rightarrow r)$), еттинчи устун – хулосани ($p \rightarrow r$), саккизинчиси – формулани тўлалигича ифодалайди. Учта ўзгарувчиларнинг мантикий қийматлари тўпламлари варианtlари эса қўйидаги изчилликда бўлади: а) барчаси чин қийматлар – бир қатор; б) иккитаси чин, биттаси хато қийматлар – уч қатор; в) иккитаси хато, биттаси чин қийматлар – уч қатор; г) барчаси хато қийматлар – бир қатор. Жадвалнинг умумий кўриниши қўйидагича:

p	q	r	$p \rightarrow q$	$q \rightarrow r$	$(p \rightarrow q) \wedge (q \rightarrow r)$	$p \rightarrow r$	$(p \rightarrow q) \wedge (q \rightarrow r) \rightarrow (p \rightarrow r)$
ч	ч	ч	ч	ч	ч	ч	ч
ч	ч	х	ч	х	х	х	ч
ч	х	ч	х	ч	х	ч	ч
х	ч	ч	ч	ч	ч	ч	ч
ч	х	х	х	ч	х	х	ч
х	ч	х	ч	х	х	ч	ч
х	х	ч	ч	ч	ч	ч	ч
х	х	х	ч	ч	ч	ч	ч

Жадвал усули бўйича формулаларнинг чинлик қийматини аниқлашнинг нокулай томони шундаки, ўзгарувчилар сони ортгани сари, у жуда катта кўламга эга бўла боради. Бу ҳол келтириб чиқарадиган қийинчиликлардан формулаларни нормал шаклга келтириш орқали кутулиш мумкин. Формула нормал шаклга эга деб шу ҳолда ҳисобланадики, қачон ундан тенг кучли алмаштиришлар йўли билан эквиваленция, импликация, кучли дизъюнкция, қўш инкорлар чиқариб ташланса, инкор белгиси факат ўзгарувчилардагина колса.

Масалан, $((\neg(p \wedge q)) \vee (\neg p \wedge r)) \wedge (p \vee \neg q)$ формуласи нормал шаклда, $\neg(p \wedge q)$ формуласи ундей шаклда эмас, деб ҳисобланади.

Натурал хulosса чиқариш тизими (НХЧТ) шаклидаги мулоҳазалар мантифи табиий муҳокама юритишга яқин турган хulosса чиқариш қоидалари асосида қурилади. Хulosса чиқариш деганда формулаларнинг: 1) асослардан; 2) теоремалардан – аввал исбот қилинган мулоҳазалардан; 3) хulosалардан – ўзидан олдин келган мулоҳазалардан хulosса чиқариш қоидалари ёрдамида келтириб чиқарилган ифодалардан ташкил топган изчилиги тушунилади. Хulosса чиқариш қоидалари асослардан хulosага мантиқан ўтишнинг қабул қилинган усуллари бўлиб, уларнинг негизида мантиқий боғламалар хусусиятлари ётади. НХЧТда мантиқий боғламаларни $(\vee \rightarrow \neg \vee)$ киритиш ва чиқариб ташлаш билан боғлиқ асосий бевосита ва билвосита қоидалар сифатида қўйидагилар қабул қилинган:

Асосий бевосита қоидалар:

1. Конъюнкцияни киритиш (КК) қоидаси:

$$\frac{A}{B}$$

$$A \wedge B$$

2. Конъюнкцияни чиқариш (КЧ) қоидаси:

$$\frac{A \wedge B}{A}$$

$$\frac{A \wedge B}{B}$$

3. Дизъюнкцияни киритиш (ДК) қоидаси:

$$\frac{A}{A \vee B}$$

$$\frac{B}{A \vee B}$$

4. Дизъюнкцияни чиқариш (ДЧ) қоидаси:

$$\frac{A \vee B}{\begin{array}{c} A \\ \neg A \end{array}}$$

$$\frac{\begin{array}{c} A \vee B \\ \neg B \end{array}}{A}$$

5. Импликацияни чиқариш (ИЧ) қоидаси:

$$\frac{A \rightarrow B}{\begin{array}{c} A \\ B \end{array}}$$

6. Эквиваленцияни киритиш (ЭК) қоидаси:

$$\frac{\begin{array}{c} A \rightarrow B \\ B \rightarrow A \end{array}}{A \leftrightarrow B}$$

7. Эквиваленцияни чиқариш (ЭЧ) қоидаси:

$$\frac{A \leftrightarrow B}{A \rightarrow B}$$

$$\frac{A \leftrightarrow B}{B \rightarrow A}$$

8. Күш инкорни киритиш (КИК) қоидаси:

$$\frac{A}{\prod A}$$

9. Күш инкорни чиқариш (КИЧ) қоидаси:

$$\frac{\prod A}{A}$$

Асосий билвосита қоидалар:

1. Импликацияни киритиш (ИК) қоидаси:

П (асослар тўплами)
A (кўшимча фикр)

B
A→B

2. «Бемаъни хулоса»га келтириш (БХК) қоидаси:

П (асослар тўплами)
A (кўшимча фикр)

B
B
A

Юқорида кўрсатилган асосий қоидалар ёрдамида бошқа (хосилавий) қоидаларни келтириб чиқариш мумкин. Масалан, шартли силлогизм қоидаси куйидагича ҳосил қилинади:

$$\begin{array}{c} A \rightarrow B \\ B \rightarrow C \\ \hline A \rightarrow C \end{array}$$

$$\begin{array}{c} 1 \quad A \rightarrow B \\ 2 \quad B \rightarrow C \\ \hline 3 \quad A \\ 4 \quad B \\ \hline 5 \quad C \\ 6 \quad A \rightarrow C \end{array}$$

(асослар тўплами)
(кўшимча фикр)
(ИЧ: 1, 3)

(ИЧ: 2, 4)

Бу ерда қавслар ичидаги ифодалар уларнинг чап томонида турган натижанинг хулоса чиқаришнинг қайси қоидаси ва каторлари асосида ҳосил қилинганини билдиради. Масалан, «ИЧ: 1, 3» ўзидан чап томонида турган «В»нинг 1 ва 3 - каторлардаги ифодаларга ИЧ қоидасини кўллаш натижасида вужудга келганини англаатади. Уни куйидагича ёзамиз:

$$\begin{array}{c} A \rightarrow B \\ A \\ \hline B \end{array}$$

Шуни айтиш керакки, хулоса чиқариш қоидаларидан фойдаланиш муҳокаманинг тўғри қурилишини таъминлайди. Ўз ҳолиҷа олингандা эса, улар чин хулосаларга эришишнинг зарурий шарти бўлса-да, лекин етарли эмас. Натурал

хulosса чиқариш тизими бўйича хulosса чиқаришда чин натижаларга эришиш учун асосли (исботловчи) муҳокама юритиш талабларига ҳам риоя этиш зарур.

Формаллашган тизимда исботлаш деганда формула-ларнинг муайян бир изчиллиги тушунилиб, унда, одатда, ортикча мулоҳазалар чиқариб ташлангандан кейин, хulosса айнан чин формула (теорема)дан иборат бўлиб қолади. Исботлашда чин асослардан чин хulosса чиқади; хulosса хато бўлганда, асосларнинг чин бўлиши мумкин эмас, деган фикр назарда тутилади.

ХХЧТда бевосита исботлашга қуйидаги мисол бўлади:
($p \otimes q$) $\otimes ((q \otimes r) \otimes (p \otimes r))$

$$\left. \begin{array}{l} 1) p \rightarrow q \\ 2) q \rightarrow r \\ 3) P \end{array} \right\} \quad \text{мулоҳазалар}$$

$$\begin{array}{ll} 4) q & (1,3 \text{ Modus ponens}) \\ 5) r & (2,4 \text{ Modus ponens}) \end{array}$$

Исбот ана шу билан тутади, деб ҳисобланади, чунки r (хulosса) бошлангич ифоданинг консеквенти сифатида келиб чиқди.

ХХЧТда билвосита исботлаш ҳам кўлланилади.

ХХЧТнинг асосий, мантикий хусусиятлари унинг зиддиятсизлиги ва тўлалигидан иборат. Тизимнинг зиддиятсизлиги ундаги ҳар бир формуланинг айнан чин ифода эканлигини, яъни унда A ва A эмасликни исботлаб бўлмаслигини билдиради.

Тизимнинг тўлалиги эса, унинг ўзида мантиқ қонунларини мужассамлаштирган ҳар бир формуланинг (теоремани) исботлаш учун етарли мантикий воситаларга эгалигини англаради.

Аксиоматик тизим тарзида қурилган мулоҳазалар мантиғи тилга оид кисм билан бир каторда ўз ичига тизимда аксиомалар функциясини бажарувчи айнан чин формула-ларни ҳам олади. Бошқа барча формулалар, улар фақат тизим аксиомаларидан келиб чиқсангина ёки таъриф ёрдамида киритилсангина қабул қилинади.

Мулоҳазалар мантигини аксиоматик тизим тарзида қуришда турли хил аксиомалар ва бошлангич мантикий символлардан фойдаланиш мумкин. Аксиоматик тизимлар бир-биридан канчалик фарқ қиласин, охир-оқибатда дедуктив нұқтаи назардан эквивалентдирлар. Бошқача айтганда, бир тизимга мансуб ҳар қандай теорема бошқа тизимнинг ҳам теоремаси бўла олади.

Предикатлар мантиги муҳокама юритиш жараёнларини мулоҳазаларнинг ички таркибидан келиб чиқиб таҳлил қиласиган мантикий тизимдир. У мулоҳазалар мантигини ўз ичига олади. Предикатлар мантиги тили мулоҳазалар мантиги тилига қўшимча символлар киритиш ёрдамида ҳосил қилинади.¹

Предикатлар мантигига тегишли семиотик категориялардан фойдаланиб турли хил ифодалар ҳосил қилиш мумкин. Масалан, xP (x') ифодаси (у қуйидагича ўқилади: « x Р хоссасига эга деган фикр барча x га тегишилдири») ихтиёрий мулоҳаза шакли бўлиб, у «Бирорта синфга мансуб барча предметлар Р хоссасига эга», деган маънони англатади. Эҳ $P(x)$ ифодаси (у қуйидагича ўқилади: «Р хоссасига эга бўлган x предмети мавжуд») ҳам ихтиёрий мулоҳаза шакли бўлиб, у «Шундай предмет (хеч бўлмаганда битта) мавжудки, у Р хоссасига эга», деган маънони беради. $x\exists y R(x, y)$ ифодаси эса юқоридагилар сингари ихтиёрий мулоҳаза шакли бўлиб, «Ҳар қандай x предмети қандайдир у билан R муносабатида бўлади» (қискача: «Ҳар қандай x учун у мавжуд: R x ва у га оид»), деб ўқилади. Бошқа предикатга ажралмайдиган предикат **элементар предикат** деб аталади. Предикатга умумийлик ёки мавжудлик кванторини қўшиб ёзиш **квантор билан боғлаш** амали деб аталади.

Квантор билан боғлаш амали предикатдан мулоҳазани ҳосил қилиш усусларидан бири ҳисобланади. Бошқа бир усули – ўзгарувчининг ўрнига ном қўйишдан иборат.

Номни ўзгартирувчи ўрнига тўғри қўйиш натижаси чин ифодалардан факат чин ифодаларнинг келиб чиқиши билан характерланади. Масалан, x ўрнига «олим», у ўрнига «фанинг бирорта соҳаси», R ўрнига «фаолият кўрсатиш» номларини қўйсак, «Ҳар бир олим фанинг бирорта соҳасида фаолият кўрсатади», деган чин мулоҳаза ҳосил бўлади.

Биринчи даражали предикатлар мантиги учун қуйидаги коидалар характерлидир:

1. Ўзгарувчи ўрнига қўйилаётган ифодалар ўзгарувчи x аникланган предметлар соҳасига тегишли бўлиши керак.
2. X ўзгарувчи ўрнига факт у бўш бўлгандагина ном (ёки индивидуал ўзгарувчи) қўйиш мумкин.
3. Агар муайян ифодадаги x ўрнига ном қўйсак, уни ана шу ифодадаги болиқа барча x лар ўрнига қўйиш зарур.

¹ Предикатлар мантиги тили З-мавзууда берилган.

4. Ўрнига ном қўйиш натижасида ҳеч бир эркин ўзгарувчи боғланиб қолмаслиги керак.

Предикатлар мантигининг асосий қоидалари қаторига мулоҳазалар мантиғи бўйича хулоса чиқариш қоидалари, шунингдек, кванторларни киритиш ва чиқариш қоидалари ҳам киради. Бу қоидаларга риоя қилинганда чин хулосалар чиқади.

ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

Биз аввалги мавзуда зарурый хулоса чиқариш билан (дедуктив хулоса чиқариш асосида) танишиб чиқкан эдик. Мантиқда эҳтимолий хулоса чиқариш ҳам ўрганилади.

Эҳтимолий хулоса чиқариш турли хил шаклларда, шу жумладан, индуктив хулоса чиқариш шаклида амалга ошиши мумкин. Уларнинг барчасига хос хусусият – хулосанинг асослардан мантиқан зарурий равишда келиб чиқмаслиги ҳамда факат маълум бир даражада тасдиқланishidir. Асосларнинг хулосани тасдиқлаш даражаси мантикий эҳтимоллик, деб ном олган.

Индуктив хулоса чиқариш билан батафсилроқ танишиб чиқамиз.

Билиш, қайси соҳада амалга ошишидан катъи назар соғлом акл даражасидами ёки илмий билишдами – доимо предмет ва ҳодисаларнинг ҳиссий идрок этиладиган хосса ва муносабатларини ўрганишидан бошланади. Уни фалсафада, мантиқда эмпирик билиш босқичи деб аташади. Бу босқичга субъект турли хил табиий жараёнлар, ижтимоий ҳодисаларда ўхшаш шароитларда маълум бир хусусиятларнинг тақрорланишини кузатади. Бу ана шу тургун ҳолда тақрорланиб турувчи хоссанинг айрим предметнинг индивидуал хоссаси эмас, балки маълум бир синфга мансуб предметларнинг умумий хоссаси бўлса керак, деган фикрга келишга асос бўлади. Масалан, қайси давлатда демократия тамойилларига яхши амал қилинса, ўша давлат аҳолисининг ижтимоий турмуш даражаси юқорилигини кузатиш мумкин. Шу асосда демократиянинг тамойиллари, шартлари яхши амал киладиган ҳар қандай давлатда аҳолининг турмуш даражаси юқори бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Мана шундай жузъий билимдан умумий билимга мантиқан ўтиш индукция шаклида содир бўлади (лотинча – *inductio* – ягона асосга келтириш).

Индуктив хулоса чиқариш эмпирик умумлаштириш шаклида содир бўлиб, унда бирорта белгининг маълум

бир синфга мансуб предметларда такрорланишини кузатиш асосида, шу белгининг мазкур синфга тегишили барча предметларга хослиги ҳакида хulosса чикарилади.

Индукция асосида чикарилган хulosалар илмий билишда ўрнатилган турли эмпирик қонуниятлар, яратилган умумлашмалар тарзидаги ўз аксими топади, предмет ва ҳодисалар ҳакидаги билимларимизни кенгайтиришга олиб келади.

Индуктив хulosса чикариш билвосита хulosса чикариш ҳисобланади, яъни унинг асослари иккита ва ундан ортиқ мулоҳазалардан ташкил топган бўлади. Улар, одатда, якка предмет ёки предметлар синфининг бир қисмини ифода қиласидилар. Хulosада эса, бир мантикий синфга мансуб предметларнинг барчасига нисбатан умумий хукм тарзидаги фикр ҳосил қилинади.

Демак, индуктив хulosса чикаришда яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг диалектик алоқасини кузатамиз. Айрим фактларни ифодалайдиган, жузъий характерга эга бўлган билимлар умумий билимларни ҳосил қилиш учун мантикий асос бўлиб хизмат қиласиди. Такрорланиб турувчи турғун алоқалар, одатда, предметларнинг муҳим зарурый алоқаларидан иборат бўлгани учун бу умумий билимлар қонуниятларни ифода қиласидилар. Асослардаги якка ва жузъий фактлар ҳакидаги билимлар эса ана шу қонуниятларнинг намоён бўлишини қайд этадилар. Индуктив хulosса чикариш кузатиш ва тажриба натижаларини умумлаштириш билан боғлиқ бўлгани учун улар ҳакида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Кузатиш предмет ва ҳодисаларни ўрганишнинг энг оддий, кўп ҳолларда қўллаш мумкин бўлган усулидир. Унда субъект (масалан, тадқикотчи) кузатилаётган ҳодисага бевосита таъсири ўтказмасдан, уни табиий ҳолатида, боғланишларида ўрганади. Бунда субъект ўз сезги органлари, тадқикотлар олиб бориладиган асбоб-ускуналар (масалан, микроскоп, тунда кўриш асбоби ва шу кабилар) билан иш кўради.

Табиийки, кузатиш пала-партиш, узук-юлук ҳолда эмас, балки изчил, кўпинча аввалдан тузилган режа (масалан, тадқикот режаси) асосида ўтказилади. Масалан, корхона раҳбари унинг турли бўғинларида, бўлимларида ишлаётган масъул ходимларнинг, ишчиларнинг ишини тизимли равишда, мунтазам кузатиб боради, индукция асосида маълум бир хulosаларга келади. Бу хulosалар бошқарув тизими, кадрлар масаласига маълум бир ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Бошқа бир мисол. Милиция ёки прокуратура ходими жиноятни содир

килишда шубҳаланаётган кишини ҳисбга олишдан аввал унинг хатти-ҳаракатларини олдиндан тузилган режа асосида, турли хил шароитларда табиий ҳолатда, унга ҳалакит бермаган ҳолда кузатиб боради. Бу эса унга қатый бир қарорга келиши учун зарур бўлган фактларни топишига ёрдам бериши мумкин.

Тажриба (эксперимент) ҳодисаларни ўрганишнинг мураккаброқ усули бўлиб, у билиш объектига маълум бир тарзда таъсир ўтказишни тақозо этади. Тажриба, албатта, аввалдан тузилган режа асосида, маҳсус яратилган шароитда, зарур асбоб-ускуналардан фойдаланган, керакли мантикий усувларни қўллаган ҳолда ўтказилади.

Илмий билишнинг техникавий асоси тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда тажрибалар турли-туман мураккаб асбоб-ускуналардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади. Улар ҳодисаларнинг сабабий алоқаларини аниклашни, ички қонуниятларни очишли осонлаштиради, тезлаштиради.

Бу ерда, албатта, мукаммал асбоб-ускуналар яратилишининг негизида ҳам объектив борлик ва билишга хос қонуниятларнинг очилиши, уларни ифода қилувчи билимларнинг ётиши, амалиёт, техникада жорий қилиниши, яъни бошқача айтганда, индуктив хулоса чиқаришда амалиёт ва билимнинг узвий алоқада бўлишини назарда тутиш лозим.

Тажриба билиш жараёнида қўйидаги қулайликларни яратишга имкон беради:

1. Ўрганиладиган (тажриба ўтказиладиган) предметлар доирасини тадқиқотчи ихтиёрий равишда кенгайтириши ёки торайтириши мумкин.

2. Билиш объектини «тоза» ҳолда, яъни бошқа объекслар таъсиридан «ажратиб» қўйган ҳолда ёки улар билан бирга бўлган ўзаро таъсирида олиб ўрганиш мумкин.

3. Билиш объектига таъсир этувчи ҳолатларни ихтиёрий тарзда ўзгартириб туриш мумкин.

4. Ўтказилётган тажрибани тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин.

5. Натижанинг чинлигига ишонч ҳосил қилиш учун тажрибани зарур бўлган микдорда такрорлаш мумкин.

Индуктив хулоса чиқаришнинг асосларида, юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, кузатиш ва тажриба натижалари ифодаланган бўлиб, улар бирорта С синфига тааллукли S_1 , $S_2, \dots S_n$ ҳодисаларда р белгисининг тургун ҳолда такрорланиши ҳақидаги ахборотни қайд қиласилар. Хуносасида шу белгининг предметларнинг бутун синфига

хослиги ҳақида фикр ҳосил қилинади. Унда мұхокаманинг шакли қуйидагича бўлади:

S_1 ҳодисаси Р белгига эга.
 S_2 ҳодисаси Р белгига эга.

...
 S_n ҳодисаси Р белгига эга.
 S_1, S_2, \dots, S_n лар С синфиға мансуб.

С синфининг ҳар бир ҳодисаси Р белгига эга.

Символик ифодаси эса қуйидагича:

$P(x_1)$

$P(x_2)$

...

$P(x_n)$

$x_1, x_2, \dots, x_n \in C$

$\forall x((x \in C) \rightarrow P(x))$

Тажрибада кўп мартараб тақрорланадиган предметнинг турғун алоқалари сабабиятни, заруриятни ифода киладиган умумийликдан иборат бўлиб, у индуктив хulosаси чиқаришда асослардан хulosага ўтиш учун мантикий асос бўлиб хизмат киласди.

Индуктив хulosаси чиқаришнинг билишдаги бош вазифаси жузъий ҳолни умумийлаштириш, яъни айрим фактларга хос хусусиятни берилган синфга таалукли барча предметларга хос хусусият даражасига кўтариш (генерализация қилиш) асосида умумий билим ҳосил қилишдан иборат. Ўз мазмуни ва билишдаги аҳамиятига кўра бу билимлар кундалик тажрибани умумлаштириш негизида ҳосил қилинадиган энг оддий умумлашмалардан тортиб, то эмпирик ва назарий қонунлар, гипотезалар, илмий назариялар даражасигача етган билимлар бўлиши мумкин.

Илмий билиш тарихи фаннинг турли хил соҳаларида қилинган каашфиётлар, масалан, электр, магнетизм, оптикага оид жуда кўп сабабий алоқадорликлар, қонуниятлар уларнинг айнан индуктив йўл билан ўрнатилганини тасдиқлайди.

Индукция асосида ҳосил қилинган хulosаларнинг мантикий қиймати, эҳтимолий ёки зарурий бўлиши ўтказилган тажрибанинг характеристига боғлик.

Кузатиш ва тажриба тугалланмаган бўлади. Кейинги ўтказиладиган тажриба, кузатишларда предмет ва ҳодисаларнинг янги мұхим хусусиятлари, муносабатлари аникланиши мумкин. Бу эса, мавжуд предмет ва ҳодисалар

ҳақидағи тасаввурларни ўзгартыриб юборади. Хусусан, аввал чин деб ҳисобланған билимлар шубҳа остига олиниб колади, әхтимолий тарздаги фикрларга айланади.

Мантиқда әхтимоллик түшунчаси чиқарылған холоса-нинг ноаниклигини, құшимча текширишлар ўтказиш за-рурлигини англаатади. Шунга қарамасдан тажриба билимнинг мұхим воситаси бўлиб қолади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, айрим жузъий факт-лар ҳақидағи аниқ билимлардан ноаниқ холосаларнинг чиқиши объектив воқеликни билишнинг мураккаб диа-лектик жараён эканлигини билдиради. Воқеликдаги бир мантиқий синфга мансуб предметларнинг барчасини тажрибада қамраб олиш қийин. Синф предметларининг барчаси қамраб олинганда ҳам уларнинг хусусиятларининг ҳаммасини ўрганиб бўлмайди, чунки уларнинг сони кўп. Ҳаракат, тараккиёт давомида тўхтовсиз равишида уларнинг баъзилари йўқолиб, бошқа бирлари пайдо бўлиб туради.

Индуктив холоса чиқаришнинг иккита тури: тўлиқ ва тўлиқсиз индукциялар фарқ қилинади.

Тўлиқ индукция индуктив холоса чиқаришнинг шундай турики, унда бирорта белгининг маълум бир синфга мансуб, ҳар бир предметга хослигини аниклаш асосида, шу белгининг берилган синф предметлари учун умумий белги эканлиги ҳақида холоса чиқарилади.

Тўлиқ индукция предметларнинг кичик синfigа, элеменatlари яққол кўзга ташланиб турадиган, микдор жиҳатдан чекланған ёпик системаларга нисбатан холоса чиқаришда ишлатилади. Масалан, Күёш тизимиға киравчи планеталар, НАТОга аъзо давлатлар, бирорта шаҳарда жойлашган корхоналар ва шу кабилар ҳақида холосаларни тўлиқ индукция йўли билан олиш мумкин. Хусусан, Күёш тизимиға киравчи планеталар ҳаракатининг йўналиши соат стрелкаси ҳаракати йўналишига тескари эканлиги ҳақидағи холоса айнан ана шу усул ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳудди шунингдек, «Барча металлар электр токини ўтказади», «НА-ТОГа аъзо давлатлар шу ташкилотнинг уставига риоя кила-дилар», «Тошкент шаҳридаги барча корхоналар электр энергияси билан тўла таъминланган» каби умумий хукмлар орқали ифода қилинган холосавий билимлар ҳам тўлиқ индукцияни кўллаш асосида шаклланади.

Тўлиқ индукцияда муҳокаманинг қурилиш шакли куйидаги кўринишга эга:

S_1 предмети Р белгига эга.
 S_2 предмети Р белгига эга.

S_n предмети Р белгига эга.
Фақат S_1, S_2, \dots, S_n ларгина С

синфини ташкил этади.

С синфининг ҳар бир предмети Р белгига эга.

Символик ифодаси эса қуйидагича:

$P(x_1)$

$P(x_2)$

...

$P(x_n)$

$\langle x_1, x_2, \dots, x_n \rangle \in C$

$\forall x((x \in C)P \rightarrow (x))$

Предметларнинг ёпик тўпламини ўрганиш эмпирик тад-
қиқотнинг аниқ бир синфни билиш билан чегараланганди-
лигини билдиради. Ана шунинг учун ҳам асослардаги ҳар
бир предмет ҳақидаги маълумот қайд этилган белгини
синф предметларининг барчасига ёйиш, уларга тегишли,
деб айтиш учун мантикий асос бўла олади.

Демак, тўлиқ индукциянинг асосий хусусияти шундаки,
унда берилган синфга мансуб барча предметлар бирма-
бир ўрганилиб чиқилиши, улар ҳақида якка ҳукмлар ҳосил
қилиниши ва асослар сифатида қабул қилиниши зарур.

Тўлиқ индукциянинг яна бир мухим хусусияти бор:
унинг асослари ҳам, холосаси ҳам аниқ, текширилган,
эҳтимолдан холи фикрларни акс эттиргани учун улар
катъий ҳукмлар орқали ифодаланади. Масалан, оддий
катъий силлогизмни ўрганишни унинг 1-фигурасидан
бошлаб, унинг тўғри модусларга эгалигини аниклаймиз.
Шу йўл билан силлогизм II, III, IV фигуralарини кўриб
чиқамиз; уларнинг ҳам ҳар бирининг тўғри модусларга
эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Натижада силлогизм
фигуralарининг бу хусусиятини якка ҳукмларда ифода
этамиз ва тўлиқ индукция бўйича холоса чиқариш учун
асос қилиб оламиз ҳамда холоса чиқарамиз. Унда
юритилаётган мухокама жараёни қуйидаги шаклга киради:

Силлогизмнинг I фигураси тўғри модусларга эга.

Силлогизмнинг II фигураси тўғри модусларга эга.

Силлогизмнинг III фигураси тўғри модусларга эга.

Силлогизмнинг IV фигураси тўғри модусларга эга.

Юқоридаги фигуralар силлогизмнинг ҳамма
фигуralаридир.

Демак, силлогизмнинг ҳамма фигуранлари ўзининг тўғри модусларига эга.

Тўлиқ индукциянинг асослари ва хulosасини уларнинг таркиби жиҳатидан олиб таҳлил қўлсак, қуйидаги ҳолни кузатиш мумкин. Асос бўлиб келаётган ҳукмлар субъектлари мантикий синфнинг алоҳида элементларини ифода этади. Хulosанинг субъекти эса бир бутун мантикий синфни акс эттиради. Асослар ва хulosса предикатлари предметлар белгисини ифода қиласди. У асосларда синфнинг алоҳида олинган ҳар бир элементига тегишли белги сифатида фикр килинади. Хulosада эса у белги бутун синфга кўчирилиб, унга тегишли умумий белги сифатида қайд этилади. Фикримизни қуйидаги мисол орқали ойдинлаштирамиз:

Зардушт Қадимги Хоразмда туғилган.

Будда Ҳиндистонда туғилган.

Мусо Мисрда туғилган.

Исо (Иисус Христос) Куддусга яқин Вифлеемда туғилган.

Муҳаммад Маккада туғилган.

Улар буюк динларнинг асосчилариидир.

Демак, буюк динларнинг асосчилари Шарқдан чиққалар.

Келтирилган мисолда биз эътиборимизни қартишимиз зарур бўлган муҳим бир томон бор. У ҳам бўлса, факат хulosанинг субъектигина (Буюк динлар асосчилари) эмас, балки предикатининг (Шарқдан чиққан) ҳам асослардаги предикатлар (Хоразм, Ҳиндистон, Миср, Куддус, Маккаларда туғилнлиги) синфидан ташкил топганлигидадир. Яъни, хulosса – Р, асослардаги Р₁, Р₂, ..., Р_n турларидан, модификацияларидан ташкил топган. Бошқача айтганда, унда асослар субъектлари – хulosса субъектида, асослар предикатлари – хulosса предикатида синфларга бирлаштирилган ва мантиқан умумлаштирилиб, умумий ҳукм шаклидаги хulosса ҳосил қилинган.

Тўлиқ индукцияга хос бўлган яна бир хусусиятни кўрсатиш мумкин. Бу унинг асосларда ва хulosада кўрсатилган предметлардан бошқа предметлар ҳақида билим бермаслигидан иборат.

Нихоят, тўлиқ индукция хulosасининг аниқ ва чин бўлиши билан дедуктив хulosса чиқаришга ўхшаб кетишини қайд этиш зарур.

Буни тўлиқ индукцияни силлогизм III фигураси билан солишириш, уларнинг ўхшаш томонларини ажратиш йўли билан кўриб чиқиши мумкин. Биринчидан, уларнинг иккаласи ҳам аниқ хulosалар беради. Бунга асосий сабаб шуки, синфга мансуб барча предметлар бирма-бир ўрганилиб чиқилади. Иккинчидан, уларнинг хulosасида

предикат ифода қилувчи фикр (белги ҳақидағи фикр) мантиқий турдан мантиқий жинсга (мантиқий синфға) күчирилади. Силлогизм III фигурасыда хulosса жузъий ҳукмлар тарзыда келиб чиқади, лекин асосларда күрсатылған предметларға қараганда күпроқ бўлган предметлар синфи ҳақида фикр билдирилади, яъни предикат (белги ҳақидағи маълумот) турдан жинсга күчирилади. Масалан:

Китоблар – маънавий бойлик.

Китоблар – ақлий меҳнат натижалари.

Демак, ақлий меҳнат натижаларининг баъзилари маънавий бойликдир.

Бунда «маънавий бойлик» бўлиш белгиси (Р) «китоблар» дан «ақлий меҳнат натижалари»га күчирилади. Китоблар – маънавий бойлик, ақлий меҳнат натижалари. Маънавий бойлик эса ақлий меҳнат натижаларининг бир туридир.

Тўлиқ индукция билан силлогизм III фигурасининг бир-биридан фарқ қиласидан томонлари бор, албатта. Хусусан, силлогизм III фигурасининг хulosаси – жузъий ҳукм, тўлиқ индукциясининг хulosаси – умумий ҳукмдан иборат. Лекин бу тўлиқ индукция хulosасининг аник, қатъий бўлишига шубҳа тугдирмайди. Бу ерда биз учун энг муҳими шудир.

Тўлиқ индукция таҳлилига якун ясаб, унинг хulosасининг аник, қатъий бўлишини, предметларнинг кичик синфи ҳақида эмпирик материалларни умумлаштириш йўли билан хulosавий билим олишнинг самарали воситаси эканлигини алоҳида қайд этса бўлади.

Объектив оламдаги предмет ва ҳодисаларнинг катта синфларини, уларнинг амалда чексиз бўлган хоссаларини тажриба ва кузатишда тўлалигича қамраб олиб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам тўлиқ индукциянинг билиш жараёнидаги имкониятлари ўз чегарасига эга, деб хисобланади.

Тўлиқсиз индукция шундай эҳтимолий хulosса чиқариш турики, унда бирорта белгининг бир мантиқий синфга тегишли предметларнинг бир кисмига (бир нечтасига) хослигини (ёки хос эмаслигини) аниклаш асосида шу белгининг берилган синфга мансуб барча предметларга хослиги (хос эмаслиги) ҳақида хulosса чиқарилади.

Тўлиқсиз индукцияда фикримиз, худди тўлиқ индукциядагидек, жузъийликдан (яккаликдан) умумийликка, камроқ умумийлашган билимдан күпроқ умумийлашган билимга қараб ҳаракат қиласиди. Лекин унда, тўлиқ индукциядан фарқли ўлароқ, хulosса кузатиш, тажриба давомида қайд этилмаган, ўрганилмаган предмет-

ларга ҳам тегишли бўлади. Тўлиқсиз индукциянинг эвристик моҳияти айнан ана шундадир.

Тўлиқсиз индукцияда фикримиз қўйидаги шаклда курилали:
 S_1 предмети Р белгига эга.
 S_2 предмети Р белгига эга.

S_n предмети Р белгига эга.

S_1, S_2, \dots, S_n предметлари С синфига тегишли.

Эҳтимол, С синфининг ҳар бир предмети Р белгига эгадир.

Бу шаклни символик кўринишда қўйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{array}{c} P(x_1) \\ P(x_2) \\ \cdots \\ P(x_n) \\ \hline x_1, x_2, \dots, x_n \in C \\ \forall x ((x \in C) \rightarrow P(x)) \end{array}$$

Хулоса юқоридагидек ўқилади, яъни: «Эҳтимол, С синфининг ҳар бир предмети Р белгига эга бўлса керак».

Масалан:

2сони 2га қолдиқсиз бўлинади.

4сони 2га қолдиқсиз бўлинади.

\cdots
п сони 2га қолдиқсиз бўлинади.

2, 4, ..., п... сонлари жуфт сонлардир.

Эҳтимол, жуфт сонларнинг барчаси 2га қолдиқсиз бўлинса керак.

Тўлиқсиз индукцияда хулосавий билимнинг эмпирик асоси тўлиқ аникланмайди, ана шунинг учун ҳам ундаги амалга оширилган умумлаштириш тўлиқсиз бўлади. Хусусан, унда берилган мантикий синфа мансуб предметларнинг барчаси эмас, факат S дан S_n гача бўлган қисмигина ўрганилади, холос. Ана шу ўрганилган предметларга бирорта Р белгининг хослиги (хос эмаслиги) кузатилса, унинг ўрганилаётган синфа мансуб барча предметларга хослиги (хос эмаслиги) ҳакида эҳтимолий тарздаги хулоса чиқарилади. Бу хулоса ихтиёрий равишда ҳосил килинмайди ва тасодифий тавсифга эга эмас, албатта. Жузъийликдан (яккалиқдан) умумийликка ўтиш, яъни синфа тегишли айrim предметлар ҳакидағи билимдан синфа тегишли барча предметлар ҳакидағи билимга ўтиш мантикан асослангандир.

Предметлар синфининг бир қисмидан иккинчисига кўчирилаётган белгининг зарурийлиги, умумийлиги унинг тажрибада муайян ҳолатлар мавжуд бўлганда бир жинсли фактларда тақрорланиб туришининг турғунлигига ўз ифодасини топади, яъни у эмпирик асос ёрдамида тасдиқланади.

Масалан, табиатда газ ҳароратининг ўзгариши унинг ҳажмининг ўзгаришига олиб келиши, жамиятда иқтисод билан сиёсатнинг боғлиқлиги, билишда факт ва қонуннинг ўзаро алоқаси зарурий (муайян шароитда, албатта, вужудга келади) ва умумий (муайян шароит пайдо бўлган барча ҳолларда тақрорланади) алоқалардан, борликда амал килаётган қонуниятлардан иборат.

Зарурий алоқаларнинг бир вақтнинг ўзида умумий алоқалардан иборат бўлиши (предметларнинг бирорта синфи, тўпламига хос бўлиши), уларнинг эса, ўз навбатида, якка, айrim предметларда намоён бўлиши, яъни уларнинг хусусиятлари сифатида юзага чиқиши илмий билиш ва амалий муҳокама юритишида бирорта мантикий синф ҳакида унга мансуб предметларнинг айримларини ўрганиш асосида фикр билдириш мумкинлигини англатади.

Ҳақиқатан ҳам, кундалик турмушимизда биз ана шундай йўл тутамиз. Хусусан, пахта, буғдой, сут, металл про- кати, газлама ва шу каби оммавий равишда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг катта ҳажмининг сифати ҳакида улардан олинган кичкина намуналарни текшириш натижаларига таянган ҳолда фикр билдирамиз.

Бунда кўп ҳолларда ҳосил қилган хуносавий фикрларимиз ҳақиқатдан ёки ҳақиқаттага яқин фикрдан иборат бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу йўл билан олинган хуносалар ҳаммавақт ҳам тўғри бўлавермайди. Баъзан чиқарилган хуносалар хато ҳам бўлиши мумкин. Буни қуйидаги мисол тасдиқлайди. Қачонлардир кимёгарлар металларнинг бир канчаси устида экспериментлар ўтказишиб, уларнинг қиздирилганда олтингугурт билан бирикишини кузатишган ва шу асосда, «Барча металлар қиздирилганда олтингугурт билан бирикади», деган хуносага келишган. Уларнинг муҳокамаси қўйидаги шакл тарзида кечган.

Мис қиздирилганда олтингугурт билан бирикади.

Темир қиздирилганда олтингугурт билан бирикади.

Алюминий қиздирилганда олтингугурт билан бирикади.

Мис, темир, алюминий ..., металлар синfigа кирувчи кимёвий элементлар.

Эҳтимол, барча металлар қиздирилганда олтингугурт билан бирикса керак.

Бу хulosанинг хатолиги маълум бир вакт ўтгандан кейин олтин устида эксперимент ўtkазилганда маълум бўлади: у қиздирилганда олtingугурт билан бирикмаган.

Биз кўриб чиқсан ҳол бирорта белгининг айрим предметларда такрорланишига асосланиб, у белгини мазкур предметлар мансуб бўлган синфга тўлалигича индуктив йўл билан кўчириш, яъни уни берилган синф предметларининг барчасига хос умумий белги, деб ҳисоблаш мантиқий заруриятдан иборат бўлишга даъво қила олмайди, деган фикрга олиб келади. Чунки белгининг бир қанча предметларда такрорланиши оддий бир мослиқдан иборат бўлиши, яъни тасодифий характерга эга бўлиши ҳам мумкин.

Демак, тўликсиз индукция бўйича хulosанинг барчасига хос хусусиятлардан бири асослардан хulosанинг мантиқан келиб чиқишнинг кучсиз бўлишидир.

Тўликсиз индукция учун характерли бўлган бу камчиликни «тузатиш» учун бир қанча методологик талабларга риоя қилиш зарур. Бу маълум бир даражада хulosанинг чин бўлиши эҳтимолининг ортишига имконият яратади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Экстенсив методдан фойдаланиш, яъни ўрганилаётган предметлар сонини ошириш. Бу бир оз бўлса ҳам хulosанинг чин бўлиши эҳтимолини ортиради. Лекин бу ерда бир нарсани ҳисобга олиш зарур. Тажриба тугал бўлмаган, яъни синфнинг барча предметлари эмас, факат бир нечтаси ўрганиладиган бир шароитда кейинги ўtkазиладиган тажрибалардан бирида аввалги тажрибалар натижаларига зид бўлган ҳолни кузатиш эҳтимолдан холи эмас. Бунда ўрганилаётган ҳодисалар сонини кўпайтириш йўли билан кўзланган мақсадга эришишга уриниш кам самара беради. Тажрибани тугал қилишга эришиб бўлмайди, чунки билиш обьекти кўп ҳолларда очик тизимдан – ҳодисалар ва ҳолатлар сони амалда чексиз бўлган обьектдан иборат бўлади.

2. Тажриба натижаларининг сифат жиҳатидан хилма-хил бўлишига эришиш, яъни бир хил шароитда такрорланадиган белгиларнигина эмас, балки турли хил соҳалар, ҳолатларда такрорланадиган ўхшаш белгиларни ҳам қайд этиш мухимдир.

3. Шунингдек, тажриба натижаларининг кучли бўлиши, «бехосдан» аникланиши омиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

4. Кейинги иккита методологик талаб тўликсиз индукцияда эмпирик материалларни танлаб олишни тақозо этади.

Дастлабки эмпирик материалларни кузатиш ва тажриба натижаларини танлаб олиш усулига кўра тўликсиз индук-

циянинг иккита тури: санаш орқали тўлиқсиз индукция (энумератив индукция) ва истисно қилиш орқали тўлиқсиз индукция (элиминатив индукция) ажратилиши мумкин.

Санаш орқали тўлиқсиз индукция ёки оммабоп индукция (энумератив индукция) индуктив йўл билан умумлаштиришнинг шундай турики, унда бир синфга мансуб предметларнинг бир қанчасида бирорта белгининг такрорланишини кузатиш асосида, унинг шу синфга кирувчи барча предметларга хослиги ҳақида эҳтимолий тарздаги холоса чиқарилади.

Санаш орқали тўлиқсиз индукциянинг объектив асосини инсонларнинг кўп йиллик ҳаётий фаолияти, авлоддан авлодга ўтиб келаётган турмуш тажрибалари натижалари ташкил этади. Масалан, ёз жуда иссиқ келганда, қишида қаттиқ совуқ бўлиши мумкинлиги, қалдирғочларнинг жануб томонга учуб кетаётгани ҳавонинг совий бошлаганини билдириши ва шу каби холосалар инсонларнинг об-ҳавони узоқ йиллар давомида кузатишининг натижасидан иборат.

Кишиларнинг кундалик ҳаётий тажрибасига асослангани, соғлом ақл юритишга хос хусусиятларни ўзида муҗассамлантиргани учун ҳам холоса чиқаришнинг бу усулини оммабоп индукция деб аташади.

Оммабоп индукциянинг муҳим хислатларидан бири кузатилаётган ҳолларга зид бўлган ҳолнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилишдир. Яъни бунда бирорта белгининг берилган синф предметларининг бир нечгасида такрорланишини қайд этиш билан чекланмасдан, уларга зид бўлган ҳолнинг йўқлиги ҳам анткланади. Бу, одатда, оммабоп индукция асосида қаттий холосага келишдан олдин «Шошмай тур-чи, қани, яна бир текшириб кўрайлик!» деган фикрга суюниб иш қилишга ундейди, «Етти ўлчаб, бир кесишиш»га чакиради. Ана шунинг учун ҳам оммабоп индукцияни ҳалқ донишмандлигининг намоён бўлиши турларидан бири, деб айтиш мумкин.

Оммабоп индукция асосланадиган белгиларнинг такрорланиши ҳақиқатан ҳам кўп ҳолларда, индуктив холоса чиқаришнинг бошқа турларида бўлгани сингари, ҳодисаларнинг умумий хусусиятларини акс эттиради. Ана шунинг учун ҳам бу усул билан олинган холосанинг чин бўлиши эҳтимоли нисбатан юкорироқ ҳисобланади ва унга таяниб кишилар ўз фаолияти йўналишларини, амалга ошириш механизмларини белгилайдилар.

Оммабоп индукциянинг энг оддий умумлашмаларисиз дехкончилик, ҳалқ хунармандчилиги, оддий хўжалик ишларини ва шу кабиларни амалга ошириб бўлмайди. Масалан, Мирзо

Улутбек номидаги ЎзМУ кутубхонасидаги китобларнинг қандай ахволда эканлигини билиш учун (хулосавий билим ҳосил қилиш учун) ундаги китобларнинг бир қисмини – турли қаватлардаги, турли бўлимлардаги, турли жавонлардаги китоблардан бир қанчасини олиб, текшириб кўриш кифоя. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан округлардаги депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг мавқелари ҳакида сайловчиларнинг бир қисмининг фикрини билиш (масалан, сўрок ўтказиш йўли билан) асосида муайян хулосаларга келиш мумкин. Бу мисолларда муҳокама оммабоп индукция шакли бўйича курилган.

Кундалик ҳаётий тажриба, соғлом акл илмий билишнинг бошлангич асоси сифатида унинг қўядиган дастлабки қадамларини, ҳаракат йўналишларини аниклашга ёрдам беради. Хусусан, фан ўз тараққиётининг дастлабки босқичида эмпирик тадқиқотлар ўтказади: объект устида ўтказаётган тажриба давомида тўплланган фактларни тасвирлайди, таснифлайди, такрорланиб турувчи хусусиятларни аниклади, индуктив умумлашмалар шаклидаги эмпирик қонуниятларни шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида, ўрганилаётган объект ҳакида турли хил гипотезалар куришга, ҳодисаларни олдиндан кўришга, илмий башоратлар килишга ёрдам беради.

Шуни айтиш керакки, оммабоп индукциянинг хулосаси билиш субъекти учун қулай фактларни санаб кўрсатишга асосланганлиги боис, у эҳтимолий, тахминий фикр бўлишдан юқорига ўта олмайди. У қўшимча текширишлар ўтказишини, мавжуд ҳолатлар ва ҳолларда предмет табиатининг ўзгаришини аниклаштиришини тақозо этади. Чунки қулай ҳолларни, фактларни санаб кўрсатиш дастлабки индуктив умумлашмалар ҳосил қилишнинг зарурий шарти бўлса-да, ўз ҳолича етарли эмас.

Хусусан, бирорта белгининг бир туркум предметларда такрорланиши воқеанинг кечиши билан боғлиқ тасодифий ҳолат ҳам бўлиши мумкин. Албатта, зарурият билан боғланмаган, уни у ёки бу даражада ифода килмайдиган тасодиф йўқ. Масалан, тажриба олиб борилаётган итга ёнида турган лампочка ёнгандан кейин овқат бериш бир неча марта такрорланса, бу итда шартли рефлекс ҳосил бўлишига олиб келади. Бунда лампочка билан овқат бериш ўртасидаги алоқа ўз ҳолича тасодифий деб олиб қаралиши мумкин. Лекин у итда шартли рефлекснинг ҳосил бўлиши билан бир тизимда олинганда заруриятни ифода этадиган такрорланиб турувчи ҳодисага айланади.

Бу ҳодиса ва умуман, бир жинсли предметларда тақрорланиб турувчи барча ҳодисалар инсоннинг билиши жараёнида акл ёрдамида талқин қилинади, «қайта ишланади» ҳамда «Бу тақрорланиш зарурият, қонуниятнинг ифодаси бўлиши мумкин», деган тахминнинг яратилишига олиб келади. Умумий ҳолда ифодаланган бу тахмин билишнинг кейинги боскичида тўлиқсиз индукция ҳосил қилувчи умумлашманинг асосли бўлишини тъминлайдиган микдорий ва сифатий омилларнинг ўзаро тъсирининг кучайишига ва, демак, хulosанинг ишончлилик даражасининг ортишига олиб келади. Бунда сифатий омил белги тақрорланиб турувчи ҳодисалар мавжуд бўлган шароитнинг ўзгариб туришини тақозо этади. Ўзгариб турган шароитларда ҳодиса белгисининг тақрорланиши унинг зарурий тавсифга эга эканлиги ҳақидаги ишончни орттиради. Ана шундай сифатий омил амал қилган шароитда микдорий омил ҳам, бир турдаги ҳолларнинг кўп бўлиши (улар қанча кўп бўлса, умумлаштириш натижаси шунча яхши бўлади) ҳолати ҳам мавжуд бўлса, хulosанинг чин бўлиши эҳтимоли ортади.

Юқоридаги сайлов ҳақидаги мисолга қайтадиган бўлсак, сўрок натижаларининг чин бўлиш эҳтимоли сифатий (респондентлар тасодифан эмас, балки ахолининг қайси қатламига мансублиги, ёши, жинси ва шу кабилар ҳисобга олинган ҳолда ажратиб олинса) ва микдорий (сифатий ҳолат билан боғлиқ равишда респондентлар сони кўп бўлса) кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда ортади, деган хulosага келиш мумкин. «Кузатиш шароитининг турли-туман бўлиши» (белги тақрорланиб турувчи ҳодисалар шароитининг ўзгариб туриши) тушунчаси кузатиш объектигининг хусусиятига қараб турли хил нарсаларни: фазодаги, вақтдаги, функциясидаги ва уларнинг аралашган ҳолатидаги хилма-хилликни ифода этиши мумкин. Турли хил варианtlарни ҳисобга олмаслик, кўпинча, оммабоп индукция хulosасининг хато бўлишига олиб келади. Масалан, утопик социалист Роберт Оуэннинг у кишиларнинг ижтимоий гуруҳларининг эҳтиёжлари, уларнинг яшаш шароитлари, фаолият турларининг хусусиятларини ва бошқа қатор ижтимоий омилларни ҳисобга олмагани учун унинг Нью-Ланарк колониясида ўтказган социал эксперименти, кузатишлари натижаларини умумлаштириш асосида ҳосил қилган жамиятни социалистик асосда қайта куриш ҳақидаги хulosasi хато бўлган.

Оммабоп индукция бўйича хато хulosasi кузатилаётган ҳолларга зид бўлган ҳолни ҳисобга олмаслик натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бу кўп учраган фактларни

таҳлил қилишга берилиб кетиб, бошқа ҳолатларнинг мавжуд бўлишини унуган ҳолларда тез-тез учраб туради.

Шунингдек, оммабоп индукция зид ҳолатлар ҳақидаги фактларни қасдан яширган ёки фактларни аввалдан ўйлаб топиб кўйган хуоса учун тўплаган ҳолларда хато натижаларни беради.

Турли хил гаройиб нарсаларга ишониш оқибатида ҳосил қилинадиган индуктив умумлашмалар, масалан, «кўз тегиши», «йўлни мушук кесиб ўтса, ишнинг юришмаслиги», «тушда гўшт кўринса, яқин кишилардан бирининг касал бўлиб қолганлиги» ҳақидаги хуосалар ҳам кўпинча ҳақиқатга мос келмайди.

Шундай килиб, оммабоп индукция бўйича олинадиган хуоса эҳтимолий тавсифга эга бўлади. Унинг чинлик дарражасини ошириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган методологик талабларга риоя этиш зарур, ана шундагина у тўғри муҳокама юритишининг самарали воситасига айланади.

ИЛМИЙ ИНДУКЦИЯ

Илмий индукция эҳтимолий хуоса чиқаришнинг шундай турики, унинг асосларида бирорта белгининг бир синфга мансуб предметларнинг бир қанчасида такрорланиши қайд этилиши билан бир қаторда, у белгининг сабабий алоқаси ҳақида ҳам маълумот мужассамлашган бўлади ва улар хуосада берилган предметлар синфига нисбатан ҳосил қилинган фикрда ўз аксини топади.

Оммабоп индукциядан фарқли ўлароқ, илмий индукцияда бир синфга мансуб предметларда такрорланувчи белги шунчаки қайд этилиб қолмасдан, балки у ҳақида тўлароқ маълумотга эга бўлиш, унинг мавжуд бўлиши сабабини аниқлаш учун предметнинг бошқа белгилари билан бўлган алоқалари, хусусан, сабабий боғланишлари ўрганилади. Ана шунинг учун ҳам, яъни ҳодисаларнинг сабабини аниқлашга, уларни ифода этувчи қонунларни очишга қаратилгани учун ҳам тўлиқсиз индукциянинг бу турини илмий индукция деб аташади.

Маълумки, илмий биллиш фаннинг бош мақсади ўрганилаётган объектини тавсифлайдиган қонунларни очиш орқали унинг (объектнинг) табиатини, моҳиятини тушунтиришдан иборат. Бу эса, биринчи навбатда, ҳодисанинг (ёки унинг белгисининг) мавжуд бўлиш сабабини аниқлашни тақозо этади.

Шуни айтиш керакки, сабабий алоқадорлик ҳодисалар ўртасидаги умумий боғланишларнинг бошқа турлари (масалан, таркибий, функционал, генетик боғланишлар) каби ҳодисаларнинг табиатини белгилайди. Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни ўрганиш ҳодисаларнинг

моҳиятини тушуниш, турли жараёнларни олдиндан кўриш, янгиликлар яратиш имконини беради.

Сабабий алоқадорликни аниқлаш анча мураккаб иш, чунки у борлиқда юқорида қайд этиб ўтилган ҳодисалар ўртасидаги умумий алоқадорликнинг бошқа турлари билан биргаликда мавжуд. Уни илмий билишда «тоза» ҳолда ажратишга ҳаммавақт ҳам осонликча эришиб бўлмайди. Бунинг учун сабабий алоқадорликнинг табиатини, хусусиятларини яхши билиш керак.

Сабабият (каузаллик) икки ҳодиса ўргасидаги зарурий алоқа бўлиб, муайян шароитда улардан бири (сабаб-ҳодиса) иккincinnини (окибатни) келтириб чиқаради. Унинг мухим хусусиятлари қўйидагилар: 1) алоқанинг умумийлиги; 2) вақтдаги изчиллиги, бирин-кетинлиги; 3) алоқанинг зарурий тавсифи; 4) сабаб ва окибатнинг бир маъноли боғланишда бўлиши.

1. *Сабабий алоқаларнинг умумийлиги* деганда, оламда ҳеч бир ҳодисанинг сабабсиз мавжуд бўла олмаслиги тушунилади. У ҳар қандай ҳодисанинг ўз ҳолича, бошқа ҳодисалардан мустақил ҳолда вужудга кела олмаслигини, бошқа ҳодисалар билан бевосита ёки билvosита боғланиб кетганини, турли хил ҳодисалар таъсирида пайдо бўлиши, ўзгариши, йўқ бўлиши ҳамда ўз навбатида, бошқа ҳодисаларга таъсир ўтказишини билдиради. Борлиқдаги ҳар бир ҳодиса ўз сабабига эга бўлиб, уни эртами ёки кечми билиб олиш мумкин.

Турли хил алоқалар, мавжуд ҳолатлар орасида номаълум бўлиб қолаётган сабаб-ҳодисани топиш учун бошқа омиллар, хусусан, сабабий алоқада бўлган ҳодисаларнинг вақтдаги кетма-кетлиги, изчиллиги ҳисобга олиниши зарур.

2. *Сабабий алоқадорликда бўлган ҳодисаларнинг вақтдаги бирин-кетинлиги* деганда, сабаб-ҳодисанинг окибат (натижа) ҳодисадан доимо олдин келиши назарда тутилади. Сабаб-ҳодиса билан окибат-ҳодисанинг рўй бериши орасида турли муддат ўтиши мумкин. Баъзан окибат (натижа)–сабаб-ҳодисадан бир зумдан кейин пайдо бўлиши мумкин. Масалан, ўқнинг отилиши билан у теккан объектнинг заарланиши ўргасида ўтадиган вақт жуда қисқа, организмга тушган микроб билан у қўзғайдиган касалликнинг вужудга келиши ўргасида ўтадиган вақт узокроқ (бир қанча дақиқа, соат, кун) бўлади. Сабабий алоқадорлик ижтимоий ҳаётда (масалан, кишиларнинг ҳуқукий онги билан уни шакллантиришга йўналтирилган хатти-харакатлар), геологияда (масалан, маълум бир жараёнлар таъсирида тоғларнинг пайдо бўлиши) ва бошқа шу каби соҳаларда анча кўп вақт давомида амалга ошади.

Сабаб-ҳодиса оқибат-ҳодисадан аввал келадиган бўлгани учун у билишда доимо оқибатдан олдин келадиган ҳодисалар орасидан қидирилади. Бунда оқибат билан бир вактда ёки ундан кейин келадиган ҳодисалар истисно (элиминация) қилинади, яъни чиқариб ташланади.

Сабаб ва оқибатнинг вактдаги изчиллиги, биринкетинлиги ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқадорликни аниқлашнинг зарурий шарти, лекин ўз ҳолича кўзланган мақсадга эришиш учун етарли эмас. Олдинма-кетин келган ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам сабабий алоқадорликда бўлавермайди. Бу ҳолат хисобга олинмаса, «ундан кейин, демак, шу сабабга кўра», деб аталадиган хато (лотинча – post pos, ergo propter pos) рўй беради. Масалан, чақмоқ чақиш ҳодисаси момақалдиrokдан аввал келади. Аввал кишилар чақмоқ чақиши мамиқалдиrokнинг сабаби деб тушунганлар, ваҳоланки ҳақиқатда бундай эмас. Момақалдиrokнинг чақмоқдан кейин келишига сабаб товуш тезлигининг ёруғлик тезлигидан камроқ бўлишидир. Аслида эса улар бир вактда вужудга келади. Худди шу сингари, жиноят содир бўлишидан аввал у содир этилган жойда бўлган кишиларнинг ҳаммаси ҳам жиноятчи бўлавермайди.

3. Сабабий алоқадорликнинг оқибатнинг фақат уни вужудга келтирадиган сабабнинг мавжуд бўлганидагина пайдо бўлишини англатади. Сабаб-ҳодисанинг йўқлиги оқибат-ҳодисанинг ҳам юзага чиқмаслигини билдиради. Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни аниқлашда оқибатдан аввал келадиган ҳодисалардан оқибат-ҳодисани келтириб чиқармайдиганлари олиб ташланади, яъни элиминация қилинади.

4. Сабабиятнинг бир маъноли алоқадорлик эканлиги муайян сабабнинг ўзига мувофиқ келадиган муайян оқибатни келтириб чиқаришини ифода этади. Буни сабаб ва оқибат ўртасидаги алоқадорликдаги симметриянинг мавжудлиги, яъни сабаб-ҳодисанинг ўзгаришининг оқибат-ҳодисанинг ўзгаришига олиб келишини тасдиқлади. Сабабиятнинг бу хусусияти уни аниқлаш жараёнида фақат ўзаро биргаликда ўзгарувчи ҳодисаларни олиб қолиб, қолганларини чиқариб юборишга ундарди.

Сабабий алоқадорликнинг биз кўриб чиқсан хусусиятларини хисобга олиш уни аниқлашни осонлаштиради.

Сабабий алоқадорлик мураккаб структурага эга. Хусусан, сабаб-ҳодиса турли хил шароитларда турли оқибатларни келтириб чиқариши (масалан, ҳаво намлигининг юқорилиги турли хил касалликларнинг сабаби бўлиши) ёки аксинча, бир оқибат турли шароитларда ҳар хил

сабаблар таъсирида пайдо бўлиши (бадан ҳароратининг кўтарилиши тумовнинг, буйрак касаллигининг, ичак касаллигининг ва шу кабиларнинг оқибати бўлиши) мумкин.

Ана шунинг учун ҳам сабабий алоқадорликни аниклаш эмпирик тадқиқотлар натижаларини самарали таҳлил қилишга имкон берувчи принципларни қўллашни такозо этади. Улар сабабий алоқадорликда бўлган ҳодисаларни уларнинг борликдаги табиий мавжуд бўлиш шароитидан «ажратиб олиб», маҳсус билиш шароитларида ўрганишга имкон беради. Хусусан:

1.Оқибатдан аввал келган ҳодиса мураккаб таркибга эга, у a,b,c,d ва ҳоказо ҳолатлардан ташкил топган, деб хисобланади.

2.Мазкур ҳолатларнинг ҳар бири мустақил ҳолда мавжуд ва бошқалари билан ўзаро таъсирида бўлмайди, деб каралади.

3.Қайд этилган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг тугал тўплами, деб олинади.

Бу принциплар билан бир қаторда сабабий алоқадорликни аниклашнинг бошқа бир қанча методлари ҳам мавжуд. Улар мантиқда илмий индукция методлари, деб юритилади.

ИЛМИЙ ИНДУКЦИЯ МЕТОДЛАРИ

Ўхшашлик методи. Унда ўрганилаётган ҳодисанинг сабаби ҳақидаги хulosса шу ҳодисанинг бир қанча кузатилаётган ҳолларини солиштириш, уларнинг ўхшаш томонини аниклаш асосида ҳосил қилинади. Масалан, кимёвий таркиби, зичлиги, оғирлиги, катталиги турлича бўлган маятниклар узунлиги бир хил стерженларга – илгакларга илинтирилиб, харакатга келтирилганда, бир хил тебраниш даврига эга бўлган. Бунда ҳодисанинг вужудга келиши кузатилаётган барча ҳолларда ундан аввал келаётган ҳолатларнинг факат биттасигина такрорланади. Ана шунга таяниб, мазкур такрорланувчи ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг вужудга келишининг сабаби бўлса керак, деган тарзда эҳтимолий хulosса чиқарилади.

Ўхшашлик методи бўйича муҳокама юритиш шакли куйидаги кўринишга эга:

Ҳоллар	Ҳодиса вужудга келишдан аввал мавжуд бўлган ҳолатлар	Ҳодиса
1	ABC	d
2	ДЕВ	d
3	ВСД	d

Эҳтимол, В ҳолат d ҳодисанинг сабабидир.

Демак, ўхшашик методининг моҳиятини қуидагида ифодаласа бўлади:

Агар ҳодисанинг кузатилаётган ҳоллари учун фақат битта ҳолатгина умумий бўлса, ана шу ҳолат мазкур ҳодисанинг сабабидир.

Ўхшашик методининг амалга ошиш механизми қуидаги мантиқий амалларни ишлатишни ўз ичига олади.

Биринчидан, ўрганилаётган ҳодисанинг таҳминий сабаблари ҳакида маълумотлар тўпланади. Бизнинг шаклда бу А, В, С, Д, Е ҳолатлари d ҳодисасидан аввал келиб, унинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар сифатида олиб қаралган. Уни «А ёки В ёки С ёки Д ёки Е d ҳодисасини келтириб чиқаради» шаклидаги дизъюнктив ҳукм деб қабул килсак бўлади.

Иккинчидан, мавжуд ҳолатлар ичидан кузатилаётган ҳодиса билан зарурӣ равища боғланмаган, сабабий алоқадорликка хос белгиларга эга бўлмаган ҳолатлар чиқариб юборилади. Юқоридаги схемада d ҳодисаси биринчи ҳолда Д ва Е ҳолатлари, иккинчи ҳолда А ва С ҳолатлари, учинчи ҳолда А ва Е ҳолатлари бўлмагандан ҳам вужудга келяпти. Ана шунинг учун улар зарурӣ равища боғланмаган ва демак, унинг сабаби бўла олмайдиган ҳолатлар сифатида муҳокамадан чиқариб юборилиши керак. Уни, «А ҳам С ҳам Д ҳам Е ҳам d ҳодисасининг сабаби эмас», деган кўринишдаги инкор ҳукмдан иборат, деб олишимиз мумкин.

Бу амалдан кейин ҳодисанинг асл сабаби бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар доираси қисқаради.

Учинчидан, барча ҳоллар учун ўхашаш бўлган, ҳаммасида турғун равища тақрорланадиган ҳолат ажратиб олиниди. Бизнинг шаклда у В ҳолатидан иборат.

Айнан ана шу ҳолат кузатилган ҳолларда бошқа ўхашаш ҳолатлар бўлмагани учун, ҳодисанинг сабаби бўлса керак, деб тусмол килинади.

Юқорида содир этилган мантиқий амаллар натижалари ни тўплаб, тартибга солсак, юритилган муҳокаманинг умумий шакли айирувчи-қатъий силлогизмнинг тасдик-инкор (tollendo ponens) модуси шаклида эканлигини кўрамиз:

А ёки В ёки С ёки Д ёки Е d ҳодисасини келтириб чиқаради.

А ҳам С ҳам Д ҳам Е ҳам d ҳодисасининг сабаби эмас.

Эҳтимол, В ҳолат d ҳодисанинг сабабидир.

Бунинг символик ифодаси қуидагида бўлади:

$p \vee q \vee r \vee s \vee t, \neg p, \neg r, \neg s, \neg t$

Шуни айтиш керакки, ўхшашик методидан фойдаланиб, ҳосил қилинганди холосанинг асосланганлик даражаси кўп омилларга, хусусан, кузатиш ва эксперимент ўтказилаётган шароитларнинг хилма-хиллиги, кўриб чиқилаётган ҳолларнинг микдори ва шу кабиларга боғлиқ. Агар ўхшаш ҳолат кузатилаётган ҳоллар сони қанчалик кўп бўлса, у ҳолат турли хил шароитларда ҳар хил бошқа ҳолатлар билан турлича комплексларда олинса, унинг вужудга келаётган ҳодисанинг сабаби бўлиши эҳтимоли ортади.

Лекин шунга қарамасдан бу метод воситасида олинган холосанинг чинлиги эҳтимолий характерга эгалигича қолаверади. Тўлиқсиз индукция учун характерли бўлган тажрибанинг тутал бўла олмаслиги мана шунда намоён бўлади. Хусусан, ҳодисадан аввал келадиган ҳолатларнинг барчасини аниқлаш имконияти бўлмагани учун ҳодисанинг асл сабаби бўлган ҳолат ана шу номаълум ҳолатлар ичидаги қолиб кетган бўлиши мумкин. Ана шунинг учун ҳам бизнинг мисолимиздаги барча кузатилган ҳолларда такрорланувчи В ҳолати бошқа ҳолатлар билан бир комплексда келадиган ёки ҳодисанинг асл сабаби бўлган номаълум X ҳолатига эргашиб юрадиган ҳолат бўлиши мумкин.

Ўхшашик методини қўллаш натижасида олинган хулоса ҳодисадан аввал келадиган барча ҳолатлар аниқланганда, яъни сабаб бўлиши эҳтимол қилинган ҳолатлар ёпиқ тизимни ташкил этганда, шунингдек, бу ҳолатлар ўзаро бир-бирига таъсир ўтказмайди, деб олиб каралгандагина чин бўлиши ва аргументлаш жараёнида ишончли асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Шунга қарамасдан ўхшашик методи ҳодисанинг сабабини у ҳакда турли гипотезалар куриш орқали аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ундан илмий билишда жуда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Тафовут методи. Бу метод факат иккита ҳол-ҳодисанинг вужудга келган ва келмаган ҳолларини таққослаш асосида ҳодисанинг сабабини аниқлаш усули бўлиб, унда мавжуд ҳоллар бир-биридан факат битта ҳолат билан фарқ қилиади: бирида у йўқ, иккинчисида – бор ва факат ана шу ҳолат бор ҳолдагина ҳодиса юзага келади. Ана шунинг учун ҳам мазкур ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг сабаби бўлса керак, деб тахмин қилинади, яъни эҳтимолий хулоса ҳосил қилинади. Унинг шакли куйидагича:

Ҳоллар	Ҳодиса вужудга келишдан аввал мавжуд бўлган ҳолатлар	Ҳодиса
1	АСД	-
2	АВСД	d

Эҳтимол, В ҳолат d ҳодиса сабабидир.

Тафовут методидан билишнинг турли хил соҳаларида кенг фойдаланилади. Масалан, яхши ишлётган ва яхши ишламаёттан корхоналар солиштирилиб, корхонанинг яхши ишламаслиги сабаби аникланади. Медицинада эса иккита ҳайвонлар гурухи – эксперимент ўтказилаётган ва назорат қилувчи гурухлар киёс қилиниб, эксперимент ўтказилаётган гурухда синалган препаратнинг самарадорлик даражаси аникланиши мумкин. Бунда ҳар иккала гурух бир хил шароитда сақланиб (A, C, D), эксперимент давомида биттасига В ҳолати қўшилади. Бу эса аввалги ҳолда йўқ бўлган d ҳодисасининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Ана шунга асосланиб, «В ҳолати d ҳодисаси сабаби бўлиши мумкин», деган холосага келинади.

Демак, тафовут методига мувофиқ, ҳодиса вужудга келётган ва вужудга келмаётган ҳоллар улардан аввал келётган ҳолатларнинг биттасидагина фарқ қилиб, қолгандаридан ўхшаи бўлса, ана шу битта ҳолат кузатилаётган ҳодисанинг сабабидир.

Тафовут методининг амалга ошиш механизми куйидагича изчилликдадир.

Биринчидан, d ҳодисасининг сабаби бўлиши мумкин деб тахмин қилинадиган ҳолатлар аникланади. Бизнинг шаклда улар A, B, C, D лардан иборат бўлиб, дизъюнктив хукм кўринишида ифода қилинади:

«А ёки B ёки C ёки D ҳолати d ҳодисаси сабабидир».

Иккинчидан, мазкур дизъюнкция аъзоларидан етарли асос принципига мувофиқ келмайдиганлари чиқариб ташланади, яъни «A ҳам C ҳам D ҳам d сабаби эмас», деб хисобланади.

Учинчидан, ҳодисанинг сабаби бўлиши мумкин, деб тусмол қилинган ҳолатлар ичидан фақат биттаси олиб қолинади ва у ҳодисанинг ҳақиқий сабаби, деб хисобланади. Юқоридаги шаклда бу В ҳолатидир.

Демак, тафовут методи бўйича холоса чиқаришнинг мантикий механизми ҳам айирувчи – қатъий силлогизмнинг тасдик-инкор (tollendo ponens) модуси шаклида экан. Уни куйидагича ёзиш мумкин:

А ёки B ёки C ёки D d ҳодисасини келтириб чиқаради.

А ҳам C ҳам D ҳам d ҳодисасининг сабаби эмас.

Эҳтимол, В ҳолат d ҳодисасининг сабабидир.

Унинг символик ифодаси куйидагича:

$$\frac{p \vee q \vee r \vee s, \neg p, \neg r, \neg s}{q}$$

Тафовут методи асосида муҳокама юритиш фақат ҳодисадан аввал келадиган ҳолатлар тўплами ёпиқ тизимни ташкил этганда ҳамда уларнинг барчаси аникланганда чин хулоса беради. Эмпирик билиш боскичида буни амалга оширишнинг иложи йўқ. Лекин шунга қарамасдан, тафовут методи, мутахассислар фикрича, индуктив хулоса чиқаришнинг энг ишончли хулоsavий билим берадиган воситаси ҳисобланади ва шунинг учун ҳам илмий билишда унга кўп мурожаат қилинади.

Йўлдош ўзгаришлар методи. Бу метод ҳодисадан аввал келаётган ҳолатлардан бирининг ўзгариши, қолган ҳолатлар ўзгармасдан қолганда, ҳодисанинг ўзгаришига олиб келиши кузатиладиган шароитларда қўлланилади.

Ўхшащлик ва тафовут методлари ҳолатлардан бирортасининг такрорланиши ёки йўқ бўлишини қайд этишга асосланган бўлиб, улар сабабий алоқада бўлган ҳодисаларни нейтраллаштириш ёки бошқалари билан алмаштириш иложи бўлган шароитларда қўлланилиши мумкин эди. Йўлдош ўзгаришлар методидан бундай вазиятларда фойдаланиб бўлмайди. Масалан, тушунча мазмунининг ўзгариши унинг ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатишини ўрганишда тушунчанинг мазмунини нейтраллаштириб, яъни уни тушунча ҳажми билан бўлган боғланишидан «узиб» олиб бўлмайди. Худди шунингдек, атроф-муҳитнинг инсон организмига таъсирини тадқик этишда атроф-муҳитнинг таъсирини истисно қилиб бўлмайди, яъни тажрибадан чиқариб ташлаб бўлмайди. Бундай ҳолларда фақат йўлдош ўзгаришлар методидангина фойдаланиш мумкин. У аввал ва кейин келаётган ўзаро боғлик ҳодисалардаги йўлдош ўзгаришларни – бирининг ўзгариш интенсивлиги ва даражасининг иккинчи ҳодисадаги содир бўлаётган ўзгаришларга мувофиқлигини аниқлашга имконият яратади.

Йўлдош ўзгаришлар методига мувофиқ, *бир ҳолатнинг ўзгариши ҳодисанинг ўзгаришига ҳам олиб келса, шу ҳолат кузатилаётган ҳодиса ўзгаришининг сабабидир.*

Йўлдош ўзгаришлар методи ёрдамида жуда кўп қонунлар, шу жумладан, физикадаги газнинг ҳарорати билан унинг зичлиги, тортишиш кучи билан масофа, иқтисодиётдаги талаб ва таклиф ўртасидаги боғланишлар ва шу кабилар ўрганилади.

Ҳодисадан аввал келаётган ҳолатларни А, В, С лар билан, бу ҳолатларнинг ўзгариши даражасини 1,2,..., п билан, ҳодисани д билан белгиласак, йўлдош ўзгаришлар методида муҳокама жараёнининг қуидаги шакл бўйича амалга ошишини кўрамиз:

Холлар	Ходиса вужудга келишдан аввал мавжұд бўлган ҳолатлар	Ходиса
1	A _B C ¹	d ₁
2	A _B C ²	d ₂
....
n	A _B C ⁿ	d _n

Эҳтимол, С ҳолат d ҳодиса сабабидир.

Масалан, Күёшнинг дастлабки ҳолатдаги активлиги С'га тенг бўлганда, Ерда радиация даражасини d¹деб олсак, Күёш активлигининг С² даражасига кўтарилиши Ердаги радиация даражасининг ҳам d²гача кўтарилишига олиб келади.

Йўлдош ўзгаришлар методининг қўлланиши маълум бир шарт-шароитларга риоя қилишни тақозо этади.

Биринчидан, ўрганилаётган ҳодисанинг сабаби бўлиши мумкин деб эҳтимол қилинган ҳолатлар аникланиши керак. Бу ҳолатларни A, B, C лар деб ҳисобласак, «A ёки B ёки C ҳолат d ҳодисасини келтириб чиқаради», деган айирувчи хукм кўринишидаги фикр ҳосил бўлади.

Иккинчидан, юқоридаги ҳолатлар ичидан сабабий алоқадорликнинг бир маъноли бўлиши хусусиятига эга бўлиши, яъни конкрет ҳолатнинг ўзгариши ҳодисадаги конкрет ўзгаришга олиб келиши шартига мувофик келмайдиганлари чиқариб юборилиши (элиминация қилиниши) зарур. Юкоридаги шаклда A ва B ҳолатлари айнан шундай бўлиб, улар муҳокама жараёнидан чиқариб юборилиши керак.

Учинчидан, элиминациядан кейин колган ягона ҳолат ажратиб олиниб, унинг ўзгариши ҳодисанинг ўзгаришига сабабдир, деган холосага келинади. Бизнинг шаклда бундай ҳолат С бўлиб, унинг С¹дан Сⁿгача бўлган ўзгариш интенсивлиги ҳодисанинг d¹дан dⁿгача бўлган ўзгариши интенсивлиги билан биргаликда кечяпти.

Йўлдош ўзгаришлар тўғри ва тескари йўналишларга (пропорционалликка) эга бўлиши мумкин.

Тўғри йўналишдаги (пропорционалликдаги) боғланиш деганда, ҳодисадан аввал келадиган ҳолатнинг ўзгариш интенсивлигининг ортиши ҳодисанинг ўзгариши интенсивлигининг ортишига олиб келадиган алоқадорлик назарда тутилади. Масалан, Күёшдаги доғнинг катталашиши магнит бўронининг кучайишига олиб келади.

Тескари йўналишдаги (пропорционалликдаги) боғланиш деганда эса, ҳодисадан аввал келаётган ҳолатнинг интенсивлигининг ортиши ҳодисанинг ўзгариш интенсивлигининг камайи-

шига олиб келадиган алоқадорлик тушунилади. Масалан, тушунчанинг ҳажми кенгайтирилганда, унинг мазмуни тораяди.

Йўлдош ўзгаришлар методи бўйича индуктив хуоса чиқаришнинг мантикий шакли айирувчи – қатъий силлогизмнинг тасдик-инкор (*tollendo polens*) модуси кўринишida бўлади, яъни:

А ёки В ёки С ҳолат d ни келтириб чиқаради.

А ҳам В ҳам d нинг сабаби эмас.

Эҳтимол, С ҳолат d ҳодиса сабабидир.

Символик ифодаси:

$$\underline{p \vee q \vee r, \neg p, \neg q}$$

г

Йўлдош ўзгаришлар методи бўйича олинадиган хуосанинг чин бўлиши эҳтимолини, ишончлилик дарајасини орттириш учун бир қанча талабларга риоя этиш зарур. Хусусан, ҳодисанинг сабаби бўлиши мумкин, деб ҳисобланган ҳолатлар сони иложи борича кўпроқ бўлиши, улар ҳакида тўплантган билимларнинг аниқлиги етарли дарајада юкори бўлиши, ҳодисанинг ўзгариши билан ундан аввалги келаётган ҳолат ўртасидаги алоқадорлик доимий, зарурий ва бир маъноли бўлиши керак.

Йўлдош ўзгаришлар методи ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқадорлик билан бир қаторда, функционал боғланишларни, масалан, ҳодисаларнинг миқдорий кўрсаткичларининг ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ҳам имкон беради. Бунда ҳар бир ҳодисанинг сифати ўзгармайдиган оралиқда унинг учун хусусиятли бўлган ўзгаришлар интенсивлиги шкаласини ҳисобга олиш, яъни миқдорий ўзгаришларнинг берилган сифат ҳолати доирасидаги юкори ва куйи чегараларини назарда тутган ҳолда иш юритиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, чегаралар зонасида ва ундан ташқарида миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига ўтади. Масалан, овқат керагича ейилганда, организм учун фойдали бўлади. Нормадан озгина ошгани унчалик сезилмайди. Лекин жуда кўп овқат еб қўйилганда организмга зарар етади, ҳатто унинг ҳалок бўлишига олиб келади. Нормадан кам овқат ейиш ҳам организм учун заарли. Демак, овқат истеъмол килишнинг суткалик нормаси сакланиши, яъни ўзгаришлар интенсивлиги шкаласи ҳисобга олиниши зарур.

Йўлдош ўзгаришлар методи ҳодисаларнинг сабабий, функционал алоқаларини ўрганишда, юкорида кўрсатиб ўтилган шартларга амал қилганда, яхши самара беради.

Қолдиқлар методи. Бу метод татбик этиладиган объект мураккаб ҳодисадан иборат бўлиб, биттасидан бошқа қисмларининг сабаблари аниқ бўлганда, ана шу қолган қисмни вужудга келтирувчи сабабни топиш мақсадида кўлланилади. Унинг муҳокама юритиш жараёнида амал қилиш шакли қўйидагича:

Ҳоллар	Ҳодисадан аввал келиб, унинг айрим қисмларини вужудга келтирувчи ҳолатлар	Ҳодиса
1	ABC	x, y, z
2	A	x
3	B	y

Эҳтимол, С ҳолат з нинг сабабидир.

Қолдиқлар методини қўллаш натижасида гелий, рубидий каби кимёвий элементлар, Нептун планетаси топилган ва бошқа турли соҳага оид кўп ҳодисалар аникланган.

Бу методни қўллаганда муҳокама юритиш жараёнининг қандай кечишини Нептун планетасининг кашф этилиши мисолида кўриб чиқамиз. Уран планетасининг ҳаракатини кузатар эканлар, олимлар унинг ҳисоблаб чиқилгандан кўпроқ микдорда оғишган орбита бўйлаб ҳаракат қилишини қайд этганлар. Маълумки, планетанинг оғишиш микдорининг бир қисми унга шу пайтгача маълум бўлган планеталарнинг таъсир ўтказиши билан боғлик. Қолган қисмининг эса бошқа бир куч таъсирида бўлаётганини бу ерда тушуниб олиш кийин эмас. Олимлар, шу пайтгача номаълум планета мавжуд бўлиб, ана шунинг таъсирида Уран планетасининг оғишиш микдори кўпаяётган бўлса керак, деган тахминий фикр билдиришган. Орадан маълум бир вакт ўтгандан кейин Леверье ҳисоблаш йўли билан янги планетанинг – Нептуннинг жойлашишини айтиб беради. Ниҳоят И.Галле 1846 йили янги курилган телескоп ёрдамида уни осмон сферасидан топади.

Агар Уран планетасига таъсир этувчи планеталарни A, B, C лар, Уран планетасининг умумий оғишиш микдорини ташкил этувчи қисмларини a, b, c, d билан белгилаган ҳолда, оғишишнинг а микдорини – A планетаси, в микдорини – B планетаси, с микдорини – C планетаси таъсири билан боғласак, унда d микдори «Қандайдир номаълум X планетаси мавжуд бўлиб, ана шунинг таъсирида вужудга келса керак», деган холосани ҳосил қилувчи муҳокаманинг амалга ошаётганини кўрамиз.

Унинг формуласи қуйидагича бўлади:

A, B, C лар a, b, c, d ларни келтириб чиқаради.

А а ни келтириб чиқаради.
В в ни келтириб чиқаради.
С с ни келтириб чиқаради.
Эҳтимол, қандайдир X мавжуд бўлиб, у д ни келтириб чиқараётган бўлса керак.

Демак, қолдиклар методи моҳиятини шундай ифодалаш мумкин: *агар ўрганилаётган мураккаб ҳодисани ташкил этувчи ҳодисанинг* (ёки ҳодиса қисмининг) *битта ҳолатдан бошқа ҳолатлар билан алоқаси зарурий тавсифга эга бўлмаса, ана шу қолдиқ ҳолат мазкур ҳодисанинг* (ҳодиса қисмининг) *сабаби бўлиши мумкин.*

Илмий индукциянинг бошқа методлари сингари қолдиклар методи ҳам эҳтимолий билим олиш воситаси ҳисобланади. Чиқарилаётган хулосанинг чин бўлиш эҳтимоли, биринчидан, ҳодисадан аввал келиб, унга таъсир ўtkазаётган ҳолатлар ҳақидағи билимнинг қай даражада бўлиши, иккинчидан, ҳар бир ҳолат билан вужудга келаётган мураккаб ҳодиса ўртасидаги алоқадорлик зарурий тавсифга эга эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилиш, учинчидан, конкрет ҳар бир ҳолат билан у сабаби бўлиб ҳисобланадаётган ҳодиса қисми ўртасидаги алоқадорликнинг тасодифий эмаслигини аниклаш ва шу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ортади.

Шундай қилиб, сабабий алоқадорликни аниклашнинг биз кўриб чиқсан индуктив методлари ўз мантиқий таркибиغا кўра етарли даражадаги мураккаб муҳокама юритиш усуллари бўлиб, уларда индуктив умумлаштириш дедуктив хулоса чиқариш иштирокида амалга ошади. Хусусан, дедукция тасодифий ҳолатларни муҳокама жарайёнидан чиқариб ташлаш (элиминация қилиш) йўли билан (айирувчи-катъий силлогизмнинг tollendo ponens модуси асосида) индуктив умумлаштириш йўналишини белгилашга, унинг хулосасининг асосланганлик, ишончлилик даражасининг ортишига ҳизмат қиласди.

СТАТИСТИК УМУМЛАШТИРИШ

У тўликсиз индукциянинг алоҳида бир тури бўлиб, илмий индукция сингари, хулоса чиқаришда элиминация қилиш усулига, яъни кераксиз ҳолатларни муҳокамадан чиқариб ташлаш йўли билан керакли ҳолатларни ажратиб олишга асосланади. У оммавий тусга эга, кенг кўламда содир бўлади-

ган ҳодисаларни ўрганишда қўлланилади. Масалан, у икти-
содий ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш, туғилиш ва
ўлиш ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва
шу каби ҳолларда муваффакиятли қўлланилади.

Оммавий тусдаги ҳодисаларни ўрганиш тасодифий бел-
гилар, уларнинг мавжуд ҳодисаларда тақорланиши, қўла-
мини аниқлашга ёрдам беради ва шу тариқа сабабий
алоқаларни ўрнатишни осонлаштиради.

Статистик умумлаштириш кўпроқ оммавий тусдаги ҳоди-
саларнинг микдорига тегишли маълумотларни тўплаш ва
таҳлил қилиш, умумлаштириш билан боғлик. Бундай мик-
дорий маълумотлар ҳодисалар тараққиётининг нисбатан
тургун тенденцияларини ўзида ифода қиласми ҳолда, улар-
нинг тараққиёт йўналишларини белгилашга, стратегик ва
тактик аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишини ташкил
килишга ёрдам беради. Масалан, у ахолига хизмат кўрса-
тиш, турии хил касаллукларнинг тарқалиши, қонунбузар-
лик каби ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида профи-
лактика ишларини амалга оширишга имкон беради.

Оммавий тусдаги ҳодисалар ҳақида уларни ёппасига
караб чиқиши йўли билан эмас, балки айримларини танлаб
олиб ўрганиш асосида, уларга хос бўлган тургун белгилар,
алоқалар, қонуниятларни мантиқан бутун синфга кўчириш
орқали хулосалар ҳосил қилинади. Хулоса чиқариш бунда
статистик умумлаштириш тарзида содир бўлади.

Статистик умумлаштириш – тўлиқсиз индуksия бўйича
хулоса чиқаришдан иборат бўлиб, унда асосларда ўрга-
нилаётган ҳодисалар гурӯҳида — намунада муайян белги-
нинг частотаси ҳақидаги микдорий ахборот хулосада шу
жинсдаги ҳодисаларнинг бутун синфига кўчирилади.

Статистик умумлаштиришда асосда қайд этилган мик-
дорий маълумот ўз ичига куйидагиларни олади: 1) оммавий
тусдаги ҳодисаларнинг ўрганилаётган гурӯҳи (намуна)ни
ташкил этувчи ҳолларнинг умумий сони; 2) тадқиқотчини
қизиктираётган белгининг тақорланаётган ҳоллари сони;
3) шу белгининг пайдо бўлиш частотаси.

Статистик умумлаштиришнинг амалга ошиш шаклини қуриш
учун қуйидаги шартли белгилардан фойдаланамиз: S – тадқиқ
етилаётган ҳодисалар гурӯҳи ёки намуна; P – тадқиқотчини
қизиктираётган белги; n – кузатилаётган ҳолларнинг (намуна
элементларининг) умумий сони; m -р белгиси хос бўлган
ҳодисалар (ҳоллар) сони; $f(p)$ – р белгисининг частотаси; K –
популяция, яъни оммавий тусдаги ҳодисаларнинг бутун синфи
(белги частотаси ёйиладиган ҳодисалар синфи).

S – намунада р белгисининг пайдо бўлиши частотаси

$\frac{m}{n}$ га тенг. Уни $f(p) = \frac{m}{n}$ кўринишда ёзиш мумкин. Масалан, автомобиль аварияларининг 100 тадан 17 тасини ҳайдовчининг масти ҳолатда автомобилни бошқариши келтириб чиқаради, деб фараз қилайлик. Унда масти ҳолда ҳайдовчининг автомобилни бошқариши натижасида содир бўлган авария частотаси 17/100ни, яъни 17% ни ташкил этади.

Умумий ҳолда ҳодисаларни статистик тасвирлашда р белгининг пайдо бўлиш частотаси Одан 1гача бўлган интервалдаги қийматни ташкил этади.

$$0 < f(p) < 1$$

Бунинг сабаби шундаки, статистик намунада (s) р белгининг пайдо бўлган ҳоллари сони (m) кузатилаётган элементлар умумий сонидан (n) доимо кичик бўлади. Бунда,

$p>m$ бўлгани ҳамда $f(p)$ қиймати $\frac{m}{n}$ га тенг бўлгани учун

у доимо 1 дан кичик, 0 дан катта бўлади. $f(p) = 0$ ифодаси р белгисининг кузатилаётган ҳодисалардан бирортасига ҳам хос эмаслигини англаради. Ундан индуктив умумлаштириш асосида р белгиси бутун К синфига хос эмас, деган умумий инкор ҳукм шаклидаги хуроса чиқарилади. $f(p) = 1$ ифодаси эса р белгисининг кузатилаётган ҳодисаларнинг ҳар бирига, яъни намунага хос умумий хусусият эканлигини билдиради. Уни умумлаштириш асосида, яъни р белгисини S дан – намунадан K га – бутун синфага кўчириш (генерализация қилиш) асосида, «р К синфининг ҳар бир ҳодисасига хосдир», деган умумий тасдиқ ҳукм ҳосил қилинади.

Юқорида таҳлил қилинган ҳоллардан келиб чиқиб, статистик умумлаштиришнинг умумий шаклини қуйидагича ифодаласа бўлади:

$$\begin{array}{c} K > S \\ S \subset K \end{array}$$

S f(p) га эга

K f(p) га эга

Бу ифода р белгисининг кузатилаётган ҳодисалар синфи – Sda f частотаси билан такрорланишини билдиради. Бу ерда S – намуна K популяциянинг (предметлар бутун синфининг) ичига кирувчи кичик синф бўлиб, у доимо K дан кичик бўлади. Бундан келиб чиқадиган холоса шуки, р белгиси K популяциясида f частотаси билан учрайди.

Статистик умумлаштириш тўлиқсиз индукциянинг бир тури бўлгани учун унинг холосаси эҳтимолий тавсифга эга билим бўлади.

Холосанинг чин бўлиши эҳтимолининг қай даражадалиги ўрганилган намунанинг популяцияга нисбатан қандай микдорда бўлишига ҳамда репрезентативлигига, яъни популяцияни сифат жиҳатидан қандай гавдалантира олишига боғлик. Агар намунанинг хилма-хиллиги популяциянинг хилма-хиллигига қанча кўп мувофиқ келса, репрезентативлик шунча юқори даражада бўлади ва демак, холосанинг чин бўлиши эҳтимоли ортади. Бошқача айтганда, намунани ташкил этувчи элементлар популяциянинг (бутун синфининг) турли-туман соҳаларининг вакиллари бўлса, унинг барча томонлари, хусусиятларини қамраб олса, холосанинг чин фикрдан иборат бўлиш эҳтимоли ортади.

Демак, ўрганилаётган намунанинг статистик тасвири аниқ бўлиши ва белги частотасининг популяцияга кўчирилиши мантиқан асосланган бўлиши холосанинг чин фикрга яқин бўлишига, ундан билиш ва амалиётда самарали фойдаланишга имконият яратади.

Индуктив холоса чиқаришни таҳлил этишга якун ясар эканмиз, унинг дедукция билан бўлган алоқасини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Бу алоқадорлик худди анализ ва синтез ўргасидаги алоқадорлик каби зарурий тавсифга эга.

Фалсафа ва демак, мантиқ илми тараққиёти давомида айрим мутафаккирлар билишда дедукциянинг ролига юқори баҳо бериб, уни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратган бўлса (масалан, Аристотель, Декарт), бошқалари индукциянинг имкониятларини юқори деб ҳисоблаганлар (Демокрит,

Сократ, Бэкон, Ж.С.Миль), баъзилари эса уларни ўзаро боғлиқ ҳолда олиб қарашга уринган (Галилей, Гегель). Бунинг ўз сабаби бор. Индукция ва дедукция билишнинг турли босқичларида, турли хил билиш вазифаларини ҳал этишда турлича аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, билишнинг дастлабки босқичларида, айниқса, тажриба натижаларини умумлаштириш жараёнида индукцияга кўпроқ мурожаат қилинади. Ана шунинг учун Ф.Бэкон Янги даврда табиатшуносликнинг экспериментга асосланадиган йўналишлари ривожи учун индукция муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлаган. Билишнинг назарий босқичида, айниқса, аксиоматика кўлланиладиган ҳолларда, дедукцияга кўпроқ мурожаат қилинади. Математика ва мантиқда бундай ҳоллар кўп учрайди. Ўз пайтида Декарт буни яхши асослаган.

Лекин, шунга қарамасдан, билишнинг барча босқичлари, соҳалари, йўналишларида индуктив ва дедуктив хулоса чиқаришнинг ўзаро алоқадорлигини, бирининг иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигини кузатиш мумкин. Хусусан, дедуктив хулоса чиқаришнинг асосларини индуктив йўл билан ҳосил қилинган умумий билимлар ташкил этади. Ўз навбатида, индукция хулоасининг чинлиги дедукция ёрдамида текширилади.

Индукция ва дедукциянинг объектив асосини борликдаги яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг ўзаро алоқаси, уларнинг бирини иккинчиси орқали намоён бўлиши ташкил этади. Дедукцияда фикримиз умумийликдан жузъийлик ва яккаликка, индукцияда – яккалик ва жузъийликдан умумийликка қараб ҳаракатланади. Буни барча мутафаккирлар яхши тушунишган. Ана шунинг учун ҳам Аристотель дедукция назариясининг (силлогистик назариянинг) асосчиси сифатида индукциянинг билишдаги тутган ўрнини инкор этмаган. Худди шунингдек, Ф.Бэкон, Ж.С.Миль индуктив методнинг жиддий тадқиқотчилари сифатида билишда дедукциянинг ўз ўрнига эга эканлигини таъкидлашган.

Индукция ва дедукциянинг ўзаро алоқадорлигини биз илмий индукция методларининг кўлланилиши жараёнида кузатдик. Худди шундай, уни исботлаш ва рад этишда, илмий назарияларни куришда ва шу кабиларда ҳам кўришимиз мумкин.

АНАЛОГИЯ

Аналогия (грек. – мослик, ўхшашлик) бавосита хulosса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хulosса чиқаришда фикр умумийликдан жузъийликка қараб, индукцияда жузъийликдан умумийликка қараб ҳаракатланса, аналогияда бир жузъий ҳолатдан бошқа жузъий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшаш хоссаларига асосланиб хulosса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли туманлик билан бир қаторда, объектив ўхшашлик ҳам мавжуддир. Улар инсон онгидаги ўз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли соҳаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшаш бўлса, улар акс эттирган воқеликдаги турли нарса ва ҳодисалар ҳам маълум маънода ўхшаш бўлади.

Аналогия бўйича хulosса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, таркибларидаги ўхшашликларга асосланади. Масалан, сайёрапар, давлатлар, ижтимоий тузумлар мөҳиятида ўхшашлик бор. Билишда мухим ва номухим хоссалар ўхшашлиги асосида аналогия бўйича хulosса чиқарилади.

Аналогия воситасида бир предметдан (моделдан) бошқа предметга (прототипга) ахборот ўтказилади. Хulosса асослари модельга, хulosса прототипга таалукли бўлади. Масалан, қадимги грекларнинг «Дедал ва Икар» афсонасида айтилишича, ота ва бола қулиқдан озод бўлиш учун ўзларига қанот ясашади ва учеб кетишади. Бунда хulosса чиқариш қуйидаги кўринишида бўлади:

Куш тирик мавжудот, унинг қаноти бор, у учади.

Инсон ҳам тирик мавжудот, унинг қаноти йўқ, у учмайди.

Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, у, эҳтимол, учади.

Аналогия бўйича хulosса чиқариш бошқа хulosса чиқарилар каби асослардан, хulosсадан ва асослар ҳамда хulosса ўртасидаги мантикий алоқадан иборатдир. Унинг хulosаси эҳтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қиласи. Аниқ асослардан баъзан аниқ, баъзан эҳтимолий хulosса чиқади.

Аналогия ўзининг объектив асосига эга. Булар предметлар, уларнинг хоссалари ўртасидаги алоқалар ва муносабатлардир.

ХУСУСИЯТЛАР ВА МУНОСАБАТЛАР АНАЛОГИЯСИ

Моделдан прототипга ўтказилаётган ахборотнинг табиатига кўра аналогиянинг икки тури фарқланади: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида икки якка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўхшаш белгиларига кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳакида хulosа чиқарилади. Масалан, Ер ва Күёш қатор муҳим хоссаларига кўра ўхшашидир, яъни улар бир сайёralар тизимиға кирувчи осмон жисмларидир, иккиси ҳам характератда, кимёвий таркиби ҳам ўхшаш. Ана шу ўхшашликларга асосланиб олимлар Күёшда топилган янги элемент – гелий Ерда ҳам бўлса керак, деган хulosага келганлар. Аналогия йўли билан чиқарилган бу хulosанинг чинлиги кўп ўтмай тасдиқланди – Ерда ҳам гелий элементи топилди.

Бу мисолда икки предметнинг ўхшашлигига асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам борлиги ҳакида хulosа чиқарилди. Ўхшатилаётган предметларни А ва В ҳарфлари билан, белгиларни a, b, с ҳарфлари билан ифода килсак, хусусиятлар аналогиясини куйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

А предмет a, b, с, d белгиларга эга.

В предмет a, b, с белгиларга эга.

Эҳтимол, В предмет d белгига эгадир.

Бу аналогия бўйича хulosа чиқаришнинг типик шаклидир. Унда бир предмет ҳақидаги билим шунга ўхшаш бошқа предмет ҳақидаги билимдан хulosа шаклида келтириб чиқарилади.

Муносабатлар аналогиясида икки якка предмет ёки бир турдаги икки предметлар синфи ўртасидаги муносабатларнинг ўхшашлигига асосланилади. Икки турдаги (a R b) ва ($m R_1 n$) муносабатларни таққосласак, а т га, b п га ўхшаш эмас, лекин улар ўртасидаги R-R₁ муносабатларнинг ўхшашлиги бизга хulosа чиқариш имконини беради. Масалан, И.Кеплер планеталар ҳаракатининг қонунини очганда, самовий жисмларнинг ўзаро тортишиш кучини инсонлар ўртасидаги муҳаббатга таққослайди, шу асосда астрономияга тортишиш кучи тушунчасини киритади. Муносабатлар аналогиясининг формуласи куйидагича:

$$F \vdash \frac{a R b}{m R_1 n}$$

Муносабатлар аналогиясида икки предметлар ўхшашлиги ҳақида эмас, икки предмет ўртасидаги муносабатни ўрганиш асосида бошқа икки предмет ўртасидаги муносабат ҳақида хulosса чиқарилади.

Аналогияни турларга ажратганда хulosанинг аниклик даражасига ҳам эътибор берилади. Шу жиҳатдан аналогияни катый (аниқ), катый бўлмаган, ноаниқ ва хато аналогияга ажратамиз. Катый аналогиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, кўчирилаётган ва ўхшатилаётган белгилар ўртасидаги алоқа зарурий бўлади. Аниқ фанларда, моделлаштиришда фикр катый аналогия шаклида юритилади.

Аналогия моделлаштириш методининг мантикий асосини ташкил этади. Моделлаштиришда (конкрет ёки абстракт) объектлар моделларда, яъни шартли образлар, шакллар, объектнинг кичрайтирилган нусхаларида тадқиқ этилади.

Маълум сабабларга кўра текширилаётган объектни табиий шароитларда ўрганиш қийин бўлганда ёки мумкин бўлмаганда моделлаштиришдан фойдаланилади. Бу ўз навбатида билиш жараёнини енгиллаштиради.

Моделларни уч турга бўлиш мумкин:

1. Табиий моделлар – ўрганилаётган объект билан бир турда бўлади ва ундан факат ўлчамлари, жараёнларининг тезлиги ва байзи ҳолларда ясалган материали билан фарқ қиласи.

2. Математик моделлар – прототип (асл нусха)дан жисмоний тузилиши билан фарқ қиласи, лекин прототип билан бир хил математик тасвирга эга бўлади.

3. Мантикий математик моделлар – белгилардан иборат бўлиб, абстракт модель ҳисобланади ва тафаккур жараёнини ўрганишда кўлланилади.

Моделларнинг бу турларидан алоҳида-алоҳида ва биргаликда фойдаланилади.

Сўнгти вакъларда моделлаштириш кўпинча компьютер воситасида амалга оширилмоқда. Масалан, янги автомобилнинг модели компьютерда ясалиб, унинг ўлчамлари, турли афзаликлари математик моделлаштириш воситасида аниқланади.

Катый бўлмаган аналогияда ўхшашиб бўлган ва кўчирилаётган белги ўртасидаги зарурий алоқа эҳтимоллик даражасига эга бўлади. Ижтимоий, тарихий воеаларни ўрганишда ва аник, табиий фанларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилганда фикр юритиш катый бўлмаган аналогия тарзида бўлади. Масалан, немис олими Шпенглернинг таъкидлашича, жамият ҳам тирик организмлар каби тўртта ривожланиш босқичини босиб ўтади. Булар: пайдо бўлиш, ривожланиш, етуклик даври ва емирилиш даври.

Агар ёлғон ҳукмни 0 билан, чин ҳукмни 1 билан, хуло-саннинг эҳтимоллик даражасини $P(a)$ билан белгиласак, қатъий аналогияда $P(a)=1$; қатъий бўлмаган аналогияда $1>P(a)>0$ бўлади.

Аналогия бўйича чиқариладиган хулосанинг аниқлик даражасини ошириш учун, яъни хулосанинг чин бўлиш эҳтимолини ошириш учун маълум шартларга риоя қилиш зарур. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Таққосланәётган предметларнинг имкони борича кўпроқ ўхшаш белгилари аниқланиши лозим. Шунда хулосанинг чинлик даражаси, чин хулоса чиқариш имкони ортади.

2. Таққосланәётган предметларнинг ўхшаш белгилари предметлар учун муҳим белгилар бўлиши керак. Шунда хулоса чин фикрга яқинлашади.

3. Таққосланәётган предметларнинг кўчирилаётган белгиси билан бошқа белгилари зарурий алоқада бўлиши керак. Шунда хулосанинг ишонарли, аниқ бўлиш шартлари бажарилган бўлади.

4. Таққосланәётган предметларнинг кўчирилаётган белгиси билан ўхшаш белгилари бир турда бўлиши керак.

5. Таққосланәётган предметларнинг фарқ қилувчи белгиларининг микдори кам бўлиши ва бу белгилар зарурий, муҳим бўлмаслиги шарт. Агар предметлар муҳим, зарурий белгилари билан бир-биридан фарқ қилса, аналогиянинг хулосаси хато бўлади.

Юқоридаги қоидаларнинг бузилиши ёлғон аналогияга, яъни хато хулоса чиқишига сабаб бўлади. Ёлғон аналогияда хулосанинг чин бўлиш эҳтимоли 0 га teng: $P(a)=0$. Билиш жараёнида билиб ёки билмасдан ёлғон аналогияга йўл қўйилади. Туrlи хил иримларга ишониш (масалан, туз тўкилса, жанжал бўлади ва ҳоказо) ёлғон аналогияга якъол мисол бўлади.

Бадиий адабиётдан, халқ оғзаки ижодидан аналогиянинг барча турларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан: «Йигит сўзидан, йўлбарс изидан қайтмас» мақоли.

Аналогия, одатда, бошқа хулоса чиқариш турлари каби билиш методи сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Билиш жараёни, одатда, объектив реалликдаги предмет ва ҳодисаларнинг ташки ва ички хоссаларини таққослаш, уларнинг узвий алоқасини аниқлашдан бошланади. Аналогияда таққослаш асосида ўхшаш, умумий хусусиятлар аниқланади, предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги билимлар чукурлаштирилади ва конкретлаштирилади. Табиий ва ижтимоий фанларда аналогия туrlи ҳодисалар ҳакида ҳар хил фаразларни, яъни гипотезаларни хосил қилиш ва баён этиш усули сифатида хизмат қилади.

Маълумки, жуда кўп қонун-қоидалар дастлаб гипотеза шаклида баён қилинган бўлиб, унда хулоса чиқариш аналогия

тарзидаги амалга оширилган. Икки предмет ва ҳодисани такқослаш, уларнинг ўхшаш томонларини аниқлаш янги билимлар ҳосил қилиш имконини беради. Аналогиядан инсон билимини кенгайтириш воситаси сифатида кенг фойдаланилади.

Унинг хулосалари аник, эҳтимолдан холи бўлганда, исботлаш жараёнида ишлатилади.

Машклар

1.Куйидаги хулоса чикаришлар таркибидаги асосларни, хулосаларни ҳамда хулоса чикариш турини аниқланг:

1.1.«Миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, муруват, андиша, ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар ва ҳалқимизни кўп жиҳатдан ажратиб турган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллик хусусиятлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин.

Демак, миллий мафкура концепциясини яратишда бу масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим» (И.Каримов).

1.2.Донишманд баққолнинг дўконига ўхшайди: борини индамайгина кўрсатади - қўяди; нодон эса лашкар ногорасининг ўзи: овози баланду ичи бўм-бўш ва гарип (Саъдий).

1.3.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг баъзилари Ўзбекистон Қаҳрамонларидир, негаки Эркин Воҳидов Ўзбекистон Қаҳрамони ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

2.Куйидаги ҳукмларни айлантириш орқали бевосита хулоса чикаринг:

2.1.Фалсафа – фикрда қамраб олинган давр (Гегель).

2.2.Баъзи талабалар грант бўйича таълим олишади.

2.3.Ҳеч бир тажриба тугал бўлолмайди.

2.4.Баъзи дарахтлар мевали эмас.

3.Куйидаги ҳукмларни алмаштириш орқали бевосита хулоса чикаринг:

3.1.Мантиқ – фалсафий фан.

3.2.Ёлғонлиги азалдан мътум гапни ҳақиқат дейишдан ҳам ортиқ ҳаёсизлик йўқ (Кобус).

3.3.Айрим кишилар мақтанишни яхши кўради.

4.Предикатга қарама-карши қўйиш орқали бевосита хулоса чикаринг:

4.1.Кексайтан одам ёшлик ўтида ёнолмайди (Ибн Сино).

4.2.Баъзи ноорганик бирикмалар сувда эрийди.

4.3.Ватанга мұхабbat ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади (И.Каримов).

5.Мантикий квадрат ёрдамида қуйидаги ҳукмларга қарама-карши, жузъий қарама-карши, зид ва бўйсунувчи ҳукмларни ҳосил қилинг, уларнинг чин-хатолигини аниқланг:

5.1.Ҳар бир тушунча сўз ёрдамида ифода қилинади.

5.2.Гурухимиздаги ҳеч бир талаба ялқов эмас.

5.3.Моддий предметлар массага эга.

6.Куйида келтирилган мисолларда силлогизмнинг тўғри ёки нотўғри курилганинги аникланг:

6.1.Баъзи китоблар ўқув кўлланмалардир.

Баъзи босма нашрлар китоблардир.

Баъзи босма нашрлар ўқув кўлланмалардир.

6.2.Ўзбекистон Ўрта Осиёда жойлашган.

Ўзбекистон – давлат.

Баъзи давлатлар Ўрта Осиёда жойлашган.

6.3. Конун – фуқаролар риоя этиши зарур норматив ҳужжат.

Йўрикнома – конун эмас.

Йўрикнома фуқаролар риоя этиши зарур бўлган норматив ҳужжат эмас.

7.Куйидаги энтилемалардан тўла силлогизмни тикланг:

7.1.М. айбланувчи, демак, у ўзини химоя килиш ҳукукига эга.

7.2.Айбланувчи ўзини химоя килиш ҳукукига эга, М. эса – айбланувчи.

7.3.Айбланувчи ўзини химоя килиш ҳукукига эга, демак, М.ўзини химоя килиш ҳукукига эга.

8.Куйидаги холоса чикаришларнинг турларини ва модусларини аникланг:

8.1.Эрталаб кўп шудринг тушса, ҳаво яхши бўлади.

Эрталаб кўп шудринг тушди.

Демак, ҳаво яхши бўлади.

8.2.Тушунчалар ё якка, ё умумий бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси» – якка тушунча.

Демак, у умумий тушунча эмас.

9.Куйидаги дилемманинг турини аникланг:

Агар ҳукмда ифодаланган фикр предметта мувофиқ келса, у чин бўлади.

Агар ҳукмда ифодаланган фикр предметта мувофиқ келмаса, у хато бўлади.

Ҳукмда ифодаланган фикр предметта ё мувофиқ келади, ё мувофиқ келмайди.

Демак, ҳукмда ифода килинган фикр ё чин, ё хато бўлади.

10.Куйидагиларда сабабий алоқадорлик илмий индукциянинг қайси методи бўйича аникланганинги кўрсатинг:

10.1.Моддий манфаатдорлик йўқ бўлган пайдада корхонада ишлаб чикариш технологиясини такомиллаштиришга кизиқиши йўқ эди. Моддий манфаатдорлик яратилгач, корхонада ишлаб чикариш технологиясини такомиллаштиришга кизиқиши ҳам пайдо бўлди. Бундан корхонада ишлаб чикариш технологиясини такомиллаштиришга қизиқишнинг пайдо бўлишига сабаб моддий манфаатдорликнинг яратилишидир, деган холосага келинди.

10.2.Пахта даласида гўзага бериладиган минерал ўғитнинг микдори ортиб бориши билан пахта хосилдорлиги ҳам орта борди. Бундан пахта хосилдорлигининг ортиб боришига сабаб гўзага бериладиган минерал ўғит миклорининг ортиб боришидир, деган холосага ҳосил қилинди.

11.Куйидаги ифодаларнинг қайсилари мулҳозалар мантиғи формулалари эканлигини аникланг. Формула эмасларида қандай камчиликлар борлигини кўрсатинг:

11.1. $\neg p$

11.2. $(p \vee q) \wedge (r \rightarrow s)$

11.3. $\neg(\neg p \vee q)$

11.4. $p \rightarrow q \vee r$

11.5. $(\neg p \vee q)$

11.6. $(p \vee \neg q)$

12. Күйидаги мұлоқазаларни асосланғ:

12.1. Агар $p \vee q$ үзілсе, унда $\neg q$ формуласы ҳам чиндер.

12.2. Агар $(p \wedge q) \rightarrow r$ үзілсе, унда $\neg q$ формуласы ҳам чиндер.

13. Күйидагиларнинг қайси бирининг айнан чин, қайсисининг айнан хато ва қайсисининг бажарилувчи формулалар эканини күрсатынг ҳамда уларни НХЧС воситалари ёрдамида изохланғ:

13.1. $P \rightarrow P$

13.2. $(P \wedge q \rightarrow P)$

13.3. $P \wedge (q \vee r) \rightarrow (P \wedge q) \vee (P \vee r)$

13.4. $(P \rightarrow q \wedge r) \rightarrow (P \vee r \rightarrow q)$

13.5. $((P \rightarrow \neg q) \rightarrow \neg P)$

Такрорлаш үчүн саволлар

1. Хулоса чиқариш нима?
2. Хулоса чиқаришнинг таркиби қандай?
3. Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?
4. Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
5. Бевосита хулоса чиқариш қандай шаклларда амалга ошади?
6. Оддий қатый силлогизмнинг таркиби қандай?
7. Силлогизм фигуралари ва модулари қандай ҳосил бўлади?
8. Энтилема нима?
9. Мураккаб силлогизмлар нима?
10. Мулоқазалар мантиғи деганда нимани тушунасиз?
11. Натурал хулоса чиқариш тизими қандай яратилади?
12. Индукция ва тажриба ўзаро қандай алоқада?
13. Тўлиқ ва тўликсиз индукцияларнинг бир-бираидан фарки нимада?
14. Илмий индукция нима?
15. Сабабий алоқадорликни аниклашынг қандай индуктив методлари мавжуд?
16. Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
17. Аналогия ва модельлаштириш ўзаро қандай алоқада?

АРГУМЕНТЛАШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

Батанимиз – Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, барқарор, мустаҳкам бўлиши маълум бир даражада ёшларнинг онгли, билимли, комил инсон бўлишларига боғлик. Бу ҳақда Президентимиз И. А. Каримов шундай деб таъкидлаган: «Комил инсон дегандা биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат бўла оладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамларни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани акл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, холосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади»¹.

Чуқур таҳлилга, мантиқка асосланмаган бир ёклама фикр одамларни чалғитади. Фақат баҳс-мунозара, таҳлилга асосланган тўғри холосаларгина ҳақиқатни билишга йўл очади.

Баҳс, мунозара юритишнинг, чин фикрларни исботлай билишнинг, хато фикрларни рад этишининг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Бу қоидаларни билиш ҳар бир инсонга, шу жумладан, талабаларга чин фикрни хато фикрдан ажратса билиш, тўғри тафраккурлаш маданиятини шакллантириш имконини беради.

АРГУМЕНТЛАШ (ДАЛИЛЛАШ) ВА ИШОНЧ-ЭЪТИҚОДНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Мантиқ илмида исботлаш ва далиллаш тушунчалари ўзаро фарқланади. Далиллаш деб, бирор фикр, мулоҳазани ёки мулоҳазалар тизимини воқеликка бевосита мурожаат қилиш йўли билан (кузатиш, тажриба-эксперимент ва ҳоказо асосида) ёки чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар ёрдамида асослаб беришга айтилади. Далиллаш бевосита ёки воситали бўлади. Бевосита далиллаш хиссий билиш, яъни кўриш, тажриба-эксперимент орқали амалга оширилади. Воситали далиллаш эса чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазаларга асосланади ва холоса чиқариш кўринишида намоён бўлади. Далиллашнинг биринчи усули эмпирик, иккинчи усули назарий билимларга асосланади. Назарий ва эмпирик

¹ И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулоқот», 1998, №5, 3-б.

билимларнинг чегараси нисбий бўлганлиги каби, далиллашнинг юкоридаги икки усулга ажратилиши ҳам нисбийдир.

Далиллашнинг хусусий кўриниши мантикий исботлашдир. Мантикий исботлаш деб, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини чинлиги аввалдан тасдиқланган бошқа мулоҳазалар орқали асослашга айтилади. Исботлашдан мақсад бирор фикрнинг чинлигини аниқлаш бўлса, далиллашдан мақсад ҳам фикрнинг чинлигини аниқлаш, ҳам унинг аҳамиятини ва муайян фаолият учун кўллаш мумкинлигини кўрсатишдир. Исботлаш жараёнида кўлтаниладиган чин мулоҳазалар (асослар) берилган фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун хизмат қилса, далиллаш, бундан ташқари, далиланаётган фикрнинг бошқа шу каби фикрлардан афзалроқ эканлигини асослаш учун ҳам хизмат қилади. Далиллаш учун келтирилган аргументлар (асослар) исботлаш учун келтирилган аргументларга нисбатан ранг-баранг бўлади. Далиллаш шакллари билан исботлаш шакллари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Исботлаш хуроса чиқариш кўринишида амалга ошади. Далиллаш кўпроқ сухбат (диалог) кўринишида бўлиб, унинг иштирокчиларидан ҳар бири ўз фикрининг чинлигини исботлашга, ракибининг фикрини рад этишга ва тингловчиларнинг ўзини ҳам фикр қилишга, ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Далиллаш жараёнида реципиентларга (лот. – қабул қилувчи) тингловчиларга бирор фикрнинг тўғри ёки хатолиги асослаб берилади ва уларда шу фикрга нисбатан ишонч туйфуси шакллантирилади. Далиловчи шахснинг сўз санъатини қай даражада эгалаганилиги, яъни нотиклик маҳорати тингловчиларда ишонч-эътиқоднинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч-эътиқодни шакллантириади. Билищнинг мақсади илмий асосга эга бўлган эътиқодни яратишдан иборат. Далиллаш ва исботлаш ишонч-эътиқодни шакллантириш воситасидир.

Ишонч-эътиқод бу кишиларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган карашлари ва тасаввурларицир.

ИСБОТЛАШ ВА УНИНГ ТАРКИБИ. ИСБОТЛАШ ТУРЛАРИ

Кишиларнинг амалий фаолиятдаги муваффақиятлари улар кўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликни қанчалик тўғри акс эттиришига боғлик. Хато фикрлар предметларнинг реал

алоқалари ва муносабатларини бузиб күрсатади, билишда күп чалкашларларга олиб келади. Шунинг учун ҳам билиш жараёнида ҳар бир фикрни тұғри қуришга эришиш, унинг чинлигини далиллар билан күрсата олиш, хато фикрларни эса рад қила билиш муҳим ақамиятга зә.

Фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ҳодисанинг (фактнинг) ўзи билан солишириш мүмкін. Лекин күп ҳолларда билиш жараёнида натижаларнинг чинлиги уларни илгари вужудға келгандар билан боғлаш орқали аникланади. Буни амалга оширишнинг мантикий усули исботлаштырылады.

Исботлаш бир ҳукмнинг чинлигини у билан боғланған бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантикий амалдир. Унинг таркиби уч элементдан ташкил топган: тезис, аргументлар (асослар), исботлаш усули – демонстрация.

Тезис – чинлиги асосланиши лозим бўлган ҳукм, у исботлашнинг марказий фигураси ҳисобланади; бутун дикқат-эътибор унинг чинлигини күрсатишга қаратилади. Тезис бир мулоҳазанинг ўзидан, ёки мулоҳазалар тизимидан, ёки теоремалардан, ёки аниқ фактларни умумлаштириш натижаларидан, ёки ҳодисаларнинг сабабини күрсатувчи мулоҳазалардан ва шу кабилардан иборат бўлади.

Аргументлар – тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган ҳукмлар. Аргументлар бўлиб фактларни кайд килувчи ҳукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар ҳамда бошқа эмпирик ва назарий умумлашмалар хизмат қиласиди. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боғланған ва тезиснинг моҳиятига алоқадор бўлиши лозим.

Таърифлар ҳам чин ҳукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мүмкін. Масалан, «Ҳаракат – бу ҳар қандай ўзгаришдан иборат», деган таъриф чин ҳукмидир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган, исботлашни талаб қылмайдиган фикрлардир. Инсон тажрибасида кўп марталаб такрорланғанлыги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланған бўлади, уларни ҳеч иккисинен да аргумент қилиб олиш мүмкін.

Исботлаш усули – демонстрация тезис билан аргументлар ўргасидаги мантикий алоқадан иборат. У холоса чиқариш шаклида бўлади, яъни тезис аргументлардан холоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг икки тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўғридан-тўғри аргументлар билан асосланади, унда тезисга зид бўлган ҳукмлардан фойдаланилмайди. Тезис кўп ҳолларда якка ҳодисани ифода қилиб келади ва маълум

бир умумий билимдан, масалан, қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади. Масалан, «Ўзбекистон – мустақил давлатдир», деган ҳукм (тезис)нинг чинлиги «Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши» каби асослар ёрдамида исботланади.

Бавосита исботлашда эса тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукмнинг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитетис қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апагогик исботлашда тезис (а) ва антитетис (а) ўртасидаги муносабатга асосланилади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган ҳукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм олинади.

Апагогик исботлашда антитетис топилиб (1-босқич), вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2-босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3-босқич) ва демак, тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган ҳукм чин бўлса, «Моддий предметлар структурасиз мавжуд», деган фикр (антитетисдан келиб чиқсан натижажа) ҳам чин бўлади. Бизга маълумки, моддий предметлар таркибсиз (уни ташкил килувчи элементлар ва уларнинг ўзаро алоқасисиз) мавжуд эмас. Демак, «Материя ҳаракатсиз мавжуд», деган фикр хато, шу тариқа «Материя ҳаракатсиз мавжуд эмас», деган фикрнинг чинлиги асосланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи ҳукмнинг (кучли дизъюнкциянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларининг (антитетиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, “Жиноятни ё А, ё В, ё С шахслар содир этган”, деган фикр текширилиб, «Жиноятни В шахс ҳам, С шахс ҳам содир этмаган”лиги аникланади ва шу тариқа «Жиноятни А шахс содир қилган», деган ҳукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи – қатъий силлогизмнинг инкор этиб, тасдиқловчи модуси бўйича **курилган**:

$$\frac{a \vee b \vee c; \quad b \wedge c}{a}$$

Бунда барча мүқобил варианtlар тўлиқ олингандагина хулоса чин бўлади, яъни тезис исботланади.

Раддия – исботни бузишга қаратилган мантикий амалdir.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад этиш айни пайтда унга зид бўлган фикрнинг хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Раддия ҳам исботлаш каби тезис (рад килиниши лозим бўлган ҳукм), аргументлар (тезисни рад килувчи ҳукмлар) ва демонстрациядан (рад этиш усули) дан ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани муҳокама қилиш, яъни баҳс, мунозара жараёнида учрайди. Баҳс қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суруб, уни химоя килса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Ҳал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган баҳслар полемика ҳисобланиб, унда қарама-карши тезислар асосланибина колмай, балки танқидий анализ ҳам қилинади.

Раддия уч хил усул билан амалга оширилади:

- 1) тезисни рад этиш;
- 2) аргументларни рад этиш;
- 3) демонстрацияни рад этиш.

I. Тезисни рад этиши.

Тезисни рад этишнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

1. Фактлар орқали рад этиш. Бу энг ишончли ва самарали усулдир. Бунда бўлиб ўтган воқеаларга, статистик маълумотларга асосланиб тезис рад этилади. Масалан, «Совет даврида Ўзбекистон тўлақонли мустақил республика бўлган», деган тезисни рад этиш, яъни унинг нотўғри эканлигини исботлаш учун тарихий фактларга асосланамиз. Ўша даврда республика раҳбарияти бирорта муҳим масалани Москванинг руҳсатисиз ҳал қила олмаганлигига далиллар келтириб, тезисни рад этамиз.

2. Тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг хатолигини (ёки зиддиятли эканлигини) кўрсатиш орқали рад этиш. Бунда тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг чин эмаслиги асослаб берилади. Бу усул «бемаънилилкка олиб келиш», деб аталади. Рад этилаётган тезис вақтинча чин деб тан олинади, ундан келиб чиқадиган натижалар аниқланиб, бу натижаларнинг ҳақиқатга зид, нотўғри эканлиги исботланади. Чин асосдан хато натижа келиб чиқмайди, акс ҳолда бу bemayniliкк бўлади. «Бемаънилилкка олиб келиш» усулининг формуласи қўйидагича:

$$(a \rightarrow b) \rightarrow ((a \rightarrow b) \rightarrow a)$$

3. Тезисни антитезисни исботлаш орқали рад этиш. Рад этилаётган тезисга зид бўлган янги тезис (антитезис) олинади ва исботланади. Учинчиси истисно қонунига мувофик, антитетиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Масалан, Президентимиз И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли мақолосида «Амир Темур буюк саркарда бўлган ва ёвузликлар қылган», деган тезисни шундай рад этади: «Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни курган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Куръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Конхўр одам «Куч – адолатда», дейиши мумкинми?»¹

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур ҳомийлигида, унинг кўрсатмасига биноан яратилган боғлар, курилган иморатлар унинг бунёдкор шахс эканлигини яққол исботлайди.

II. Аргументларни рад этиши.

Тезисни исботлаш учун оппонент томонидан келтирилган аргументлар танқид килиниб, уларнинг хатолиги ёки тезисни исботлаш учун етарли эмаслиги аникланади.

Аргументларнинг хатолиги тезиснинг ҳам хато эканлигини исботламайди, бунда тезис чин бўлиши ҳам мумкин:

$$\frac{p \rightarrow q, \ p}{\neg q}$$

Аргументларни рад этиш орқали тезиснинг исботланмаганлиги асослаб берилади.

III. Исботлаш усулини танқид қилиш орқали рад этиши.

Рад этишнинг бу усулида исботлашда йўл қўйилган хатолар аникланади. Бунда рад этилаётган тезис чинлигининг унинг асослаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаслиги асослаб берилади. Исботлаш усулида йўл қўйилган хато аникланганда тезис рад этилмайди, уни қайта исботлаш талаб қилинади.

Рад этишнинг юкорида кўрсатилган усувлари кўпинча биргаликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

¹ И.А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. “Мулокот”, 1998, №5, 8-б.

ИСБОТЛАШ ВА РАД ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ, УЛАРНИ БУЗГАНДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАНТИҚИЙ ХАТОЛАР

Тезисга алоқадор қоидалар:

1. Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад этиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш беҳуда иш ҳисобланади.

2. Тезис исботлаш ёки рад этишнинг бошидан охиригача ўзгартирилмаслиги керак. Бу қоида бузилса, «тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

Аргументларга нисбатан қоидалар:

1. Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин ҳукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

2. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак.

3. Аргументлар тезисдан мустақил ҳолда чинлиги исботланган ҳукмлар бўлиши лозим.

Исботлаш усулининг қоидаси:

1. Тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган ҳулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад этишда ҳулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш зарур.

Исботлаш ва рад этиш қоидаларининг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади. Бу хатоликлар уч турга бўлинади:

I. Исботланаётган тезисга алоқадор хатоликлар:

1. Тезисни алмаштириш. Тезис исботлаш ёки рад этиш давомида ўзгармаслиги шарт, деган қоиданинг бузилиши тезиснинг алмаштирилишига сабаб бўлади. Тезис атайлаб ёки билмасдан бошқа тезис билан алмаштирилади ва бунда янги тезис исботланади ёки рад этилади. Тезис мазмунининг торайтирилиши ёки кенгайтирилиши ҳам баҳс жараённида тезиснинг ўзаришига олиб келади. Масалан, республикализ тараққиёти учун миллий мафкура, миллий ғоянинг аҳамияти тўғрисидаги тезисни исботлаш давомида умуман жамиятга мафкура керакми ёки йўқми, деган масалани исбот этишга ҳаракат қилинса, унда тезиснинг мазмунни кенгайиб кетади ва тезис алмашинади.

2. Инсоннинг шахсий сифатини баҳона қилиб тезисни алмаштириш. Баҳс жараённида мавзудан четга чиқиб, оппонентнинг шахсий, ижтимоий ҳаёти, яхши фазилатлари ёки камчиликлари хусусида фикр юритиб, шу асосда тезисни исботланган ёки рад этилган, деб таъкидлаш тезиснинг алмашинишига сабаб бўлади. Бундай хатога атайлаб йўл кўйилади. Тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали исботланмаган тезиснинг чин деб қабул қилинишига уриниш ҳам тезисни алмаштириш ҳисобланади.

3. Ортиқча ёки кам исботлашга уриниш натижасида тезиснинг алмашиниши. Фикр ортиқча исботланса, берилган тезис ўрнига ундан кучлироқ тезисни исботлашга ҳаракат қилинади. Агар А ҳодисадан В келиб чиқса, лекин В ҳодисадан А келиб чиқмаса, унда А ҳодисани ифодаловчи тезис В ҳодисани ифодаловчи тезисдан кучлироқ бўлади. Масалан, «А шахс биринчи бўлиб жанжални бошламаган» деган тезис (В) ўрнига, «А шахс умуман жанжал бўлган ерда йўқ эди» деган тезисни (А) исботлашга ҳаракат қилинади. Иккинчи тезисни исботлаб бўлмайди, чунки А шахснинг жанжалда қатнашганлигини кўрган гувоҳлар бор.

II. Аргумент (асос)ларга тааллукли хатолар:

1. Асосларнинг хатолиги. Тезис исботланганда ёки рад этилганда хато аргументларга чин деб асосланиш натижасида атайлаб ёки билмасдан мантикий хатога йўл қўйилади. Масалан, Кадимги грек файласуфи Фалес ўз таълимотини хамма нарса сувдан пайдо бўлган, деган фикрга асосланиб яраттан.

2. Асосларни аввалдан тахминлаш шаклидаги хато. Тезис исботланмаган аргументларга асосланса, бундай аргументлар тезиснинг чинлигини исботламайди, балки тезиснинг чинлиги тахминланади, холос.

3. «Айланма исбот этиш» деб номланувчи хато. Тезиснинг чинлиги аргументлар орқали, аргументларнинг чинлиги тезис орқали исботланса мантикий хатога йўл қўйилади. Масалан, «Сўзнинг кудрати фикр билан ўлчанади», деган тезисни «Фикрнинг кудрати сўз билан ўлчанади», деб исботласак, юкорида айтилган хатога йўл қўйилади.

III. Исботлаш усули (демонстрация) билан боғлиқ хатолар:

1. «Ёлғон (сохта) исботлаш». Агар тезис уни исботлаш учун келтирилган аргументлардан бевосита келиб чиқмаса, мантикий хатога йўл қўйилади. Бунда тезисга алоқадор бўлмаган аргументларга асосланилади. Масалан, «А шахс ёмон одам», деган тезис «Тунда ёмон одамларгина кўчада юради», «А шахс кўчада тунда юрибди» деган аргументлар билан асосланса, фикр юзаки (сохта) исботланган бўлади.

2. Шартланган фикрдан шартланмаган фикрга ўтиш. Муайян вакт, муносабат доирасида чин бўлган (шартланган) фикрни, доимий, ўзгармас чин фикр деб кабул килиш натижасида мантикий хатога йўл қўйилади.

3. Хулоса чиқариш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган хатолар:

а) дедуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Бу ҳакда дедуктив хулоса чиқариш мавзусида батафсил маълумот берилган;

б) индуктив хулоса чиқаришда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Булар «шошиб умумлаштириш» ва «ун-

дан кейин, демак, шунинг учун», деб аталувчи хатоликлардир. Масалан, бир-икки талабанинг дарсга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишини умумлаштириб, «ҳамма талабалар масъулиятсиз», деб таъкидлаш хатодир;

в) аналогияда учраши мумкин бўлган мантикий хатолар. Булар «ёлғон аналогия» билан боғлиқ хатолардир. Унда тасодифий белги зарурй деб олиниши, факат биргина ўхшаш белгига асосланиши ёки мутлақо таққослаб бўлмайдиган ҳодисалар ўзаро таққосланиши натижасида фикрда чалкашликлар юзага келади.

Мантикий хатолар тафаккур қонунларини бузиш, хулоса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик натижасида юзага келади. Мантиқ тарихида исботлаш жараённида атайлаб (касдан) хатога йўл қўювчилар – софистлар деб, уларнинг таълимоти эса софизм (грек. – айёрлик) деб аталади. Фикр юритиш жараённида билмасдан мантикий хатога йўл қўйилса, паралогизм дейилади. Чинлигини ҳам, хатолигини ҳам бирдай исботлаш мумкин бўлган фикрлар эса парадокс деб аталади.

Бахс юритиш санъати (эртика) ўзига хос қонун-қоидаларга амал қилишни талаб этади.

Буларга асосан қўйидагилар киради:

- заруриятсиз баҳслашмаслик;
- мавзусиз баҳс юритмаслик ва баҳс давомида мавзудан четга чиқмаслик ёки мавзуни ўзгартирмаслик;
- баҳс мавзуси юзасидан ўзаро зид ёки қарама-карши фикрлар бўлмаса, баҳсни тўхтатиш;
- мавзуни яхши биладиган, ақлли одамлар билангина баҳслашиш;
- баҳс юритища мантикий қонун-қоидаларга амал қилиш, ўзининг ва мухолифининг фикрларидан хулоса чиқара олиш, мантикий зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш, асослар тўғри бўлса, исботлашнинг ҳам тўғрилигини эътироф этиш ва ҳ.к.;
- бир баҳс доирасида баҳслашиш усуулларини араплаштириб юбормаслик.

Аргументлашнинг мантикий асосларини билиш ва баҳс юритиш қоидаларига амал қилиш тафаккур маданиятини юкори даражага кўтариш имконини беради.

Машқлар

1. Куйидаги муҳокамаларни аргументлашнинг таркиби ва турлари нуктаи назаридан таҳлил қилинг:

1.1. Жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аник-равшан белгилаб олмасдан туриб миллатимизнинг асрий анъана ва урф-

одатларини, ўзлитимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган миллий мафкуруни шакллантириш мумкин эмас (И.Каримов).

1.2. Сокин кабинетларда туғиладиган бир мафкуруни ўз-ўзидан ҳаётта, унинг барча катламларига сингиб кетади, деб ўйлаш хом ҳаёлдан бошка нарса эмас.

Миллий истиклол мафкураси ҳалқимизга хос бўлган энг муқаддас туйғу ва тушунчаларнинг мужассам ифодаси бўлиши керак.

Мисол учун, Ватан туйғусини олайлик. Ватанга муҳаббат хисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсан юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади (И.Каримов).

1.3.Хали гелиоцентризм шарпаси йўқ замонда ал-Фарғоний, Ер энг кичик юлшудан ҳам кичикдир, деган фикр билан майдонга чиқди ва унга асос килиб. Ер радиуси Осмон радиусидан жуда озлигини айтди. (Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар /Академик М.М.Хайруллаев таҳрири остида – Т.: “Ўзбекистон”, 1995, 34-бет).

2.Куидаги мисолларнинг қайси бирининг бевосита исботлашга, қайсисининг билвосита исботлашга оид эканлигини аникланг:

2.1. Барча кишилар ўз табиатига кўра билим олишга интилади. Бунинг исботи куидагича: одамлар хиссий қабуллаш хусусиятига эга; хиссиятларнинг фойдаси бўлиш-бўлмаслигидан қатъ назар, уларни ва айниқса, ҳаммадан кўпроқ кўриш сезгисини қадрлашади; чунки кўришни, айтиш мумкинки, бошка сезгилардан афзалрок деб биламиз; бу хатти-ҳаракат содир килиш учун зарур бўлгандагина эмас, балки ҳеч нарса киммоқчи эмас пайтимида ҳам шундайдир. Бунинг сабаби шундаки, кўриш бошка сезгиларимизга қараганда кўпроқ билишимизга туртки беради ва буюмлардаги кўп тафовутларни аниклади (Аристотель. Сочинения в 4-х т. Т.1, М., 1976, с.65).

2.2. Аварияга учраган самолётнинг сабабини ўрганиш жараённида илгари сурилган версиялар таҳлил килиниб, бир қанчасининг хато эканлиги маълум бўлгач, иккита версия қолди: 1) самолёт техник жиҳатдан носоз; 2) экипаж хатога йўл кўйган. Кейинги текширишлар давомида самолётнинг техник жиҳатдан соъ эканлиги тасдиқланди. Шу асосда, самолётнинг аварияга учрашига сабаб экіпажнинг хатога йўл кўйганлигидир, деган хulosага келинди.

2.3.Силлогизмнинг 2-фигурасида асослардан бири инкор ҳукм бўлиши керак. Бу қоиданинг чинлиги куидагича исботланади: ҳар иккала асосни ҳам тасдик ҳукм деб фараз килайлик. У ҳолда асосларда предикат ўрнини эгаллаб турган ўрта термин иккаласида ҳам тўлиқсиз ҳажмда бўлиб қолиши мумкин. Бу эса силлогизм умумий қоидаларидан бирига, яъни ўрта термин ҳеч бўлмагандан бир асосда тўла ҳажмда бўлиши зарур, деган қоидага зид. Демак, силлогизм 2-фигураси асосларидан бири, албатта, инкор ҳукм бўлиши керак, чунки факат инкор ҳукмлардагина предикат доимо тўла ҳажмда бўлади.

3. Куидаги мисолларда баён қилинган радицияларнинг таркиби ва турларини аникланг:

3.1.«Одам бўйининг кичикилиги сабабли Ернинг шарлиги сезилмайди, деган сўз тўғри эмас. Чунки одам бўйи баланд тоғ қадар бўлса ҳам бир жойда туриб,

ер устига караса-ю, жойдан жойга күчиб, ердаги бор турли ҳолатларни бир-бирига солишириб карай олмаса, ундау узун бўй ернинг шарлигини билишга ҳам, унинг четарасини аниқлашга ҳам фойда келтирмайди» (Абу Райхон Беруний асарларидан олинган ўйлар ва хикматлар. Азиз Қаюмов. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. Т., 1987, 233-бет).

3.2. Демокритнинг, атомлар сифатта эга эмас ва уларга эга бўла олмайди, деган фикрининг рад этилиши: «Иссиклик қаёдан пайдо бўлган ва у атомларга қандай ўтган: ахир атомлар дастлаб иссиликка эга бўлмаган ва бир-бiri билан ўзаро тўкнашиб тургандা ҳам иссиликни келтириб чиқармаган. Ҳақиқатан ҳам улар аввал-бошданоқ иссиқ бўлганларида сифатта эга бўлур эди; агар иссиликка эга бўлиб колгандай бўлса, бу уларнинг ўз табиятига кўра бирорта куч таъсири остида бўлиши мумкинligини билдиради. Лекин сиз ўзингиз, атомларга, улар бўлинмас бўлганлиги учун ҳар иккала хусусият хос эмас, деб айтапсиз». (Свидетельство Глутарха. Фрагмент 216 // Лурье С.Я. Демокрит. Тексты. Перевод. Исследования. Л., 1970, с.256-257).

3.3. «Коммунистик жамият ва давлат тоталитарликка даъво қилади. Бу асосий хатодир. Фақат илохий оламгина тоталитар бўлиши мумкин, инсон олами доимо жузъийдир. Коммунизм гоясида инсон олами илохий оламга айланниб колган» (Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. М., 1990, с.125).

4. Куйидаги исботлаш ва рад этиш ҳолларида қандай хатоларга йўл қўйилганлигини кўрсатинг:

4.1. Тафаккур табиятдан фарқли ўлароқ объектив қонуниятлар асосида ривожланмайди, чунки у турли хил ҳоҳиш-иродага эга ва шундан келиб чиқиб фаолият юритадиган инсонга хос хусусиятдир.

4.2. Бу киши, шубҳасиз, ичувчидир: бурнига қаранг, кип-қизил.

4.3. XVI асрда Лувен университети профессори Фруадмон Коперникка қарши чиқади. «Ер, унинг фикрича, планета бўла олмайди, Куёш атрофида айланиши мумкин эмас, чунки Ернинг марказида дўзах жойлашган бўлиб, у осмондан иложи борича узокрокда туриши керак. Демак, Ер самовий фазо марказида бўлиши керак» (Кумпан Ф.История числа А. М., 1971, с.37).

4.4. «Ангисфеннинг таъкидлашича, соглом фикр юрита олиш даражасига етган киши, бошқалар изидан бориб, тўғри йўлдан чиқиб кетмаслиги учун мавжуд сўз бойлигини ўрганиши керак эмас» (Диоген Лаэртский. О жизни учениях и изречениях знаменитых философов. М., 1986, с.246).

4.5. Ўзи одамларни узок вақт тарбиялаш шакли бўлар экан, давлат, сўзсиз, ёшлар тарбияси тўғрисида қайгуради. Чунки мазкур тарбия воситасида келажакда унга таянч бўла оладиган кишилар шаклтанади (К.Ясперс. Смысл и назначение истории. М., 1991, с.354).

5. Куйидаги софизмларни мантикий таҳлил килинг:

5.1. Бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди. Тушиб бораётганингизда дарёдаги сув ўзгаради, демак, дарё ўзгаради, яъни у аввали дарё бўлмай колади.

5.2. Ўтирган киши ўрнидан турди. У энди турган киши бўлиб колди. Демак, ўтириш ҳам, туриш ҳам – бир нарса.

5.3. Чавандоз отдан тушиши мумкин эмас. Чунки отдан тушган киши чавандоз бўлмай колади. Демак, отдан тушган киши чавандоз эмас, балки пиёдадир.

5.4. Мен кимнингдир портретини кўрдим. Унда кимнингдир гилдиракни кашф кылганлиги тасвирланган. Демак, мен гилдирак ихтирочисининг портретини кўрдим.

6. Куйидаги мантикий парадоксларни таҳлил килинг:

6.1. «Алдоқчи» парадокси. Алдоқчи, «ҳозир мен билдирадиган мулоҳаза хато», деса, бир вактда у ҳам алдаётган, ҳам ростини гапираётган бўлади. Ҳакикатан ҳам, у ростини гапираётган бўлса, билдирилган мулоҳаза хато бўлади; агар алдаётган бўлса, билдирилаётган мулоҳазанинг ҳатолиги ҳакидаги фикр хато бўлади, яъни у мулоҳаза чин бўлади.

Эслатиб ўтамиз: қадимда «алдоқчи» парадокси фикрнинг икки хил маънога эга бўлишига мисол сифатида олиб қарабланган. Ўрта асрларда эса «ҳал қилиб бўлмайдиган гаглар» категорига кўшилган. Ҳозирги пайтда у «мантикий парадоксларнинг шоҳи» деб саналади. Мазкур парадоксни ечишнинг ўнлаб варианлари таклиф килинган, лекин ҳозиргача унинг негизида қандай муаммолар яшириниб ётганлиги сир бўлиб қолмоқда.

6.2. Эрамизгача V асрда яшаб, ижод килган таникли мутафаккир-софист Протогор Еватл исмли шогирдига ҳуқук асосларини ўргатади. Улар ўртасида куйидагича келишув бўлган: Еватл устозига унинг сабоб берганлиги учун ҳакни биринчи суд жараёнини ютиб чиккан ҳолдагина тўлайди. Лекин ўкишини тутгатгандан кейин Еватл суд жараёнларида қатнашгани йўқ. Бу ҳол узок вакт давом этгач, устознинг токати ток бўлиб, ўз шогирдини судга беради. Бунда у: агар ютиб чиксан, меҳнат ҳакимни суд карори бўйича оламан; агар шогирдим ютса, унда ўзаро келишувимизга мувоғик Еватл ўзининг биринчи ютиб чиккан суд жараёни бўлгани учун тўлашга мажбур, деб ўйлади.

Ўта қобилиятли бўлган Еватл устозига куйидагича жавоб беради: ҳакикатан ҳам мен суд жараёнини ё ютаман, ё ютказаман. Агар ютсан, суд карори мени тўловдан озод қиласди; агар ютказсан, ўзаро келишувимизга биноан тўламайман.

Ишнинг бундай тус олганлигидан боши котиб, Протагор ўзининг Еватл билан бўлган баҳсига «Тўловга оид кийинчилик» асарини багишлади ва унда мазкур муаммонинг маҳсус тадқиқ килинишга лойиқ эканлигини алоҳида таъкидлайди. (Мисоллар «А.А.Ивин. Искусство правильно мыслить. М., 1990»дан олинган. 193 – 196-бетлар).

7. Куйидаги муҳокамаларда мантикий парадоксларнинг бор-йўклигини аникланг. Агар парадокс мавжуд, деб хисобласангиз, унинг келиб чикиш сабабини топишга ҳаракат килинг.

7.1. Қадимги грек файласуфи Сократ, «Мен ҳеч нарсани билмас эканлигимни билман», деб айтган. Бу фикрда ички зиддият йўқми? Ахир «ҳеч нарсани билмас эканлиги»ни англаш ҳам билишдан иборат эмасми?

7.2. «Исботлашнинг йўқ эканлиги исботланди», деган мулоҳазада ички зиддият борга ўхшайди: бир томондан унда исботлашнинг йўқ эканлиги таъкидланади, иккинчи томондан эса, бу фикрнинг исботланганлиги маълум килинади ва бу билан исботлашнинг мавжудлиги тан олинади.

Қадимги дунёнинг таникли скептикларидан бири Секст Эмпирик унинг куйидагича ечимини таклиф қиласди: «Бундан бошқа исботнинг мавжуд эмаслиги

исботланган». Бу ечим тўғрими? Ахир унда битта исботнинг борлиги айтилган?!
Факат бир марта қўлпаниши мумкин бўлган исботни қандай тасавур килиш мумкин?
(Мисоллар А.А.Ивлийнинг юкорида кўрсатилган китобидан олинди. 200–201-бетлар).

8. Куйидаги баҳсни мантикий таҳлил килинг. «Махмуд Фазнавий
Хоразмни эгаллаган (1017) йил. Беруний ва унинг ҳамкасби олим Абдусамад
Аввални подшоҳ ўз хузурига даъват килаётганини хабар қилдилар.

Подшоҳ Махмуд Фазнавий Берунийнинг саломига жавобан бир бош
ирғитган бўлди-да, Абдусамадни сўрок қилиша давом этди:

– Мусулмон динининг ашаддий душманлари кофир карматийларни
мақтаб, уларнинг худо йўлига зид, шариатга хилоф эътиқодини тарғиб этувчи
китобни сен ёзганимисен?

– Мен, тақсир. Аммо карматийларнинг эътиқоди бу китобда тарғиб
этилган эмас, фақат баён этилган, – деб жавоб қилди Абдусамад. Унинг
овозида паришонлик ва хавотир сезилиб турар эди.

– Исломга ихтилофли эътиқодни баён этмоқ, уни тарғиб этмоқ демакдир.

– Подшоҳ ҳазратлари, илмларни ўрганмок ҳар бир мусулмон ва мусулмон
аёлнинг вазифасидир, деганлар Расулиллоҳ, – одоб ва ёввошлиқ билан жавоб
қилди Абдусамад. – Ўзга эътиқодларни ўрганмок ва таҳлил этмоқ шариатга
хилоф бўлмас, бу иш илм учун даркордир.

– Катл этилсин бу кофир! – деб буюрди шоҳ.

Подшоҳ Берунийга юзланди ва ундан сўради:

– Карматийлар тўғрисидаги китобга сизнинг ҳам алоқанғиз бўлғанми?

– Бўлған, подшоҳим. Мен бу китобнинг муаллифларидан биримен.

– Кофир карматийларнинг ислом динига душманликдан иборат
эътиқодин не важдан тарғиб этадурсиз?

– Ҳар бир ҳалқ ва жамоа ўз эътиқодига эга бўлиш ҳуқукига молик. Олимнинг
вазифаси уларни чуқур ўрганмок, ҳақиқат кай бирига кўпроқ оид эканини аникла-
мокдир. Бу вазифанинг ижроси билан эътиқод тарғиби орасида фарқ каттадир.

– Сизнинг бундай қажбаҳслигингиз бошингиз кесилишига боис бўлур,
буни англаб етасизми?

– Такдир бизга шундай кисматни насиб этган бўлса, унга ризо бўлмай
не чорамиз бор.

Вазир турган жойида яна бир бор сесканиб тушди». (Азиз Қаюмов.
Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. Т., 1987, 53–54 - бетлар).

Такрорлаш учун саволлар

1. Аргументлаш нима?
2. Ишонч-эътиқод қандай ҳосил бўлади?
3. Исботлаш қандай таркибга эга?
4. Исботлашнинг қандай усуслари мавжуд?
5. Рад этиш исботлаш билан қандай алоқада?
6. Рад этишнинг қандай усусларини биласиз?
7. Исботлаш ва рад этиш қоидаларини бузганда қандай мантикий хатолар
вужудга келади?
8. Паралогизм, софизм ва мантикий парадоксларнинг моҳияти нимада?
9. Баҳс нима? Баҳс, мунозара юритишнинг қандай умумий қоидалари бор?

МУАММО. ГИПОТЕЗА. НАЗАРИЯ

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ ТУШУНЧАСИ

Билишнинг мақсади қайд қилинган ҳодисаларнинг мөхиятини тушунтиришдан иборат. Буни ҳаммавақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёнида маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўргасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилишда, фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Мана шундай вазият, масалан, табиатшуносликда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида радиоактивлик ҳодисасининг қайд қилиниши, электроннинг кашф этилиши, нурланишнинг квант хусусиятга эгалигининг асосланиши ва шу каби кашифиётлар натижасида вужудга келган. Унинг мөхиятини табиатшуносликнинг, биринчи навбатда, физиканинг мавжуд қонунлари ва принципларининг янги қайд қилинган ҳодисаларни тушунтириш учун етарли эмаслигига, деб билмок зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва кўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлик бўлган вазифаларни ҳал қилиш зарурияти янги вазиятни яратади.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурларнинг ўзининг етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Мана шундан келиб чиқиб, **муаммоли вазият** билиш тараққиётининг турли босқичлари ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятидан иборат, дейиш мумкин.

МУАММОНИ ҚЎЙИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш янги муаммони қўйишга олиб келади.

Муаммо – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саводир.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимларни қайта ишлаш, баъзи ҳолларда эса, ҳатто, улар доирасидан четта чиқишини, янгича ечиш усули, методларини қидиришини тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суришини, уни муҳокама қилишнинг хусусиятини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Муаммони муваффакиятли ҳал қилишнинг зарур шартларидан бири уни тўғри қўйиш ва аниқ баён қилишдан иборат. Тўғри қўйилган савол, В.Гейзенберг айтганидек, муаммони ечишнинг ярмидан қўпроғини ташкил этади.

Муаммони тўғри қўйиш учун муаммоли вазиятни аниқ тасаввур қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун муаммони ҳал қилишнинг турли хил усуллари ва воситаларини ҳам олдиндан кўра билиш керак.

Муаммоларни қўйишда кишиларнинг ҳаётий тажрибаси, билимлари ва таланти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам, одатда, кўп ҳолларда янги муаммолар илмий билишнинг у ёки бу соҳасининг йирик мутахассислари, бой тажрибага эга ва чукур билимли олимлари томонидан илгари сурилади ҳамда улар баъзан узоқ йиллар давомида тадқик қилинади. Буни, масалан, миллый гоя ва миллый мафкурани яратиш муаммосининг қўйилиши ва тадқик этилиши мисолида кўриш мумкин. Жаҳон тажрибасига мурожаат қиласак, «миллатнинг мафкураси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин».¹

Уни шакллантириш учун кучли истеъодод ва «ёрқин тафқур»га эга бўлган Конфуций, Махатма Ганди, Форобий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк зотлар заҳмат чекканлар.²

Хозирги пайтда эса Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Миллый гоя, миллый мафкурани ишлаб чиқиш, уни шакллантириш учун ҳар қайси миллатнинг энг илфор вакиллари, керак бўлса, мутафаккирлари, зиёлилари меҳнат қилиши лозим»³.

¹ И.А. Каримов. Миллый истиклол мафкураси – ҳалк эътиқоди ва буюк келажакка ишончлар: «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига жавоблар.

- Т.: «Ўзбекистон». 2000. 21-б.

² Каранг, ўша ерда.

³ Ўша ерда, 21-б.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга турли хил муносабатда ёндашиш мумкин бўлганлиги учун ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа турли хил муаммолар тарзида баён қилиниши мумкин. Бунда баъзи муаммолар асосий вазифани ифода қилса, баъзилари бу вазифанинг айрим томонларини акс эттиради ва шунинг учун ҳам жузъий хусусиятга эга бўлади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланиб кетган мана шундай жузъий муаммолар ҳал қилингандан кейингина асосий муаммони аникроқ баён қилиш ва ечиш имконияти вужудга келади.

Муаммоларни тўғри кўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. Муаммони тўғри кўйиш учун унинг илмий билиш тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишининг методларини топиш зарур. Бу амалда кўйилиши мўмкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғрисини танлаб олишни билдиради. Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналишини ва хусусиятларини белгилаб беради.

Охир-оқибатда қайси муаммони қўйиш амалий фаолиятимиз эҳтиёжларига боғлик. Чунки фақат амалий фаолиятдагина кишиларнинг эҳтиёжлари ва мақсадлари билан уларни ҳал қилиш воситалари ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади, илмий изланиш предмети аникланади ва шу асосда билиш олдига конкрет вазифалар кўйилади.

Илмий муаммо, одатда, маълум бир назария доирасида вужудга келади (Назария ҳақида бобнинг охирида кенгрок маълумот берилади).

Назария кейинчалик илгари сурилиши мумкин бўлган муаммони умумий ҳолда белгилашга ва уни тўғри танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир муаммо маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса муаммо мавжуд назарияни модификация қилишни, муаммони ечишга мослаштиришни талаб қиласи.

Муаммони ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари қилинади. Улар куйидагилардан иборат:

а) мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниклаш;

б) муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш;

в) муаммони ҳал қилиш турини, мақсадини, олинган натижани текшириш йўлларини белгилаш;

г) муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилиб бўлгандан кейин муаммони ечишга бевосита киришилади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, муаммонинг ечилиши нисбий хусусиятга эга. Бошқача айтганда, муаммонинг мутлак тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишни тақозо этади. Бунга мисол қилиб И.Ньютон томонидан жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосининг қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бутун олам тортишиш қонунини қашф қилиб, у факат тортишувчи жисмлар ўртасидаги микдорий алоқаларнигина топғанилигини уқтириб ўтган эди.

А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосини бошқача талқин қилади ва бу муаммо ҳакидаги тасаввурларимизни маълум бир даражада кенгайтиради.

Жисмларнинг ўзаро тортишишининг табиати, амалга ошиш механизми ҳозиргacha тўла очиб берилмаган. Бошқача айтганда, муаммо узил-кесил ҳал бўлмаган.

Баъзи ҳолларда муаммоларнинг ечимини узоқ вақтгача топиб бўлмайди. Масалан, рак касалининг сабабини ўрганиш билан боғлиқ муаммо ҳозиргacha тўла ҳал бўлмаган.

Бу, албаттa, айрим муаммолар бутунлай ечимига эга эмас, деган фикрни билдирамайди, балки уларни мавжуд методлар, воситалар ёрдамида ечиб бўлмасликни кўрсатади, холос ва шу тариқа ечишнинг янги воситаларини қидириб топишга ундейди. Демак, муаммо ҳал килинмагунча илмий изланиш давом этади.

ГИПОТЕЗА

Муаммони ҳал этиш жараёнида маълум бир гипотезалар илгари сурилади ва асосланади.

Гипотеза – ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тарзидаги билим шаклидир.

Гипотезани, авваламбор, билимларнинг мавжуд бўлиш шакли сифатида олиб қараш зарур. Чин, ишончли билимлар ҳосил бўлгунга қадар қўйилган муаммолар, масалалар ҳакидаги фикр-мулоҳазалар кузатиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга асосланган бўлиб, улар турли хил тахминлар, фаразлар шаклида курилади ва мавжуд бўлади.

Масалан, Левкипп ва Демокритнинг жисмларнинг атомлардан ташкил топғанилиги ҳакида билдирган фикрлари

дастлаб гипотетик шаклда бўлиб, энг оддий, кундалик тажрибада минглаб марта кузатиладиган ҳодисалар: қаттиқ жисмнинг суюкликка айланиши, ҳиднинг тарқалиши ва шу кабиларни таҳлил қилишга асосланган, уларнинг сабабини тушунтиришга қаратилган. «Жисмлар майда, бўлинмас заррачалардан ташкил топмаганда бундай ҳодисалар бўлмас эди», деган фикр ўзининг маълум бир мантикий кучига эга.

Ҳодисанинг сабаби ҳакидаги фикр дастлаб, одатда, гипотеза шаклида вужудга келади ва шу маънода у билимларнинг мавжуд бўлишининг умумий мантикий шаклларидан бири ҳисобланади.

Гипотезани куриш ўрганилаётган ҳодисани тушунтирадиган тахминий фикрларни илгари суришдан иборат бўлади. У қайд этилган фактлар, улар учун характерли бўлган қонуниятлар ҳакидаги хукмлар (мулоҳазалар) ёки хукмлар тизими тарзида бўлади. Уни ифода килувчи асосий гап мулоҳазалар системасини ҳосил қилувчи элемент, деб ҳисобланади. Ана шу гап (мулоҳаза)да, одатда, гипотезанинг бош гояси акс этади. Муҳокама жараёни унинг негизида, атрофида курилади ва маълум бир ишчи гипотезалар – вақтинча куриладиган, мўлжални тўғри олишга ёрдам берадиган тахминларнинг илгари сурилишига, улар ёрдамида ҳодисанинг янада чўқурроқ тадқик килинишига олиб келади.

Гипотезаларни илгари суришнинг асосий мантикий воситаси эҳтимолий холоса чиқариш: аналогия, тўлиқсиз индукция, турли кўринишдаги эҳтимолий силлогизмлар – энг камидан битта қоидаси бузилган, асосларидан бири эҳтимолий хукм бўлган силлогизмлар (шартли, айирувчи – қатъий, шартли – айирувчи силлогизмлар шаклларида) ҳисобланади.

Шунингдек, гипотеза баъзи холларда қатъий холоса чиқариш шаклларида ҳамда турли хил холоса чиқариш усулларининг кўп қаватли мантикий курилмаси тарзида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Гипотезада илгари суриладиган мулоҳаза эмпирик материалларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, умумлаштириш, талқин этиш натижасида пайдо бўлади. Ана шунинг учун ҳам гипотеза – бу ҳар қандай тахмин эмас, балки маълум бир даражада асосланган, ўзининг муайян мантикий кучига эга мулоҳаза, фараздир.

Гипотеза куришнинг мураккаб мантикий жараён эканлигини кўйидаги мисол тасдиқлайди. Иссиклик двигателлари назарияси асосчиларидан бири француз инженери Сади Карно биринчи бўлиб фақат иссиқликнинг қаттиқроқ қизи-

ган жисмдан совукроқ жисмга ўтишидагина фойдали иш вужудга келиши ва аксинча, иссиқликни совук жисмдан қиздирилгандын жисмга бериш учун иш сарфланиши зарур, деган фикрни илгари сурган. Айни пайтда Карно шу даврда кенг тарқалған иссиқликнинг намоён бўлиш сабаби унинг таркибида алоҳида вазнсиз суюқлик – теплороднинг бўлишидир, деган фикрга таянувчи теплород концепциясини ҳам тўғри, деб ҳисоблаган. Теплородни сувга, ҳароратлар (температура) ўртасидаги фарқни – сув даражасига киёс қилиб, Карно, худди сув даражасининг пастга тушишида иш сув оғирлигининг унинг даражалари ўртасидаги фарқка бўлиниши билан ўлчангани каби, буғ машинасида иш, ишчи мoddанинг (сув, спирт ва бошқалар) табиатидан катъи назар, теплород микдорининг ҳароратлар (температура) фарқига бўлиниши билан ўлчанади, деган хуносага келади. Бу иссиқлик машинаси иш ҳажмининг (микдорининг) иситгич ва совутгич ҳароратларининг қийматларига боғликлигини англатарди. «Карно принципи» кейинчалик термодинамиканинг иккинчи конунининг яратилишига асос бўлган.

Келтирилгандын мисолда Сади Карнонинг гипотезани илгари сурища аналогияга асосланганлигини пайқаб олиш кийин эмас.¹

Илгари сурилган гипотеза, албатта, асосланиши зарур. Бу босқичда гипотезадан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади ва улар верификация қилинади, яъни уларнинг мавжуд фактларга (ёки бошқа ишончли билимларга) мувофиқлиги аникланади.

Бу ерда шуни унутмаслик лозимки, гипотезани ишончли, чин билимга айлантириш учун унда илгари сурилган фикрларга етарли асос бўла оладиган микдордаги натижалар (гипотезанинг асосий ғоясидан келиб чиқадиган) йиғиндиси верификация қилиниши керак.

Гипотезанинг чинлигини асослашнинг бошқа усувлари ҳам мавжуд: 1) гипотезани дедуктив йўл билан чинлиги аввал исботланган билимлардан мантиқан келтириб чиқариш; 2) асоси ишончли билим бўлмаса, уни тасдиқлаш (бу кўпроқ асослари эҳтимолий хукм бўлган силлогизмлар воситасида қурилган гипотезаларга тегишли); 3) гипотезанинг асосларини ишончли билим олиш учун етарли бўлган микдорга етказиш (бу гипотеза тўлиқсиз индукция воситасида қурилган ҳолларга тегишли).

Гипотезани тасдиқлашнинг қандай кечишини тасаввур килиш учун куйидаги мисолга мурожаат қиласиз.

Термодинамика асосчиларидан бири немис физиги Р.Клазиус юқорида биз қайд этиб ўтган «Карно принципи»ни

¹ Мисол. Сборник упражнений по логике: для вузов. З изд. перераб./под ред. А.С.Клевчени-Лен.: - Университетское, 1980., с. 214.

унга қилинган кўп хужумлардан ҳимоя қилган. Бу принципни тасдиқлаш мақсадида, унинг чинлигини интуитив равища мукаррар деб ҳисоблаган постулатдан дедуктив йўл билан келтириб чиқаради. Бу постулатга мувофиқ иссиқлик ўз ҳолича совукроқ жисмдан иссиқроқ жисмга ўта олмайди.¹ Бу ерда ургу айнан шу “ўз ҳолича ўта олмасликка” берилади, чунки амалда “мажбуран” ўтиш ҳам (совитиш курилмаларида, аралашмаларда ва бошқаларда) мавжуд бўлиб, у муайян компенсация қилувчи (ўрнини қопловчи) ҳолатнинг юзага келиши билан биргаликда кечади.

Гипотеза рад қилиниши ҳам мумкин. У гипотезадан келиб чиқадиган натижаларни фалсификация қилиш йўли билан аникланади. Мазкур мантикий жараён шартли-қатъий силлогизмнинг инкор модуси тарзида кечади, яъни натижанинг хатолигини аниклашдан асоснинг хатолигини кўрсатишга ўтилади. Унинг символик ифодаси куйидагича:

$$((H \rightarrow P) \wedge \neg P) \rightarrow \neg H$$

Гипотезанинг натижаларини топа олмаслик, гарчи бу гипотезанинг мавқенини анча пасайтиrsa-да, лекин уни рад эта олмайди. Гипотезанинг чинлиги ундан келиб чиқадиган натижаларга зид бўлган ҳолатлар аниклангандахина узилкесил рад этилади. Масалан, Птоломейнинг Еринг ҳаракатланмайдиган марказ эканлиги ҳақида гипотезаси Ко-перникнинг гелиоцентрик назарияси асосланадиган фактларга зид келганидан кейин рад этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўрганилаётган ҳодиса ҳақида бир вақтнинг ўзида бир қанча гипотезалар илгари сурилиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтгача кушлар учайдан тўғри йўлни қандай топа олишини мавжуд гипотезалардан ҳеч бири тўлик тушунтира бера олмаган. Уларда турли хил фикрлар билдирилган: кушларни баъзилар магнит майдонига, бошқалар Кўёшга, ўлдузларга караб мўлжал олишади, деб ҳисоблашган. Украина олимлари эса 1980 йилларнинг иккинчи ярмида кушлар ўз ҳаракати маршрутларини Еринг гравитация майдонига асосланиб, шу маршрут давомида оғирлик кучининг ўзгаришини «ҳисоблаб» белгилашади, деган фикрни билдирганлар. Лекин ҳозиргача уларнинг бирортаси узилкесил тасдиқланмаган ҳам, рад этилмаган ҳам.²

Гипотеза тасдиқланмагунча ўзининг билишдаги аҳамиятини йўқотмайди. Рад этилса, ўрнига бошқа гипотеза

¹ Карапг, ўша китоб, 220-б.

² Карапг, ўша китоб, 208-б.

курилади ва бу ҳол то гипотезалардан бирортаси тасдиқланмагунча давом этади.

Илгари суралаётган гипотезалар турли хил даражада умумлашган бўлиши мумкин. Ана шунга мувофик ҳолда умумий ва жузъий гипотезаларни ажратиш мумкин.

Умумий гипотеза деб табиат, жамият, билиш ҳодисаларининг қонуниятлари ҳакида билдирилган асосли тахминга айтилади. Бунга мисол қилиб нефть келиб чикишининг органик ва ноорганик табиати ҳакидаги гипотезаларни, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, онгнинг келиб чикиши, ижтимоий прогресс ҳакидаги фаразларни кўрсатиш мумкин. Умумий гипотезалар борликнинг муҳим конуниятларини очишига имкон бергани учун илмий назария «куриш материаллари», деб ҳисобланади. Исботлангач, бундай гипотезалар назарияларга айланадилар ва илмий тадқиқотларнинг стратегик йўналишларини белгилаб берадилар.

Жузъий (хусусий) гипотеза айрим фактлар, конкрет предмет ва ҳодисаларнинг келиб чикиши, хусусиятлари ҳакидаги билдирилган асосли тахминий фикрдан иборат. Конкрет жиноятнинг мотиви ҳакидаги суд версияси, археологик қазишларда топилган предметларнинг табиати, қайси даврларга оид эканлиги ҳакидаги тахминлар жузъий гипотезага мисол бўлади.

Мантиқда ишчи гипотезалар ҳам фарқ килинади.

Ишчи гипотеза тадқиқотнинг дастлабки босқичида илгари суриладиган тахмин бўлиб, ўз олдига ўрганилаётган ҳодисанинг сабабини аниқлашни мақсад қилиб кўймайди; у факат кузатиш ва эксперимент натижаларини тасвирлашга, тартибга солишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, гипотеза фикрларимизнинг қурилиши, билимларимизнинг мавжуд бўлиш ва ривожланиш шаклидир.

НАЗАРИЯ

«Назария» термини кенг маънода ақлий билиш, тафкурни англатади, уни амалиётдан фарқ қилувчи фаолият тури сифатида ифодалайди. Тор маънода эса назария маълум бир соҳага оид тасаввурлар, тушунчалар, гоялар, гипотезаларни тизимга соладиган, предметни яхлит тарзда англашга имкон берадиган билим шаклини билдиради.

Назариянинг бундай талқини илмий билишда эмпириник ва назарий босқичларнинг фарқ қилиниши билан боғлиқ.

Эмпириник босқичда илмий фактлар тўпланади, ўрганилади, тизимга солиниб, турли хил жадваллар, шакллар, графиклар тузилади; муайян бир умумлашмалар, хусусан, эмпириник тушунчалар, фаразлар, эмпириник қонуллар шаклланади.

Илмий билишнинг кейинги тараққиёти эмпирик билиш босқичида ҳосил қилинган, лекин бир-бiri билан бўлган алоқаси ҳали аниқланмаган билимлар ўртасида муносабатларни ўрнатиш, уларни умумлаштириш, шу асосда янги фундаментал тушунчалар, умумий қонунларни яратиш, илмий башоратлар қилиш билан узвий боғлиқ.

Билишнинг бу икки босқичи ўртасида зарурый алоқадорлик мавжуд. Хусусан, назарияни яратиш эмпирик билиш жараёнида ҳосил қилинган предметнинг айrim томонлари, хусусиятларини акс эттирувчи тушунчалар, қонунлар, фаразлар ўртасида мантикий алоқаларни ўрнатишга, предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга, унинг моҳиятини тушунтиришга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Назария маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, гояларни системага солиб, у ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиласидиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиқдан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат.

Илмий назария куйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади: 1) эмпирик асос: назарияга алоқадор фактлар, уларга мантикий ишлов бериш натижалари; 2) бошлангич назарий асос: назариянинг асосий тушунчалари, постулатлари (аксиомалари), фундаментал қонунлар (принциплар); 3) назариянинг мантикий аппарати: тушунчаларни ҳосил қилиш ва таърифлаш қоидалари, хулоса чиқариш (исботлаш) қоидалари; 4) олинган натижалар (хулосалар).

Илмий назария охир-окибатда реал тизимни, объектни акс эттиради, унинг табиатини тушунтиради ва шу маънода ўзининг эмпирик асосига эга. Лекин эмпирик асосининг мавжудлиги назариянинг барча тушунчалари ифода этадиган предмет ва белгиларнинг ҳиссий идрок қилиниши ёки назариянинг барча ҳолларда мавжуд ҳодисаларни, уларнинг реал хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиришини англатмайди.

Назарияда борлик, асосан, моделлар ёрдамида идеаллашган ҳолда инъикос қилинади. Идеаллаштириш жараёнида мавжуд объектлар ҳақидаги эмпирик билимга таянган ҳолда, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган ва баъзан мавжуд бўлиши мумкин ҳам бўлмаган, лекин реал мавжуд предметларга маълум бир муносабатда ўхшаш объектлар ҳақидаги тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан, механика ечимини қидирадиган кўп масалаларда жисмнинг шакли ва ўлчамлари (эни, бўйи, ҳажми ва шу кабилар) унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас. Айни бир пайтда масса муҳим

аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам массаси бир нуқтага жамланган хаёлий жисм – моддий нуқта ҳосил қилинади.

Барча реал мавжуд жисмлар шаклга ва ўлчамларга эга, моддий нуқта эса идеал объект бўлиб, баъзи масалаларни ечишда реал жисмларнинг ўрнини босади, уларнинг назарий билишдаги эквиваленти бўлиб хизмат қиласди. Физикадаги мутлақ қаттиқ жисм, геометриядаги нуқта, текислик, тўғри чизик, ва бошқа фанлардаги шу каби кўп тушунчалар идеал объектларни ифода қиласдилар.

Идеал объектлар ёрдамида предметнинг ҳиссий идрок этилмайдиган муҳим хусусиятлари, муносабатлари ўрганилади. Уларсиз назарий билиш ўз олдига қўядиган мақсадига эриша олмайди. Назарий билишнинг зарурий воситаси бўлганлиги учун уларни баъзан назарий объектлар деб ҳам аташади.

Назария идеал характерга эга бўлган тушунчалар, мулоҳазалар тизимидан – **концептуал тизимдан** иборат бўлиб, у реал объектнинг назарий моделини ифода қиласди. Масалан, механикадаги бошқа тизимлар таъсиридан ажратиб қўйилиб, ёпиқ тизим тарзида фикр қилинадиган механик тизим тушунчаси реал объектнинг назарий модели ҳисобланади. Унинг ёрдамида реал мавжуд бўлган механик тизимнинг ҳаракат конунлари ўрганилади.

Назарий модельнинг идеал хусусиятга эга бўлган объектлари, уларни акс эттирувчи тушунчалар ўртасидаги алоқадорлик назариянинг фундаментал қонунлари, принципларида ўз ифодасини топади.

Мазкур конунлар, принциплар бошлангич тушунчалар ва мулоҳазалар билан биргаликда назариянинг **концептуал ўзагини** ташкил этади. Масалан, классик механиканинг негизини ҳаракатнинг учта қонуни ҳамда улар билан боғлиқ бўлган фазо, масса, вакт, куч, тезлик, тезланиш тушунчалари ташкил этади. Классик термодинамиканинг асосини эса унинг учта муҳим қонуни ҳосил қиласди. Математик назарияларнинг концептуал ўзаги уларнинг асосий тушунчалари ва аксиомаларида ўз ифодасини топган.

Ҳар бир назария ўзининг тушунчаларини ҳосил қилиш, таърифлаш қоидаларига эга. Бунга мисол қилиб формалашган тилни яратиш қоидалари (3-мавзуга қаранг), мулоҳазалар мантигини натурал хулоса чиқариш тизими сифатида қуриш қоидаларини (7-мавзуга қаранг) кўрсатиш мумкин. Худди шунингдек, ҳар қандай назария хулосалар тарзидағи ўз натижаларига эга.

Демак, илмий назариянинг таркибида унинг ҳар бир элементи ўз ўрнига эга.

Илмий назария билишда бир қанча мұхим вазифаларни бажаради.

Бириңчидан, назарияда бирорта соҳага оид барча билимлар яхлит бир тизимга бирлаштирилади. Бундай тизимда, одатда, билимларнинг катта қысмими назариянинг нисбатан камроқ бўлган бошланғич тушунчаларидан келтириб чиқаришга ҳаракат қилишади. Улар математикада аксиомалар, табиатшуносликда гипотезалар, деб юритилади. Бундан кўзланган асосий мақсад – қайд этилган фактларни айрим бошланғич принциплар, гипотезаларнинг натижаси сифатида талқин этиш. Назарий тизимда ҳар бир факт, ҳар бир тушунча, ҳар бир қонун ёки фараз бошқаларига нисбатан ўз ўрнига эга бўлиши, ана шундан келиб чиқиб, талқин қилиниши (ёки қайта талқин қилиниши) зарур. Талқин этиш жараённида мавжуд назариялар ҳамда янгидан курилаёттган назариянинг элементларига мурожаат килинади. Бу эса, бир томондан, мавжуд фактларнинг табиатини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккингчидан, бевосита эмпирик усул ёрдамида қайд этиб бўлмайдиган янги фактларни топишга имкон беради.

Иккинчидан, назарияни қуриш берилган соҳага оид билимларни аниклаштириш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради. Бунинг сабаби шундаки, назариянинг бошланғич асослари – аксиомалар, постулатлар, қонунлар, принциплар, гипотезалар назариядаги бошқа илмий билимларга нисбатан мантиқан кучлирок хисобланади. Ана шунинг учун ҳам назарияни қуриш мавжуд билимларни тартибга солишдан, яъни координация қилишдангина иборат бўлиб қолмайди. Бунда мантиқан кучли билимлардан мантиқан кучсиз билимлар келтириб чиқарилади, яъни субординация қилинади. У эса мазмунан чукуррок бўлган тушунчалар, қонунлар, принципларга мурожаат қилишга, улар ёрдамида мавжуд тушунчаларни талқин этишга, янги фундаментал умумлашмалар ҳосил қилишга олиб келади. Масалан, Ньютоннинг ҳаракатнинг учта қонуни ҳамда бутун олам тортишиш қонунига таянадиган классик механикаси Галилейнинг жисмларнинг эркин тушиши қонуни ва Кепларнинг планеталар ҳаракати қонунини тушунтириш ва аниклаштириш имконини берди. Ҳусусан, Галилей қонунининг жисмнинг гравитация кучи таъсирида ҳаракат қилишининг жузъий ҳолини ифода этиши маътум бўлди. Гравитация таъсиридан ташқарида, яъни Ер радиуси узунлигидан ортиқ бўлган масофада Галилей кашф этган қонун амал қилмайди. Ҳудди шунингдек, Кеплернинг Қуёш системасида ҳаракат қилувчи планетанинг элиптик орбита бўйича ҳаракат қилиши қонунининг бошқа планеталарнинг таъсирини хисобга олмаслиги ва ана шунинг учун ҳам унчалик аниқ эмаслиги маътум бўлди.

Учинчидан, назария ўрганилаёттан ҳодисани илмий асосда тушунтира олади. Түғри, бирорта ҳодисани тушунтириш учун, одатда, уни тавсифлайдиган қонунга мурожаат қилишади. Лекин шуни ёддан чиқармаслик зарурки, фанда қонулар ўз ҳолича эмас, балки маълум бир назария таркибида мавжуд бўлади. Бунда эмпирик қонунлар маълум бир назарий қонунлардан келтириб чиқарилади. Ҳатто алоҳида олинган назарий қонун ҳам ҳодисани тушунтириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Илмий тажриба шуни кўрсатадики, ҳодисанинг моҳиятини тушунтириш учун назариянинг барча ғоялари йиғиндиси, қонунлар жалб этилади.

Назариянинг илмий билишдаги алоҳида аҳамияти яна унинг янги, илгари кузатилмаган ҳодисаларнинг мавжудлигини олдиндан кўриш имконини беришидадир. Масалан, Максвеллнинг электромагнит назарияси радио тўлқинларининг мавжудлигини олдиндан айтиб берган. Бу тўлқинларни анча вакт ўтгандан кейин Г.Герц экспериментал йўл билан қайд этган. Худди шунингдек, Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси гравитация майдонида ёргулик нурининг офишини башорат килган.

Тўртингидан, илмий назария ўзида ўрганилаётган предмет соҳасига оид барча билимлар ўртасида мантикий алоқаларни ўрнатгани, яхлит бир тизимда мужассамлантиргани ва умумлаштиргани учун унинг объектив ҳақиқатлик даражаси ва демак, ишончлилиги ортади.

Бешинчидан, назария муаммони кўйиш, гипотезаларни яратиш, қонунларни шакллантириш, ғояларни илгари сурин ва асослашдан иборат билишнинг узоқ ва машакқатли йўлини босиб ўтишнинг натижаси бўлгандиги учун у билишга хос қонунларни аниклаш, уларни ўрганиш имконини беради.

Назарияни қуриш мураккаб жараён бўлиб, кўп ҳолларда бир қанча олимларнинг ҳамкорлик қилишини тақозо этади.

Дастлабки босқичда назариянинг предмет соҳаси ва тадқикот йўналиши аникланади. Амалий хаётимиз эҳтиёжлари, у билан узвий боғлиқ бўлган тадқикот мақсади ва вазифалари бунда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, предмет соҳаси ва тадқикот аспектини аниклашда берилган соҳага оид билимларнинг кўлами, чуқурлиги катта роль ўйнайди.

Назарияни қуришнинг кейинги зарурий босқичи бошланғич асосни аниклашдир. У ўрганилаётган соҳага оид энг асосий тушунчалар, аксиомалар, гипотезалар йиғиндисидан иборат бўлади. Назариянинг бошқа барча тушунчалари, гипотезалари ва қонунлари ана шу бошланғич асосдан дедуктив йўл билан келтириб

чиқарилади. Бунда, албатта, назариянинг барча тушунчалари – асосийлари ва келтириб чиқариладиганлари, янгидан хосил қилинадиганлари мухим фоя (ёки фоялар тизими) негизида бирлаштирилиши керак.

Табиийки, назария маълум бир метод ёрдамида, яъни методологик принциплар, усулларни қўллаш асосида қурилади.

Курилган назария билишнинг қейинги босқичларида аниклаштирилади, янги фактик материаллар асосида мазмунан бойитилади, қайта талқин қилинади.

НАЗАРИЯНИНГ ТУРЛАРИ

Илмий назариянинг жуда кўп турлари мавжуд. Уларни турли хил асосларга кўра таснифлаш (туркумлаш) мумкин. Хусусан, қурилиш методига кўра назарияларни тўрт турга ажратиш мумкин: 1) тажриба билан иш кўрадиган фанғарнинг мазмундор назариялари; 2) гипотетик-дедуктив (ёки ярим аксиоматик) назариялар; 3) аксиоматик назариялар; 4) формаллашган назариялар.

«Мазмундор» назарияларда маълум бир соҳага оид фактлар тизимга солинади, умумлаштирилади ва тушунтирилади. Улар асосан тажриба натижалари, эмпирик материалларга таянади, уларни таҳлил қилади, тартибга солади ва умумлаштиради. Ана шунинг учун ҳам уларни «тажрибага таянувчи назариялар», деб аташади. «Мазмундор» деб аталишига сабаб, уларни математика ва мантиқдаги формаллашган назариялардан фарқ қилишдир. Мазмундор назарияларни соғ эмпирик назариялар деб бўлмайди. Улар факат эмпирик материалларгагина эмас, балки назарий конунларга ҳам таянади. Масалан, мазмундор, деб ҳисобланадиган Ч.Дарвиннинг эволюция назарияси, И.П.Павловнинг олий асаб фаолиятининг шартли рефлекторлик назарияси ва шу кабилар чукур назарий фояларга сунади, улар ёрдамида тўпланган материалларни рационал усул билан англайди, қайта ишлайди ва тушунтиради.

Гипотетик-дедуктив назариялар табиатшуносликда учрайди. У турли хил мантиқий кучга эга гипотезалар тизимидан иборат бўлиб, унда мантиқан кучлиларидан мантиқан кучсизроклари дедукция қилинади. Гипотетик-дедуктив тизими гипотезалар занжири (иерархияси) тарзида олиб қараш мумкин. Бунда эмпирик асосдан узоклашган сари гипотезанинг кучи ортиб боради, чунки ҳар бир келтирилиб чиқарилган гипотеза ўзидан аввалги гипотезаларда мавжуд бўлган билимларни синтез қилиш натижаси сифатида гавдаланади.

Гипотетик-дедуктив назарияларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ундаги гипотезаларнинг даражалари бўйича

қатъий изчил жойлашишидир. Гипотезанинг даражаси қанчалик юқори бўлса, хulosаларни мантикий йўл билан келтириб чиқаришда унинг иштироки шунчалик кўп бўлади.

Назариянинг гипотетик-дедуктив модели эмпирик материалларни ишлашда кўп қулайликларга эга бўлиши билан бир қаторда айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Хусусан, бошлангич гипотезалар қандай танлаб олиниши керак, деган саволга ҳалигача аник, қатъий ҳолдаги жавоб йўқ.

Аксиоматик тизимларда назария элементларининг катта кисми кичкина бошлангич асосдан – асосий аксиомалардан дедуктив йўл билан келтирилиб чиқарилади. Аксиоматик назариялар асосан математикада қурилади.

Аксиоматик метод биринчи марта Евклид томонидан элементар геометрияни қуришда муваффакиятли ишлатилган. Мазкур геометриянинг асосий аксиоматик тушунчалари «нукта», «тўғри чизик», «текислик» бўлиб, улар идеал фазовий обьектлар сифатида олиб қаралган; геометриянинг ўзи эса физика фазонинг хусусиятларини ўрганувчи таълимот сифатида талқин қилинган. Евклид геометриясининг қолган барча тушунчалари улар ёрдамида ҳосил қилинган.

Куйидаги мисолга мурожаат қиласлик: «Текисликдаги битта нуктадан баравар узокликда ётадиган нукталар тўпламига айлана дейилади», унда «айлана» тушунчаси «нукта ва текислик» тушунчалари ёрдамида ҳосил қилинган, яъни улардан дедукция қилинган.

Математиканинг тараққиёти давомида аксиоматик метод такомиллашиб борган, уни қўллаш мумкин бўлган соҳалар доираси кенгайган. Хусусан, аста-секин Евклид аксиомаларининг факат геометрик обьектларнигина эмас, балки бошқа математик ва ҳатто, физик обьектларни ҳам тасвирлаш учун ярокли эканлиги маълум бўлди. Масалан, нуктани ҳақиқий сонларнинг учтасининг тўплами, тўғри чизик ва текисликни, чизиқли тенгламаларни билдиради, деб қабул қилинганда, мазкур ногеометрик обьектлар хоссаларининг Евклид геометрияси аксиомалари талабларига жавоб берishi аникланган.

Шуни айтиш керакки, аксиоматикага бундай абстракт тарзда ёндашишга маълум бир даражада Н.И.Лобачевский, Б.Риман ва бошқалар ноевклид геометрияларининг яратилиши яхши имконият яратди.

Хозирги замон математикасида абстракт аксиоматик тизимлар кенг қўлланилади. Бундай тизимларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг ёпик тизимдан иборат бўлиши,

яъни миқдор жиҳатидан чекланган аксиомалар, тушунчалар, принциплардан ташкил топиши, улар қаторига ихтиёрий равиша, асоссиз янги аксиомалар, тушунчаларни кўшиб бўлмаслик; тизимларнинг мантиқан зиддиятсиз ва маълум бир даражада тўла бўлиши ва шу кабилардан иборат. Ана шунинг учун ҳам улар узоқ вакт давомида ўзининг барқарорлигини сақлайди, янги билим олишнинг ишончли воситаси бўлиб қолади.

Аксиоматика табиатшуносликда ҳам қўлланилади. Тажриба билан бөглиқ бўлганлиги ва шунинг учун ҳам зарурӣ равиша эмпирик талқинга муҳтоҷ эканлиги сабабли табиатшуносликнинг фақат ўзагини ташкил этадиган тушунчаларнигина аксиомалаштириш мумкин.

Абстракт математик структуралар фақат аксиоматик тизимлардагина эмас, балки формаллашган назарий тизимларда ҳам тасвирланиши ва тушунтирилиши мумкин.

Формаллашган назариялар мантиқда кенг қўлланилади. Бунга мисол қилиб мuloҳазалар мантиғи, предикатлар мантиғини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, у математикада ҳам учрайди.

Назариянинг юқорида биз кўриб чиққан турлари ва бошқалари назарий билишнинг муҳим воситалари сифатида фанда ниҳоятда қадрланади. Улар тафаккурнинг структураси ва қонуниятларини яхши билиб олишга имкон беради.

Машклар

1. Кўйидаги мулоҳазани таҳлил килиб, муаммонинг моҳияти, шаклланиши ва ечилиш усулини тушунтириб беринг:

«Бир масалани мен ўта муҳим деб хисоблайман. Тоталитаризмнинг уёки бу шаклининг мавжуд бўлиши мұқаррар, деган фикрни биз тез-тез эшлитиб турамиз. Ўз акли ва билими туфайли ўзларининг айтганларига жавоб бериши керак бўлганларнинг кўпчилиги тоталитаризмдан кутублиб бўлмайди, деб таъкидлайдилар. Улар биздан кўйидагиларни сўрашади: наҳотки, биз демократия абадий бўлиши мумкин деб хисоблайдиган содда одамлармиз; наҳотки, унинг давлат тузилишининг ўткинчи шаклларидан бири эканлигини тушунмаймиз? Улар, демократия тоталитаризмга қарши курашда унинг методларидан фойдаланишга мажбур ва бунинг оқибатида тоталитаризмга айланиб қолади, деб айтадилар. Бошқа ҳолларда улар, бизнинг индустрисал тизимимиз бундан буёғига ижтимоий режалаштиришсиз мавжуд бўла олмайди, деб таъкидлайдилар ва бунда ижтимоий-иктисодий тизим зарурӣ тарзда ижтимоий турмушни ташкил этишнинг тоталитар шаклларини қўллашни тақозо этади, деган хулоса чиқарадилар.

Бундай аргументлар түгрига ўхшаб кўриниши мумкин. Лекин бундай масалаларни ҳал этишда эҳтимоллик (түгрига ўхшаб кўриниши) ишончли маслаҳатчи бўла олмайди. Ҳақиқатда эса, бундай жузий масалаларни мухокама килишга, қандайдир бир инжтимоий фан бундай пайғамбарона узил-кесил башорат қилиши мумкинми, деган методологик саволга жавоб бермасдан туриб, киришиб бўлмайди. Келажак одамзод учун нима тайёрлаб кўйибди, деган саволга масъулиятсизларча билдирилган гайритабиий сўзлардан бошка яна нималарни ҳам эшитишимиз мумкин, ахир?!

Мана, инжтимоий фанларнинг методи муаммоси қаерда пайдо бўлади! У қандайдир тарихий башоратни асослаш учун келтирган жузий фактларни танкид қилишга караганда фундаментлироқ бўлган масаладир». (К.Поппер. Открытое общество и его враги. М., 1992, с.31–32).

2. Куйидаги матнни мантикий таҳлил қилиш асосида гипотезанинг моҳиятини тушунтириб беринг:

«Атомнинг планетар тузилиши тўғрисидаги фараз унинг асосида қатор фактларни, хусусан, Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий жадвалини тушунтириши мумкин бўлгандан кейингина оддий тусмолдан гипотезага айланди. Унгача мазкур жадвал кимёвинг эмпирик қонуни бўлиб саналар эди. Менделеев кимёвий элементларни уларнинг атом оғирлигининг ортиб бориши ҳамда физика хоссаларининг ўзгариши асосида жойлаштириди. Атомнинг планетар моделининг яратилиши кимёвий элементларнинг жадвалда жойлашишига физик маъно беришга ва талқин китишига олиб келди. Кимёвий элементнинг жадвалдаги тартиб ракамини унинг ядроидаги мусбат зарядлари сонига тенг эканлиги маълум бўлди» (Ю.В.Ивлев. Логика. М., 1998, с.241).

3. Куйидаги матнда илмий назариянинг қайси тури таркибининг шаклланиши ва ривожланиши ҳакида фикр билдирилаётганинг топинг ва уни шарҳлаб беринг:

«Физика тафаккурнинг тарақкий этиб борувчи системасидан иборат бўлиб, унинг негизи ўтказилган тажрибалар натижаларини индукция методлари ёрдамида умумлаштириш йўли билан эмас, балки эркин фикрлаш асосида яратилади. Тизимнинг чинлигини асослаш мавжуд аксиомалардан келиб чиқадиган теоремаларнинг хиссий тажрибада кўлланилишига таянади; бунда теорема ва тажрибанинг ўзаро муносабатини факат интуитив тарзда тушуниш мумкин. Мазкур тизимнинг эволюцияси унинг мантикий асослари соддалигининг тобора ортиб бориши йўналишида кечади. Максадга яқинлашиш учун биз мантикий асоснинг тажриба кўрсатмаларидан борган сари узоклашаётганини, асослар билан улардан келтирилиб чиқариладиган ҳамда хиссий тажрибалар билан доимо солиштириб туриласидан теоремалар орасидаги фикр йўлининг узайиб ва қўйинлашиб боришини тан олишимиз керак» (А.Эйнштейн. Физика и реальность. М., 1965, с.59).

1. Муаммоли вазият нима?
2. Муаммонинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
3. Муаммони тўғри кўйиш ва ҳал этишнинг қандай шартлари мавжуд?
4. Гипотезанинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?
5. Назариянинг таркиби қандай?
6. Назария билиш жараённида қандай вазифаларни бажаради?
7. Назариянинг қандай турлари мавжуд?

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулодот», 1998, №5.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
5. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – ҳалқ ътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: “Fidokor” газетаси муҳбири саволларига жавоблар. – Т.: “Ўзбекистон”. 2000.
6. Бочаров В.А., Маркин В. И. Основы логики. – М., 1994.
7. Войшвилло Е. К. Символическая логика: классическая и релевантная. – М., 1989.
8. Войшвилло Е. К. Понятие как форма мышления. – М., 1989.
9. Войшвилло Е. К., Дегтярев М. Г. Логика как часть теории познания и научной методологии. Кн. 1, 2. – М., 1994.
10. Войшвилло Е. К., Дегтярев М. Г. Логика. – М., 1999.
11. Гетманова А.Д. Логика. – М., 1995.
12. Ёкубов Т. Математик логика элементлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983.
13. Ивлев Ю. В. Логика. Учебник для вузов. – М.: Логос, 1998.
14. Ивин А. А. Искусство правильно мыслить. – М., 1990.
15. Кириллов В. И., Старченко А. А. Логика. – М.: “Логос”, 1997.
16. Кондаков Н. И. Логический словарь -справочник. – М., 1976.
17. Логико – гносеологические идеи мыслителей Средней Азии. – Т.: “Фан”, 1981.
18. Логика и компьютер. Моделирование рассуждений и проверка правильности программ. – М.: “Наука”, 1990.
19. Логика: наука и искусство. – М., 1993.
20. Маковельский А. О. История логики. – М., 1967.
21. Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари. – Т.: “Чўлпон”, 1995.
22. Маркин В. И. Силлогистические теории в современной логике. – М. 1991.
23. Мустақиллик: илмий, изоҳли, оммабоп лугат. – Т.: “Шарқ”, 1999.
24. Мўминов И. М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. – Т.: “Фан”, 1993.

25. Попов П. С. История логики нового времени. –М., 1960.
- 26.Рахимов И. Логикадан амалий машгулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988.
- 27.Рузавин Г. И. Научная теория: логико - методологический анализ. – М., 1978.
- 28.Смирнова Е. Д. Основы логической семантики. – М., 1989.
- 29.Ибн Сина. Избранные философские произведения. – М., 1980.
- 30.Фалсафа. Комусий лугат– Т.: “Шарқ”, 2004.
31. Аль - Фараби. Логические трактаты, Алма-Ата, 1975.
32. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. М. Хайруллаев таҳрири остида. – Т.: “Фан”, 1969.
33. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: “Ўзбекистон”, 1981.
34. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
- 35.Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Маъруза матнлари. – Т., 2000.
- 36.Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
- 37.Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Академик М. Хайруллаев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти.....	5
Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш обьекти	5
Тафаккур шакли ва тафаккур конуни тушунчалари.....	9
Формал мантиқнинг предмети.....	11
Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти.....	12
Мантиқ фани ривожланишининг асосий боскичлари.....	16
Қадимги дунёда мантиқ илмининг шакланиши ва ривожланиши..	16
Ўрта асрларда мантиқ илмининг тараккиёти.....	22
Янги ва энг янги даврда мантиқ илми.....	31
Мантиқ илми ва тил.....	46
Тил – ахборот белгилари тизими.....	46
Табиий ва сунъий тиллар.....	47
Мантиқнинг формаллашган тили.....	49
Формал мантиқнинг асосий қонунлари (принциплари).....	55
Айният қонуни.....	57
Нозидлик қонуни.....	58
Етарли асос қонуни.....	61
Тушунча.....	69
Тушунча – тафаккурнинг мантикий шакли.....	69
Тушунчанинг мазмуни ва хажми.....	71
Тушунчанинг турлари.....	72
Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.....	74
Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш.....	76
Тушунчаларни бўлиш.....	78
Таснифлаш.....	80
Тушунчаларни таърифлаш (дефиниция).....	81
Таърифлашга ўхшаш мантикий усуллар.....	83
Синфлар устида амаллар.....	84
Хукм (мулоҳаза).....	89
Хукм – тафаккурнинг мантикий шакли.....	89
Оддий хукмлар.....	89
Мураккаб хукмлар.....	95
Хукмлар ўртасидаги муносабатлар.....	99
Савол ва жавоб.....	103
Норма ва хукм.....	107
Хулоса чиқариши.....	111
Хулоса чиқариш – тафаккурнинг мантикий шакли.....	111
Дедуктив хулоса чиқариш.....	112
Оддий қатъий силлогизм.....	117

Силлогизм аксиомаси.....	118
Силлогизмнинг умумий коидалари.....	119
Силлогизмнинг фигуранлари ва модулари.....	121
Номукаммал силлогизмларни мукаммал силлогизм кўринишига келтириш.....	125
Энтилема (қисқартирилган катъий силлогизм).....	129
Мураккаб ва мураккаб қисқартирилган силлогизмлар.....	129
Эпихейрема.....	130
Мураккаб қўқмларга асосланган дедуктив хulosа чиқариш.....	131
Мулоҳазалар мантиги.....	137
Предикатлар мантиги.....	144
Индуктив хulosа чиқариш.....	145
Илмий индукция.....	159
Илмий индукция методлари.....	162
Статистик умумлаштириш.....	170
Аналогия.....	175
Хусусиятлар ва муносабатлар аналогияси.....	176
Аргументлашнинг мантикий асослари.....	182
Аргументлаш (далиллаш) ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши.....	182
Исботлаш ва унинг таркиби. Исботлаш турлари.....	183
Раддия, рад этиш усуслари.....	186
Исботлаш ва рад этиш коидалари, уларни бузгандан келиб чиқадиган мантикий хатолар.....	188
Муаммо. Гипотеза. Назария.....	195
Муаммоли вазият тушунчаси.....	195
Муаммони кўйиш ва ҳал килиш.....	196
Гипотеза.....	198
Назария.....	202
Назариянинг турлари.....	207
Адабиётлар.....	211

Маматхон Шарипов, Дилбар Файзихўжаева

МАНТИҚ

**Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни
қайта кўриб чиқиши ва янгиларини яратиш бўйича
Республика мувофиқлаштириши комиссияси томонидан
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

Нашр учун масъул
Таҳририят мудири
Муҳаррирлар

Мусаввир
Мусахҳиҳа

*Н. Халилов
М. Миркомилов
Г. Усмонова,
М. Йўлдошева
Ю. Габзалилов
Ф. Ортиқова*

ИБ №4200

Босишига 19.10.2004 йилда рухсат этилди. Бичими $84 \times 108^{1/32}$.
Офсет босма. Таймс гарнитураси. 11,34 шартли босма тобоқ.
12,5 нашр тобоги. Адади 5000. 29-2004 рақамли шартнома.
247 рақамли буюртма.

**«ЎАЖБНТ» Маркази,
700078, Тошкент, Мустақиллик майдони, 5**

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйи.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30//
700128, Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.**

Шарипов М., Файзихұжаева Д.
Ш26 Мантиқ: Ўқув қўлланма /Масъул мұ-
ҳаррир: А.Ўтамуродов. – Т.: F.Фулом номи-
даги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. – 216 б.
Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

ББК 87.4я7